

НАБИЖОН ҲОШИМОВ

# ЁВВОЙИ

ДЕТЕКТИВ  
САРГУЗАШТ  
РОМАН

# КЕЛИН



«LIDER-PRESS»,  
Тошкент 2008 йил

84(55)6

Набижон Ҳошимов. **“ЁВВОЙИ КЕЛИН”** Детектив саргузашт роман. Т. “Lider Press” – 2008. 300 бет.


**Ғоя муаллифи:** Неъматжон Ҳошимов

**Тақризчилар:** Эркин Хушвақтов – *Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси-нинг аъзоси, драматург.*

**Ҳақимбой Мўминов** – *Республика Саломатлик институтининг илмий ходими, Олий тоифали шифокор.*

Ю 34616  
291

*Мазкур асар Сабоҳат исмли аёлнинг аянчли ҳамда ажабтовур қисмати ҳақида бўлиб, ўткир сюжетли воқеалар, кутилмаган ходисалар ва саргузаштларга бойлиги билан ўқувчини ўзига ром этади. Инсонни гўзал табиатни севишга, узоқ умр кўриш учун завқланиб яшашга, жамиятимизда учраб турадиган баъзи қаллоб ва фирибгарларга нисбатан нафрат билан қарашга, қолаверса, гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб боришга даъват этади.*



ISBN 978-994-3-318-02-1

© “Lider Press” нашриёти, 2008 й.  
© “Дизайн-принт” МЧЖ ЎИЧК, 2008 й.

## МУҚАДДИМА ҲРНИДА «Ўввойи келин» романи ҳақида

Набижоннинг ижодига қизиқишимнинг пайдо бўлиши унинг «Арсат дувё» воқеий қиссаси билан боғлиқдир. Қисса тизим таъқибларидан қочиб, кимсасиз чўлда, ёввойи ҳайвонлар орасида ва қулгинларда, умрини деярли табиат кўйида ёлғизликда ўтказган Мамажон исмли йигитнинг машаққатли ҳаётига бағишланган. Зебузар исмли ўзбек қизининг аянчли тақдир ҳақидаги «Топталган гулбада» детектив қиссаси ҳам менда катта таассурот қолдирди.

Муаллиф билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашадиган бўлдик. Суҳбатларимиз кўпинча унинг асарларига асос қилиб олинган қаҳрамонларнинг ҳаётдаги вакиллари ва умуман бадий асарларнинг мақсади, моҳияти ҳақида бўларди. Касбим врач, соҳам касалликларнинг олдини олиш, очикроғи, тиббиёт тарғиботчилиги бўлганлиги учун у билан бўладиган суҳбатларимиз мавзуси асосан саломатлик, яъни хозирги кунда анча долзарб бўлган ҳаракат — Соғлом турмуш тарзи масалаларини бадий адабиётга киритиш, унинг муҳим талабларини бадий услубда баён этиш кабилар ҳақида бўларди. Мен бу соҳада унинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, бунинг учун шифокор ёзувчи бўлиши ёки ёзувчи саломатлик муаммоларини жуда яхши англаши лозимлигини айтдим.

Ана шундай учрашувларнинг бирида у «Инсон тақдирининг муаммолари ҳамда унинг саломатлиги масалаларига бағишланган бир асар ёзганим. Шунинг соғлиқни сақлаш мутахассиси сифатида бир кўриб берсангиз», - деб қолди. Асарнинг биринчи саҳифасини ўқишдан оқ унга боғланиб қолдим. Эртаси уни ўқиб тутатдим. Икки-уч кун давомида романдаги воқеаларнинг мулоҳазалари билан таъсирланиб жордим. Улардан мантқий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдим.

Кўпчилик асарларда бўлгани каби мазкур асарда ҳам икки ёш — ўртача амалдорнинг қизи Сабоҳат ҳамда оддий меҳнаткаш оиланинг фарзанди Мансур ўртасидаги муҳаббатга кўпроқ ўрғу берилган. Ёшларнинг муҳаббатларига тусқинлик қилувчи сабаблар ҳам ҳамма вақт топилади, албатта. Инсон кундалик турмушининг бу муаммоси асарда туманда раҳбар бўлиб ишловчи Акбар Солиевичнинг қизи Сабоҳатни ўзи ишлаётган соҳанинг марказдаги катта раҳбари Шоазим Шоҳайдаровичнинг эркатой ўғли Сарварбекка мажбурий унаштириш ва бу масалада унинг Акбар Солиевичга тазйиқ ўтказиши тариқасида баён этилган. Мансабни суйистеъмом қилиш, ёшларнинг соф ва беғубор муҳаббатларига қаршилик қилиш ҳаётда учрайдиган типик ҳолатлар ҳисобланади.

Воқеаларнинг ривожини иккита бойвачча йигит — Сарвар ҳамда москвалик йигит Андрейнинг тез ва осон бойиб, уларнинг шоҳона тўқин турмушини таъминлаш масаласи билан уйғунлашиб кетади. Уларнинг гўр каллаларида етилган фикрга кўра, бу йўлда энг осон иш гиёҳанд моддалари бизнесини ташкил этиш, бунинг учун эса, «заҳри қотил» ни арзон ва осон топиладиган йўллари излашдан иборат бўлади. Бу гоҳ уларни табиатнинг энг гўзал гўшаларидан бўлмиш ёввойи кўкнорилар ҳам учраб турадиган жаннатмакон сўлим масканлардан бирига ўхшаш Сарварнинг болаликдан орзусига айланган «Жаннатгор»га тамон стақлайди...

Мазкур воқеалар ривожини ҳам ҳамма бадий асарларга хос бўлган оддий мавзуга ўхшайди, албатта. Лекин мен ўйлайманки, бир воқеани ўн киши ҳикоя қилса, уни ўн хил талқин қилиши мумкин. Чунки ҳар кимнинг ўзига хос ҳикоя услуби бўлади. Худди бир хил гўшт, ёғ, гуруч, сабзи ва зираворлардан турли ошпазлар тайёрлаган ошнинг таъми, мазаси, ҳатто кўриниши ҳам ҳар хил

бўлганидек мазкур муаллиф ҳам ўзига хос бадний услуб ярата олган.

Роман ҳақидаги дастлабки фикрим шундан иборатки, у жуда содда ва тушунарли тилда ёзилган. Гўё икки киши ўзларининг ҳаётий муаммоларини ўзаро муҳокама қилаётган, сиз эса уларни тинглаб ўтиргандек... Айниқса унда турли миллат вакиллари ҳар бирининг ўз тилида сўзлашиши унинг ўқимишлилигини янада оширган. Уни мутоалаа қиларкансиз романга асос қилиб олинган воқеалар ривожини сизга ором бермайди. “У энди нима қиларкин? Бу ёғи нима бўларкин?” деган ўта ташвишли қизиқиш билан воқеликлар ичига тобора кириб бораверасиз. Асар ниҳояси улуғ бобокалонимиз Бобур Мирзо ҳазратларининг «Ҳар кимки вафо қилса, вафо топгусидир, ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидир», деган ҳаётий фалсафалари асосида яқунланади. Инсонларнинг саломатликларига ва ҳаётларига қасд қилганлар жазоланиб, қалбида оламларга яхшилик, эзгулик қилишни аҳд қилган асар қаҳрамонлари эса, соғлом оила, осойишта турмуш, эл-юрт бахт-соадати йўлида хизмат қилишдек инсонийлик муносабатларга эришадилар.

Муаллиф романда тоғу-тошларда узоқ йиллар яшаб, гиёҳлар тилини яхши биладиган Сафарёр табиб орқали баъзи бир гиёҳлар ва меваларнинг саломатликни сақлаш ва мустақамлаш хусусиятлари ҳақида ҳам фикр юритади. Ҳатто “заҳри қотил” деб ном олган кўкнори шираси «қорахон»ни гиёҳвандлик дардидан фориг бўлишда қўллашни таклиф этади. Сафарёр ўзининг бу усулини буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ҳазратларининг гиёҳванд беморни даволашда ҳар кунини истеъмол қилинадиган дорининг миқдорини оз-оздан камайтириб бориб даволаганини эслатиб, буни муолажада «нарвон усули» сифатида қўллаш мумкин, дейди. Фақат даволаниш жараёнини тўғри ташкил этилиб, беморнинг хатти-ҳаракатлари қаттиқ назорат қилинса бас.

Иккинчи усулни «жаҳонгашталиқ» десак тўғрироқ бўлар. Бу усул гиёҳванд беморда шакланган ва маълум даражада ўзини “дори”дан тортишга шароит яратувчи турмуш тарзини буткул ўзгартиришга асосланган. Дарवेशона ҳаёт, қишлоқма-қишлоқ юриш, турли одамлар ҳамда шароитлар таъсирида бўлиш, энг муҳими, одамларга кераклигини ҳис қила билиш, мунтазам курашиш ва бу билан боғлиқ шароитлардаги жисмоний зўриқишлар, ўзини гиёҳвандликдан тийишликлар, қолаверса, бу ҳолатнинг узоқ давом этиши пировардида шубҳасиз бутунлай даволаниб кетишга хизмат қилиши мумкин. Агар бемор бунга ўзини руҳан тайёрлай ола билса ва яна ёнида Сафарёрдек етакчи-раҳнамоси бўлса... Умуман гиёҳвандлик оқибати нохуш дард бўлганлиги учун ундан халос бўлишнинг исталган усулини қўллаш ўринли бўлади ва бу фақат яхшиликка хизмат қилиши мумкин, демоқчи бўлади муаллиф.

Асарда тоғларда ўсадиган ранго-ранг доривор гиёҳлар ҳамда турли мевалардан соғломлаштиришда кенг фойдаланиш фикрлари ҳам илгари сурилганки, буларни ҳам шу бугунги кунда бемалол қўллаш мумкин.

Хулоса қилиб айтишда бўлсам, Набижон Ҳошимовнинг «Ёввойи келин» романига асос қилиб олинган воқеалар бугунги кунимиз учун ниҳоятда долзарб бўлиб, ўқувчини ҳаёт, турмуш, соғлиқ масалаларида жиддий мулоҳаза юритишга мажбур қилади. Бу эса айни муддао. Асарнинг қимматли томони ҳам ана шунда, деб ўйлайман.

Ҳакимбой Мўминов



## I қисм

ОРЗУДАГИ ЖАННАТГОР  
ЎЗИНИ ЕҚҚАН АЁЛ

Туман прокурори Саид Акбаров телефон гўшагини қўяркан, жаҳл билан столини муштлаб қўйди. Нигоҳини воқеа жойида олинган ўз-ўзига ўт қўйган аёл суратига қаратди ва уни беихтиёр қўлига олди.

— Оббо, бир ҳафта бўлибдию, халиям шахсини аниқлай олишмаётганмиш. Милициядагилар нима қилишяпти ўзи?

Прокурор суратга синчиклаб назар ташлади. Жабрланувчининг уст-боши бир аҳволда эди. Устидаги ярми куйган кийим-боши теридан тикилганга ўхшарди. “Дайдиларданмикин?” деган фикр ўтди унинг хаёлидан. Лекин аёлнинг қулоғидаги тилла сирға ва бўйнидаги маржонларни кўриб бу фикридан қайтди. “Бу аёл ё лўли ёки тоғлик тожиклардан бўлса керак” деган хулосага келди ва гўшакни олиб рақамли тугмаларни босди.

— Алло, Исоқ Исломович, мен Саидман... Шукур, раҳмат. Мен яна анави куйган аёл масаласида. Менимча, у дайдиларга ўхшамайдику, нима дейсиз?... Демак, сиз ҳам шу фикрдасиз. Ўзига кеп қолдими? Йўқ?.. Ҳеч ким танимаяптими? Телевидениега беринглар. Хўжандга ҳам суратини жўнатинглар. Хўп... Нима, қидирувдагилардан бирига дейсизми? Ўхшайди? Тахминми? Ким экан у?.. Сабоҳат Султонова? Ие, тўхтанг, унда бу қиз ахир депутатимиз Акбар Солиевичнинг ҳалок бўлган қизи бўлиб чиқади-ку?! Э, қўйинг-е! Тахминниям сал ўйлаброқ-да. Баъзи жиҳатлари дейсизми?.. Сиёсатдан сал нарироқ, тинчроқ юраверайлик. Бўптими, ака. Хўп...

Саид Акбаров телефон гўшагини норози қўяркан ўзича гудраниб қўйди!

— Ҳе, топган тахминини қаранглар-у. Совуқдан совуқ. Оғримаган бошини ғалвага тикмоқчи шекилли, бу бола.

Эртаси туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи Исоқ Исломович прокурорнинг ҳузурига ўзи шошиб кириб келди.

– Нима гап, тинчликми? – деб сўради Саид Акбаров салом-алиқдан сўнг, “қўнғироқ қилсангиз ҳам бўлаверарди-ку” деган маънода.

– Маслаҳатли иш чиқиб қолди.

– Қани, марҳамат.

– Анави аёл тўғрисида.

– Нима, у ўзига келдими?

– Ҳа.

– Хўш-хўш?...

– Тахминимиз тўғрига ўхшаб қолди.

– Нималар деяпсиз?!

Подполковник ёнидан диктофонни олиб қўйди.

– Мана, энг тажрибали терговчимиз Эргашали ёзиб олибди.

– Эшитайликчи, – деди прокурор тезлик билан почкадан сигарета чиқариб тутатаркан.

Диктофоннинг кассетаси айлана бошлаб, шивиллаган овоз чиқарди.

– ...Синглим, тузукмисиз?

– Ҳа...

– Кўргуликда... хали кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Исмингиз нима?

– Сабоҳат.

– Мен Эргаш акангизман. Сабоҳатхон синглим, тушунаман, сизга ҳозир жудаям оғир. Шунинг учун қўлимдан келганича ёрдам қилмоқчиман. Нима бўлди, ўзи?

– ...

– Ҳа, майли. Яқинларингизга хабар беришим керак, шекилли. Отангиз ким бўладилар?

– Акбар ака.

– Фамилияси?

– ... Султонов.

– Қаерда турадилар?

– Яккатеракда. Лекин...

– Нима “лекин”?

– У кишига айтманг, илтимос.

- Нега?
- У киши мени оқ қилганлар.
- Онангизчи?
- Онам ўтиб кетганлар. Синглим бор.
- Қаерда туради?
- Билмайман.
- Турмуш ўртоғингизчи?
- Бор эди.
- Қаерда туради?

Диктофон жимиб қолди, пиқиллаган овоз эшитилди.

- Айтолмайман...
- Хўп, синглингизни қидириб кўраман. Исми нима?
- С–Саломат
- Демак, Саломат Султонова, Акбар аканинг қизи,

шундайми?

“Ҳа” деган паст овоз келди-да, диктофон жимиб қолди.

– Эргаш ака, кейинроқ гаплашарсиз. Бемор қийналиб кетди, – деган ҳамширанинг овози келди.

– Хўп бўлади...

– Терговчимизнинг айтишича, – деди подполковник, – унинг тишлари сарғайиб, бир нечтаси тушиб ҳам кетганмиш. Врачлар эса узоқ вақт тароқ кўрмаган сочла-рини тагидан олиб ташлашибди.

– Қизиқ, шу пайтгача қаерда юрган экан? Ёввойи бўп кетган эканми?


Исоқ Исломович ёнидан бир неча фотосурат чиқариб ташлади.

– Мана аёлнинг операциядан олдинги сурати. Оёқларига эътибор беринг. Мана, тўпиклари кўкариб кетган.

– Бу ниманинг изи? – деб сўради прокурор шилиниб, кўкариб, йиринглаб кетган оёқларни кўриб.

– Бу темир ҳалқанинг изи. У узоқ вақт занжирбанд бўлган.

– Нима, демак гаровда бўлган денг?



– Ҳа.

– Эҳ-ҳе, унда иш каттага ўхшайди-ку! Бу ишни ким қилган экан-а?

– Уни олиб қочган, яъни ўша жардан қулаб тушган, бизлар эса уни тўрт йил аввал ҳалок бўлганга чиқарган йигит.

Прокурор бироз ҳайронликда қотиб қолди. Алланималар эсига тушди шекилли, тугаб бораётган сигаретани кулдонга асабий босди.

– Сиз мободро собиқ Халқ контроли раиси Шоазим Шоҳайдаровичнинг ўғли ҳақида гапирмаяпсизми?

– Худди шундай.

Прокурор курсига ўтириб подполковникка жиддий нигоҳ ташлади.

– Сиз бунга қайдан билдингиз?

– Ҳозиргина бош ҳаким қўнғироқ қилиб айтди. Сабоҳат ҳамшира қизга айтганмиш.

– Шунақами? Ҳа майли, хали ўзимиз ҳам сўраб кўрамиз. Лекин гап бу ерда икки нуфузли, мартабали инсон ҳақида бормоқда. Шунга унутмайлик, бу шунчаки шантаж бўлиши ҳам мумкин. Аёлнинг руҳий ҳолати текшириб кўрилдими?

– Ҳа, руҳшунос “яхши” деган хулоса қилган.

– Унда нима қилдик?

– Акбар Солиевичга зудлик билан хабар қилишга тўғри келади.

– Тўғри. Нима бўлсаям у қизини таниб, тан олса, демак ҳаммаси равшан бўлади.

– Ишқилиб воз кечган қизини тан олармикан?

– Тўғри айтасиз, Лекин қайси ота ўз қизини тан олмас экан. Ёши ҳам бир жойга бориб қолди. Яна худо билади...

– Демак, ишни уларни юзлаштиришдан бошлашимизга тўғри келади.

Прокурор навбатдаги сигаретани тугатди-да, хизмат дафтаридаги варақлаб депутатнинг телефон рақамини топиб

аппаратнинг рақамли нуқталарини беозор босиб гўшакни шошилмай қўлига олди:

— Алло, ассалому алайкум, Акбар Солиевич! Мен Саидман, ҳамюртингиз, прокурор. Узр, безовта қилганим учун... Яхши, раҳмат... Раҳмат, хизмат йўқ, акажон. Бир нозикроқ масала чиқиб қолувди-да... Йўқ, жиянларингиз иш чиқаргани йўқ, ҳаммаси яхши, биз Исоқжон билан кўз-қулоқ бўлиб турибмиз. — деди у милиция бошлиғи билан кўз уриштириб оларкан, — Гап қизингиз Сабоҳат ҳақида... Нима? Унақа қизим йўқ дейсизми?... Э-ҳа, ҳалок бўлган, тўрт йил бурун-а?... Касалхонада бир қиз “Мен ўшаман” деб кўрсатма беряпти-да. Шунга бир келиб кетасизмикин, илтимос... Биз энди сизнинг обрў-мартабангизга гап-сўз тегмасин деймизда. Дўст-душманларни биласизку!.. “Овоза қилманглар” дейсизми? Хўп бўлади. Кечки рейс билан? Ўзим кутиб оламан. Хўп, кўришгунча хайр!

Саид гўшакни қўяркан “Ана шунақа гаплар” дегандек қалин қошларини чимириб қўйди.

— Саид Акбарович, мен нима қилай?

— Сизми? Ануви Катта раиснинг ўғли ҳақида зудлик билан барча маълумотларни тўпланг. Уни наркоман дейишарди, чоғим.

— Ҳа, у ҳисобда турарди. Лекин Тошкентга кўчиб кетишганидан сўнг у ҳақида ҳеч нима эшитмаганмиз.

— Демак, у ҳам ҳалок бўлмаган бўлиши мумкин.

— Қизни гаровга олган ўша демоқчимисиз?

— Наркоманлардан ҳар нарсани кутса бўлади. Уларнинг ўз дунёси бор.

— Эҳтимол аёлга нисбатан суиқасд бўлгандир?

— Менимча, йўқ. Агар суиқасд бўлганида аёлнинг қўл-оёғини боғлаб, тақинчоқларини ечиб олиб, бензинни ҳеч бўлмаганда бошидан қуйишган бўларди. Бу ҳолатда эса елкасидан ўз қўли билан қуйгани аниқ. Шунинг учун юзи ва оёқлари куймай қолган. Буни ўз жонига қасд қилиш дейилади.

— Пўстакдан тикилган уст-боши ҳам ёрдам берган.  
— Ҳа, тўғри, пўстак камзулининг олди очиқ бўлгани учун кўкракларидан белигача куйган. Энг муҳими, ўзига иккиланиб ўт ёққан.

— Демак, унчалик исён эмас, демоқчисиз-да.  
— Яшашга бўлган илинж уни тарк этмаган. Лекин бензин бензинда...

— Демак, депутатимизни кутар эканмизда, ишқилиб келишармикин?

— Келишмаса гап-сўз кўпайиб, ҳаммаёқ шов-шув бўлиб кетиши мумкин. Биз ҳам эҳтиёт бўлишимиз зарур.

— Лекин фавқулодда ходисани бахтсиз ходисага айлантириб қўя қолсак тинчроқ бўлармиди, — деди подполковник мийиғида маъноли жилмайиб.

Саид Акбарович ўрнидан туриб кетди. Уни нимадир безовта қила бошлаган эди.

— Тўғри, дўстим, — деди у шошилмай. — Шундай қилсак ҳам бўлади. Лекин кимлардир ўз жонига қасд қилаверса, ўз-ўзини осиб қўядими, сувга ташлайдими, ўз-ўзига ўт қўядими, биз уларнинг ҳаммасига бефарқ бўлиб, «бахтсиз ходиса», “вос-вос” бўп қопти, деб кўз юмиб, босди-босди қилаверсак, унда миллатимиз шаъни, қонун устиворлиги нима бўлади? Аксинча, бундай ходисаларнинг асл илдизи қаерда эканлигини чуқур ўрганишимиз ва унинг моҳиятини халқимизга етказишимиз керак. Токи бундай нохуш ходисалар бошқа такрорланмасин. Мана масала нимада, тушунарлими?

— Тушунарли.

— Бўпти, аэропортга бирга чиқамиз. Фуқаро кийимида бўлишимиз керак. Лекин айтиб қўяй, депутатнинг келиши ҳақида ҳеч ким, хатто бош ҳаким ҳам билмасин. Келишдикми?

— Келишдик.

\* \* \*

Аэропорт биносидан чиқиб келган депутат Акбар Солиевич кутиб олувчилар билан совуқ саломлашди. Унинг кайфияти яхши эмаслиги юз-кўзида акс этиб турарди.

— Яхши келдингизми? — деди Саид қўл узатиб.

— Хўш, қаерга боришимиз керак? — деб сўради депутат даб-дурустан.

— Куйганлар марказига — деди подполковник шоша-пиша.

— Нима, у куйиб қоптими? — деди мўсафид бепарво.

— Шунақа, шекилли — деди Саид ҳам қисқа қилиб.

Куйганлар маркази қоровули ҳозиргина халатларини ечиб тушликка чиқиб кетаётган бош ҳақимнинг ортидан чопиб бориб қандайдир нозик меҳмонлар келганини етказди.

— Келинлар, хуш келибсизлар. Тинчликми, акалар? — деб сўради ҳақим бир-бир сўрашаркан.

— Бизни оғир куйганлар хонасига бошланг, — деди Исоқ Исломович.

Акбар Солиевич унга «ялт» этиб қаради.

Улар тезлик билан юқори қаватларга кўтарила бошлашди.

— Кимни кўрмоқчисизлар ўзи? — деб сўради ҳақим Саидга шивирлаб.

Саид унинг қулоғига бирнима деди.

— Ҳа, унда бу ёққа, 12-палатага.

— Ҳамшираларга айтинг, ҳеч кимни киритишмасин. Ўзлари ҳам яқин келишмасин, — деди Саид жиддий.

Прокурор 12-палата эшигини хиёл очиб ичкарига назар ташлади. У ерда тепаси оқ парда билан тўсиб қўйилиб, фақат боши ва оёғи чиқиб турган бир аёл инграмоқда, бир ҳамшира қиз эса уни елпимоқда эди.

— Бу ёққа кириш мумкин эмас! — дея қичқирди қиз жаҳли чиқиб, — кўрмаяпсизми?!

Аёлнинг «Дадажон, ойижон, мени кечиринлар!» — дея тинимсиз инграши коридорга ҳам эшитилаётгани туфайлими Акбар Солиевичнинг ранги оқариб, қўллари беихтиёр титрай бошлади.

Саид бош ҳақимга юзланди:

— Илтимос, ҳамширангизга айтинг, чиқиб турсин.

— Сурайё, бир дақиқага...





## ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИДА

Орадан бир йил ўтди. Сабоҳат омон қолди. Фақат энди ҳасса таяниб оқсаброқ юрадиган, гапирганида пастки лаби тортишиб қийшайиброқ кетадиган, хуллас, бир умрга ногирон аёлга айланган эди.

Отаси Акбар Солиевич уни тан олди албатта, қизини турли докторларга, имконияти бориचा яхши қаратди. Хорижда тери бўйича пластик операциялар ҳам қилдирмоқчи бўлди, лекин бу яна узоқ вақт касалхонада ётишни талаб қилишини ўйлаб, ҳозирча бу фикридан қайтди. “Қизим, жуда чарчаган, руҳан оғир азоб чекди. Энди у бир оз дам олиши, асабларини тинчлантириши керак” деган хулосага келди. У Яккатерақдаги ҳовли-жойини сотиб пойтахтга кўчиб кетган ва бошқа бир аёл билан турмуш қурган эди. Шу туфайли Сабоҳат отасининг уйига боришга кўнмади. Акбар Солиевич буни тўғри тушуниб шаҳардан қизига ҳамма қулайликлар муҳайё қилинган уч хонали уй олиб берди. Сўнгра энг яхши сиҳатгоҳлардан саналган “Чимён” сиҳатгоҳига жойлаш учун шахсан ўзи бирга олиб борди.

— Овора бўлибсизда Акбар Солиевич, бир оғиз кўнғироқ қилсангиз бас эди, — деди сиҳатгоҳ бош ҳақими самимийлик билан .

— Э, йўқ. Бу бир эътибор. Қизим кўп оғир дард тортди, ёмон кунларни бошидан кечирди. Мен эса ўз вақтида хабар ололмадим. Асаблари жудаям чарчаган...

— Бўлди, опахонни яхши хоналарга жойлаб қўямиз, истаганларича дам олаверсинлар, — деди бош ҳақим ва ички телефондан кўнғироқ қилиб, апартамент хоналаридан бирини яхшилаб тайёрлашларига топшириқ берди.

— Даволаш муолажаларини ётоқ биносининг ўзида бажарамиз. Овқатни ҳам олиб кириб беришади.

— Йўқ-йўқ, ҳамма қатори бўлсин. Одамлар билан мулоқотда бўлсин, табиат қўйнида юрсин. Шунда у ўзига келади.

— Яхши, айтганингиздек қиламиз. Бир ҳамширани бириктириб қўяман.

— Иложи бўлса қизимга яхши ҳамроҳ топиб берсангиз.

— Хўп бўлади.

Қизларининг “Қариганингизда курортма-курорт юриб нима қиласиз, уйингизда худо деб ўтирсангиз бўлмай-дими?” деган танбеҳларига қарамай, Ақромжон ака ҳам ўша кунлари сиҳатгоҳга жойлашган эди. Бунинг нимаси ёмон? Кўпчилик билан танишади, соғлигини тиклайди, тенгқур-ларини топиб олади ва эҳтимол, ўзига муносиби ҳам учраб қолса, ажабмас...

...Хотини Ҳуринисо раҳматли ўтиб кетганига қарийб ўн йил бўлибди. Шундан бери сўққабош. Кичик ўғли Нусрат билан бирга туради. Лекин Нусрат бевош чиқди. У қуруғидан ҳам тортиб турадиган, бири икки бўлмайдиган ношукур, гиёҳвандликка берилган йигит бўлди. Келини Ҳадича ҳам доим эридан норози. Боғчада ишлайди. Ишдан келиб елиб-югуриб уй ишларини бажаради, болаларига қарайди, қайнотасини ювиб-тарайди. Шундай тилло келинини Нусрат куйдираверганидан Ақромжон аканинг жиғи-бийрони чиқади. Баъзида бош олиб уйдан чиқиб кетишни ихтиёр қилиб қолади ёки ёнида маслакдош умр йўлдоши бўлишини кўнгли тусайди.

Катта ўғли Анвар алоҳида яшайди. У ҳар ҳолда эслихушли. Отасидан тез-тез хабар олиб туради, топиш-тутиши ҳам ёмонмас, узумдан яхши даромад қилади. Ақромжон акани яна уч қизи бор. Улар ҳам уйли-жойли бўлиб кетишган. Уччаласи ҳам қақажон. Гоҳ-гоҳ ота уйига бостириб келиб қолишади. Ўз дардлари, етишмовчилик-лари тўғрисида гапиравериб оталарининг бошини қоти-ришади.

Умуман олганда эса, фарзандларига бирнима аён эди. У ҳам бўлса оталарига боболаридан қолган тилла бойлик ва унинг кимга қанча мерос бўлиб тегиши тахликага солиб турарди. Шу туфайли улар бирнарсдан қаттиқ хавотирланишарди, яъни тўрт мучаси соппа-соғ бўлган оталарининг исталган маҳали уйланиб олиш хавфи бор эди. У ҳолда янги меросхўр пайдо бўлиши мумкин. Айниқса, катта қизи Ҳидоят тез-тез ука-сингилларига дийдиё қилиб, бу ҳолатга асло йўл қўйиб бўлмаслигини эслатиб турар, отасига

номзоди кўрсатилган аёллар ҳақида эшитиб қолгудек бўлса, ўша аёлнинг ўзи тугул етти авлодини ҳам ёмон отлиққа чиқаришга қўлидан келганича ҳаракат қиларди. Эҳтимол шу туфайли ҳам Акромжон ака ҳамон сўққабаш эди.

Тақдирнинг тақозоси билан Сабоҳат билан Акромжон ака ошхонада бир ётолга ўтириб қолишди. Мўъжаз дастурхон албатта одамларни бирлаштиради. Турли тоифадаги одамлар бундай даврада танишиб, дардлашиб, ҳатто қалин биродар ҳам бўлиб кетишади. Баъзида эса тақдирларини ҳам бирлашишига сабаб бўлиши мумкин экан.

Дастлаб Акромжон ака лабларигача беркитиб ўтирадиган, энги узун беўхшов кўйлак кийиб олган Сабоҳатни тақводор аёллардан деб ўйлади. Унинг ийманиб овқатланишидан анчагина хижолат чекди. Улар деярли гаплашишмади. Асосан гап-сўз унинг шериги, очиқ-қувноқ хотинлардан бўлган Доноҳон билан бўларди.

— Сиз — синглим, бемалол овқатдан олаверинг, тортинманг. Бу ҳам бир дард-да... Менинг раҳматли хотинимда ҳам шунақа дард бўлганди, — деди мўйсафид кунлардан бир куни тўсатдан. — Лекин уни даволатганман. Тошкентда зўр табиб бор экан. Гап йўқ, бир йилга қолмай шифо топиб кетди. Худо хоҳласа, сизга ҳам ўша табибнинг манзилини бераман. Эҳтимол, бирга олиб борарман ҳам.

— Вой акажон, нималар деяпсиз, шеригимнинг ҳеч қанақа дарди йўқ, — деди Доноҳон қошини чимириб.

— Унда жуда яхши, бемалол, тортинманг бўлмаса. Мени ўз акангиздай кўраверинг. Тўғрими, синглим?

— Ҳа. Сабоҳатхон жуда ажойиб аёл эканлар-да. Лекин бошларига жа оғир кунлар тушган экан.

— Узр, синглим, унда...

Доноҳон Акромжон аканинг оёғини маъноли босиб кўйди:

— Бу киши ўтда куйиб қолган эканлар, холос.

— Э-ҳа, узр, — деди у тушуниб ва гапини тезда ўнглаб олди. — Буниям давоси оддий, ғознинг ёғи-да. Менинг тўрт ғозим бор. Иккитасини сизга совға қилганим бўлсин. Икковидан бир кило ёғ чиқади.

Аёллар кулиб юборишди. Сабоҳатнинг кўзлари кулар, бундай самимий инсон билан танишиб қолганидан у илк бор ўзини эркин тута бошлади. Афсуски, муддати тугагани учун тез кунда Донохон сиҳатгоҳни тарк этди. У кетишидан бир кун аввал Акромжон акани бир четга чақириб олиб, Сабоҳат тақдири ҳақида эшитганларининг ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берди. Сабоҳатнинг аянчли қисматини эшитган мўйсафиднинг унга нисбатан ҳурмати хаминқадар ошдики, унинг сабр-бардошига, матонатига таъзим қилгиси келди.

Шериги кетиб қолгани учунми, Сабоҳат нонуштага чиқмади. Акромжон ака негадир бетоқат бўлиб, унинг йўлига кўз тикди. Томоғидан ҳеч нарса ўтмади. Уни даволаниш биносидан қидириб кўрди. Коридорлар бўйлаб у ёқ-бу ёққа беихтиёр юраверди. Тушлик бўлишини сабр-сизлик билан кутди. Лекин вақт қурғур ҳа деганда ўтавермади. “Ишқилиб, тушликка келармикин? Келмаса-чи?” — деган ўй унинг фикру-хаёлини қамраб олди. “Келмаса хонасига ўзим овқат олиб бораман. Унинг ахир бу ерда мендан яқин яна қанақа дардқаши бор?”

Кутганидек бўлди. Сабоҳат тушликка ҳам келмади. Мўйсафид ошпазлардан столдошининг мазаси қочиб қолганини ва унга тушлик тайёрлаб беришларини илтимос қилди.

— Хавотир олманг, амаки, — деди официант қиз, — у каттаконнинг қизи экан. Уни кўргани сатта ман-ман деганлар келишяпти.

— Йўғ-е, шу ногирон аёлни-я?

— Ҳа, бугун эрталаб туманимиз ҳокимининг хотини келиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим.

— Э, шунақами, — деди мўйсафид гўё ўзини ҳайратлангандай кўрсатиб ва ўзича: “Сиз айтмадингиз-мен эшитмадим” деб қўйди-да, ошхонадан шашт билан чиқиб, ташқаридаги каобпазга каобоб буюртирди.

Сабоҳат столдош кишининг ташрифини ҳеч ҳам кутмаганди. У фаррош аёлга хонасини тартибга солиб беришни илтимос қилмоқ учун эшикни шундоқ очган ҳам

эдики, қўлида пакет кутариб жилмайиб турган Ақромжон акага рўпара бўлиб бир сапчиб тушди. Аёл уй халатида бўлиб, оғзи-томоқларини ўрамаган эди. Шу туфайли ҳам унинг бўйнидаги ва қўлларидаги куйган жойлари тиришиб-тортишиб, яққол кўзга ташланиб турарди.

— Вой ўлмасам! — деди у ўзини шоша-пиша ичкарига оларкан.

— Э, бор экансизку! Мазаси қочиб қолдими, деб хавотир олиб, кўргани келятувдим. Мумкинми? — деди киши томоғини сохта қириб ва эшикни тақиллатиб.

— Ҳа, узр. Киринг, кираверинг, — деди аёл улкан рўмолини бошига тез ташлаб чиқаркан.

— Қалай, тузукмисиз?

— Шукур, раҳмат.

— Манави кабоб, особий заказ қилдирдим. Қайноққина еб олсинлар.

— Вой, бекор овора бўпсизда. Келди-кетди кўп, егуликлар тўлиб ётибди. Шунга ошхонагаям боришимга хожат қолмаяпти.

— Ундоқ деманг, синглим. Одам бу ерга овқат ейиш учун келмайди. Балким бир-бири билан суҳбат қуриб дийдорлашиш учун келади. Одам тафтини одам олади дейдилар.

— Вой, қани марҳамат, ўтирсинлар, бемалол.

— Раҳмат. Бу дейман, ёмон куйган экансизда-а?

— Ҳа, энди, бир бўлганди-да.

— Буни давоси бор.

— Фоз ёғими? — деди аёл қулиб

— Йўқ. Ҳозир пластик операция деган нарсаям чиққан.

Яъни янги терини кўчириб қўйиш дегани.

... Шу алфозда бир пиёла чой устида ширин суҳбат давом этди. Мўйсафид ниҳоят уни ошхонага чиқиб туришга, сойлар, боғлар қўйнида бирга сайр қилиб туришга кўндирди. Уларнинг ўртасида самимий дўстлик ришталари пайдо бўлганди.

## ТУНЛАРДАН БИР ТУН ЭДИ

Хўш, ҳаётида неча-неча ошиқларни, Катта раҳбарнинг банги ўғлини ва ниҳоят, мўсафид Ақромжон аканинг ҳам дилини ром айлаган Сабоҳат асли ким эди?

У ҳақиқатдан ҳам Бешкапа тумани раҳбари Ақбар Солиевичнинг қизи эди.

Ўша даврда Халқ контроли раиси Шоазим Шоҳайдарович мазкур тумандан етишиб чиққан республика раҳбарларидан бири бўлиб, Ақбар Солиевичнинг суянган тоғи, амалдаги ҳамкори эди. Ўрталарида ўзаро ака-укачилик, бир олам ҳурмату-мулозамат ҳукмрон эди.

Раис албатта пойтахтда истиқомат қилар, Ақбар Солиевич уникига тез-тез бориб турар, ўрик олайсаёқ ғўрасидан, хандалак сарғайсаёқ хамагидан, узум қорайса шарбатидан, боғнинг янги пишган олмаю нок, нашватисидан етказиб олиб борарди.

Йиллар ўтди. Ақбар Солиевичнинг икки қизи ҳусни-жамолда тенги йўқ қизлар бўлишган бўлса, Шоазим Шоҳайдаровичнинг арзанда ўғли Сарвар эркаликда ягона, “қуруғидан тортувчилар” ичра шохона ҳаёт кечирувчи йигит бўлиб етишди.

Сабоҳат мактабни тамомлаб медицина институтига ўқишга кириш учун борганида албатта дастлаб Шоазим акаларнинг уйида яшади. Қизга алоҳида хона ажратиб бердилар. У берилиб дарс тайёрлар, институтга Сарвар каби отасининг мавқеи билан эмас, балки ўз билим кучи билан киришга тиришарди.

Макиён беданани кўрган модасининг «питбилдиқ» дейиши, албатта табиий хол. Сарвар Сабоҳатга ўринсиз шилқимликлар ва қочиримлар қила бошлади. Шу туфайли қиз институтга кириб олгунча тишини тишига қўйиб чидади. Йигит тун билан ўз хонасида қизнинг ётоғини пойлаб чиқар, у ҳам ташқарига чиққудек бўлса лип этиб чиқиб йўлида рўпарама-рўпара бўларди.

Тунлардан бир тун тўлин ой кечаси эди. Ҳамма уйқуга кетган, Сабоҳат эса, одатдагидек дарс қилиб ўтирарди. У

эдики, қўлида пакет кўтариб жилмайиб турган Акромжон акага рўпара бўлиб бир сапчиб тушди. Аёл уй халатида бўлиб, оғзи-томоқларини ўрамаган эди. Шу туфайли ҳам унинг бўйнидаги ва қўлларидаги куйган жойлари тиришиб-тортишиб, яққол кўзга ташланиб турарди.

— Вой ўлмасам! — деди у ўзини шоша-пиша ичкарига оларкан.

— Э, бор экансизку! Мазаси қочиб қолдим, деб хавотир олиб, кўргани келятувдим. Мумкинми? — деди киши томоғини сохта қириб ва эшикни тақиллатиб.

— Ҳа, узр. Киринг, кираверинг, — деди аёл улкан рўмолини бошига тез ташлаб чиқаркан.

— Қалай, тузукмисиз?

— Шукур, раҳмат.

— Манави кабоб, особий заказ қилдирдим. Қайноқ-қина еб олсинлар.

— Вой, бекор овора бўпсизда. Келди-кетди кўп, егуликлар тўлиб ётибди. Шунга ошхонагаям боришимга хожат қолмаяпти.

— Ундоқ деманг, синглим. Одам бу ерга овқат ейиш учун келмайди. Балким бир-бири билан суҳбат қуриб дийдорлашиш учун келади. Одам тафтини одам олади дейдилар.

— Вой, қани марҳамат, ўтирсинлар, бемалол.

— Раҳмат. Бу дейман, ёмон куйган экансизда-а?

— Ҳа, энди, бир бўлганди-да.

— Буни давоси бор.

— Ҳоз ёғими? — деди аёл кулиб

— Йўқ. Ҳозир пластик операция деган нарсаям чиққан.

Яъни янги терини кўчириб қўйиш дегани.

... Шу алфозда бир пиёла чой устида ширин суҳбат давом этди. Мўйсафид ниҳоят уни ошхонага чиқиб туришга, сойлар, боғлар қўйнида бирга сайр қилиб туришга кўндирди. Уларнинг ўртасида самимий дўстлик ришталари пайдо бўлганди.

## ТУНЛАРДАН БИР ТУН ЭДИ

Хўш, ҳаётида неча-неча ошиқларни, Катта раҳбарнинг банги ўглини ва ниҳоят, мўйсафид Акромжон аканинг ҳам дилини ром айлаган Сабоҳат асли ким эди?

У ҳақиқатдан ҳам Бешкапа тумани раҳбари Акбар Солиевичнинг қизи эди.

Ўша даврда Халқ контроли раиси Шоазим Шоҳайдарович мазкур тумандан етишиб чиққан республика раҳбарларидан бири бўлиб, Акбар Солиевичнинг суянган тоғи, амалдаги ҳамкори эди. Ўрталарида ўзаро ака-укачилик, бир олам ҳурмату-мулозамат ҳукмрон эди.

Раис албатта пойтахтда истикомат қилар, Акбар Солиевич уникига тез-тез бориб турар, ўрик олайсаёқ ғўрасидан, хандалак сарғайсаёқ хамагидан, узум қорайса шарбатидан, боғнинг янги пишган олмаю нок, нашватисидан етказиб олиб борарди.

Йиллар ўтди. Акбар Солиевичнинг икки қизи ҳусни-жамолда тенги йўқ қизлар бўлишган бўлса, Шоазим Шоҳайдаровичнинг арзанда ўғли Сарвар эркаликда ягона, “қуруғидан тортувчилар” ичра шохона ҳаёт кечирувчи йигит бўлиб етишди.

Сабоҳат мактабни тамомлаб медицина институтига ўқишга кириш учун борганида албатта дастлаб Шоазим акаларнинг уйида яшади. Қизга алоҳида хона ажратиб бердилар. У берилиб дарс тайёрлар, институтга Сарвар каби отасининг мавқеи билан эмас, балки ўз билим кучи билан киришга тиришарди.

Макиён беданани кўрган модасининг «питбилдиқ» дейиши, албатта табиий хол. Сарвар Сабоҳатга ўринсиз шилқимликлар ва қочиримлар қила бошлади. Шу туфайли қиз институтга кириб олгунча тишини тишига қўйиб чидади. Йигит туни билан ўз хонасида қизнинг ётоғини пойлаб чиқар, у ҳам ташқарига чиққудек бўлса лип этиб чиқиб йўлида рўпарама-рўпара бўларди.

Тунлардан бир тун тўлин ой кечаси эди. Ҳамма уйқуга кетган, Сабоҳат эса, одатдагидек дарс қилиб ўтирарди. У



ниҳоят, чарчади. Ечиниб ётмоқчи бўлди. Лекин кўзи коп-тоқдек тўлин ойга тушди ва уни яхшироқ томоша қилиш, тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш мақсадида ич кийимда балконга чиқди. Нурли туннинг ўзига хос гўзаллигига, чигирткалар ва қурбақаларнинг “қўшиқ”ларига маҳлиё бўлиб туриб қолди.

Лекин бу пайтда Сарвар ҳам уйғоқ бўлиб, хонасининг чироғини ёқмаган, балки ота-онасининг уйқуга кетганидан фойдаланиб креслога ўтириб наша тутатар, нашанинг тутунларини атайин юмалоқ-юмалоқ қилиб тўлин ойни уларнинг доирасига илинтирмоқчи бўлаётганди. Не ажаб-ки, шу маҳал доиралардан бирида тўлин ой, иккинчисида ойданда гўзал хурлиқо пайдо бўлди. Йигитнинг томир-ларидagi қайноқ қон жўш урди, юраги эса, қафасга тушган ола қаптардай типирчилай бошлади. Гўё қафаснинг эшиги очилиб кетдию қанот қоқиб фариштаннинг теварагида айлана кетди. Ой нури баданида акс этиб турган қиз ҳам биргалашиб уча бошлади. Улар шундай чарх урдиларки, хатто тўлин ой ҳам ҳайратда эди. Қиз йигитга табассум ҳадя қилар, йигит эса тинимсиз куларди. Хуллас, Сарвар то тонгга қадар креслога қийшайган ҳолда ишлаётган эски тикув машинасининг ўқидай қиқирлаб чиқди. Шу тундан эътиборан у Сабоҳатга нисбатан ўзгача кўз билан олайиб, оғзини ярим очиб маҳлиё бўлиб қарайдиган, наркотик таъсирида эса, ўзини у билан бирга тасаввур қиладиган бўлиб қолди. Наша уни қониқтирмай қолганди. Энди тунда билагига шприц уриб қизга томон “еб кўйгудек” даражада тикилиб турадиган қилиқ чиқарди. Фақат қиз чироқни ўчиргандагина у ҳам букчайиб пинакка кетарди.

... Тушларининг бирида қиз билан бирга у қорли тоғлар сари учиб кетганмиш ва улар илиқ булоқ суви оқиб турган сўлим бир жойга қўнишганмиш. Теварак-атроф кўкнори гулларидан шундай гўзал эмишки, унда кийик болалари сакраб-сакраб чопишар, сайроқи қушлар сайраб-сайраб учишармиш. Тоғ бағрида улкан ғор бўлиб унинг ичида ҳамма нарса бисёрмиш. Ҳеч ким ҳалақит қилмай-диган, ҳамма

егуликлар тўкин, тилла тақинчоғу бежирим кийим-кечаклар мўл бўлган бу шохона ёрда фақат иккисигина ишрат қилиб яшашармиш.

Афсуски, мана шу тасаввур Сарварнинг миясида қаттиқ ўрнашиб қолди. У қуруғидан тортгани ҳамон кўз ўнгидан ана шу гўзал манзара намоён бўлар ва шу жаннатни ўз қўли билан яратишдек кўкнори орзу билан яшар, ўз дунёсини қурарди.

— Мен албатта ўша ёққа бораман, бирибир сени олиб кетаман. Биз хали шохона яшаймиз. Ҳар куни маишат қиламиз. Ҳеч ким бизга ҳалақит бермайди, — деди у яна кизга узоқдан еб қўйгудек бўлиб термулиб.

Хайриятки, тез орада Сабоҳат ўқишга кириб олди ва институт ётоқхонасига жойлашиб, телба йигитнинг нигоҳий таъқибларидан ҳалос бўлгандай бўлди. Лекин арзанда йигит носқовоғини йўқотган бангидек бўлиб қолди. Буни онаси Гавҳарой сезди.

Гавҳарой ўғлининг дарди ва ҳолатини яхши биларди. Лекин иложи борича бу аҳволни эридан сир тутарди. Эри эса туну-кун ўз иши билан банд бўлиб, ўғли тўғрисида қайғуриш, унинг тарбияси билан машғул бўлиш вазифасини хотинига топшириб қўйган, ўғлига энг олди машиналардан бирини олиб берган ва хотини айтган пулни кўп тортишмай топиб бераверарди.

Оқибатда раиснинг кошона уйида ёввойи ҳаётни, тоғдаги ёрни орзу қиладиган ўғил вояга ета бошлади ва оч назарини Сабоҳатга ташлади.

## ФОНАТНИНГ ТУҒИЛИШИ

Собиқ шўро ҳукумати давридаги Москвага қарамлик шамоли Республика марказқўмидаги нуфузли лавозимлардан бирини эгаллаб турган Шоазим Шоҳайдарович умргузаронлик қилаётган уйнинг томидаги тунукаларни ҳам тарақлатмай қўймасди, албатта. Нозиктаъб ўрис акахонлар ё текширув ёки шунчаки дам олиб кетиш важида Тош-кентга тез-тез ташриф буюришни канда қилишмасди. Халқ контроли раиси москваликларга ҳар сафар ғайриоддий овлар ташкил қила билиши билан маъқул бўлиб қолган эди. Хатто уни “Азим-охотник” деб ҳам аташарди.

Кунлардан бир кун уни қўллаб-қувватлаб турадиган катта раис Сергей Ивановичнинг ўзи қўнғироқ қилиб қолди:

— Азимчик, дорогой, организуи, пожалуйста ”неделку на Комарово”.

— Хоп, сделаем.

— Чтобы было такое место...

— Есть такое место, просто шикарное.

— Мне шикарное не нужно, а наоборот, нужна естественная, дикая природа.

— Хорошо. Устроим поездку в дикое место.

— Чтобы без всяких церемоний. Беру отпуск. В этот раз на море не собираюсь, а приеду к тебе. Договорились?

— О-о, пожалуйста, приезжайте. Будете дорогими гостями!

— Азимчик, я тебе опять повторяю, чтобы без всяких церемоний. Чтобы никто из вашего руководства не узнали и не мешали. Просто хочу отдохнуть по-человечески. Понял?

— Понял.

— Прилетаю в воскресенье. Возможно с кем-нибудь.

— Хорошо. Я всё понял. Как говорится “готовимся на охоту”...

— “На недельку в Комарово”, — деди кулиб Сергей Иванович гўшакни қўяркан.

Шоазим Шоҳайдарович зудлик билан ёрдамчисини чақиртирди.

— Ҳакимжон, бугун қайси кун?

— Чоршанба, нимаиди?

— Ҳеч кимга оғиз оча кўрманг. Якшанбага бизга нозик меҳмон келяпти.

— Юқориданми?

— Ҳа.

— Нима қилиш керак?

— “Ўта ёввойи жой ва ов бўлсин” деди.

Ҳакимжон ич-ичидан кулиб қўйди. “Қизиқ, хўжайин “Дикая природа” сўзини ўзича антиқа таржима қилган кўринади”, деди ўзига.

— Зомин-да — деди у иккиланмай.

— Э йўқ, у тарафга ўтган сафар боришган. Бу сафар у ароқхўрлик учун эмас, ўзи отган ўлжасини ўз қўли билан пишириб еб, одамга ўхшаб асабларини дам олдирмоқчи. Хўш, қаерга олиб борсак экан?

— Ёввойи жойлар кўп. Лекин шароити йўқ-да.

— Қанақа шароит?

— “Ванна-панна” дегандек.

Раис кулиб юборди:

— Ҳазилни йиғиштиринг-е. Хе, қишлоқи, гапингизни қаранг-у, ваннамиш-а. Хой инсон, унга табиий булоқ суви керак, тоғ-тош керак, кесак-гувала керак, тушундингизми?

Ҳакимжон чойнак устидан ғилофни ечди-да, аччиқ бўлиб етилган чойдан қуйиб узатди. Шоазим Шоҳайдарович ундан хўпларкан “Ҳай-ҳай, худди бангилар ичадиган кўкнори чойи бўпти-да” деб қўйди.

— Кўкнори дейсизми? — деди Ҳакимжон хаёлига келган бир фикрдан ғурурланиб.

— Ҳа, нимайди?

— Москвалик меҳмонни бир кўкнори чой билан сийласак бўлармиди?...

— Оригинал фикр. Лекин бир ҳафтада банги бўп қолмайдими?

— Бўлса нима. Сизни тез-тез эслаб туради-да, — деди ёрдамчи ҳи-ҳилаб кулиб

Бошлиқ хурсанд бўлиб кетди.

— Хе, каллангизга қойил-е, Ҳакимжон-пилик. Демак, шунақа кўкнори экиладиган жойларга олиб бориш керак. Ёввойи ҳайвонлар ҳам кўп бўлсин.

— Дачада-я?

— Э, яна қанақа дача?! Фирт ёввойи жой бўлсин, деяпман. Одам зоти қадам изи қилмаган бўлса яна яхши. Ўйланг, эртагача бориладиган жой аниқ бўлсин. Кейин ўшанга қараб тайёргарлик қўрамиз.

— Хўп бўлади,— деди ёрдамчи йигит итоат билан ва бошини қашлаб чиқиб кетди.

Эртаси тунда Ҳақимжон хўжайиннинг уйига келиб, ана шундай жой топилганини маълум қилди. Бошлиқ 5 ёшли Сарварни ўйнатиб ўтирарди. Бундай жой Хисор тоғларида эмиш.

— Бориб кўриб, жойни аниқ қилиб келиш керак.

— Вертолёт учун ҳеч гап эмас. Зарафшон дарёси бўйлаб кетилаверади, сўнгра бир чўққи томон юрилар экан.

— Дада, мен ҳам борай, — деди Сарвар ялинганнамо.

— Пиёда ҳам борса бўларканми? — деб сўради бошлиқ ўғилчасини илтижосига эътибор бермай.

— Панжикентдан 16 кунлик йўлмиш.

— Эҳ-ҳе, жа узоқ эканда. Қандай топдингиз?

— Топдимда. Бир оғайнимнинг таниши ўша ёққа бориб турармиш. У ерда улкан ғор бормиш, ғор ичида иссиқ булоқ чиқармиш. Булоқ суви жилға бўлиб оқармиш. Жилғага ҳайвонлар сув ичгани тушишармиш.

— Воҳ, зўрку!

— Ундан ҳам зўри катта кенглик жойда кўкнорилар ўсиб ётармиш.

— Баракалла, эртагаёқ учиб бориб келамиз.

— Мен ҳам бораман, — деди Сарвар тихирлик қилиб.

— Бўпти, ўғлим, сениям опкетаман. Бир кийикларни кўриб келгин.

Сарвар хурсанд бўлиб, дадасининг бўйнига осилиб олган эди, ўшанда...

Эртаси ҳақиқатдан ҳам Сарвар дадаси, Ҳақимжон билан вертолётда узоқ сафарга отланишди. Болакай учун бу ўта қувончли дамлар эди. У улкан дурбинни қўлига олиб, иллюминатор ойнасидан қараркан, ҳадеб "Дада, қаранг!", — дея қичқираварарди. Дадаси ҳам баъзан "Ху анавини қара, кўряпсанми?..." — дея ўғлининг қувончига шерик бўлмоқда эди. Ниҳоят бепоён дала пайкалларию, қишлоқлар тугаб, адирлик ва тоғликлар бошланди.

— Ҳақимжон, Зоминга кетяпмизми?

— Ҳа. Ундан ўтиб кетамиз.

— Э, шунақами. Мен дачамизга кўниб ўтамиз, шекилли, деб ўйлабман.

— Ахир ҳаммаси табиий бўлсин деяпсиз-ку!

— Демак, Хисор тоғлари шу ёқда эканда. Тожикистонликларга мазза, дам оладиган жойи кўп. Душанбелик дўстим Азиззодани москваликлар, биласизми, нима деб чақиришади?

— Йўқ.

— “Азиз-форель” дейишади. Марказқумда кимнинг тадбири бўлса форель балиқ унинг бўйнига илинади.

— Биз бораётган жойда ҳам шунақа балиқ бўлса, ажабмас.

— Оҳ-оҳ, қанийди, укам! Мен Азиззода устидан галаба қилган бўлардим-ку!.. Қанақадир дарё кўриняптими?

— Ҳа, бу Зарафшон.

— Сарвар кўряпсанми, хув ануви дарёни?

— Ҳа, кўряпман.

— Бу Зарафшон экан. Ҳадемай мактабда ҳам ўргана-сизлар. Ўқитувчинг шу дарсни ўтганида, “Мен уни кўрганман” дейсан. Шунда сенга “аъло” баҳо қўяди.

Бола янада севиниб кетди ва дурбинга ёпишиб дарёнинг соҳилларини, атрофдаги ажойиб сўлим манзараларни завқ билан кузата бошлади.

— Дада, анувини қаранг, хайвонлар сув ичишяпти!

— Ҳа, булар ёввойи эчкилар. Архарлар ҳам дейилади. Лекин гап йўқ, Ҳакимжон, — деди раис ёрдамчининг елкасига шапиллатиб уриб, — зўр жойлар экан.

— Жойларнинг зўри энди келади, хўжайин.

— Бу шопирларингиз қаёққа учишни билишадими, ўзи?

— Мен картадан тахминан кўрсатиб қўйганман. Биз Жаннатгорни излаймиз.

— Жаннатгор денг, номи ажойиб экан. У ерда ҳеч ким яшайдими?

— Агар ўлиб кетмаган бўлса, бир киши яшаса керак. Лекин бу жойларда ёлғиз инсон яшаши қийин. Чунки йўл жуда оғир. Фақат пиёда ёки вертолётда борса бўлади.

Ҳадемай дарё ортда қолиб, кимсасиз бепоён тоғлар бошланди. Вертолёт булутларга туташиб кетган бир улкан

чўққи сари парвоз қилмоқда эди. Ям-яшил арчазор тоғлар турли гуллар, тоғ ўсимликлари билан бурканган. Сўлим даралар, шаршараларга айланиб оқаётган жилғалар, нималарнингдир шаклига ўхшаб кетадиган улкан харсанглар билан қопланган тоғ тизмалари ўзгача салобатли эди. Шу пайт учувчи: “Шу ер эмасми?” — дегандек ишора қилди.

— Чўққининг жануб тарафига ўтамиз,— дея қичқирди Ҳакимжон.

— Нега энди у тарафга? — деб сўради раис қизиқсиниб.

— Жаннатгорнинг оғзини жанубга қараган, дейишганди.

Шундай қилиб, йўловчилар ва учувчилар аллақандай горни излай бошлашди. Ниҳоят атрофи гулларга бурканган бир жилға оқиб чиқиб келаётган улкан тошлар оралиғида қорайиб бир гор кўринди.

— Шу ер, шу ерга кўнамиз! — деди ёрдамчи йигит қийқириб.

Вертолётнинг шамолидан очилиб турган гуллар кўзни қамаштириб безовта силкинишди, ўтлаётган кийиклару архарлар хуркиб қочишди, тоғ бургутларининг гаши келиб қийқириб кўйишди. Болақай қанотли машинадан туша солиб гулларга ёпишди ва уларни уза бошлади. Шоазим ака бу ҳолатдан негадир асабийлашди.

— Тегма уларга, ташла! — деди у кутилмаганда қичқириб.

— Нега?— деди Сарвар ҳайрон бўлиб.

— Бу ёмон гуллар, кўкнори дейишади,— деди дадаси.

— Нимаси ёмон?

— Одамни тентак қилади.

Сарвар ҳайрон бўлиб узган гулларнинг бир қисмини ерга сочди ва думалоқ кўрақларидан бирини тишлаб кўра бошлади.

— Аҳмоқ, ташла дедим сенга! Яна айтганимни қилмасанг, иккинчи бир жойга олиб бормайман.

Кўкнори бошини тишлаб чайнаб улгурган Сарвар

унинг таҳирлигидан жирканиб тупириб ташлади ва қолган гулларни ҳам итқитиб жилға сари чопиб кетди. У қўлини ювиб оғзини чайр экан, тўсатдан қичқирди:

— Дада, сув илиқ экан.

— Қўйсангчи, тоғда сув илиқ бўларканми? — деди дадаси ва ўзи ҳам сувдан хўплаб кўрди. — Ие, ҳақиқатданам, вей. Бу минерал сувмикин-а?

— Бўлиши мумкин, — деди Ҳакимжон.

Шу маҳал ғор томонда бир одамнинг шарпаси кўринди. Соқоллари бесўнақай ўсиб кетган, эгнида ҳайвон терисидан камзул кийиб олган бир киши уккиникидай кўзларини олазарақ қилиб турар, қўлида ов милтиғи бор эди. У ўзини ҳарсанглар ортига олди ва меҳмонларни синчковлик билан кузата бошлади. Уларнинг бегона эканликларини кўриб янада сергакланди. Лекин болақайни кўриб, “Бир адашиб келиб қолган саёҳатчилардирда” деб ўйлади шекилли:

— Истед! Шумо ки будет?! — дея қичқирди у.

— Ҳакимжон, тожикчани биласизми?

— Йўқ.

— Унга жавоб беринг, қўлида қуроли бор экан.

— Ока, биз меҳмонмиз, Тошкандан. Сиз Сафарёр акамисиз?

— Ҳа, — деган овоз чиқди харсанг ортидан, — Номи ман ай гужо медони?

— Жўрангиз. Додоёр ака сизга ул-бул бериб юборди, — деди Ҳакимжон қўлидаги сумкани баланд кўтариб.

Тош ортидаги Сафарёр чиқиб келди ва милтиқни елкасига ташлади. “Хаҳ, ҳайрият” — деб қўйди раис ичида.

— Хуш омадетон, — деди тоғли киши кўзларини ўйнатиб.

У жилмайдими-йўқми, қалин қора соқолининг ичидаги башарасидан ҳеч нарса сезилмади. У меҳмонлар билан қўл бериб сўрашди.

— Мен Шоазимман. Ўзбекча биласизми?

— Оз-оз. Урушдан аввал Тошканда ўқиганман.

— Бу менинг ўғлим Сарварбек.



Болакай соқолли кишининг узатган қўлларига оппоқ қўлини қўрқиб-писиб узатди.

— Сафарёр,— деди у ва болакайнинг елкасини қоқиб қўйди, — Хуш омади, бача.

— Сафарёр ака, биз сизнинг олдингизга бир иш билан келувдик.

— Бирор нима керакми? — деб сўради у Ҳакимжондан олган сумкани кўздан кечирар экан. Унда нон, туз, шакар, гутурт, шам ва бир талай тиббиёт спирти бор эди.

— Йўқ. Бир нозик меҳмонимиз бор, москвалик.

Сафарёр “Хўш, нима бўпти?” дегандек савол назари билан қаради.

— Шу киши овни жуда яхши кўрадилар. Бирор ҳафта шу ерда дам олиб кетишмоқчи эди.

— Ҳеч гап не, марҳамат. Лекин манавиларни кўрса,— деди у кўкнори бошини узиб кўрсатиб, — нима дейди?

— Бунақа ўтлар уни қизиқтирмайди, — деди Шоазим Шоҳайдарович гапга қўшилиб. У киши менинг энг яқин қадрдоним бўлади. Бизга фақат яхши дам олишни ташкиллаб берсангиз бўлди. Ҳаммасига мен кафолат бераман. Сизга яхши ҳақ тўлаймиз

— Манба пул даркор не. Биродарингизни бемалол олиб келаверинг. Марҳамат, кулбаи вайронаи манба, — деди Сафарёр ғор ичкарисига бошлаб.

Улар оғзи улкан ғор томон юришди. Ғор оғзидан бир ариқ шишадек тиниқ сув жилваланиб чиқиб келмоқда эди.

— Сув нега илиқ? — деб сўради раис.

— Тут родник, гарм-чашма будаст, — деди Сафардиёр русча-тожикчани аралаштириб.

— Сарвар, тушиндингми, ғор ичида иссиқ булоқ бормиш, — деди Шоазим ака ўз гапидан ўзи ҳам хаяжонланиб.

Улар қора соқолли киши ортидан намхуш ғор ичкарисига кира бошлашди. Ғор деворлари ва шифтлари ранго-ранг жилоланар ва тор йўлаклари жуда сирли туюларди. Ниҳоят туйнукдан қуёш нури тушиб турган

каттагина кенгликка чиқиб қолишди. Ўзига хос хонақони эслатувчи бу кенгликнинг ўртасидан билқиллаб чиқиб турган булоқдан ҳосил бўлган ҳовуз бўлиб, унда Шоазим ака орзу қиладиган пушти, сариқ форель балиқлари сузиб юрарди. Форель балиқларни биринчи бўлиб Сарвар пайқаб қолди. У ғор шифтида турли рангда жилваланаётган турли кўринишдаги тошларни кўриб маҳлиё бўлиб турган дадасини тўсатдан чўчитиб юборди:

— Дада, балиқларни қаранг! Ажойиб экан.

— Воҳ! — деб юборди дадаси ва ўзини ҳовузга отиб юборишдан аранг тийиб қолди, — Бу жаннатку ахир, Ҳакимжон! Ҳақиқатдан ҳам жаннат! Нега бу ерга илгарироқ олиб келмадингиз-а? Эссизгина умр...

Ҳакимжоннинг ҳам хўжайинининг хурсандлигини кўриб кўнгли тоғдек кўтарилди ва ўзи сезмаган ҳолда қорасоқолни кучиб олди. Раис ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва худди минг йиллик қадрдонини учратиб қолгандек эғнидан аллақандай қўлансапўстак ҳиди келиб турган бўлса ҳам Сафарёрни кучоқлаб кўтариб олди.

— Маладес-ей! Сенга гап йўқ, жўра!...

— Ҳеч гап не. Бшнентон чой бхўрем.

Қорасоқол меҳмонларни тошлардан давра қилиниб пўстаклар тўшаб қўйилган жойга таклиф қилди. У ғорнинг ҳар еридан ёрилган, лаби учган қоса-пиёлалар топиб келди-да, қумғондан чой қуйиб узата бошлади. Бир оз қоронгуликка кўника бошлаган меҳмонларнинг кўзларига ғорнинг ичкараси янада файзли ва ажабтовур кўрина бошлаган эди. Чойи ҳам ўзгача, шунақа хуштаъм эдики, уни ичган сари одамнинг ичгиси келаверарди. Бу албатта кўкнори чойи бўлиб, бу маҳалда ҳеч ким унга аҳамият бермаётганди. Фақат чойдан икки пиёла ичиб олган Сарвар ҳузур қилиб ухлаб қолди. Афсуски бошқа ҳеч нимани томоша қила олмади. Ҳакимжон уни вертолётга опичлаб олиб кетди. Хуллас, москвалик меҳмон шу ерга олиб келинадиган бўлди. Сарвар кўзини очганида ўзини уйла-ридаги ўрнида кўрди. У гўё туш кўргандек бўлганди, ўшанда...

... Лекин москвалик меҳмон келган эрсада, бу сафар Сарварни олиб кетишмади. Чунки ўрис хўжайин ўзи билан икки оқбилак жононни ҳам ола келганди. Шу зайл горда инсон яшаши учун зарур бўлган барча анжомлар, заҳира озуқалар, хаттоки электр нури ишлаб чиқарадиган движок, “Весна” магнитофони, иссиқ кийим-кечаклар, кўрпа-ёстиқлар, ҳар эҳтимолга қарши кичикроқ сейф ҳам муҳайё этилди.

Сарварнинг кўнглида бу ерга яна бир бор бориш иштиёқи болаликдаги армонига айланди. Ҳадемай у улғайди. Бойваччанинг арзанда эркатойи эмасми, тез орада кўчанинг такасалтанг болалари уни ўзларига жалб қилди. Бола тарбиясининг энг мураккаб кечадиган даврини безътибор қолдирган ота-оналар туфайли ўсмир йигитларнинг сархушлик, ҳузур қилиш, маишатга бўлган эҳтиёж-лари кун сайин ошиб борар, бу ҳолат уларнинг узундан-узоқ бемаъни суҳбатларида, сонсиз баҳсларида ўз аксини топарди.

Суҳбатларнинг бирида Сарвар Жаннатгор ва у ерда ичган кўкнори чойи ҳақида оғзини тўлдириб, ховлиқиб гапириб берди.

— Бўлмаган гап, — деди унинг сўзини чўрт кесиб Собит исмли янги жўраси сигаретани беўхшов тутатар экан, унинг тутунларини думалоқ қилиб чиқаришга тиришиб, — Менда кайф қилишга ундан ҳам зўр бошқа нарса бор.

Шунда Собит чўнтагидан мохоркага ўхшаш бир чекишлик нашани олиб кўрсатди. Бу албатта йигитларда катта қизиқиш уйғотди. У папирос доналаридан бирини эзгиладида унинг тамакисини бўшатиб ўрнига хафсала билан наша тамакисини тўлдириб учини тугунча қилиб ўраб кўйди. Сўнгра чўнтагидан ёндиргич билан тутатди. Унинг тутунини шундай ҳузур қилиб тортдики, бу “ўйин” болаларда завқ уйғотмай қолмади. Чўғининг тушиб кетмаслиги учун уни авайлаб, тик ҳолда жуда эҳтиёткорлик билан даврада айлантирилди. Кўп ўтмай болалар бир-бирларига қараб қиқир-қиқир кула бошладилар. Шу кундан эътиборан Сарвар

бангиликка илк қадам ташлади. Кейинроқ эса унданда кўра кучлироқ, “роҳатбахшроқ” гиёҳванд моддаларни ҳам тотиб кўрди ва ўрганиб ҳолди ҳам.

Собит катта ёшдаги болалардан бўлиб, унинг отаси кичиклигида ўтиб кетган, онаси эса бошқа одамга турмушга чиққан ва у қари энаси билан бирга истиқомат қилар, шу туфайли ҳам деярли кўча боласи сифатида улғаяётган эди. У Сарварларнинг гуруҳига яқин орада қўшилган бўлиб, унинг мақсад-муддаоси “катта раис”нинг ўғли билан яқинроқ бўлиш эди. Буни эса унга ўтган йили қамоқдан озодликка чиққан Жавлон исмли киши маслаҳат берганди.

– Қачонгача энангни нафақасига қараб юрасан. Истасанг пул топиб бойиб кетишнинг жуда осон йўлини ўргатаман. Бундан мен ҳам фойда кўраман.

– Қандай қилиб? – деб сўраган эди Собит ишонгиси келмай, ўшанда.

– Бунинг йўли осон. Фақат сен ҳеч кимга айтма, хўпми?

Шундан сўнг Жавлон сигарета пачкасида алоҳида қилиб ўраб қўйилган папиросдан олдида, чекиб ҳузур қилиб кўрсатди. У шундай чекардики, оғзидан чиққан тутун яна бурнига қайтиб кириб кетар ва доира-доира шаклига кириб шар каби оҳиста кўтарилмоқда эди.

– Қойил, – деб юборди Собит.

– Буни “қуруғи” дейишади, яна “хўли”ям бўлади.

– Нима, шуни сотаманми? – деди йигитча йўталиб ва боши айланиб.

– Йўқ, буни бепул бераман. Бундан ҳам зўри бор. Лекин анча қиммат туради. Униям аввал бепул бераман, қарабсанки, ҳаридорга ёқиб қолади, яъни хумори тутиб, ўзи сотиб олгани келаверади, тушундингми?

– Масалан, қанчага сотаману, менга қанча фойда берасиз?

– Баракалла, ҳисобли дўст айрилмас, буни бозор деб қўйибдилар. Нархини айтаман, албатта. Сен ўша айтган нархимнинг устига икки-уч минг қўшиб сотасанда,

менинг пулимни кейин бераверасан. Бу мендан сенга ёрдам бўлади. Мижозларинг қанча кўп бўлса, шунча кўп даромад қиласан.

Шундай қилиб, ўқишга ва меҳнат қилишга бўйни ёр бермайдиган Собит учун зўр иш топилди. Жавлон акаси унга героин нима ва уни қандай тайёрлаб, инсон томирига юбориш ёки ҳидлатиш ҳақида ўргатди. Бу ишни у ўз қўлига укол қилиб кўрсатди ва “Мендан сенга совға, бир мазза қил” дея йигитчага ҳам оз миқдорда “ҳайдади”. Иккаласи бирга маишат қилишиб, қиёматли ака-ука тутинишди.

– Лекин маслаҳатим, ўзингга “уришга” ўрганма. Мен буни фақат мижозимизга қандай кайф беришини кўрсатиб бердим, холос. Агар ўзинг ҳам ўрганиб қолсанг, менга қарзингни беролмай қоласан. Кейин мендан калтак ейсан, тушундингми? Билиб қўй, сенинг ишинг фақат пул ишлаш, бойиш. Аҳмоқларнинг чўнтагини мана шу захарни сотиб тозалатишинг, ўзингга қарам қилиб олишинг мумкин. Катта пул қайси аҳмоқда бор? Албатта, бойнинг боласида-да...

– Сотиб олишмаса-чи?

– Бунақасини хали эшитмаганман. Дастлаб биз уларга бепул берамиз, яъни бир-икки марта “меҳмон” қиласан. Сенга қандай кўрсатиб берган бўлсам, шундай қилиб ўргатасан. Қарабсанки, ўзлари орқандан думини ликиллатиб кучукдай эргашиб келаверишади, “қарзга” десаям беравер. Мижозингга ишон. У сени ҳеч қачон алдамайди. Чунки у сенинг молингга ўрганиб қолади, бошқа жойдан тополмайди. Буни бизнес дейдилар. Кўриб-санки, тез орада чўнтагинг қаппайиб юрадиган бўласан, чорбогингга қарайсан, энангга ул-бул олиб берасан. Бунақа имкониятни сенга ким ҳам берарди?

– Сиз уларни қаердан оласиз?

– Узумини егину боғини сўрама, деганлар. Менга ҳам дўстлар етказиб туришади. Мен ҳам пулини сотганимдан сўнг қайтараман. Лекин билиб қўй, бу ишнинг иси чиқмаслиги, айниқса, “мент”ларга етмаслиги керак.

– Нима, буни сотиш жиноятми?

– Катта даромад олаётганингни кўришолмайди, бу ифлослар. Мабодо, қўлга тушиб қолсанг, молни топиб олдим деб айтасан. Мени асло айтмайсан. Чунки яна қамаб қўйишади-да. Буни фирромлик дейишади. Фирромликни дўстларим аяб ўтиришмайди. Ма, мана бу пулни олиб қўй. Болалар билан дўстлаш, уларнинг ота-онаси ким, аниқла, бойваччаларнинг боласини топ. Ана ўшалар сенинг мижозинг бўлсин. Камбағалнинг боласидан фойда йўқ. Буни “бозор” деб қўйибдилар. Тирикчиликнинг айби йўқ. Молни яхши сотсанг, қандингни урасан, ҳамкорингни алдасанг, ўзингдан кўрасан. Билиб қўй, мен фирромликни ёмон кўраман...

Шундай қилиб, катта раиснинг ўғли Сарвар заҳри қотилнинг кўринмас тўрига илинди. Пул бўлса чангалда шўрва, албатта. Онасидан турли баҳоналар билан оладиган пуллар асосан ўзи ва ўртоқларининг “завқ-шавқи” учун сарф бўла бошлади. Собит доимий мижозига айланиб бораётган Сарварни “қўллаб-қувватлай” бошлади. Энди у кетмоннинг сопини ўзидан чиқаришни, яъни шерикларига ҳам устига фойда қўйиб сотишни йўлга қўйиш – наркокуръерликдан ҳам сабоқ бера бошлаган эди. Ахир қачонгача ота-онасининг пулини совураверади? Ўзи ҳам «тер тўкиб» «тадбиркорлик» қилса бунинг нимаси ёмон? – деган саволни ўз-ўзига бера бошлаганди.

\* \* \*

Наркотикка бўлган иштиёқ, Сабоҳатга бўлган муҳаббат, болаликдаги армон – уччалови бирлашиб эндиликда балоғат ёшига етган йигитни дарвеш қилаёзганди. Энди у тунлари ўзини дарс қилаётган қилиб кўрсатиб, четки хоналардан бирини орзулар суратхонасига айлантира бошлади. У турли афсонавий қаҳрамонлар акс эттирилган катта рангли суратларни сотиб олар, ўзи ҳам фотоаппарати билан сураткашлик қилар ва узоқдан суратга оладиган фото-снайпер орқали фақат Сабоҳатни суратга оларди. Мана, у қизлар, талабалар даврасида, мана у олийгоҳ зинасидан

тушиб келмоқда, бекатда автобус кутмоқда, кафедра овқатланмоқда ва ҳоказо.

Сарвар суратхонасини қоронғу қилиб фото ускуналари ёрдамида қизнинг суратини иложи борича катта қилиб ишлар ва бошини қийиб олиб нариги сотиб олган қаҳрамон қиз калласининг сиртига, ўз калласининг суратини эса қаҳрамон йигитнинг бошига елимлаб чиқар ва ундан завқланарди. Тез орада хона ичи ана шундай суратларга тўлиб кетди. Унинг учун энг ноёб сурат — бу Жаннатгорнинг сурати эди. У дадасининг альбомидан топиб олган бу суратни қайта суратга олиб уни бўлакларга бўлиб, иложи борича катталаштириб ишлади ва хонасининг бурчагига шундай ёпиштирдик, гўёки горнинг дарвозаси пайдо бўлди. Дарвозадан эса шаҳзода Сарвар ила малика Сабоҳат чиқиб келмоқдалар. Теварак-атроф кўкнори гуллари билан бурканган... Суратнинг ости томонидан чироқ нури берилган бўлиб, хона чироғи ўчиқ пайтида янада сирли кўринарди. ...Осмонда юлдузлар милтиллайди. Гўё шаҳзода ва малика ҳусни жамолининг тароватидан ой ҳам уялиб тоғ ортига яширинаётгандай туюлади... Жаннатгорда фақат ўз севиқли маҳбубаси билан роҳат-фароҳатда яшаш йигитнинг хаёлотигади орзу-армонга айланиб қолган эди.

\* \* \*

Кунлардан бир кун якшанба эди. Сарварнинг онаси қаёққадир дастурхон қилиб отланди.

— Тезроқ келарсан, — деди Шоазим ака газетадан бошини кўтармай.

— Ҳа, энди куёв чорларни биласиз-ку, резинкадай чўзилишиям мумкин. Воей, биз қачон ўғлимизни уйларканмиз-а, дадаси?

— Унинг ўзи ҳозир қаерда?

— Вой бечора ўғлим туну кун дарс қилгани қилган.

— Хе, — деб қўйди эри кулиб, — ўғлинг тушу кун ҳеч қаёққа чиқмаса, келинни қаёқдан топарди?

- Билсайиз, уни ёқтиргани бор. Жа яхши қиз-да.
- Ким экан у?
- Ануви дўстингиз Акбар аканинг қизи Сабоҳатда.
- И, вой! — деб юборди Шоазим ака ҳайронлик билан, — Ўша жиккаккина қизни-я?
- Ҳа-де.
- Оббо Сарвар-ей, қиз қуриб кетгандай ўша абитуриентни ёқтириб қопдимиз?! Қаёқдан билдинг?
- Унга жуда бошқача қарайди-де. Бир марта чўнтагидан ўша қизнинг суратини топиб олувдим.
- Э, шунақами? Унда тўйга тайёргарлигингни кўравер, бўлмасам.
- Вой, аввал ўғлингиздан бир сўраб кўринг. Сўнгра совчи бўлиб борайлик. хали ўртоғингиз қизини берадими, йўқми?

— Беради-да. Бермай қаёққаям борарди.

— Хўп майли, мен кетдим. Ота-бола бугун ўзларинг бир келишиб олинглар бўлмаса, — деди Гавҳарой ая ва дуога қўл очди, — Қани омин, бизга ҳам келин олиб, тўйлар қилиш насиб қилаверсин.

Шоазим Шоҳайдарович дастурхонини қўлига олиб лапанглаб чиқиб кетаётган хотинини ортидан кулиб қараб қўйди: “Тавба, дуо қилишнинг нима кераги бор? Акбарга бир ишора қилсамоқ, у ўз қизини ўғлимнинг қўйнига солиб қўйишга тайёр-ку! Керак бўлса, ўғлимга ўзи совчи бўлиб келади. Бу хотинлар ниманиям тушунишарди”, — деган ўйлар ўтарди унинг сип-силлиқ бошидан.

— Хўп, майли, — деди у ўз-ўзига ўрнидан оҳиста туриб, — қани ўғлимиз билан бир гаплашиб қўяйинчи. У нима деркин?

У ўғлининг алоҳида хонаси томон юрди ва деразага қоп-қоронғу парда туширилганига аҳамият берди. “Нима бало, кундуз куниям чироқ ёқиб ўтирибдими, дейман”. Эшикни итариб кўрди. Очиқ экан. Уни очиб қизил чироқ ёқиб қўйилган қоронғу хонага кирди ва деворларга илиб ташланган турли-туман катталиқдаги суратларга кўзи



тушди. Сурат кўпайтирадиган ускуна ёниқ бўлиб, столдаги оқ қоғозда Сабоҳатнинг автобустга чиқаётган сурати акс этиб турарди.

— Сарвар! — дея чақирди ота.

Жавоб ўрнига ингроқ ва харсиллаб нафас олаётган овоз эшитилди.

— Қаердасан?

Сарварнинг алжираган овози келди:

— ...М-мен, ва-ва...

Шоазим ака чироқни ёқди ва не кўз билан кўрсинки, ўғлининг оғзидан суви оқиб диванга суянган холда гиламда ўтирар, олдида турган шприц ва резина ичак унинг ўз-ўзига наркотик укол қилганидан далолат бериб турарди.

— Сарвар, сенга нима бўлди?!

Сарвар бир қўлини бир оз кўтариб яна алжиради. Ота ўғлининг юзини шапатилаб, киприкларини кўтариб кўрди. Унинг қорачиқлари тепага кўтарилиб қолган эди. Ота “Дод!”, — деб юборай деди.

— Э, аҳмоқ, қачон ўргандинг наркоманликни?!

Ўғлидан садо чиқавермади. Раис учун бу ҳолат кутилмаган фожа эди... “Энди буни нима қилсам экан-а? Ишхонадагилар эшитиб қолишса, унда нима деган одам бўламан? Шунча қилган тоат-ибодатим бир тийин бўладику, ахир. Оббо, бу аҳволни онаси билармиди, ўзи? Уйлантирармиш-а! Фирт наркоманку бу ифлос! Қизиқ, буни ким ўргатди экан? Бирор душманнинг ишимикан-а? Тагига етиш керак. Пулдорларнинг боласини атайин аъзо қилиб қўйишади, дейишади. “Туну-кун дарс қилаётганмиш-а!”. Дарсхонасини қаранглару!..

Шоазим ака атрофидаги суратларга назар ташлади ва ҳаммасида ўғли ва Сабоҳатни кўрди.

— Бу тентак нималарни фантазия қиляпти ўзи? Наҳотки онаси буларни кўрмаган бўлса? Ё кўрганмикин? Унда нега мenden яширди? Ҳозироқ уни топишим керак.

У эшик томон бир қадам ташлади-да, лекин яна иккиланиб туриб қолди. “Ё, “тез ёрдам” чақирсаммикин-а?”

— деган фикр ўтди. Бу фикридан ҳам қайтди. Ахир унда ошкору-омма бўладику! “Йўқ, яхшиси Сарварнинг ўзига келишини кутамиз. Хўш, хотинниям зудлик билан чақирдим, дейлик. У қандай ахволга тушаркин? Ўғлининг бу ишларидан мутлақо беҳабар бўлса, юраги ушлаб қолмайдами?” деган ўй энди уни безовта қила бошлади. “Шоазим, тўхта, ахир сен катта амалдорсан-ку, каллангни ишлат. Шундай қилгинки, кабоб ҳам, сих ҳам куймасин”, — деди у ўзига-ўзи.

У ташқарига чиқиб сигарета тутатди. Ичкарида телевизорда “Время” программаси бошланди. Унинг ёдига москвалик дўсти Сергей Иванович тушди. “Ундан маслаҳат сўрасаммикан? Ҳар холда бу ердаги дўст-душманлардан кўра дурустроқ. Ҳа, шундай қиламан. Иложи бўлса, Сарварни Москвага ўқишга кетди деб, аслида уни Россияга даволанишга жўнатаман. У ёғи бир гап бўлар...” Шундай қилиб у Сергей Ивановичдан ўта шахсий ва махфий бўлган масалада қўнғироқ қилиб, ўғлини аҳволи ҳақида ҳаяжон билан паст овозда гапириб берди.

— Я тебя понимаю и сочувствую, — деди Сергей Иванович ҳамдардлик билан, — Короче, я сейчас по своим каналам выйду и завтра дам тебе ответ. Я думаю, всё будет хорошо. Я понял, что у Сарвара только начальная стадия. Это излечимо, не беспокойся и конечно его будем лечить.

— Спасибо вам огромное. Я Вам очень благодарен.

Хуллас, хотини чорлардан қайтганида Шоазим ака ўғлининг масаласини ҳал қилиб бўлганди.

— Гап бундай, — деди у газетани ўқимаса ҳам асабий варақлар экан, — ўғлинг ҳақиқатдан ҳам Сабоҳатни ёқтирар экан.

— Вой, у билан гаплашдингизми?

— Ҳа. Лекин ҳозирча уйланмоқчи эмас.

— Нега?

— Туну-кун дарс қилаверганидан институтдаги домла-лари ўқишининг қолганини Москвада давом эттиришни маслаҳат беришганмиш.

– Вой, қандай яхши! – деди аёл чиндан қувониб.

– Хуллас, Сарвар бир-икки йил ўша ёқда ўқиб келади. Бу орада Сабоҳат ҳам ўқишини тамомлайди. Биз уларни унаштириб қўямиз.

– Вой, айланиб кетай сиздан, дадажониси. Майли ўқисин, даврингизда ўқиб олсин. Сабоҳатгаям оғиз сола-верайлик.

– Ўғлингни нарсаларини тайёрлайвер.

– Вой, дарров-а?

– Нима бўпти? Бўладиган ишнинг бўлгани яхшида.

Гап тамом!

Эртаси Шоазим Шоҳайдаровични қўли ишга бормади. У Сергей Ивановичнинг қўнғироғини сабрсизлик билан кутди.

Ҳар эҳтимолга қарши самолётга учта чипта ҳам бронь қилиб қўйдирди, яъни ўғли, ўзи ва шахсий дўхтири Ольга Петровна жўнашади. Дўхтир аёл унинг неча йиллик оилавий қадрдони эди. У бориб Сарварни текшириб кўрди ва қонини тозалаш муолажасини бошлаб юборди. Йигитча анчагина ўзига келиб қолди. Унинг ҳаётида кескин бурилиш кутилмоқда эди.

Сўраганларга Сарварнинг юраги хаста эканлиги ва энди Москвада даволаниб, ўқишини ҳам ўша ёқда давом эттириши айтилди. Лекин ҳаммаси кутилгандек натижа бермади. Ўзбошимча арзанда ўғил хали кўп ҳунарлар кўрсатишга қодир эди.

У Россиядаги махсус даволаш муассасасида ҳам тез орада ўзига ўхшаш бангилар дунёсига кириб борди. Лекин бу дунёнинг фарқи шунда эдики, унда ўз-ўзига қора дори дозировкасини қабул қилиш, наша чекиш ёки марихуанани ҳидлашдан кўра кўпроқ уларни олиб сотиш, яъни нар-кобизнес қизиқтирарди.

Албатта даволаниш ўз самарасини бермай қолмади. У ўзида етарли куч ва ирода топа билди ва ўзига гиёҳванд қабул қилишга эҳтиёж камайиб борган бўлсада, уларни топиб, олиб сотиш ва катта даромад қилиш, ота-онасига

қарам бўлмай ўз аравасини ўзи тортишга, бойвачча бўлиб яшашга бўлган иштиёқ устунлик қила бошлаганди. Чунки унинг имконияти бор, бу Жаннатгор эди, албатта.

Даволаш муассасасида топишиб қолган москвалик оғуфуруш корчалонлардан бирининг ўғли Андрей билан у қалин дўст бўлиб қолди. Андрейнинг фикри-ўйи Сарварникидан қолишмас, аксинча, ўзининг ғайриоддий “кўкно-ри хаёл”лари билан ўзгача дунё яратишга уста эди.

Андрей учун наркобизнес нотаниш соҳа эмасди, чунки унинг отаси бу иш билан кўпдан буён шуғулланиб келди. Шу туфайли ҳам бу соҳада зарур холларда отаси ва унинг дўстларидан кўмак олишга ишончи комил эди.

Отаси охирги бор ўғлини ўтиргизиб олиб эркакчасига гаплашганди:

— Сен энди ёш бола эмассан. Билиб қўй, ҳаёт одамга бир марта берилади. Ўзингга наркотик қабул қилсанг озгина маишат қиласан, лекин тезда қашшоқлашиб ит азобида ўлиб кетаверасан. Агар ўзингга қабул қилмай унинг савдоси билан шуғуллансанг, бойвачча бўлиб, бир умр маишатда яшайсан. Фақат аҳмоқ, иродасиз одамларгина бу заҳарни ўзларига қабул қилади. Сен эса эсли-хушлисан, чунки менинг зурриёдимсан. Бизнинг авлоддан хали аҳмоқлар чиқмаган. Даволанасанми-йўқми, энди бу сенинг ишинг. Яна бир гап, наркотик истеъмол қилувчиларнинг мурдасини қабристондан ҳам кавлаб олиб кетишади.

— Нега? — деб қизиқсиниб сўради Андрей.

— Бу ҳам бизнес.

— Қанақа бизнес?

— Қанақа бўларди, гиёҳванд модда наркоманнинг суягига ҳам сингиб кетган бўладида.

Ўшанда илк бор Андрейнинг эти увишиб, наркотик кукунига нисбатан жирканиш пайдо бўлди. У ўзидаги бу жирканишни дўсти Сарварда ҳам пайдо қила олди. Сарвар

Ўз навбатида Андрейга “қора дори” манбалари бўлган кўкнорилар етиштириладиган масканлар ҳақида болаликда кўрган-кечирганларини гапириб берди. Шундай қилиб, улар бу соҳадаги бизнес ҳамкорга айландилар. Икки йил давомида дарддан фориг бўлганлари учун ҳар иккисини оиладагилари хурсандчилик билан кутиб олишди ва уларнинг бирга Помир тоғлари бўйлаб саёҳатга бориб келишларига қаршилик қилишмади.

Андрей дастлаб уч-тўрт кун Сарварларникида меҳмон бўлди. Унинг оиласи билан танишди, Тошкентни томоша қилди. Ҳар куни Сарварнинг суратлар билан бурканган хонасига кириб, Жаннатфор суратига тикилганча турли режалар тузишди ва кунлардан бир куни Хисор тоғлари сари “Нива” машинасида йўлга тушишга аҳд қилишди Режа бўйича машина юра олгунча кетаверишади ва уни бирор чўпонникига қўйиб, ундан эшак-улов сотиб олишади, эҳтимол қолган йўлни пиёда босишади. Сарвар учун бу саёҳат ўта хаяжонли ва муҳим эди: Унинг хаёлида бир ўй ҳукмрон эди. “Ҳозир ёрда Сафарёр ака бормикан? Уларни қандай кутиб оларкин? Сабоҳатчи? Унинг ўқиши тугаб қолдимикан?” Андрейда ҳам бир ўй ҳукмрон эди: “Агар Сарвар айтганлари ҳақиқатда рост бўлса, унда ошиқлари олчи бўлади. Польшадаги отаси ҳамкорлик қиладиган ошналарининг ўғиллари билан дўст тутинган. Улар қора дорини қанча бўлса олаверишади, хатто пулини олдиндан ҳам тўлаб қўяверишади Оталари билмай ҳам қолишади. Ёшлар энди ўзлари мустақил иш юритишади. Ўз бойликларига ўзлари эгалик қилишади. Фақат бу ердан Россияга ва у ердан Европага ўтказиб олиш йўлини топишса, бас. Бу албатта лойиҳанинг кейинги навбати эди.

Шундай қилиб, ширин орзулар, истиқболли режалар, кўкнори хаёллар қанотини кенг ёзиб икки дўст бирга парвоз қилиша бошлади. Бепоён, пурвиқор тоғлар уларни қучоқ очиб ўзига чорламоқда эди.

## ОҚЛИҚ БЕРИЛАДИГАН КУН

Сарвар Москвага “ўқишга” кетгач Сабоҳат, ниҳоят, доимо таъқиб қилувчи ўткир, дарвешона нигоҳлардан, бемаврид ва бемаъни қочирма гаплардан, жинидан ҳам ёмон кўриб қолган бир банги йигитнинг иршайган нухасини кўришдан қутилганлигини билиб, енгил нафас олди. Ана энди ўқишини бемалол давом эттиради. Кўчаларда, боғларда, институт коридорларию автобус бекатларида кимдир унга “дум” бўлиб юрмайди. Энди кимдандир кўрқмайди, ҳадиксирамайди, эркин ва озод ҳаёт кечиради. Қандай яхши!

Сабоҳат хавотир олган энг ёмон жиҳат шунда эдики, Сарварнинг унга совчи қўйдириш мумкинлиги ва қизнинг отаси уларга йўқ дея олмаслик “хавфи” эди. Энди ҳар холда бу “хавф” бартараф этилди. Энди у ҳам бошқа қизлар қатори кўнглига ёққан йигит билан аҳду-паймон қилиб, турмуш кура олади. Бу қандай яхши, қандай бахт!..

Ана шундай ширин орзулар балоғат ёшидаги Сабоҳатнинг фикри-ўйида жўш уради, унинг қалби муҳаббатга ташна эди. Тақдир уни ҳамюрти бўлган Мансур исмли йигит билан боғлади. Мансур бир курс юқорида ўқирди. Кунлардан бир куни уни кўргани кекса онаси келади ва тоби қочиб қолади. Талабалар ётоқхонасида истиқомат қиладиган йигит нима қиларини билмай доврираб қолади ва баъзан туғилган кунларда учрашиб, танишиб қолган Сабоҳатни эсга олади. Сабоҳат ҳам дугонаси билан ётоқхонанинг ўша қаватида туришарди. Мансур баъзан улардан лазмол сўрарди ёки бирор кийимини тикиб беришларини илтимос қилиб турарди. Сабоҳат ҳар сафар ўз ҳамюртини ўзгача меҳр билан кулиб қарши олар, улар ўртасида самимий ака-сингилчилик ришталари бор эди, холос. Лекин она сабаб бўлдики, бу ришталар янада мустаҳкам-ланди. Атрофида куну-тун парвона бўлиб, аёлга яхши муомаллада бўлган қиз унга ёқиб қолди ва шундай қизни келин қилиш орзуманди бўлгани учун Сабоҳатнинг таг-тугини оҳишта суриштира бошлади.

– Ўғлим, – деди Ширмон ая эртаси хабар олгани кирган Мансурга. – Мана институтняма битиряпсан. Энди кўзим очиқлигида сени уйлантириб қўяйлик. Кўз остинга олиб қўйганинг бўлса айт, ҳаракатимизни қилайлик.

– Ўзингиз биласиз, менга ёмон келин топмайсизку! – деди Мансур қизариб.

– Бўпти, ўзим топганим бўлсин. Кўз остига олиб қўйганим бор. Сенга кейин айтаман. Бўптими, ўғлим!

– Бўпти, фақат ўзимиздан сизга яхши қарайдиган, айтганингизни қиладиган, ўқиган қизлардан бўлса бўлгани.

– Айтганингдек бўлади, ўғлим.

Шундай қилиб Ширмон опа ўзи асли соғайиб қолган бўлсада Сабоҳатнинг, қолаверса, унга нисбатан ўғлининг муносабатини ўрганиш мақсадида атайин яна уч кун қолиб кетди. Сабоҳат эса холанинг бу ҳийласини сезмади ва унинг кирларини ювиб, яхши овқатлар пишириб берди. хатто сочини ювиб, тараб, чиройли қилиб турмақлаб ҳам қўйди. Аёл ундан беҳад хурсанд бўлди ва ўғлининг олдида уни алқади.

Мансур ҳам ундан беҳад миннатдор бўлди ва онаси иккисини истироҳат боғини айлантиргани олиб борди. Сўнгра эса концертга киришди, музқаймоқ ейишди. Эртасига автобуста чиқариб кузатиб келишди.

– Сенга раҳмат, Сабоҳат, – деди Мансур самимий.

– Э, қўйсангизчи, ойингиз жуда ажойиб аёл эканлар. Биз у киши билан жуда ҳам яхши чиқишиб қолдик.

– Ана шу ажойиб аёл сизларникига совчи бўлиб бормоқчи. Нима дейсан? – деди дабдурустдан Мансур.

Сабоҳат буни кутмаганди. Довдираб қолди.

– Йўғе, нималар деяпсиз? Мен ойингиз билан у маънода гаплашмадим. Сиз нотўғри қабул қилибсиз.

– Нима қилай, ойимга ёқиб қопсан, менгаям ёқасан. Ўйлаб кўр.

– Йўқ, Мансур ака. Сиз хафа бўлманг. Ойингиз мени шунчалик ўзларига муносиб кўрган эканлар, катта раҳмат.

Лекин тўғрисиани айтсам менинг ота-онам кўнишмайди. Отам катта лавозимда ишлайдилар. Шунинг учун...

• — Онангчи?

— Онам ўтайлар. У кишига барибир бўлса керак.

— Бу ишни албатта аёллар ҳал қилади.

— Йўқ, Мансур ака, мен аввало ўқишимни битириб олишим керак. Сўнгра илмий даражамни ошириш ниятим ҳам бор. Бунақа ишлар ҳали хаёлимгаям келмаган. Фақат сиз хафа бўлманг, узр.

— Шошилма, ўйлаб кўр.

— Сиз ўқишни битиряпсиз, қишлоғингизда бирорта насиб қилгани чиқиб қолар.

— Йўқ, мен фақат онам ёқтирган қизга уйланаман, — деди Мансур қатъий.

Шу воқеадан сўнг ёшлар бир-бирларига бефарқ бўлмай қолдилар. Сабоҳат ўзини йигитдан олиб қочса-да, негадир у ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди. Мансур эса уни курсдош йигитлар билан бирга кўрганида негадир юраги ғашликни туя бошлади. Нима бу, рашкмикин? Ўзи ҳам тушунмасди. У институтни битириш арафасида бир гал концертга ҳамхоналари билан бирга боришди. Лекин негадир йигит яна оғиз солишга журъат эта олмади. Ўқиши ҳам тугади. У қишлоғига қайтаркан, қадрдон ётоғида қандайдир ноёб бебаҳо нарсаси қолиб кетаётгандек туюлди. Бу унинг хали етилмаган муҳаббати эди. Фақат у ўз юртига боргандагина шаҳарда унинг учун азиз бўлган маҳбубаси қолганини ҳис қилди. Онаси ҳам тинимсиз ўша меҳрибон қизни эслайверди.

Мансур кетгач, Сабоҳатнинг ҳам юраги ҳувиллаб қолгандек туюлди. Истаса-истамаса кўз олдида Мансурнинг кулиб турган чеҳраси, “Ойимга ёқиб қопсан, менгаям ёқасан. Ўйлаб кўр” — деб туриши намоён бўлаверди. Лекин шу кунларда Шоазим Шоҳайдаровичнинг Акбар Солиевичдан ўғлига қизини сўраб оғиз солгани ва отасининг икки қўллаб розилик билдирганидан Сабоҳат беҳабар эди.

Бу янгиликни Сабоҳатга унинг ўғай онаси суюнчи оладиган даражада қувониб етказди. Қизнинг эса ҳайратдан қўлидан сумкачаси тушиб кетди.



— Нима?! Мени-я, ўша наркоманга-я?

— Вой, қанақа наркоман?! Ахир у Москвада ўқийди-ку! Билсанг, Сарваржон сени ўқишга кираётганингадаёқ ёқтириб қолган экан. Суратларингниям чизганакан.

— Нима, қанақа сурат? — деб сўради қиз ва бир гал фотоёритгичнинг нури тушганини, Сарварнинг иршайиб фотоаппаратни орқасига яширганини эслади.

— Унингиз фирт аҳмоқ-ку! Мен у тентакка ҳеч қачон тегмайман!

— Вой, ундай дема қизим, отанг эшитса нима дейди?

— Бир умрлик ҳаётимни ўша аҳмоққа бахшида қилишни истамайман.

— Ўйлаб гапир. Отанг ахир розилик бериб қўйдилар-а.

— Мендан сўрамасдан-а, қанақасига?! — деди қизнинг чиндан жаҳли чиқиб.

— Вой, «совчилар келаверишсин», деди холос. Намунча...

— Бўлмаса айтинг, келишмасин. Мен розимасман. Ўз ҳаётимни ўзим ҳал қиламан.

— Отангни юзига оёқ босма, қизим.

— Отам мени эмас, ўз амалини ўйлаётдилар.

— Унақа дема-я, ношукур бўласан. Яхшиям отангни қўлайдиган ўша Шоазим ака бор экан, бизниям ҳаётимиз ёмонмас, сен ҳам катта ўқишларда ўқияпсан. Энди сени ўзига қиз қилиб олмоқчи, бутун бойлигини ўғли ва сенга қолдирмоқчи. Хали сени катта ишларгаям жойлаб қўяди.

— Менга ҳеч қандай бойлик ҳам, амал ҳам керакмас. Мен Сарварни ёмон кўраман. Афти курсин ўшани.

Албатта бу гаплар Акбар Солиевичнинг қулоғига етиб бормади қолмади. Унинг оқ оралаган сочлари тик бўлди, жаҳли жунбушга келди.

— Бекорларни айтибди! Ўшанга тегади, вассалом! Мен эркакча қўл берганман, уқдингми?! — дея бақириб берди у бўшашиб турган хотинига. — Бор йўқол, қизингни кўндир! Бўлмаса иккаланг ҳам кўзимга кўринма!

Акбар Солиевич қизининг кўнмаётганини эркаликка йўйди:

— Қизинг сакраб-сакраб қаерга борарди. Бизнинг давримизда қизларни умуман танимаган, кўрмаган йигитларга беришарди, фақат гўшангада кўришишарди. Сарваржонни бўлса, болалигидан бери биламиз. Тагли-тугли, куёв бўлса бўлгудек, кимсан фалончининг ўғли бўлса.

— Қизингизнинг бирор ёқтиргани бордир-да, — деди хотини ўйчан.

— Нима, сен буни қаёқдан биласан? Ё сенга шунақа деб айтдимми?

— Йўқ.

— Нега бўлмаса бошимни қотиряпсан?

— Ёқтирмасмиш.

— Ёқтирмай қаёққа борарди? Тўйдан кейин ёқиб қолади. Гап тамом. Гавҳаройга қўнғироқ қил. Якшанбага келаверишсин.

— Қиз йигит билан бир кўришишса бўлармиди?!

— Бир-бирини танимаган, билмаганлар кўришишади, уқдингми?

Албатта бу суҳбатнинг мазмуни ҳам Сабоҳатга оқмай, томмай етиб борди. У интизор бўлиб Мансурдан дарак кутди. Лекин бу ишлардан хабарсиз бўлган бу йигитнинг ҳам ўша кунлари кўнгли ғаш бўлиб юрарди. Бошини қаёққа уришини билмай гузарга чиқди ва автобус бекатига бориб ўтирди. Шу пайт узоқдан бир автобус кўринди. Унинг пешонасида “Яккатерак” деган ёзув бор эди. Мансурнинг юраги негадир хапқиқиб кетди. “Ахир бу Сабоҳатнинг қишлоғи-ку!” деган ўй «ярқ» этди. “Сабоҳат ҳозир қаерда экан? Тошкентдами ё уйларидамикан? Уйларини қидириб борсаммикин? Нима дейман? Қандай чақираман? Уйда бўлмаса-чи?...” Шундай саволлар, ширин ўйлар унинг хаёлидан яшин тезлигида ўта бошлаган эди. “Э, бор таваккал, уйига бораман, «курсдошиман», дейман” — дея келиб тўхтаган автобусга чиқа бошлади. Лекин тўсатдан шу маҳал ортидан келган таниш овоз унинг бағрини тилка-пора қилиб юборди.

— Мансур ака!

– Сабоҳат!  
 – Қаёққа кетяпсиз?  
 – Яккатеракка.  
 – Кимникига?  
 – Бир пучуқникига, – деб қўйди ич-ичидан қувониб кетган Мансур қизнинг бурнини оҳиста босиб қўяркан.  
 – Жинни, мен бўлсам сизларникини қидириб юрибман.

– Топдингми?  
 – Йўқ. Одамлардан сўрашга уялдим. Энди қайтиб кетмоқчи эдим. Сизни учратиб қолдим.

– Хой, сизлар кетасизларми, йўқми? – деб сўради шофёр ҳайрон бўлиб.

– Йўқ, кетаверинг, – деб жавоб берди Мансур.

Автобуснинг эшиклари ғирчиллаб ёпилиб ўрнадан қўзғалди ва икки ёшнинг нигоҳида бир сония қотиб қолди.

– Оббо, пучуғ-ей, шундай қилиб меҳмон бўлиб келдим, де?

– Вой, аввал «пучуқ» деб чақирмасдингизку!

– Билмадим. Сени жудаям соғинганман. Агар ҳозир тақдирнинг тақозоси билан учрашиб қолмаганимизда эртага Тошкентга жўнамоқчи эдим. Шунинг учун уйинг-дамисан, йўқми, билгани кетаётувдим.

– Сизни бир худо сақлабди-да.

– Нега?

– Дадамга рўпара бўлганингизда нақд калтак еган бўлармидингиз.

– Нега энди?

– Мени эрга беришяпти, – деди қиз ерга қараб. – Мен бўлсам, «йўқ» деб оёқ тираб туриб олдим.

Мансур довдираб қолди:

Ие, шунақами? Юр, уйимизга борайлик. Ойим ҳам сени кўриб хурсанд бўладилар. Дадамга сен ҳақингда кўп гапирганлар.

– Э, йўқ, уяламан. Нима деб ўйлашади?..

– Ахир тақдиримизни ҳал қилиш пайти келганга

НАБИЖОН ҲОШИМОВ

ўхшайди. Нима, қўл қовуштириб ўтираверамизми? Ё менга...

Йигит “тегмоқчимасмисан?” дея олмади. Қизнинг унга кўнгли бўлмаганида ўзи қидириб келармиди, деган фикр ўтди. “Демак, қизнинг ҳам менга кўнгли бор экан. Уйига совчилар келаётганини эслатиб қўйиш учун келибди. Гапидан уни бериб юборишлари мумкин. Нима қилсам экан? Уйга олиб бораверайми, қандоқ бўдаркин?”

Мансур шундагина теварак-атрофига қаради ва баъзи ҳамқишлоқларининг уларга қараб турганига кўзи тушиди. Қишлоқда бунақа ҳолат кам учрайди. Тезда гап-сўз кўпаяди. “Э, бор таваккал. Бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Уйга олиб бораман”.

— Юр бизникига.

— Вой, уяламан.

— Уялма. У кишини танийсан. Уйда бошқа ҳеч ким йўқ. Қани, кетдик.

Қиз аввалига бир оз иккиланиб турди ва ишни пайсалга солишнинг оқибатини ўйладими, беихтиёр йигитга эргашди. Ўзи ҳам ҳайрон: негадир оёқлари ўзига бўйсунмаётгандек туюларди.

Мансурнинг онаси учун бу кутилмаган ҳолат бўлди. Қизни алқаб юз-кўзларидан ўпти. “Сизни ҳар куни худодан сўрайман, етказганига шукур” — дея кўзларига ёш олди. Сабоҳатнинг ҳам кўзларига ёш келди. Унинг ўз онаси ёшлигида ўтиб кетган ва ўгай онаси унга ҳеч қандай меҳрибончилик кўрсатмас эди. Онасидан кўрмаган меҳри бегона аёлдан кўраётганиданми ёки унга касал ётганида меҳри тушиб қолганиданми, ўз онасини соғинган қиздай қабул қилди.

Мансур ҳам улар орасида пайдо бўлган бундай оқибатдан танг эди. “Эрга беришармиш. Шундай қизни-я? Бировга берадиган аҳмоғинг йўқ” деб қўйди у ўзича.

— Вой, кел қизим, ўтирайлик. Хой Мансуржон, чой қўйвор. Мен ҳозир янгироқ кўрпача... — дея ўрнидан тура бошлади Ширмон опа.

— Мен ўзим...— деди Сабоҳат ва ҳеч қутилмаганда елиб-югуриб хизмат қила бошлади. Ошхонага кириб чиқди, Мансур олиб чиқаётган кўрпачаларни сўрига чаққонлик билан солди, пиёлаларни сувда чайқаб келди ва аёлнинг калишини тўғрилаб қўйишга ҳам улгурди.

— Вой, ўлмасам, меҳмонни хизматга қўйдик-ку! Айланиб кетай сиздан, хой Мансур, нима қилиб анқайиб турибсан? Бср, қассобдан гўшт опкел. Меҳмонга бир ош қилиб берай.

— Ошни ўзим қилиб бераман, ойижон, — деб юборди Сабоҳат қутилмаганда.

— Вой, “Аяжон” деган тилларингизга қоқиндиқ бўлай.

Мансур ўзида йўқ қувониб кетди. У шундай хурсанд эдики, хатто ҳозиргина жонлиқни сўйиб фартугини қонга белаган қассобни ҳам қучоқлаб олишга тайёр эди.

Ширмон опа паловни меҳмон қиз билан бирга тайёрлашди. Мансур атайин ҳисобот ишлари борлигини рўқач қилиб деразаси очиқ бўлган ўз хонасига кириб олдида, кўзи қоғоздаю қулоғи овозда бўлди. Қиз оиласида бўлаётган ишларнинг ҳаммасини тўкиб солди. Унинг йиғлаб-сиқташидан иложсиз қолганини, агар совчилар келишса, ота-онаси албатта оқлик бериб юбориши мумкинлигини пайқаш қийин эмасди.

— Ўша йигитнинг дадаси катта амалдор. Дадам амали орқали у кишига тобелар. Шунинг учун “йўқ” дея олмайдилар, — деб жавоб берди қиз Ширмон холанинг ўринли саволига жавобан туфлиси билан ер чизаркан.

— Бечора қизим, қийин бўпти-ку! Нима қилсак экан-а?... Хафа бўлманг, қизим, хали ҳаммаси яхши бўп кетади. хали ҳеч нарса бўлгани йўқ, хали вақт бор экан. Бу ёғи ўзингизга боғлиқ. Бахтли яшамоқчи бўлсангиз ўзингиз ҳаракат қилинг. Агар ўғлимни ихтиёр қилган бўлсангиз, биз ҳам қараб турмаймиз.

— Узр, сизниям бошингизни қотирдим, — деди қиз ерга қараб.

— Вой, ҳеч гап йўқ, қизим. Биздан маслаҳат сўраб

тўғри иш қилгансиз. Ахир кўнглимиз яқин бўп қолган. Бизлар энди бегона эмасмиз. Худо хоҳдаса, насиб қилса, хали шундай тўйлар қилайлик-ки! Биз эртагаёқ сизлар-никага борамиз. Уйда ойингиз бордирлар.

— Борлар-у, лекин...

— Ҳали лекинламайлик. Аввал бир бориб кўрайлик-чи. Бўлди энди, палов мунтазир бўлиб қолмасин. Хали ҳозир дад..., ие вой, тилимни қаранг, тоғангиз ҳам кеп қоладилар. У киши ёнимиздаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар.

— Хой, Мансуржон!

— Ҳа, ойижон?

— Дадангга кўнғироқ қил. Айт, тезроқ келсин. Ошни сузаяпмиз, нозик меҳмон бор дегин.

— Ҳўп бўлади.

— Вой, мен...

— Уялманг, қизим. Бўладиган ишни бўлгани яхши. Кўнглим сезиб турибди, хали ҳаммаси яхши бўлади. “Таваккалчининг ишини худонинг ўзи қўллайди” деган гап бор.

Ошнинг сузилишига Эрдавлатака ҳам кириб келди. У бирор дўсти келибди деб ўйлаб бир шиша ароқ кўтариб олган экан, кулиб олишди. Ширмон опа эрини бир четга чақириб бир нималар деб шипшитди.

— Бу менинг қизим Сабоҳат, — деди Ширмон опа кизни таништирар экан.

— Ие, унда мен ҳам ўғлимни таништирай, — деди Эрдавлатака ҳозиржавоблик билан.

Ўртада самимий кулги кўтарилди.

— Қани меҳмон, ошдан катта-катта олаверинг. Бу ёғи бегона эмас экансиз, ўз хотинимнинг қизи экансиз.

— Э, ҳазилингиз кўрсин. Бўлдида энди.

— Йўқ, бу ҳазилмас, — деди Эрдавлат Мансурга кўзини қисиб кўйиб, — Қонун бўйича сенинг қизинг мениям қизим бўлади-да.

— Ҳўп бўпти. Лекин ҳақиқатда қонуний бўлиши учун оз-моз тер тўкишимизга тўғри келади, шекилли, — деди Ширмон опа қошини чимириб.

– Гап йўқ. Муаммо бўлса ҳал қиламиз. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Хечам ташвиш қилманглар, беташвиш ҳам ўтирманглар. Қани аввал тайёр ошни забт этайликчи...

Сабоҳат Мансурларникидан ўзгача кўтаринки кайфи-ят билан чиқиб келди. Тушундики, энди у ёлғиз эмас. Уни қўллайдиган, ўз фарзандидек қабул қиладиган яқинлари бор. “Охирги чорам бу ерга қочиб келиш” – деган ўй ўтди қизнинг хаёлидан, “Нима бўпти? Ўз ҳаётимни ўзим ҳал қилишим керак. Сарвар Мансурга ўхшаган бўлсайди, унинг тирноғигаям ўхшамайди, наркоман, ифлос” – деб қўйди қиз ўзича.

Мансур уни уйларигача кузатиб келди. Қизнинг кўнгли таскин топгандай бўлди, лекин... Лекин эртаси келган Мансурнинг совчиларини онаси хатто қабул қилишни ҳам истамеди. Остонадаёқ уларга бобиллаб берди:

– Эссизгина, айланайлар, қизимизни бериб қўйгандик-да. Андак кеч қолдинглар.

– Қизингиз ўзи биладими? – деб сўради Ширмон опа.

– Вой! Уни билиш-билмаслиги билан сизнинг неча пуллик ишингиз бор. Ота рози, худо рози деганлар. Қизимиз отасини измидан бир қадам ҳам чиқмайди.

– Бўлмаса, қизингизни розилигиниям бир сўраб кўринг. Биз яна келамиз, айланай.

– Рози бўлмай қаёққа борарди. Бошқа келиб юрманглар. Нима кўп – қиз кўп, бошқасига ҳаракатларингни қилаверинглар.

Совчиларнинг тарвузлари қўлтиғидан тушди. Ширмон опа Сабоҳатнинг қўлдан чиқиб кетаётганига чидай олмай ачитиб қўймоқчи бўлди:

– Бўлмаса, эгачи, гап бундай. Бизнинг вазифамиз бир олдингиздан ўтиб қўйиш эди. Мана биз келдик. Шунини билиб қўйингки, қиз бола рози бўлмаса демакки, унинг суйгани бор, ана ўшаникига боради.

– Бекорларни бештасини айтибсиз. У бизнинг қизимиз, бизни айтганимизга тегади. Агар ўғлингиз қизимиз-

нинг бошини айлантираётган бўлса, айтиб қўяй, отаси уни қамоқда чиритади.

— Хўп, айтиб қўямиз, қамоқда чиригиси келса, чирий-вергани яхши! — деди Ширмон опа дарвозадан чиқаркан.

Бу гапларни эшитиб турган Сабоҳатнинг дили вайром бўлди. Ўзини ўриндиғига ташлаб юм-юм йиғлай бошлади. Сора опа унинг олдига гезариб кириб келди.

— Ҳа, яшшамагур! Қаердаги йўқ қишлоқиларни бизга рўпара қилмоқчи бўлдингми? Билиб қўй, улар сенинг тенгингмас. Хали отанг келсин. Бир сени адабингни бериб қўйсин. Туппа-тузук Сарварбек қолиб, қаердаги йўқ қишлоқини гапига кирибди-я!.. Хе, қиз бўлмай ўла..

Кечаси ишдан қайтган Акбар Солиевич бўлган ишларни эшитиб бироз тутоқди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олди.

— Намунча ваҳима қилмасанг. Қиз бор уйга совчи келади-да, — деди у босиқлик билан.

— Йўқ, даласи бу ерда бошқа гап бор. Қизингизни суйгани бор шекилли.

— Э, қўй, ташвиш қилма. Эртага Сарварбек келаркан. У Москвадан алп қомат бўлиб келганмиш. Қизинг уни кўриб ховуридан тушиб қолади. Уларни эртага учраштирайлик. Индинга совчилар келишади. Берамиз — қутиламиз, вассалом, уқдингми?

Эртаси ҳақиқатдан ҳам отаси олиб берган янги “06” жигули машинасида Тошкентдан етиб келган Сарвар москвалик ошнаси Андрей билан парк олдида қизларни кутиб туришарди. Лекин қизнинг яқин дугонаси ва онаси қанча қисташмасин, у учрашувга чиқмади. Кечки пайт Шоазим Шоҳайдарович Акбар Солиевичнинг хизмат хонасига қўнғироқ қилди.

— Алло, ҳа, Акбар акахон, — деди у кесатиқ овозда.

— Ие-ие, Шоазим Шо..

— Э, бас қилинг, ялтоқланишниям жа-а?...

— Т-тинчликми, акахон?

— Тинчликмас! Нима, мен билан ўйин ўйнамоқчимисиз?



– Э, йўқ. Тушунмадим.

– Сарварбекни нега ҳафа қилдингиз?! У ўзиданмас, ҳаммадан ҳам ануви москвалик ўртоғининг олдида қаттиқ хижолат чекапти... Хў ошна, нима энди тўрва-халтангиз тўлиб қолдими, дейман-а?...

– Нима, қизим бирор нарса дебдими?

– Хой, қанақа отасиз ўзи? Бир нима деса ўғлим қараб турадиган хезмларданмас. Учрашувга умуман келмаптику қизингиз!

– Ие, шунақами? Менинг хабарим йўқ.

– Вей, ошна, кўзни каттароқ очинг. Қиз қуриб кетгани йўқ. Фақат мен сизни ўзимга яқин олиб...

– Бўлди ака, тушундим. Ҳозироқ мен “разбор” қиламан. Ум-умуман, менга қаранг, шу учрашув шартмиди? Совчилар келса шартта оқлиқни берворардик-қўярдик...

– Бўпти. Қизингизни сал тергаб қўйинг, бўлмаса. Одамни бунақа шарманда қилишни ўрганмасин.

– Хўп. Хўп бўлади, акахон.

Бўлғуси қуда гўшакни қўйиб қўйиши хамоно Акбар Солиевичнинг эҳсонаси чиқиб хотинига кўнғироқ қилди:

– Хой, ҳайвон, ифлос! Нега менга Сабоҳатни учрашувга бормаганини айтиб қўймадинг?!  
– Ўзингиз уйга келиб қолармиқансиз деб...

– Вей, сенга давлатнинг иши ўйинчоқми? Сендан сўраяпман, нега қизинг куёвни олдига чиқмади?!  
– Вой, бақирманг дадаси. Ахир унингиз оёқ тираб туриб олса нима қилай?

– Вей, мени Шоазим аканинг олдида бир тийин қилдинг-ку! Ер ёрилмади – мен кириб кетмадим!  
– Ахир ўзингиз қизингиз билан яхшилаб гаплашиб олинг-да.

– Қиз бола билан онаси гаплашади, уқдингми?! Унга ҳозироқ айт, эртага совчилар келишади, ўзини яхши тутсин, эшитдингми? Хоҳлайдими-йўқми, у Сарварга тегди. Тегмаса, мени ундай қизим йўқ. Шу гапларимни айтиб қўй!

Акбар Солиевич гўшакни жаҳл билан қўйиб қўйди.

— Ундоқ деманг дадаси, қизингиз рози бўлади, мана кўрасиз.

Лекин қиз рози бўлмади. Совчиларнинг олдига чиқмади. Акбар аканинг фиғони фалакка чиқди. Шундай бўлса-да ўзини қўлга олиб, унинг мазаси қочиб қолганини ва кеча ҳам учрашувга шу туфайли чиқа олмагани учун узр сўради. Патир синдирилди, ош ҳам ейилди. Навбат оқликқа келди. Лекин кутилмаганда оқлик матони олиб чиқаётган онасининг йўлини Сабоҳат важоҳат билан қулоч ёйиб тўсиб олди.

— Йўқ, ойижон шу ишни қилманглар, — деди у ҳаяжон билан йиғлаб.

— Хай, қизим, ўз бахтингни йўлни тўсмагин. Бу куёв бўлмиш энг муътабар хонадоннинг фарзанди-я!

— Йўқ, ойижон. Менга бундай бахтнинг кераги йўқ! — деди қиз ва оқлик матони тўсатдан тортиб олди.

— Хой, жинни бўлма! Ҳозир дадангни чақираман-а.

— Чақиринг. Майли мени ўлдирсинлар!

Шу пайт хонага Акбар Солиевичнинг ўзи кириб қолди.

— Ҳа, нима гап?

— Қизингиз яна жиннилиқ қиляпти.

— Сабоҳат, бу нима деган гап? — деб сўради у қизининг важоҳатидан гапнинг жиддийлигини фаҳмлаб.

— Мен Сарварга тегмайман! Ўлдирсангиз ҳам майли.

— Аҳмоқ қиз! Мени шарманда қилмоқчимисан хали.

— Ахир уни яхши биласиз. У наркоман-ку, дадажон!

— У Москвада даволаниб келди. Умуман бу ҳақда бошқа гапирма. Ахир биз сени бахтингни деб қиляпмиз, қизим.

— Нима, менинг бахтим?! — деди қиз сичқонга ташланаётган мушукдай хурпайиб. — Сизга мен эмас — амалингиз керак. Бир умр Шоазим аканинг ялоғини ялаб келдингиз...

Акбар Солиевич чидай олмади. Қизининг бундай бетгачопарлигини кутмаганди. Шу туфайли беихтиёр шапалоқ тортиб юборди.

– Кўрнамак! Қанжиқ! Сен хали отангни юзига оёқ қўядиган бўлдингми! Айтиб қўяй, бангимми, расвоми сен Сарварга тегасан, вассалом!

– Тегмайман!

– Тегмасанг мени сендек қизим йўқ!

– Ҳай-ҳай, дадаси. Ўзингизни босинг, – дея гапга аралашди хотини.

– Сен тек ўтир, ўгайсан!... хой, сендан охирги марта сўраяпман! – дея бақирди у пиқиллаб йиғлай бошлаган қизига.

– Йўқ, йўқ! – дея қичқирди Сабоҳат.

– Унда йўқол! Мени сендек қизим йўқ. Сени оқ қилдим, оқпадарсан!!! – дея қичқирди Акбар ака ва эшикни очиб, қарсиллатиб ёпти. Ёпдию яна икки қадам ташлади. Юрагига оғир санчиқ кириб аввал тиззаси билан чўккалаб қолди. Сўнгра эшикнинг пардасини тортиб ўрnidан турмоқчи бўлди. лекин парда илгич чиқиб кетгач, гурсиллаб йиқилди. Парда устига ёпилиб, илгич тарақлаб тушди.

Меҳмонхонада ўтирган совчилар бу товушни эшитиб сергакланишди. Гавҳарой опа эшикни хиёл очиб ичкарига оҳиста мўралади ва эшик пардасига ўралиб ётган кишининг оёқларига кўзи тушиб қичқириб юборди. Қиз билан овора бўлиб қолган Сора опа ичкаридан чопиб чиқди-да, эрининг аҳволини кўриб додлаб юборди.

– Войдод! «Тез ёрдам» чақиринглар! Дадасини мазаси қочиб қопти-ку!

Меҳмонлар чопиб чиқиб Акбар аканинг устида парвона бўлишди. Тез орада дўхтир келди ва уни замбилга солиб олиб кетди. “Тез ёрдам” келмасидан аввал Сабоҳат шошилинич қўлига илинган кийим-кечаги ва ҳужжатларини олиб, айвон эшиги орқали кўчага чиқиб кетган эди ва унинг кетганини ҳеч ким сезмай қолаверганди. Шундай қилиб унинг йўлини ҳеч ким тўсмади, ортидан чақирмади ҳам. Оқлиқ беролмаган она ичкарида тинимсиз қизни қарғаётган маҳали, оқ бўлган қиз ўз тақдирдан куйиб, катта кўчада катта-катта қадам ташлаб, боши оққан томонга қараб хўнграб йиғлаб борарди.

## КИМГА АЗА, КИМГА ТҮЙ?

Тақдирнинг қизиқ ўйинлари бўлади, албатта. Совчиларни Сабоҳатларникига ташлаб қўйишган Сарвар билан Андрей қишлоқ гузарига бориб бир ошхонага киришди. Кўнгилдагидек овқат йўқ экан.

— Бироз вақтларинг бўлса, чой-пой ичиб турсангизлар айтган овқатингизни тайёрлаб берамиз, меҳмон, — деди ошпаз.

— Хўп майли. Менинг шеригим москвалик меҳмон. Бўлмаса ўзингиз яхшилаб-а!

— Бош устига, — деди ошпаз ва алоҳида хонадаги сўрига янги кўрпачалар солдира бошлади.

Сарвар Андрейни бошлаб кирди. Андрей бироз вақт бўлишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, овқат пишгунича онасига кўнғироқ қилиб келишини айтди.

— Ты отдохай, — деди у ёнбошлаб олган Сарварга. — Я сам быстро поеду и приеду.

Сарвар унинг қўлига машинанинг калитини ташлади, керишиб пинакка кетди. У кеча туни билан Андрей билан режалар тузиб чиққан, Андрей ухлаб қолган бўлсада, у Сабоҳат билан қурилажак ширин турмуш ҳақида ўйлаб, деярли ухламаганди... Тушига яна ўша Жаннатфор кирди. Гўё келин-куёв деворларига рангли шарлар осиглиқ горнинг ичкарасига қараб кириб кетишмоқда, жилгадан эса гуллар оқиб чиқаётганмиш...

— ... Ладно, мама. Наверное у Сарвара скоро свадьба. Мы сейчас сватать приехали... Всё хорошо, не беспокойся... На путешествие? Через 2-3 дня. Сначала приедем в Ташкент, а потом дальше...

Шу пайт Андрейнинг кўзи кўчада йиғлаб ўтиб кетаётган бир гўзал қизга тушди. У онаси билан хайрлашиб, шаҳарлараро сўзлашув будкасидан чиқдида, қизнинг ортидан қараб қолди.

— Да..., — деди у беихтиёр — Кому то праздник, кому то печаль...

Унинг қизга раҳми келди. Нима биландир, ҳеч

## КИМГА АЗА, КИМГА ТҮЙ?

Тақдирнинг қизиқ ўйинлари бўлади, албатта. Совчиларни Сабоҳатларникига ташлаб қўйишган Сарвар билан Андрей қишлоқ гузарига бориб бир ошхонага киришди. Кўнгилдагидек овқат йўқ экан.

— Бироз вақтларинг бўлса, чой-пой ичиб турсангизлар айтган овқатингизни тайёрлаб берамиз, меҳмон, — деди ошпаз.

— Хўп майли. Менинг шеригим москвалик меҳмон. Бўлмаса ўзингиз яхшилаб-а!

— Бош устига, — деди ошпаз ва алоҳида хонадаги сўрига янги кўрпачалар солдира бошлади.

Сарвар Андрейни бошлаб кирди. Андрей бироз вақт бўлишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, овқат пишгунича онасига кўнғироқ қилиб келишини айтди.

— Ты отдохай, — деди у ёнбошлаб олган Сарварга. — Я сам быстро поеду и приеду.

Сарвар унинг қўлига машинанинг калитини ташлади, керишиб пинакка кетди. У кеча туни билан Андрей билан режалар тузиб чиққан, Андрей ухлаб қолган бўлсада, у Сабоҳат билан қурилажак ширин турмуш ҳақида ўйлаб, деярли ухламаганди... Тушига яна ўша Жаннатгор кирди. Гўё келин-куёв деворларига рангли шарлар осиглиқ горнинг ичкарисига қараб кириб кетишмоқда, жилғадан эса гуллар оқиб чиқаётганмиш...

— ... Ладно, мама. Наверное у Сарвара скоро свадьба. Мы сейчас сватать приехали... Всё хорошо, не беспокойся... На путешествие? Через 2-3 дня. Сначала приедем в Ташкент, а потом дальше...

Шу пайт Андрейнинг кўзи кўчада йиғлаб ўтиб кетаётган бир гўзал қизга тушди. У онаси билан хайрлашиб, шаҳарлараро сўзлашув будкасидан чиқдида, қизнинг ортидан қараб қолди.

— Да..., — деди у беихтиёр — Кому то праздник, кому то печаль...

Унинг қизга раҳми келди. Нима биландир, ҳеч

– Кўрнамак! Қанжиқ! Сен хали отангни юзига оёқ кўядиган бўлдингми! Айтиб кўяй, бангим, расвоми сен Сарварга тегасан, вассалом!

– Тегмайман!

– Тегмасанг мени сендек қизим йўқ!

– Ҳай-ҳай, дадаси. Ўзингизни босинг, – дея гапга аралашди хотини.

– Сен тек ўтир, ўгайсан!... хой, сендан охирги марта сўраяпман! – дея бақирди у пиқиллаб йиғлай бошлаган кизига.

– Йўқ, йўқ! – дея қичқирди Сабоҳат.

– Унда йўқол! Мени сендек қизим йўқ. Сени оқ қилдим, оқпадарсан!!! – дея қичқирди Акбар ака ва эшикни очиб, қарсиллатиб ёпти. Ёпдию яна икки қадам ташлади. Юрагига оғир санчиқ кириб аввал тиззаси билан чўккалаб қолди. Сўнгра эшикнинг пардасини тортиб ўрнидан турмоқчи бўлди. лекин парда илгич чиқиб кетгач, гурсиллаб йиқилди. Парда устига ёпилиб, илгич тарақлаб тушди.

Меҳмонхонада ўтирган совчилар бу товушни эшитиб сергакланишди. Гавҳарой опа эшикни хиёл очиб ичкарига оҳиста мўралади ва эшик пардасига ўралиб ётган кишининг оёқларига кўзи тушиб қичқириб юборди. Қиз билан овора бўлиб қолган Сора опа ичкаридан чопиб чиқди-да, эрининг аҳволини кўриб додлаб юборди.

– Войдод! «Тез ёрдам» чақиринглар! Дадасини мазаси қочиб қопти-ку!

Меҳмонлар чопиб чиқиб Акбар аканинг устида парвона бўлишди. Тез орада дўхтир келди ва уни замбилга солиб олиб кетди. “Тез ёрдам” келмасидан аввал Сабоҳат шошилинч кўлига илинган кийим-кечаги ва ҳужжатларини олиб, айвон эшиги орқали кўчага чиқиб кетган эди ва унинг кетганини ҳеч ким сезмай қолаверганди. Шундай қилиб унинг йўлини ҳеч ким тўсмади, ортидан чақирмади ҳам. Оқлиқ беролмаган она ичкарида тинимсиз қизни қарғаётган маҳали, оқ бўлган қиз ўз тақдиридан куйиб, катта кўчада катта-катта қадам ташлаб, боши оққан томонга қараб хўнтраб йиғлаб борарди.

тутатиб, хавотирлик билан уни кутиб турарди.

— Я думал, тебя девушки украли, — деди Сарвар ҳазил қилиб.

— Откуда узнал? — деб сўради Андрей ҳайрон бўлгандек.

— Говорят- Москва город маленький.

Андрей уни аллақачон қиз билан кимдир кўрганини тўғри маънода тушунди ва ўзича «Қойил» деб қўйди.

— Просто жалко, — деди Андрей тузаб қўйилган дастурхоннинг олдиға қўлларини ишқаб ўтираркан, — Она оказывается скоро замуж выходит.

— Значить тебе понравилась.

— Да. Знаешь, как-будто я её где-то видел. Не помню.

— Узбечки очень похожи друг на друга. Они одеваются почти одинаково.

— Нет, она симпатичная. Одевается по европейски, и на русском хорошо разговаривает.

— Ничего, тебе тоже найдём такую.

— Она тоже обещала.

— А где она проживает?

— В двадцати километров отсюда. Какой-то кишлак.

— Откуда её нашёл?

— Она шла по улице и плакала. Наверное её кто-то сильно обидел.

— Ну, хватит о ней. Давай выпьем и быстро покушаем. А то нас там ждут.

Андрей иштаҳа билан овқатланар экан, негадир кўз ўнгидан Сабоҳатнинг табассум қилиб турган чеҳраси кетмади. «Қизиқ, илгари уни қаерда кўрган эканман-а?» — деб қўйди у хаёлан.

Бугун асли икки ўртоқнинг ҳам иши юришмаган, яъни Андрей айтмоқчи «Невезучий день» экан шекилли, келиннинг отасининг юраги ҳуруж қилиб қолганмиш. Шунинг учун оқлиқ олишолмапти. Энди унаштириш ишлари саёҳатдан кейинга қоладиган бўлибди.

Сабоҳат эса онасидан тортиб олган оқлиқ матони ҳам

шошилишда сумкачасига солиб олган экан. У Мансурларникига келиб дарвоза олдида бироз эсанкираб турди ва ўзини қўлга олиб тугмачани босмоқчи бўлди. Лекин қўллари негадир титраб кетди, боса олмади. Яхшиси Мансурнинг ёки кимнингдир уйдан чиқишини пойлай қолади.

Дарвозанинг ёнида яшил тўсиқ бўлиб унинг ортида гуллар экилган, четроққа бир скамейка қўйилганди. Мансурнинг онаси кўпинча шу ерда ўтиришни ёқтирарди. Сабоҳат ўша ерга ўтириб, оқлиқ матони қўлига олдида, кўзларига ёш олиб ўтираверди. Асаблари таранглашгани учунми, неча кундан буён жуда толиққан, деярли туз ҳам тотмаганди. Шу туфайли холсизланиб, скамейкага ёнбошлади ва тез орада ухлаб қолди. У туш кўрди, тушида Сабоҳат ота-онасининг қўлидан оқлиғини олиб Мансурнинг ота-онасининг қўлига ўзи узатган эмиш. Шу маҳал Мансур келиб уни кўтариб, уйига оҳиста олиб кириб ётқизиб қўйганмиш. Ширмон ая “Айланай, қизим” дея шивирлаб унинг сочларини силаётганмиш. Сабоҳат эса бу тушнинг узоқ давом этишини жуда-жуда истаётганмиш...

У кўзларини очганида ўзини қандайдир шинам уйда, юмшоқ диванда ётганини ҳис қилди ва устига юмшоқ одеял ташланганини кўрди.

“Вой, қаерга келиб қолдим”, – деди қиз ўз-ўзига ва ўрнидан туриб кетди. Девордаги суратларга кўзи тушди. У ерда қандайдир чол-кампир, Мансурнинг ота-онаси, унинг ўзи ва ниҳоят Тошкентга ўғлини кўргани боргандаги Сабоҳат уччалалари тушган суратлар осиглиғ эди.

“Эй, парвардигор, бу қандай бахт?!” Қиз дераза олдида келди. Кун қоронғу бўлибди. Ташқаридаги сўрида Мансур ота-онаси билан суҳбатлашиб ўтиришибди.

– Қизим бечора қочиб келган кўринади, – деди Ширмон опа.

– Энди нима қиламиз? – деди хўрсиниб Эрдавлатака.

– Ўзидан сўраб билиш керак. Тинчлик бўлса уйларига олиб бориб ташлаб келаман, – деди Мансур.

– Майли, бир гап бўлар. Қиз бечора ухлаб олсин.



— Нима, «ташлаб келаман», дейдими? — деди Сабоҳат ўзича норози бўлиб. — Чиқиб тўғриси айти қолай. Булар тушунадиган одам кўринади. Бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Бахтим учун ўзим курашганим бўлсин. Ёмон отлиқ бўлиб қолмайин тағин деган ўйлар ўтди қизнинг кўнглидан.

Унинг кўзи қозикча илиқлик бир катта рўмолга тушди. Уни бошига ташлаб ойнага боқди. «Ассалом келинчак» дея ўз-ўзига салом берди. Сумкасидаги оқликни қўлига олди. «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Босган қадамим менга бахт келтирсин» дея ўз-ўзига дуо тилаб ташқи эшик томон қадам ташлади.

Қизнинг айвонга чиқиб келганига дастлаб Мансурнинг кўзи тушди ва «Анувини қаранглар!», — дегандек анграйиб қолди.

Қиз янги тушган келинчакдек уч бора эгилиб салом берди. Ширмон опанинг тили калимага келмай қолди.

— К-к-к-кўп яшанг...

— Ва-алей... — деди аранг Эрдавлат ака ҳам кўзларини катта-катта очиб.

Сабоҳат зинадан тушиб келдида, Ширмонойнинг қўлига икки қўллаб оқликни узатди.

— Хозир тушимда аён бўлди. Мана бу оқликни ота-онам сизларга бериб юборди. Отам рози бўлмади, лекин худо рози бўлди.

— Отангиз нега..? — деди Эрдавлат ака каловланиб.

— У киши мени оқ қилдилар. Мен эсам аросатда қолдим. Кўнглим сизларни ихтиёр қилди. Мансур акамни яхши кўраман. Шунинг учун ўзим келавердим.

— Ш-шунақами. Хай, Ширмон, анграймай қизимизнинг қўлидагини олмайсанми? — деди Эрдавлат ака.

Ширмон опа оқликни олди ва икки кўзидан дувиллаб ёш оқиб кетди.

— Уйингга хуш кепсан, қизим!

Мансур алланечук бўлиб ерга боқди. У ич-ичидан қувонмоқда эди.

## СЕПСИЗ КЕЛИН

Эрдавлат аканинг хонадонидагилар, яқин қариндошлар, маҳалла оқсоқоли, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, масжид имоми ва қўни-қўшнилар эртасига маслаҳатга йиғилишди. Муҳокама узоқ чўзилди. Қиз ва йигитнинг розиликлари ҳам сўраб кўрилди.

— Буларни қонуний никоҳлаб қўя қолиш керак, вассалом, — деди раис.

— Ҳа тўғри, шунда нима бўлсаям давлат ўз ҳимоясига олади. Суд бўлсаям буларни қўллайди, — деди оқсоқол.

Имом ҳам худо ёшларни кўнглига шу йўлни солганини маъқуллаб, узоқ маъруза қилди.

— Лекин шуни унутмангларки, “Ота рози — худо рози” деган гап бор. Аввало ота-онасини рози-ризалиги олинмай туриб қанақасига никоҳ ўқиб бўларкан? — дея савол ташлади.

— Ҳа, тўғри, — деди қўшнилардан бўлган бир мўйсафид, — Эҳтимол бу қиз уйдан бекорга бадарға қилинмагандир. Ўзбошимчалик қилгандир. Хуллас, Эрдавлат аканикига қандай келиб қолганини суриштириб кўришимиз керак.

— Ахир улар бир-бирларини яхши кўришади. Бир-бирисиз яшай олишмайди, — деди Ширмон опа куйиб.

— Ҳой Ширмон опа, ўғлингизни яхши кўргани йўқ эди шекилли. Қаердан бу қиз пайдо бўлиб қолди? — деди бир аёл бўзариб.

Бу Каромат исмли аёл бўлиб, унинг балоғатга етган қизи бор эди. Ўша қиз эса Мансурни ёқтиришини ойисига айтган, лекин андиша туфайли бу гап Ширмон опага етиб келмаган ва бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди.

— Ҳой Каромат, сиз нимага куясиз? Буни ахир тақдир дейдилар.

— Тақдир бўлса, ўзимизда қизлар қуриб кетган эканми, — деди Каромат яна кесатиб, — Ўғлингиздаям бирор гап бордирки, бировнинг қизи ўз оёғи билан келиб қўя қолибди.

Аёллар орасида ғала-ғовур бошланди.

— Хой аёллар, жанжал қилманглар. Ҳозир мавриди эмас, — деди оқсоқол.

Эрдават аканинг хонадонида бўлаётган маслаҳат ва у ерда пайдо бўлган баҳсинг можарога айланиб кетиши оқибатида маҳаллага гап тез тарқалиб, энди ховлига кўплаб кўни-кўшнилар, ўтган-кетган бекорчилар кириб кела бошлашди. Улар турли жойларга жойлашиб ўтириб олишган, кўпчилик эса дарвоза олдида тик туришарди. «Тўсатдан уйга ўз оёғи билан кириб келган сепсиз қизни никоҳлаб, тўй ўтказиш мумкинми?» — деган савол кўпчи-ликни қизиқтирмай қолмасди, албатта.

— Тушунинглар ахир, вазият шуни тақозо қилапти. Сабоҳатнинг отаси қизини зўрлаб бир банги йигитга бермоқчи бўлган экан. У кўнмабди. Шунинг учун отаси уйдан ҳайдабди. Улар Мансур билан бирга ўқишган, бир-бирини ёқтиришади. Эсли-хушли, кўлларида дипломи бор. Худо хоҳласа ўз турмушларини ўзлари қура олишади. Уларга ҳеч қанақа сеп, урф-одатимиздаги майда-чуйдалар керакмас, — деди Эрдават ака.

Бир кўшни аёл сўз олди:

— Худога минг қатла шукур, ҳаммамиздаям ё қиз бор, ё ўғил. Уларни болалигидан орзу-ҳавас қилиб боқамиз. Бахтли-саодатли турмуш кечиришларига орзумандмиз. Айниқса, қизларимизни оқ ювиб, оқ тараб, уларга бир умр сеп йиғамиз. Аждодларимиздан урф бўлиб келаётган одатларимизга амал қилиб, уларни жўяли жойга узатамиз. Шунинг учун Сабоҳатнинг ота-онасини олдидан бир оғиз ўтиб кўйилиши керак, менимча. Эҳтимол улар тақдирга тан бериб, қизларини беришга хурсандчилик билан рози бўлишса ажабмас.

— Хурихон тўғри айтяпти, — деди қишлоқ йиғини раиси, — “Қудачилик — минг йилчилик”, деган гап бор. Қарс икки кўлдан чиқади. Тўй бўладиган бўлганидан кейин ҳар икки томон одамлари бир-бирлари билан қариндош-уруғ ришталарини боғлашади. Хурсандчилик, хотиржамлик

бўлади. Шунинг учун келинлар, қизнинг отасининг олди-дан бир бор ўтиб келайлик. Эҳтимол, «хўп» деб юборар.

— Маъкул. Шундай қилиш керак, — деди қўшни мўйсафид қувониб.

— Бўлмаса кимлар вакил бўлади? — деб сўради раис.

— Ўзингиз, — деди кимдир.

— Эрдавлат борсин. Ахир у отасида. Иннайкейин маҳалла оқсоқолиям.

— Аёлларданчи?

— Аёллар керакмас, — деди Ширмон аянинг синглиси Хатича. — Биз бир марта совчи бўлиб бориб кўрдик.

— Бўлмаса, — деди маҳалла оқсоқоли ўрнидан туриб, — бугунги тўй маслаҳатимиз пишмади деб ҳисоблаймизда, бугун кечки пайт юқорида айтилган вакиллар қизнинг отасиникига бориб келишади. Ундан кейин шунга қараб иш қиламиз.

Ҳамма маъқуллаб ўринларидан қўзғалишди.

Кечки пайт вакиллар Сабоҳатдан олинган манзил бўйича уларникини қидириб, туман марказига боришди. Лекин суриштирилган Акбар ака, туман раҳбари Акбар Солиевич эканидан улар беҳабар эди. Қишлоқ вакилларини Сорахон опа совуқ қарши олди.

— Уйдалар. Дам олаётувдилар. Нима ишларинг бор?

— Зарур масала, — деди раис.

— Шахсий масала, — деди Эрдавлат ака урғу бериб.

— Ҳозир, сўраб кўрайинчи, — деди аёл ва эшикни ёпиқ қўйди ва бир оз ўтгач эшикни қия очди. — Шахсий масалада ҳафтанинг ҳар душанба кунлари соат 14-00 дан 18-00 гача ишхоналарида қабул қилишар экан.

— Бугун қанақа кун? — деб сўради раис оқсоқолдан.

— Душанба.

— Ие, бугун душанба эканку, синглим.

— Соатингиз неча бўлди.

— Кечки етти бўлди.

— Кунни, соатни бизга нима дахли бор? — дея ажабланди Эрдавлат ака.

— Биринчидан, хўжайинимнинг иш вақтлари тугади, иккинчидан, шахсий масалада одамларни уйда қабул қилмайдилар.

Эрдавлат аканинг энсаси қотди.

— Биринчидан, янгажон, хўжайинингизни қанақа лавозимда ишлаши бизни қизиқтирмайди. Иккинчидан...

Раис “қизишманг” дегандек унинг елкасини маъноли босиб қўйди.

— Қизингиз масаласида...

— Бу масалаям отасини қизиқтирмайди. У ўзбошимча...

— Буни хўжайинингизни ўз оғизларидан эшитмоқчийдик, — деди раис сиполик билан.

Аёл аввал қизарди, сўнгра бўзарди.

— Нима учун?

— Сизларга керак бўлмаса, мана бизга керак. Бизлар уни ўзимизга қиз қилиб олмоқчийдик, — деди Эрдавлат ака.

— Ер ютгур, жувонмарг. Энди бунақа йўл топибдими? Бўпти мен ҳозир эримга айтайинчи. Лекин гапнинг тўғ-риси, у киши бугун касалхонадан келишди. Кеча юраклари хуруж қилганди. Шунга бошқа куни келсангизлар. Мен ўзим мавриди бўлганда гаплашиб кўярдим.

— Қайси куни келсак экан, бўлмаса?

— Якшанба куни кела қолинглар.

Вакиллар маъқул дея қишлоққа қайтиб кетишди.

Лекин якшанбага қадар Акбар Соливич Шоазим Шоҳайдаровичдан кесатиқ ва фисқи-фасодлардан иборат гапларни эшитавериб, жони ҳалқумига келди.

Акбар ака кўп ўйлади ва охири бир қарорга келди, шекилли хотинини чақирди:

— Ануви келган кишилар ўзи ким экан?

— Бешкапа қишлоғидан.

— Сабоҳатни келинликка сўраб келишибдими?

— Ҳа, шунақа шекилли. Бир сафар улардан совчилар

ҳам келишувди. Мен қайтариб юборувдим. Нимаиди?

— Ҳеч гап йўқ. Энди келишса олдимга олиб кирсан.

Аёл чуқур хўрсиниб қўйди: “Ҳайрият, эрим инсофга келиб, қизини кечиради, шекилли. Қизиқ, наҳотки анавуларга розилик бермоқчи. Тавба, нимага оқ қилди бўлмаса?”

Акбар аканинг хаёлида эса бутунлай бошқа ўйлар ҳукмрон эди. У жавондаги китоблар қаторида турган қизининг кулиб турган суратини қўлига олди: “Мени кечир қизим, севганинг бор экан. У билан бахтли бўл. Лекин сени розилик билан беролмайман. Бу ҳақда Шоазим Шоҳайдарович билса мени йўқ қилади. Гуноҳларим бир дунё. Ҳаммаси унга аён. Оиламиз хонавайрон бўлади. Мен қамалиб кетаман. Агар сен уйдан кетиб, ўзбошимчалик билан мен билмайдиган кимгадир тегиб кетган бўлсанг, ҳар холда бу менинг айбим эмас. Бир кун сени ўзим топиб оламан. Эҳтимол куёвим, невараларим билан ҳам ўшанда учрашармиз. Ҳаммасини ўшанда тушунтириб бераман. Сен жуда ақлли қизсан. Мени албатта тўғри тушунасан, қизим”. Шундай дея у кўзларига ёш олди ва “Бахтли бўлгин — дея суратни ўпиб қўйди. — Сарвардан қочиб тўғри қиласан, қизим...”

...Ва ниҳоят, якшанба куни ҳам келди. Бунгача улар туман раҳбарининг уйига келиб-кетганларини суриштириб билгандилар. Шу туфайли қишлоқ йиғини раиси минг бот узрини айта бошлади. Қолаверса, эрининг юраги хасталиги ва у билан эҳтиёт бўлиб гаплашишларини Сорахон яна илтимос қилган, эридан ҳам қизишмай, меҳмонлар билан сипо гаплашиши кераклигини тушунтирган эди. Акбар ака эҳтимол шу туфайлими ёки қизи борадиган жойнинг одамларига эҳтиром билдиргиси келдими, ҳар холда уларни яхши меҳмон қилди ва ўтган сафар хотини тушунмай уларни киритмаганини эслаб кулишди. Палов ҳам ейилди. Бу орада ким оқсоқол, ким куёвнинг дадаси, яъни қудаси эканини сўзларидан фаҳмлаб олди.

— Хуш келибсизлар, — деди Акбар ака қуллуқ қилиб.  
— Ануви масала... — дея журъат қилди махалла оқсоқоли.

— Ҳа, у масалами? — деди жиддийлашиб Акбар Солиевич, — у масала ҳал.

— Ваҳ, ҳайрият, — деб юборди меҳмонлар кутилмаган гапдан шодланиб.

— Хуллас, у кимга тегади, тақдирини нима бўлади, мени энди қизиқтирмайди. Мен унга бир тийин ҳам, сеплик ҳам бермайман. Гап тамом! Қани омин, оллоху акбар. Хуш келибсизлар! — деди у даст ўрнидан туриб сиполик билан.

Меҳмонлар юзига фотиҳа тортишнIAM, тортмаслик-ниям билолмай доғда қолишди. Бир-бирларига маъноли қараб, елка қисиб олишди.

— Қизингиз сизни анчагина хафа қилган кўринади, — деди раис.

— Бу бизнинг оилавий ишимиз, — деди Акбар ака.

— Ҳар холда жиддийроқ ўйлаб кўрарсиз. Орзу-ҳавас дегандай... — деб гап бошлади Эрдавлат ака.

— Қизим керакми, олинг. Бошқа нарса сўраманг, илтимос, — деди раҳбар чўрт кесиб, ерга қараб.

Вакиллар яна бир бор узрларини айтишди. Бу масалага яна қайтишлари мумкинлигини эслатишди.

— Йўқ, бу масалага бошқа қайтмаймиз.

— Мабодо тўй қилингудек бўлса-чи?

— Тўй ҳам бизни қизиқтирмайди. Кимга тегади, қайси пулга тегади, мени ишим йўқ, чунки менинг бундай қизим йўқ.

— Ҳай майли, нима ҳам дердик. Бизнинг вазифамиз олдингиздан бирров ўтиб қўйиш эди. Кейинчалик қизингизни кечирингизга умид билдирамиз, — деди Эрдавлат ака.

— Раҳмат сизга, тушунган одамга ўхшайсиз, — деди Акбар ака ва беихтиёр у билан маҳкам қучоқлашиб хайрлашди.

— Хуш келибсизлар. Узр, гапнинг жўясини очиқ-ойдин айтиб қўя қолдим, — деди у қўлини кўксига қўйиб.

Меҳмонлар дўппиларини қўлга олиб ҳайрон бўлиб жўнаб қолишди.

— Ҳа, ғалати иш бўлдику! Энди нима бўлади? — деди раис ҳайрон ортига қараб қўяркан.

— Нима бўларди, тўй бўлади-да, — деди оқсоқол.

— Ҳа, албатта, тўй қиламиз! — деди Эрдават ака ишонч билан ва Акбар аканинг самимий қучоқлашиб хайрлашганини ўйлай бошлади. “Демак, вазият шунақамикан? Инсон ҳаётида ҳар нарса бўлиши мумкин, наилож...”

— Лекин сепсиз, қудаларсиз қанақа бўларкин? — деди раис жиддий ўйланиб бошини “аттанг” дегандек қимир-латиб қўяркан.

— Ҳа, яхши иш бўлмаяпти, — деди оқсоқол.

— Йўқ, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши. Ёмон бўлганида бизни эшигидан ҳам кирғизмаган бўларди. Унинг ўрнига яхши меҳмон қилди, иззатимизни жойига қўйди. Кўнглим сезиб турибди, кейинчалик ҳаммаси изига тушиб кетади. Гапни кўпайтирмайликда, тўйни бошлайверайлик. Келинкуёв ўзлари ишлаб, пул топиб бемалол ҳаётларини қуриб кетишига ишонаман.

— Демак, маҳалла хашар қилиб, уларнинг кўрпаёстигини қилиб берамиз.

— Раҳмат. Менда албатта тўй учун жамғариб қўйганим бор. Қариндош-уруғлар ҳам ёрдам беришади.

— Ками-кўстига биз ҳам қараб турмаймиз, — деди раис, — Ёшларни қўллайдиган ҳомийларимиз бор. Аризани бераверишсин.

Хуллас, тез кунларда тўй бўладиган бўлди.



## ОРЗУДАГИ ЖАННАТҒОР САРИ

Икки бизнес ҳамкор яхши тайёргарликдан сўнг сотиб олишган эскироқ “Нива”да ниҳоят Хисор тоғ тизмалари сари йўлга тушишди. Улар ўзлари билан бирга бир ойга етарли озиқ-овқат, палатка ва альпинистик анжомлар ҳам олволишди. Худо хоҳласа то имкони қадар “Нива” бора оладиган жойгача бораверишадиган, фақат машинада юришининг иложи бўлмай қолган тақдиргина уни бирор чўпоннинг қўтонига ташлаб, сўнгра эшакда, эшаклар ҳам юра олмаган тақдирда эса, пиёда кетаверишга қарор қилишди. Аввало тоғ хариталарини яхшилаб ўрганиб, тахминий маршрутни ҳам белгилаб олишди. Сўраганларга “Биз – альпинистлармиз” дейишадиган бўлишди.

Шоазим Шоҳайдарович ўғлининг бангиликдан шифо топиб яхши фикр юритадиган, ўзига яхши дўст орттирганидан хурсанд бўлди. “Эҳ, қани энди ёшим тўғри келганида эди, ёшларга қўшилиб мен ҳам саёҳат қилиб келган бўлардим”, — дея фикр юритди у ва бир вақтлар Сергей Иванович билан Жаннатғорда кечирган кунларини эслади. Ўғлини саёҳатга кузатаркан, унинг елкасини қоқиб кўйди.

— Ануви қизни унут, бошқаси тиқилиб ётибди. Билсанг, киши учун хотин учинчи даражали нарса. Биринчи навбатда ота-онанг, сўнгра яқин дўст-биродарларинг, ана ундан кейин хотининг. Керак бўлса Россиядан ҳам уйланиб ол, бу ерда ҳам бир-иккита орттириб қўй. Ҳаммасига қурбимиз етади. Неварам қанча кўп бўлса, мен шунча хурсанд бўламан ўғлим, — деди отаси ҳазил қилиб,

— Аввал биттасига уйланиб олай, — деди Сарвар ҳам кулиб.

— Энди айтдим-қўйдимда. Бу менинг оталик бурчим. Чунки сен ёлғиз фарзандимсан. Ҳар хил бемаъни кўча қизларига юрмагин дейман-да. Ҳозир нима кўп, касал қизлар кўп.

Гавҳарой опа ҳам ўғли билан йиғлаб-сиқтаб хайрлашди.

— Ўзингни эҳтиёт қил, болам. Совуқларда юрма. Меҳмонхоналар иссиқ бўлса киришлар. Вақтида овқатланинглар. Кир-пирларингни...

— Бўлди ойи, ҳаммаси тушунарли, биз ёш боламас-миз-ку!

Ота-она Андрей билан ҳам ўз фарзандларидай хайрлашишди.

— Следующий раз отца приведи. Мы с ним вместе на охоту пойдём.

— Обязательно, — деди Андрей ҳам кулиб.

Улар Панжикентга етиб келишди ва бу ердан машина бакига тўлдириб ёнилғи қўйиб, заҳирага ҳам олволишди.

— Эҳтимол бирор йўлбошловчи ёллармиз, — деди Андрей чойхонада нонушта қилиб ўтиришаркан, қора соқолли тоғ одамларини кўрсатиб.

— Хали эрта, — деди Сарвар, — “Нива”ни қўйган жойимизда бирортаси билан гаплашиб кўрамиз.

— Ҳа тўғри. Эҳтимол ўша жойни биладиган одам дуч келар.

Улар машинада йўл юришса ҳам мўл юришди. Ниҳоят асфальтлик тугаб, ўнқир-чўнқир тошли тоғ йўллари бошланди. Бир тепаликка айланиб чиқишса, бир тушишар ва яна янги тепалик бошланарди. Йўллар шундай тор эдики, икки машина рўпара келиб қолса бир-бирига йўл бўшатиб беришга мажбур эдилар. Бир жойда тош кўчки-сига дуч келишди. Хайриятки машинани орқага олиб улгуришди. Лекин йўлни тошдан тозалаш учун бир сутка ишлашга тўғри келди. Умрида меҳнат қилмаган ёшлар учун бу оғир синов эди. Яқин атрофда мол боқётган болаларни ёллаб олиб келишга тўғри келди.

Ҳар холда “Нива” бақувват машина эканлигини намоён қилди. Йўлларда сойлар, булоқлар бўйида табиат қўйнида палатка тикиб тунашди. Тобора одамлар сийраклашиб борар, мол-қўйлар ҳам камайиб, ёввойи ҳайвонлар кўпроқ учрарди. Ниҳоят, беш кун деганда машинанинг юришига йўли қолмади. Пиёда ҳам кезиб, кун бўйи қўтон

ахтаришди. Орқага машинада бир оз қайтишга тўғри келди.

— Ана энди йўлбошловчи керак, — деди Сарвар.

— Хозир қаердамиз?

— Тахминан мана бу ерда. Хув-в анави чўққини кўряпсанми, оқ чўққи, — деди Сарвар хали анчагина узоқда булутлар билан туташган тоғни кўрсатиб.

— Эҳ-ҳе, у ерларда роса ёмғир ёғаётган ўхшайди-ку! Булутларни қара.

— Ҳа, биз ҳар нарсага — шамол, совуқ-изғирин, қор-бўронларга ҳам тайёр бўлишимиз керак.

— Жаннатғор деганинг қаерда ўзи!

— Ўша оқ чўққининг ортида бўлиши керак. Фақат биз уни айланиб ўтамиз.

Ниҳоят, оқшом чўкаётгани маҳалигина узоқдан бир олов кўринди. Бу чўпонларнинг кўтони эди. Чўпон бегона машинани кўриб дарҳол милтиғини олиб чиқди. У миллатини фарқлаб бўлмайдиган, ўзбек тилини бузиброқ гапирадиган Чори исмли киши экан. Йигитларнинг шаҳарлик, ҳали пишмаган хомсемиз эканликларини кўриб, олов олдига чойга таклиф қилди.

— Мен Тошкентдан, бу дўстим Москвадан. Бир саёҳатга чиқувдик.

— Қаерга бормоқчисизлар, ўзи?

— Хув ануви оқ чўққининг орқасига.

— У ерда нима бор экан?

— Жаннатғор.

— Бунақасини эшитмаган эканман. Бизда ғорлар кўп.

— Ичидан илиқ булоқ суви чиқиб туради.

— Булоқ ҳам кўп. Нима, илгари кўрганмидингиз?

— Ҳа, — деди Сарвар чойни хўплаб пиёлани узатаркан, — Лекин болалигимда отам вертолётда олиб боргандилар.

— Болаликдаги орзу денг.

— Ҳа, албатта. Шунга бизга бир йўлбошловчи топиб берсангиз ёки ўзингиз бирга юринг. Биз яхши ҳақ тўлаймиз.

— Қанча?

- Минг доллар.
- Кам. Кейин тўламай кетиб қолсангларчи?

Сарвар машинани калитини Чорининг олдига ташлади.

— Икки минг берамиз. Машинамиз ҳам шу ерда қолади.

— Ярмини олдиндан берасизлар.

— Келишдик.

— Бўпти, сизларга hozир овқат олиб келишади. Мен амакиваччам билан гаплашиб келай, — деди у ва бир отга миниб қаёққадир кетди.

Аёллар бир товоқ гўшт қовуриб келишди. Меҳмонларни бир талай қимиз, қатиқ, қаймоқлар билан ҳам сийлашди. Юлдузларга тўла гумбаз остида оловга тикилиб икки дўст ширин орзуларга берилишди. Кўп ўтмай икки отлиқ келишди.

Чорининг амакиваччаси одамга доимо синовчан тикиладиган кўк кўзли серсоқол киши экан. У йигитлар билан кўл бериб сўрашаркан, уларнинг мақсад-муддаоларини кўзларидан билиб олмоқчидай синчиклаб қаради. Лекин тун қоронғулиги бунга халақит қилдимиди, дабдурустан сўраб қўя қолди:

— У ёққа нима учун бормоқчисизлар?

— Шунчаки саёҳат.

— Ишонмайман.

— Нега?

— Икки минг долларни, йигитча, фақат аҳмоқ одамгина тоғу-тошга ташлайди. Тўғриси айтиверинглар. Йўқса, биз сизлар билан ишлаёлмаймиз.

— Болалиқдаги орзу, дедик-ку!

— Бу гапни қадрдон, болаларга айтасиз. У ёққа бориш жуда хавфли. Хали инсон оёғи етмаган жойлар бор. У ерларга тўрт хил тоифадаги одамлар боришади: бирин-чиси жазодан қочган жиноятчилар, иккинчиси тилла, қимматбаҳо тошлар ва бошқа бойлик қидирувчилар, учинчиси альпинистлар, тўртинчиси гиёҳванд модда олди-сотти қилувчилар. Хўш, сизлар қайси тоифадан бўласизлар.

Сарвар довдираб қолди. Бироз ўйланиб турди-да, саволга савол билан жавоб қайтарди:

— Сиз мабодо бу ерларга терговчиликдан қочиб келиб қолмаганмисиз?

Соқолли киши кулиб юборди. Сарвар Андрейга кулгу сабабини тушунтириб берди.

— Мы из пятой категории, — деди Андрей ҳам кулиб.

— Меня зовут Абу Саид. Здесь моя родина и я должен позаботиться о спокойствии своей земли. Хорошо заработать, и воспитать детей...

— Тогда мы об этом позаботимся, — деди Андрей қўллари ни ишқаб ниҳоят бу “оғир” кишини калитини топгандай бўлиб.

— Значит, все-таки вы из четвёртой группы?

— А скажите, люди из этой группы часто к вам приходят? — деб сўради Андрей саволга савол билан.

— Нет. Они так откровенно не говорят. Что вы, первый раз что ли в этих краях?

— Да. И бизнес у нас только начинается. Поэтому ищем себе партнеров. Короче, пришли на разведку по этому поводу.

— А что вас интересует?

— Мак и его сок, — деди Андрей картани очик ташлаб.

— Это называется “Қорахон”. А если поймают?...

— Знаем. Кто не рискует, тот не пьет шампанское.

Шундай қилиб улар келишиб олишди. Абу Саид “Қорахон”ни Душанбегача Андрейнинг ўзига ёки у айтган одамга етказиб бериб турадиган, бу ерда йўл бошловчилик қиладиган ва Сарварга янги гиёҳ етиштирувчиларни топиб берадиган бўлди. Улар Жаннатгор сари юриб, йўл-йўлакай бу соҳани ҳам ўрганиб кетишни мўлжалладилар.

— Жаннатгорга об-ҳаво яхши бўлиб турса уч-тўрт кунда пиёда етиб борса бўлади. Лекин йўл жуда оғир. Альпинизмдан хабардор бўлишларинг керак. Хоҳласанглар бошқа от билан борадиган йўл бор. Фақат чўққини пастдан айланиб ўтилади.

— Яхши, — деди Сарвар ва Андрейга таржима қилиб берди.

— Неча кун юрилади? — деб сўради Андрей.

— Камида бир ҳафта.

Ёшлар хуштак чалиб юборишди. Лекин пиёда қийналгандан кўра шуниси маъқул кўринди. Эртаси тонгда йўл сафари тайёргарлиги кўрилиб, уч отлиқ йўлга тушишди. Шошқин сойлар, куйловчи қоялар, изғиринли тепаликлар, бепоеън майсазорлар-у, яшил арчазорлар аста-секин ортда қола бошлади. Ўша кун кечга яқин булбуллар ва бошқа сайроқи кушлар тинимсиз сайраб турган улкан дарахтлар билан қопланган бир булоқ бўйида тўхтаб, тунаб қолиш учун палаткаларни тикишди.

— Андрей, — деди Сарвар теварак-атрофни завқланиб томоша қилаётган дўстига, — билсанг бораётган жойимиз бундан ҳам гўзал. Хоҳлайсанми, унинг суратини кўрса-таман.

— Ҳа, албатта.

Сарвар чўнтагидан бир нечта суратларни чиқарди. Абу Саид ҳам қизиқиб қўлга олди.

— Ие, бу халиги уйингдаги сурат эмасми?

— Ҳа, ўшани кичиклаштириб олдим.

— Ўхў, шахзода ва малика шохона кошоналаридан чиқиб келишмоқда. Вой, тўхта-тўхта, — деди бир пайт Андрей ва қизнинг суратига узоқ тикилиб қолди, — Ануви қизга жудаям ўхшар экан-ку!

— Қайси қизга?

— Мен танишган қизга-да! Халиги йиғлаб кетаётган.

— Кўйсангчи, жа оласанда.

— Сенда қаллигингни ҳақиқий сурати борми?

— Бор, ана, — деди у Абу Саиднинг қўлидагини кўрсатиб.

Андрей кутилмаганда қотиб қолди. Унда автобусга чиқаётган Сабоҳат чиройли кулиб турар, гўё “Спасибо, вам” деяётгандек эди. Малласоч йигитнинг қўллари алко-голларникидай титрай бошлади.

– Бу ўша! – деб юборди у.

Нон чайнаётган Сарвар бақрайиб қолди. Чайнаётгани томоғида туриб қолиб, аста-секин нафаси қисилиб бўзара бошлади.

– Бўлиши мумкин эмас, – дея олди у базўр ютиниб.

– Эхтимол синглиси ёки яқин қариндошидир?

– Тўғри, унинг синглиси бор.

– Унда қанақа муаммо бўлиши мумкин?

– Муаммо йўқ, – деди Сарвар, лекин шу ондаёқ унинг дилига ғулғула тушди: “Синглиси бўлса, қанақасига эрга тегаети” – деган ўйга борди у. Шу ондаёқ у теварак-атрофдаги гўзалликларга бефарқ бўлиб, камгап бўлиб қолди.

– Ҳалиги суратдаги қиз қаллиғингизми? – деб сўради Абу Саид отини Сарварникига ёнма-ён келтириб.

– Ҳа, Саид ака. Мен ҳаётимни усиз тасаввур қила олмайман. У билан ўша Жаннатғорда бир умр яшамоқчиман. Бизга ҳеч ким халақит қилмайди. Бизнесимиз ҳам юраверади. Худо хоҳласа бизнинг ҳамма нарсамиз бўлади.

– Худо хоҳласа, – деди Абу Саид ҳам кўкиш кўзлари ёниб, – Орзуга айб йўқ, албатта. Лекин тушунмадим, одамлардан қочиб яшамоқчилигингизнинг боиси нимада?

– Билсангиз, менинг отам катта амалдор. У киши менга ҳамма нарсани муҳайё қилиб берган. Дангиллама уй, бойлик, машина. Лекин ҳаётим жудаям зерикарли. Шунинг учун мен ҳаммасидан воз кечиб, ўз ҳаётимни ўзим қурмоқчиман.

– Ундоқ деманг. Ахир ҳар қандай ота-она орзу-ҳавас қилади, фарзандларининг камолини кўришни хоҳлайди.

– Лекин ўша бахти-камолни аввало фарзанд ўзи ўз кучи билан ярата олиши керак. Нега энди у тайёрга айёр бўлиб яшайди? Нега энди ота-онага ёққан қизга уйланиши, фақат улар хоҳлагандек яшаши, туриши, юриши керак?

– Билмадим. Сиз ота-онангиздан негадир безибсиз. Бу яхши эмас. Мусулмончиликка тўғри келмайди. Кейинчалик афсус қилиб юрманг тагин.

— Ота-онам ўз вазифаларини бажариб бўлишди. Энди бу ёғига ўз аравамни ўзим тортмоқчиман. Ўз билга-нимча яшайман. Мана Андрей бор, сизни топдим. Энди фақат ўша қаллигим бўлса, бас. Бошқа ҳеч ким менга керакмас.

Бу сўзлар Сарварнинг қатъий қарори эди. Шу кҒйи у яна камгап бўлиб қолди. Бутун йўл бўйи хаёллар оғушида бўлди. Фақат маҳбубасини шу ёққа олиб келиш учун йўл маршрутларини, айрим белгиларни хотирасига жойлаб борди. Улар хали яна шу йўлдан қайтишади. Йўллар эса янада таниш бўлиб қолади ва эҳтимол бу йўллар унга бир умр қадрдон бўлиб қолса, ажабмас...

Ва ниҳоят олти кун юрилгач, осмонўпар оқ чўққи чап ёнда қолди. Энди баландликка кўтарилиб, ям-яшил тоғ ёнбағирлаб юрмоқ ва қоялар орасидан илиқ жилға оқиб чиқиб турадиган ўша Жаннатғорни қидирмоқ керак эди. Улар турли жилғаларга дуч келишар, Сарвар отдан сакраб тушиб, унинг сувидан тотиб кўрарди. Шундай жойларга келиб қолишдики, ҳадеганда кийиклар, гўзал жайронлар, тоғ эчкиларига дуч келишар, баъзан кўнғир айиқларнинг ўкириши, силовсинларнинг шип этиб қочишини илғаб қолардилар. Какликлар эса товуклардек кўп холос. Қўлда милтиқлар доимо шай, лекин бу фақат ҳимоя учун эди. Андрей турли жониворлар ва табиат гўзаллигидан лол эди.

— Ҳа, — деб юборди у. — Биз ҳақиқатдан жаннатга келиб қолдик шекилли!

— Бу ҳали ҳаммаси эмас. — деди Сарвар. — Сен ҳали Жаннатғорни кўрмапсан.

Улар бир арчазор баландлик устига чиқиб қотиб қолишди. Баландлик ортида кўм—кўк майсазор водийси ястаниб ётар, майсазор турли гуллар билан бурканган гўё бепоён чаманзор эди. Чаман гуллар орасидан бир жилға оқар, жилғанинг бошланиш тарафида эса, узоқдан қорайиб бир ғорнинг оғзи кўриниб турарди.

— Э-ҳа!.. — деб юборди Андрей.

— Бу менинг Жаннатғорим! — дея қичқирди Сарвар.

— Қара, кўкнорилар гуллаб ётибди! Қандай гўзал!



Икки йигит отларини Саидга тутқазиб ўзлари пастликдаги чаманзор сари чопиб кетишди. Улар жуда бахтиёр эдилар. Шундай хурсанд эдиларки, гуллар қўйнига ўзларини ташлаб тинмай қийқиришар, қийқириқ товушлари тоғ қояларида тўхтовсиз акс-садо берарди. Лекин хурсандчилик узоқ чўзилмади. Қарсиллаб отилган ўқ товуши қийқириқларни босиб кетди. Отлар кишнаб юборди. Икки йигит гуллар ичида тиззалаб қолишди.

— Саид ака, ким отди? — дея қичқирди Сарвар.

— Билмадим, эҳтиёт бўлинглар, — деди Абу Саид бир тош ортидан бошини чиқариб.

— Шумо ки будет?! — деган қичқириқ янгради. Овоз акс-садо берди. Сарвар таниди. Бу ўша болалигида кўрган Сафарёр. “Демак у халиям бор эканда” деган фикр ўтди кўнглидан.

— Сафарёр ака, мен тошкентлик Шоазим аканинг ўғлиман! Эсингиздами, москвалик меҳмонлар?! Ўн беш йил бўлди!

— Куролхо партоед! — деган овоз келди аллақаяқдан.

— Андрей, брось винтовку! — деди Сарвар қўлидаги милтиқни анча нарига ташлаб. Андрей ҳам шундай қилди.

— Вай, Саид гуфтани ки?! — деб сўради овоз.

— Ман Абу Саид, а кўхи Панжикент! Бачахоба ҳамроҳ шуда истодам! — дея қичқирди йўлбошловчи ва у ҳам қуролини ташлади.

— Инжа бетон, тарафи санги сафеди калонба!

Сарвар теварак-атрофни кузатди. Улкан оқ тошлар кўп эди. Бир арчанинг шохи қимирлади ва ўсиб кетган соқолининг ёнлари оқарган эгнига пўстақдан кийим кийиб олган бир мўйсафиднинг боши кўринди. Йигитлар нарсаларини ташлаб ўша киши томон йўл олдилар. Милтиқ кўтарган киши уларни синовчан қарши олди.

— Ассалому алайкум!

— Здравствуйте!

— Мен Сарварман. Эсингиздами, дадам билан вертолётда келган эдик. Унда кичкина бола эдим.

Мўйсафид Сарварга узоқ тикилди ва эслади шекилли, бошини билинар-билинемас силтаб қўйди. Андрейга нигоҳ ташлади.

— Бу Андрей, Москвалик, ўша меҳмоннинг ўғли,  
— деди Сарвар ўзидан қўшиб.

— Как сюда пришли? — деб сўради чол рус йигитдан.

— Так. Своим ходом.

— Сколько дней?

— От Саида шесть дней. Только днём верхом.

— А зачем пришли?

— Просто так. Погулять. Увидеть мир.

— Просто так дорогой, сюда никто не ходит.

— Сарвар хвалил, что у вас прекрасная пещера.

Ниҳоят, мўйсафид йигитларнинг қизиқувчанлик билан саёҳатга келганликларига амин бўлди ва уларни ўз “кулбаи вайрона”сига таклиф қилди. Улар отларини етаклаб келишаркан ёввойи холда ўсиб ётган кўкнори-ларнинг гуллари ва кўрақларига ҳавас билан боқишар, узиб, ҳидлаб, хатто тирноқлари билан тилиб, унинг шарбатини сиқиб кўришарди.

“Это моя заветная мечта”, — дер эди хаёлан Андрей, кўкнори гулларини ҳузур қилиб ҳидлаб. “Бу ер менинг орзуимдаги маконим”, — дер эди Сарвар ҳам. “Тавба, икковиям фирт аҳмоғ-а”, — деб кулиб қўярди Абу Саид. “Булар фақат ўйнагани келишдимикан ё бирор бошқа мақсадлари ҳам бормикин?” — дея ўз-ўзига савол берарди Сафарёр.

Шу зайл улар ғор оғзига етиб келишди. Отларини бир чеккага боғлаб қўйишди-да, жилғанинг тарқоқ оқаётган шишадек тиниқ ва илиқ сувини кечиб ҳайрат билан ғор ичкарисига томон кира бошлашди. Жаннатғор Сарвар болалигида кўргандек ўзгармаган, ўша-ўша мафтункор эди. Унинг улкан залидан отилиб чиқаётган булоқ сирти юқоридаги туйнукдан тушиб турган қуёш нуридан товланиб, рангли камалак ҳосил қилган, унинг ранглари гўё осилиб турган турли кристал тошларда акс этмоқда эди. Улар ўзларини турли ранглар билан безаб ташланадиган

улкан шоу рақс майдонига кириб қолгандек хис қилишди. Лекин бу ерда ҳамма нарса табиий ва ҳақиқий эди. Хор ҳавоси ҳам мўтадил ва ёқимли эди. Фаввора атрофида пайдо бўлган ҳовуз ва ундаги форель балиқлари, гор деворларида жилваланаётган кристалларни кўриб, Андрей ҳайқириб юборди:

— Это же настоящий рай!

— А я тебе что говорил? — дея Сарвар қулочларини ёзди ва гир айланиб ерга чўккалаб қолди. Булоқ сувидан қўлларига ховучлаб олди, оҳиста юзларига суртди. “Тамом, мен энди шу ерда яшайман. Бу ер менинг кошонам бўлади. Сабоҳатни олиб келаман. Дада, ойи, мендан рози бўлинглар. Энди ўғлингиз йўқ. У ўлган. У жаннатга тушган!...”

— Сарвар, тур, нима қилиб ўтирибсан. Чол чақиряпти, чойи тайёрмиш... — деди Абу Саид хаёлга берилган йигитни туртиб.

Бу пайтда Андрейнинг ҳам хаёлларидан нималар кечди — фақат ўзигагина аён эди. У ҳам худди туш кўраётгандек, гўё қуруғидан тортиб олгану, кайфини ушлаб қолмоқчидек хайратда эди. Улар мўйсафиднинг одатда-гидек кўкнори чойидан ичиб олишгач, сархуш бўлиб қолишди.

Шундай қилиб, фаррах маконда улар уч кун қолиб кетишди. Абу Саид уларни тўхтовсиз “қайтамиз” дея куткилайвермаганида, ким билади яна неча кун меҳмонликда қолиб кетишарди. Горнинг хоналари кўп экан. У ерларда кўплаб ажойиботларга дуч келишди. Деворларида аждодлар томонидан чизилган ҳар хил сурат ва шакллар ҳам кўп эди.

— Илгари замонларда бу ерда катта оилалар яшаган, — деди мўйсафид.

— Нега энди шундай оила ҳозир ҳам яшаши мумкин эмас? — деб сўради Сарвар.

— Мумкин. Бунинг учун менга ўхшаб тарки дунё қилиш керак.

— Сизнинг оилангиз бўлганми?

— Бўлган. Лекин ҳаммаси ўлатдан ўлган.

— Шу ердами?

— Йўқ. Биз Айни деган тарафда яшардик. Мен урушда қуршовда қолиб асирга тушиб қолдим Концлагерда тўрт йил бўлдим ва уч-тўрт орттирган дўстларим билан у ердан қочдик. Етти йилда уйга қайтиб келдим. Келсам, оиламдан ҳеч ким қолмабди. Уй-жойим, мол-мулким колхозга ўтиб кетибди. Ўзимни бўлса НКВДга олиб бориб, минг азобга солишди. «Хоин» деб турмага қамашди. Мен эса у ёқдан ҳам қочдим ва шу ерларга келиб қолдим. Айбим нима, халиям билмайман.

— Нега кейин уйланмадингиз?

Оқсоқол жим қолди. Негадир гапиргиси келмади. Шундай бўлсада, жовдираб турган Сарварга ростини айтиб қўя қолди:

— Мени концлагерда ахта қилишган. Фақат бир акам бор эди. Панжкент тарафда турарди. Уям ўтиб кетган бўлса керак ... — деди у чуқур хўрсиниб.

— Мен шу ерга келиб яшасам, сизга ўғил бўлсам, нима дейсиз? — деб сўради Сарвар қулоғига шивирлаб.

— Йўқ, сенинг йўригинг бошқа. Ота-онанг бор. Адолатли тузумда яшаяпсизлар.

— Мен бу ерга қаллиғим билан келаман. Сизга қараймиз, невараларингиз бўлади.

Чол чуқур ўйланиб қолди.

— Келишинг мумкин, ўғлим. Фақат бир-икки йилга. Хотининг барибир бу ерда кўп яшашга кўнмайди. Шу ерда туғилиб ўсган бўлганларингда бошқа гап эди. Сизлар дунёни кўриб қўйгансизлар, ёввойи ҳаётга барибир кўни-колмайсизлар. Хўш, туғилажак болаларинг-чи? Уларнинг касал бўлиши бор. Қолаверса, улар ўқishi керак, бўлмаса саводсиз ёввойи одамдан фарқи қолмай ўсишади. Ўйлаб кўр.

— Ўйлаб кўрганман, отахон. Фарзанд кўриш бизга иккинчи даражали. Бу ерда биз дунё ташвишларидан холи яшамоқчимиз. Агар руҳсат берсангиз, албатта.

— Майли, яшаб кўринглар. Лекин икки шартим бор.

— Қанақа шарт экан?

— Биринчидан, бу ерга келиш йўлини бошқа ҳеч кимга айтмайсан. Кейин ўлсам шу ерга кўмасан. Жойини ўзим кўрсатиб бераман.

— Демак, у дунёда ҳам жаннатни тарк этмоқчимас экансизда.

— Эҳтимол...

Мўйсафид Сарварнинг кўзларига тикилди:

— Сенинг яна қандайдир мақсадинг бор. Кўзларинг айтиб турибди.

— Ҳа, тўғри. Еяверсанг тоғ ҳам қулайди, деган гап бор. Бу ерда деҳқончилик қилмоқчиман. Ҳосилни эса баъзан харидорларга олиб бориб, керакли нарсаларга алмаштириб келиб тураман. Тирикчиликнинг айби йўқ-ку!

— Харидоринг ануви ўрис болами?

— Ҳа.

— Демак, кўкнори етиштирмоқчисан, шундайми?

— Шундай. Агар сизда ҳосилдан бўлса шеригимга сотсангиз. Шунча йўл босиб келиб қуруқ кетмасин.

— Бор. Лекин менга пул керакмас. Пул бу ерда бир тугантириқ холос.

— Эвазига нима сўрайсиз?

— Эвазигами? Ҳозирча менга бир от зарур. Чунки ўзимнинг отим ўлиб қолган. Кейин милтиқ, ўқ, кийим-кечак дегандек...

— Бўпти, — деди Сарвар жонланиб, — бизга намунасидан кўрсата оласизми?

— Ҳа, сен шу ерда кутиб тур.

Мўйсафид тошлар ортига ўтиб, арчазорда ғойиб бўлди.

Сарвар Андрейни чақириб орада бўлган гапларни айтиб берди.

— У него какой вид наркотика?

— Не знаю. Он сейчас образец принесёт.

Бир оз ўтгач, Сафарёр бир баргга ўроғлиқ нарса олиб келди ва йигитларга уни очиб кўрсатди. У елимсимон қорадори эди. Андрейнинг хайратдан кўзлари косасидан

чиқиб кетай деди ва гўё хазина топиб олгандай “Ва!” деб юборди. Чол лабига бармоғини қўйиб “Жим, Саид билиб қолмасин” деган ишора қилди. Андрей ширани қўлига олиб, тилига теккизиб кўрди. “Ҳақиқий” дегандек бош бармоғини кўрсатди.

— Сколько есть? — деб сўради Андрей шивирлаб.

— Не скажу, — деди чол ҳам шивирлаб.

— Здесь около двадцати грамм...

— За кило сколько дашь?

— Отец, честно говоря на чёрном рынке продают по пятьдесят тысяч долларов за кило. Но мы вам дадим тридцать тысяч. Поймите, здесь большой риск.

— Понимаю, я согласен. Но ваши деньги мне не нужны. Я вам отдам один кило. Оставьте одну лошадь, одну винтовку и что-нибудь ещё.

— Мы будем вашими должниками.

— Ничего. Это на вашей совести. Если вдруг приедите, привезите с собой золото. А если не приедите, бог с вами.

— Мен албатта келаман, отахон. Лекин тилла сизга нимага керак?

— Гўримга олиб кетаман. Билсанг, бу дунёдаги одамларнинг нечоғлик аҳмоқлигини жаннатда хис қилиб ётиш нақадар хузурбахш... — деди чол беўхшов хе-хелаб кула бошлади.

Сарвар анграйиб қолди:

— Отахон, сиз нега унақа дейсиз?

— Ахир ўзинг ўйлаб кўр. Манавининг захри қотиллигини одамлар била туриб истеъмол қиладилар, ўз-ўзларини ўлдирадилар. Катта пулларга, тиллаларга ҳеч иккиланмай ўз ўлимларини сотиб оладилар. Мана сизлар ҳам ҳозир, қўйиб берса иштонсиз кетишга ҳам тайёрсизлар, тўғрими?

Чол шундай деди-да, қўлидагини бир четга улоқтириб нари кетди.

— Что он сказал? — деб сўради Андрей ҳайрон бўлиб.

— Он недоволен, что люди губят себя этим ядом.

— Ну и патриот... Я знаю, что у него много «карахан»

Просто он хочит нас проверить. Эх жалко, дал бы пять килу...

— Не рискуй.

— Гулять, так гулять.

— А как его уговорить?

— Отдадим все деньги как залог. А потом привезем золото и заберем свои деньги.

Бу таклифни улар мўйсафидга узоқ тушунтиришди.

— Келиб-кетиш осонмасда, отахон. Сизга ўн минг доллар ташлаб кетамиз.

Чол кулиб қўйди.

— Мен концлагерда бўлганимда одамларнинг бир тишлам қора нон учун бир-бирини ўлдириб қўйганларини кўрганман. Одамни елкасида шайтон ўтиради. Биламан, сизлар жуда ёшсизлар. Эҳтимол хали шайтон йўлдан урмагандир. Лекин ким кафолат беради, мени ўлдириб кетмасликларингизга, а лаббай?

— Мен келиб сиз билан бирга яшайман, отахон, — деди Сарвар жиддий.

— Хўп, олдин кел, кейин гаплашамиз.

Шундай қилиб Сафарёрни кўндириб бўлмади. Андрей билан Сарвар бир отга миниб ва баъзи нарсаларни қолдириб, келган йўлларида қайтиб жўнадилар.

— Отахон, мен албатта келаман. Ўша гапим — гап. Қаллиғимни ҳам ола келаман! — дея қичқирди Сарвар тепалик устидан мўйсафидга қўл силтаб.

Чол қўлини хиёл кўтариб қўйган бўлди. Жаннатгор ортда қолди.

Сарвар йўлдаги ҳар бир қоя, ҳар бир харсангни, сойлару дарахтзорларни, жарлигу адир сўқмоқларини ўзича чамалаб, кўзи билан белгилаб борарди. Лекин отга икки киши оғирлик қилди. Шу туфайли навбатма-навбат минишиб, кўпроқ пиёда ҳам юришди. Ниҳоят саккизинчи кун машиналарини ташлаб кетган маконларига етиб олишди. Чори акага чуқур миннатдорчилик билдириб, уни рози қилишди.

Хаш-паш дегунча орадан бир ой ўтиб кетибди. Панжикентга кириб келишлари ҳамано Андрей Москвага қўнғироқ қилишга отланди. Онасини хурсанд қилди.

— Слушай, — деди онаси сўзлашувларининг сўнгида, — тебе какая-та девушка звонила узбечка.

— Узбечка? Откуда?

— Наверное из Узбекистана. Ты, оказывается, визитку давал ей.

— А-а, да-да, Сабохатка что ли?

— Не помню. Короче, она выходит замуж и пригласила тебя на свадьбу.

— А когда?

— Двадцать четвертого.

— А сегодня какое число?

— Сегодня тридцатое.

— Эх жаль. Ладно мама, досвидания...

Андрей сўзлашув будкасидан чиқиб ҳайронликда ўйланиб қолди. “Наҳотки бу... Сарварнинг қаллиғи бўл-сах... Йўғе, бўлмаган гап. Сарварга нима десам экан-а? Қизиқ бўлди-ю. У кўп нарсаларни режалаштираётган эди. Эх, ҳар холда улар Жаннатгорда бирга яшашганида эди, бизнесимиз зўр бўлардида...”

— Ҳа, Москва тинчлик эканми?

— Москвада-ку тинчлик, — деб хўрсиниб қўйди дўсти,

— Ўзбекистон нотинчга ўхшайди.

— Нима, йўлда текшириш қаттиқмикан?

— Билмадим. Лекин Сабоҳат эрга тегибди.

Сарвар менсимай кулиб қўйди:

— Буни ойинг айтдими, ёки тушингда аён бўлдими?

— Ойим айтди. Сабоҳат уйимизга телефон қилибди, мени тўйига таклиф қилибди.

Сарвар рудда борарди. Тўғри, ўртоғи баъзида ҳазиллашиб жиғига тегишни яхши кўрарди. Лекин ҳозиргиси ўтиб кетди. Сарвар тўсатдан машинанинг тормозини босиб юборди. Катта тезликда кетаётган машина йўл устида бир айланиб кетди.



— Ҳой, эсинг жойидами? Нима қилаяпсан?! — дея қичқирди Андрейнинг чиндан жаҳли чиқиб.

Сарвар унинг ёқасидан олди:

— Сен мен билан бунақа ҳазиллашма. Нима десанг де. Ўзимни сўк, онамни сўк, лекин Сабоҳатнинг устидан майна қилишингга йўл қўймайман!

Андрей гапнинг нимада эканини тушуниб, жим қолди ва ниҳоят, тилга кирди:

— Йўқ, дўстим. Бу сафар ҳазиллашмаяпман. Сен ҳам уйингга кўнғироқ қилиб кўр. Ҳаммаси равшан бўлади-қўяди.

— Кечирасан, Андрей. Сал қизиққонлик қилдим.

— Йигитчиликда бўп туради.

Улар Ургутга етиб келишди. Сарвар почтага қараб чопди.

— ...Ойижон, бир гап эшитдим, шу ростми?! — дея қичқирди у қисқача салом-алиқдан сўнг.

Гавҳарой ўғлини алқаб ҳадеб сайрайверди.

— Мен сиздан сўраяпман! Сабоҳат ҳозир қаерда?!

— Э, қўй ўша қизни. У суюқоёқ экан. Отаси уни оқ қилибди. Уйдан қочиб кетибди. Уни эсингдан чиқар, ўғлим. Мен сенга шундай чиройли қизни топиб қўйдимки...

Она тинмай жаврар, лекин Сарварнинг кулоқлари том битган эди. «Нима «суюқоёқ», «оқ қилган», «уйидан қочган» дейдими?...»

— Ойи, ростдан Сабоҳатнинг тўйи бўлдимиз, деб сўраяпман?

— ...Ие вой, қўй ўша қизни, тағин эслатмагин-е. Тўйиям қуриб кетсин уни. Сепсиз ўзи бир йигитникага бориб кириб олганмиш, маҳалла-қўй пул йиғиб тўй қилиб беришганмиш. Акбар акалар ҳам тўйга боришмабди...

«Нима, маҳалла-қўй пул йиғиб...» Сарвар тошдек қотиб қолди, чўнтагидан бир сиқим пул чиқарди ва уни мажақлай бошлади. «...Сепига пули бўлмаганмиш...»

— ...Алло, алло, ўғлим, эшитяпсанми? Қачон келасан? Ануви қизни кўргин. Алло, фу-фу...

Сарвар гўшакни жойига илиб ҳам қўймади.

— Сиздан бир 1 сўму 62 тийин, — деди телефонистка қиз.

Сарвар сархуш ҳолда қўлидаги эзгиланган бир сиқим пулни унинг олдига ташладида, чиқиб кетди.

— Хой, тўхтанг! Бу ерда кўп-ку!... — дея қичқириб қолди қиз.

Машинани Андрей миниб олди. Сарвар бутун йўл бўйи чурқ этмади. Орқа ўриндиққа ётиб олди. Андрей уни чарчаган деб ўйлади ва деярли гапга солмади. Сарвар эса кўзлари ёшга тўлган ва уйғоқ эди. «Наҳотки, у эрга тегиб кетди. Нима мен, шунчалик эътиборсизликка лойиқманми? Наҳотки у дадасидан, атрофидаги таъсирлардан чўчимди. Отаси оқ қилиш даражасигача борибди. Демак, анчагина гап ўтган кўринади... Уни бирор йигит йўлдан уриб, эҳтимол бузиб қўйган бўлса-чи? Наҳотки ўша йигитнинг ҳолати меникидан зиёда бўлса?! Йўқ-йўқ, ахир маҳалла—кўй пул тўплаб тўй қилибди-ку! Демак, у ўта қашшоқ йигит. Наҳотки, шунча бойлик, отамнинг амалдорлиги, данғиллама ҳовлиларимиз, оиламизнинг эл-юрт олдидаги обрўсини у қиз назар-писанд қилмади? Нима, мен аҳмоқ бўлиб қолавераманми? Йўқ, асло. Халиям кеч эмас. Менинг қаллигимни йўлдан урган ўша йигитни пашшадек эзгилаб ташлайман. Сабоҳатни мени севишга мажбур қилишим ва албатта ғолиб келишим керак».

Сарварнинг муштлири тугилди. Кўзларига қон қу-йилди. Хали танимаган, кўрмаган, лекин Сабоҳатни ўзиники қилиб олган ўша номаълум йигитнинг шаънига болаҳонадор қилиб сўкина бошлади.

— Чего ты ругаешься? — деб сўради Андрей тезликни пасайтириб, жиғибийрон бўлиб ётган дўстига ўгирилиб. — Что с тобой?

— Я его убью!

— Кого?

— Этого придурка, который украл мою невестку.

— Да. Это усложняет наше положение... Ну скажем убил, а потом?

– Забираю Сабохатку и в Жаннатгор.

– Друг мой, зачем тебе криминал? Тебя в розыск объявят. Поймают и посадят. Кому это надо? А у нас с тобой хорошие перспективы.

– Ты своими перспективами, иди-ка куда по дальше!

– деди Сарварнинг жаҳли чиқиб.

– Не сердись а. Сначала выслушай. Я хочу тебе другой вариант предложить.

– Какой вариант?

– Если считаешь нужным, то в этих операциях ты совсем участвовать не будешь. За тебя это будут делать другие.

– А как?

– Деньги – это сила. Они у нас в кармане. Подумай. Сарварнинг кўзи ярақлаб очилгандек бўлди.

– Понял. Только кого будем нанимать?

– Никого. Ради тебя и ради нашего общего дела, лучше всего сделаю это сам.

– Чего?! – деб юборди Сарвар ҳайрат билан.

– Что, боишься стать должником?

– Не шути-ка-а.

– Не шучу. Понимаешь, убить человека это грязное дело. А мы обходимся без убийства. Я Сабохатку знаю. Тем более она сама пригласила меня на свадьбу...

Сарвар Андрейнинг бу гоҳсидан ич-ичидан қувониб кетди.

– А ну-ка, остонави машину.

– Зачем? – деди у ва машинани бир четга тўхтатди.

– Теперь, вылезай.

Андрей, дўстимни хафа қилиб қўйдим шекилли, деб ўйлади. Шу сабаб, машинадан истар-истамай тушди-да, сигаретани асабий тутатди. Сарвар ҳам тушиб келди. У аввалига Андрейни “Раҳмат, сенга. Сен менинг ҳақиқий дўстимсан!” – дея қучоқлаб олмоқчи эди. Лекин унинг сигарета тутатаётганини кўриб бу фикридан қайтди.

— Дай закурить, — деди у беихтиёр, — Просто перекурим. Ты наверное устал. Давай я поведу.

— Нет, ничего. Я не устал.

— Мы сейчас, кажется в Гулистане. Скоро приедем домой, возьмём бутылочку, отдохнем и завтра со свежей головой составим планы.

— Значит ты согласен?

— Друг мой. Я с тобой готов пойти на другой край света.

— Зачем. Ты лучше живи в своем раю, а я в своем.

— Может быть вместе поживем?

— А кто нас кормить будет? — деди кулиб Андрей.

— Как-нибудь проживем.

— Я со своей девушкой иногда к вам в гости буду приходить. Договорились?

— Договорились, — деди Сарвар ва Андрейни энди иложсиз самимий кучоқлади.

\* \* \*

Арзанда ўғилларига ёқтирган қизини олиб бера олмаганлари учун Сарварнинг ота-онаси унинг олдида жуда хижолатда эдилар. Шоазим Шоҳайдарович Акбар Солиевич билан «аразлашиб», гаплашмай қўйишдилар. Уларнинг ўртасидаги самимий муносабатга путур етганди. Гавҳарой ая эса ўғлини бирор ишкал иш қилиб қўйишидан хавотирда эди. Шу сабабли у ўғли нима деса хўп дейишга ва хатто эрини кўндиришга тайёр эди. Лекин Сарвар улар кутганчалик муаммолар чиқармади ва атайин Сабоҳат ҳақида гап ҳам очмади. Ўзини гўё тақдирга тан берган, маъшуқасини осонгина бой бериб қолаверган ландавур ошиқдай қилиб кўрсатди. Андрей уни йўлга солиб тарбиялаётганидан, бангиликни мутлақо ташлаганидан ота-она беҳад хурсанд эдилар.

— Дада, биз Андрей билан яхши режалар тузмоқдамиз.

— Қанақа режалар экан, ўғлим?

— Помирда бўлганимизда тоғ-кон геологияси бўйича

халқаро экспедицияга бизни ишга таклиф қилишди. У ерда тилла, уран, олмос ва бошқа қимматбаҳо бойликлар кўп экан. Биз келажакда Андрей билан ҳамкорликда қайта ишлаш корхонаси очмоқчимиз. Андрейнинг дадаси бунга сармоя бермоқчи экан.

— Яхши фикр. Агар икки дўст бир-бирига ишонса, ҳар қандай тоғни ҳам талқон қилиш қудратига эга бўла олади. Майли бир-икки йил ишлаб, тажриба орттиринглар. Сармоя зарур бўлса мен ҳам бераман.

Шоазим ака яхши ишларни режалаштираётгани учун Андрейга миннатдорчилик билдирди.

— Когда со своим отцом меня познакомишь?

— Приезжайте в Москву. Будем рады.

— У меня там полно друзей.

— Вот и ещё один не помешает...

Йигитларнинг тоғу-даштга ишлагани кетишмоқчи эканликларига Гавҳарой ая аввалига қарши чиқди:

— Вой, нималар деяпсиз, дадаси. Биттаю-битта ўғлимизни ишлатиб қўямизми?

— Қўявер, ёшлар чалғийди. Мусофирчилик, қийинчиликни кўришади. Ҳар хил бемаъниликлар билан машғул бўлгандан кўра мустақил меҳнат қилиб, пишганлари маъқул. Шунда биз ҳам унга қадрлироқ бўламиз.

— Уни уйлантиришимиз керакку, ахир!

— Мен сенга ҳозир Сарварни хотин эмас, янги режалар қизиқтиряпти деяпманку! Нима деса “хўп” деяверайлик...

Хуллас, икки дўстнинг ишлари пухта тузилган режа асосида кета бошлади. Мўйсафиддан келтирилган “мол”ни жўнатишди. Ундан яхши даромад олишди. Ундан ташқари яна 200000 доллар пулни олдиндан олишди.

— Бу пулларга тилла сотиб оламиз. Биладан, мўйсафидда “қора дори” кўп. Секин-аста ўзимиз етиштиришни йўлга қўйсак бундан ҳам кўп даромад ола бошлаймиз, — деди Андрей ишонч билан.

— Демак, сафарга яна бирга жўнаймизми?

— Ҳа, йўқса анаву қиз сени йўлда қийнаб қўйиши

мумкин. Мен сизларни қўйиб камида беш кило анувиндан олиб, Душанбедан иложи бўлса тўғри Варшавага учаман. Польшаликларга «мол»ни тезроқ олиб борсам, тўлиқ ишончга кирман. Шунинг учун бирга жўнашимиз керак.

— Сабоҳатни нима қиламиз?

— У институтни тамомланганми?

— Охирги курс, ҳа айтмоқчи, шу кунларда давлат имтихонлари бўлиши керак.

— Яшавор, бу ишимизни янада осонлаштиради. Демак, келинчак имтихон топширгани келади. Кетдик, ҳозироқ институтга бориб жадвалларни ўрганиб келамиз.

Бу ишни билиш қийин кечмади. Сарвар учун таниш бўлган институт хоналари, зиналари ва хиёбонлари. Бу ерларда у қизнинг ҳар бир қадамини пойлайвериб холдан тойган, суратга олавериб кўзлари чарчаганди.

— Давлат имтихони бешинчида, диплом ҳимояси ўнинчида экан, — деди Сарвар қадрдон жойларини бир кезиб келиб.

— Демак, ана шу кунларнинг бирида жўнаймиз, — де-ди Андрей узил-кесил ҳал қилиб. — Бугун нечанчи число?

— Учинчи.

— Нима қилиб ўтирибмиз? Бўлмаса олиб кетадиган нарсаларни рўйхатини қилайлик.

Улар қоғоз-ручка олиб жиддий киришишди.

— Хўп, бўлмаса мана, — дея Сарвар рўйхатни туза бошлади:

1. *Тилла тақинчоқлар — 100000\$*
2. *Туз — 10 кг.*
3. *Гугурт — 1 яшик ёки ёндиргич.*
4. *Ўқ-дори — 1 яшик.*
5. *Қишки спорт кийимлари — 2 жупфт.*
6. *Альпинизм анжомлари.*
7. *Хўжалик асбоблари ва аптечкалар.*
8. *Кўрпа-тўшак, палатка.*
9. *Шам — 1 яшик.*
10. *Гуруч — 1 қоп.*
11. *Милтиқ — 2 дона.*

– Йўлдан учта от ва тўртта эшак сотиб олиб, йўл бошловчисиз ўзимиз кетаверамиз. Бўладими?

– Бўлади. Яна аккумулятор, фонарлар, мусиқа маркази, янги йил чироқлари, рангли шарларниям қўшиб қўй.

– Нега?

– Нега бўларди, жаннат жаннатдай бўлсинда!

Сарвар буни кўз олдига келтириб кулиб қўйди.

– Ҳа, айтмоқчи, – деди Андрей, – ҳар эхтимолга қарши занжир ва кишан олишни ҳам унутма.

– Нега?

– Келинчак қочиб кетмаслиги учун. Чунки у осонликча бўйин эгмаслиги турган гап.

Сарвар индамади. Жавоб ўрнига чуқур хўрсиниб қўйди...

Ўша куниеқ бозорга боришди ва рўйхатдаги ҳамма нарсаларни сотиб ола бошлашди. Уларни гаражга жой-лашди. Лекин энг муҳим “товар” бўлмиш келинчақдан хали дарак йўқ эди. Улар институт депараси ва ётоқхонани тўхтовсиз кузата бошлашди...

Сарвар асосан институт рўпарасидаги машинанинг ичида ўтирар, қора кўзойнак таққан Андрей коридор ва залларда тентираб юарди. Режа бўйича Андрей уни “тасодифан” учратиб қолгач, сўнгра уни бирор ресторанга тушликка таклиф қилиши ва қиз ичадиган ичимликка ухлатадиган дори солиб қўйиши, кейин эса, наркоз ҳидлатиб, орқа ўриндиққа ётқизиб, устига одеяло ташлаб олиб кетишлари керак эди. “Нива” гаражда шай қилиб қўйилган, “ов”га эса “Об”да чиқишганди. “Ўлжа” қўлга олингач, Андрей уни шаҳарнинг бир четидаги белгиланган жойга олиб боради. Сарвар эса уйдагилар билан хайр-хўш қилиб, “Нива”ни миниб келади. Режа жуда жиддий бўлиб, бу сафар “кўкнори хаёлга” ўхшамасди.

## КЕЛИНЧАКНИНГ ҶИРЛАНИШИ

Пойтахтнинг сокин осмонида субҳидам тонг отди. Шинам кўчаларга машиналар сув сепа бошлади. Ёз фасли кириб келгани учун йўл ва тротуарлар бўйи, хиёбонларда ранго-ранг гуллар барқ уриб очилган, кўплаб ишчилар ўсиб кетган ўтларни ўроқ билан ўриб, яшил манзарали дарахтларни эса гулқайчи билан қийиб текисламоқда эдилар.

Автобусдан тушиб келган Сабоҳат ана шундай тонгги юмушларни томоша қилиб, ўз ҳаётидан мамнун холда ним табассум билан институт сари кетиб борарди. Хали вақтли, поезд эрта келаркан. Шунинг учун у Тельман боғини айланиб келмоқчи бўлди.

Бу пайт икки дўст бекатдан институт томон кетаётганларни ҳам кузатиб, ҳам нонушта қилиб рўпарадаги кафедра ўтиришарди. Эгнига чиройли адрас кўйлак ва қизларнинг марғилонча дўпписини кийиб, сочини майдалаб ўриб олган қиз уларнинг эътиборини тортмай қолмади. Лекин қиз кутилмаганда боғ томон кета бошлади.

— Смотри. По-моему она, — деди Сарвар.

Андрей ярқ этиб қаради ва кўзи келинчак бўлиб гулдай очилиб кетган Сабоҳатга тушди.

— Кажется наша клиентка прибыла.

— Ну и какие планы?

— Вперёд! — деди Андрей ва шошиб бориб машинага ўтирди. У машинани ғизиллатиб боғ томонга айланиб ўтиб қизнинг йўлини кесиб чиқиш учун ҳайдади ва кириш дарвозаси олдида тўхтаб уни пойлай бошлади.

Ниҳоят, узоқдан келинчак кўринди. У шошилмай, ўз ҳаётидан мамнун, мағрур юриб, аллақандай қўшиқ хиргойи қилиб келарди. У бунга тўла ҳақли эди. Чунки озмунча жафо чекмади. Мансурни деб отасининг қаҳрига ҳам дучор бўлди, қавми-қариндошидан воз кечди, маҳалла-кўйда гап-сўз бўлди. Ҳаммасига чидади. Ўз бахти учун курашди ва ғолиб келди. Ўтган ҳафта чиройли тўйлари бўлиб ўтди. Лекин асал ойлариининг бошланиши битирув имтихонлари даврига тўғри келиб қолди.



— Чиллали келинни уйдан бир қадам ҳам чиқариб бўлмайди, дейишади. Жинлар тегиши мумкин, — деди Ширмон ая келиннинг бир ҳафтага кетишини эшитиб.

— Бунақа ирим-сиримларингизни қўйинг, ойи. Бизлар ўқимишлимиз, худо хоҳласа, яхши, замонавий оила қурамиз.

— Бўлмаса бирга бориб кел.

— Йўқ. Ишларим кўп. Ҳисоботим бор, ойижон. У ахир олти йил ўқиди, нима, беш кунга бориб келол-майдими?

— Тавба, сени ким айтади, гўшангадаги куёв, деб.

— Хавотир бўлманг, ойижон. Биз хали гўшангага кирмадик. Худо хоҳласа, келинингиз ўқишини битириб олсин.

— Астахфируллоҳ. Ахир муқаддас никоҳ ўқилган. У сенинг ҳасмингку, болам. Ё қиз жиянларингдан бирор-тасини у билан қўшиб юбор.

— Йўқ, ойижон. Мен Сабоҳатга ишонаман!

Бу гапни дераза олдида эшитиб ўтирган келинчак Мансур акасидан беҳад хурсанд бўлди. Ўз бахтини, ўз шаҳзодасини топганига шукроналар айтди. Худо хоҳласа, ўқишини тамомлайди, яхши ишга кириб олади, қатор-қатор фарзандлар туғиб беради, оиласи учун жон фидо қилади. Лекин...

Андрей автобус бекатидаги скамейкага бориб ўтириб олди. Қиз аста-секин яқинлашиб келар, ширин хаёллар билан банд эди. Тўсатдан унинг хаёлини кимдир бузди.

— Девушка, извините, сколько время? *ЕНИ*

Сабоҳат Мансур акаси совға қилган тилла соатга оҳиста нигоҳ ташлади.

— Полседьмого, — деди у ва йигитга беихтиёр қараб қолди.

— Извините. Мне кажется, что я вас где-то видел, но где, не припомню, — деди йигит атайин.

— А я помню, — деди Сабоҳат кулиб.

— Да. Неужели?

— Вы меня домой отвозили...

Йигит бошини қашлаган бўлди.

— Здесь или в Москве?

— В кишлаке. Тогда я плакала, — деди қиз майин табассум қилиб.

— А, это вы? Ну как, теперь вас никто не обижает?

— Нет.

— Совсем изменились... Красивые наряды...

— Я же замуж вышла.

— Это вы звонили моей маме и пригласили меня на свадьбу?

— Да...

— Очень жаль. Я же тогда был отсюда далеко, в командировке. Теперь смотрю, вы хорошо выглядите!

— Да?!

— Жаль, я сегодня вечером улетаю домой. Может быть с вами где-нибудь немного посидим?

Бу очикқўнгил меҳмон йигитнинг таклифига кўнмасликни Сабоҳат ўзига эп кўра олмасди, албатта. Шундай бўлса-да, дабдурустдан рози бўла қолмади.

— У меня же сегодня Госэкзамен.

— О-о, поздравляю! Что, вы заканчиваете учёбу, что ли?

— Да.

— Как хорошо. А может быть, будете продолжать учебу в аспирантуре? Мой дядя ректор московского мединститута. Подумайте, помогу чем смогу.

— Спасибо, я подумаю.

— Давайте, договоримся так. У меня кое-какие дела до обеда, а у вас экзамен наверное в это время закончится. Правильно? Буду ждать вас здесь. Зайдем вот в это кафе. Немного посидим, поболтаем, а потом я помчусь в аэропорт. — Договорились? — деди Андрей «Полянка» кафесини кўрсатиб.

— Договорились.

— Вот как раз идёт мой автобус. Значит я в 14:00 здесь как штык, окей?!...

— Хоп, окей.

— Тогда не прощаемся, — деди Андрей ва чаққонлик билан автобустга чиқиб олди.

Сабоҳат орқа ойнадан қараб қолган бу бегубор малласоч йигит томон самимий қўл силтади. У эса қайтариб «соат иккига, шу ерга» дея имо-ишора қилиб кулди. Сарвар эса автобус ортидан физиллатиб кетди ва тез орада унга етиб олди. “Ишлар беш” дея ойнадан бош бармоғини кўрсатди Андрей ва кейинги бекатда тушиб дўстининг елкасига бир уриб қўйди.

— Так что, готовься к наступлению.

— А что готовить?

Андрей бармоғи билан санай бошлади:

— Снотворное, наркоту, шприцы... Сделаем так, когда невеста глаза откроет то увидет себя в раю.

— Что, так и будем пяднацать дней добираться?...

— Придётся помаленку дозировать. А то дорога трудная. Она может убежать и кому нужны лишние проблемы.

— Да друг. Ты прав...

### ИЖРО ЭТИЛГАН РОЛ

Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осон кечди. “Такси!” — дея қичқирди деярли ўзидан кетиб қолган Сабоҳатни суяб олган Андрей. Физиллаб Сарвар етиб келди. У қора кўзойнак тақиб, бошига парик соч кийиб олганди.

— Нас в медгородок, к общежитию.

Официантка аёл ёрдамлашиб уни орқа ўриндиққа ўтиргизиб қўйишди. Сабоҳатнинг кўнгли айниб, қайт қила бошлади. Андрей рўмолчасини сувга пишиб унинг юзларини артди.

— Извините, я помою вашу машину.

Сарвар “Ҳечқиси йўқ” дегандек бош силтади ва эшиклар ёпилгач, шошилмай жўнаб кетди. Ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. Йўл-йўлакай Андрей юкдондан

наркоз чиқарди ва бошқа румолчага бир оз қуйиб, қизнинг юзи ва бурнини артган бўлди. Кўп ўтмай қиз бошини орқага ташлади-да, само бўйлаб “парвоз” қила бошлади.

Андрей учун бу ишлар қийин кечмади. Келинчак меҳмоннинг иззати учун айтилган вақтда ҳозир-нозир бўлди. Йигит кабоб, бир шиша шампан виноси ва “кола” ичимлиги буюрди. Аввалига икки ёшнинг бахти учун бир қултум, сўнгра танишганлари учун, имтиҳонни муваффақиятли топшириб чиққани учун озгина-озгина олдилар. Иштаҳа билан кабоб едилар. Сабоҳат негадир боши айланаётганини айтди.

— Бошқа ичмайсиз. Юзингизни ювиб чиқинг, гаплашиб ўтирамыз, — деди Андрей.

Қизга бу таклиф маъқул бўлди ва бир дақиқагагина меҳмонни тарк этди, яна узрини айтиб қайтиб ўтирди. Бу пайтда йигит қолага уйқу дори қўшиб улгурган эди.

— Мана бунини ичиб юборинг. Яхдек. Кўнглингиз очилади.

Қиз ичиб юборди. Улар самимий суҳбат кура бошладилар. Андрей латифаларга уста эди, уни кулдириб, ўзи шампан ичиб ўтирди ва охириги иккига бўлиб қўя қолди:

— Ушбу охирги қадахни чиройли дўстлигимиз учун ичамиз.

— Қаллиғингиз борми?

— Сиз ваъда бергандингиз. Топиб берасизми ахир?

— Албатта, — деди қиз ва негадир ўзини беҳол сеза бошлади. Тезроқ кетиб дам олгиси келаверди: — Шунинчайликда, кейин уй-уйимизга кетамиз, хўпми?

— Яхши сўз учун! — деди йигит рюмкани чўқиштириб.

Қиз ҳаммасини ичиб юборди ва ўрнидан турди. Лекин оёқлари ўзига бўйсунмаётганини ҳис қилди:

— Илтимос, мени таксига ўтказворинг.

— Хўп бўлади. Қаерга борасиз?

— Талабалар шаҳарчасига, ётоқхонага.

Официнтка аёл уни суяб, ёрдамлашди.

... Ҳадемай икки дўст “ўлжа”ни олиб, мусиқани ванг қўйганча, қўшиққа жўр бўлиб йўлга равона бўлишди. Орқа ўриндиқда ётиб силтаниб кетаётган ожиза келин ўзини қандай синоатлар кутаётганидан хали беҳабар, Мансур билан самода бир жуфт оқ кабутарлар мисол чарх уришар, осмону-фалакда эса, гўё икки қора бургут уларни кузатмоқда эди. Негадир бургутларнинг башараси Сарварга ва Андрейникига ўхшаб кетарди.

Шу зайл Самарқандга етиб келишди ва овқатланиб олмоқчи бўлишди. “Ишқилиб уйғониб қолмасмикин” деган хавотирлик Сарварга тинчлик бермасди. Улар тамадди қилгани ўтиришди. Лекин Жаннатфор “шаҳзодаси”нинг жони халак эди. Томоғидан овқат ўтмади. Ва ниҳоят, у кўнглидагини Андрейга маълум қилди.

— Ҳозир ўзига келиб қолиб дод солишни бошласа-я?

— Бўлиши мумкин. — деди дўсти бамайлихотир овқатни паққос тушираркан. — Биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз керак.

— Ё орқага қайтайликми-а?

— Хой, каллаварам, аҳмоқ, чумчуқдан кўрққан аввало тариқ экмайди. Сен бўлса уни экиб, кўкартириб ҳам бўлдинг, — деди ҳамроҳи “Энди орқага қайтишни ўйлама” деган маънода.

— ...Ўлиб қолса-чи?

— Ўлмайди. Сафарёр концлагердаям ўлмапти-ку!

— Концлагерда ҳар холда одам эркин юради. Бизлар эса хали 10-15 кун йўл босишимиз керак, — деди Сарвар жиддий хавотир олиб.

— Ҳа, — деди Андрей чойни хўпларкан, — бу кутилмаган ҳолат. Бақриқ-чақриқлар, йиғи-сиғи, даҳшатли нигоҳлар ва ниҳоят очлик зълон қилиниши ёки ўз жонига суиқасд. Булар ҳақида пухта ўйлаб кўрмабмиз. Қолаверса, қўл-оёқ боғлиқ ҳолда от ёки эшакда кетиш... Арава бўлсаям бошқа гап эди. Хўш, сен нимани таклиф қилмоқчисан?

— Ҳайронман.

— Наҳотки орзуларингга қарши борсанг. Бир баҳя қолганида-я?

- Мана шу бир баҳяга бошим қотаяпти-да...
- Бирор аёл кишини ёлласак-чи?
- Бунақа ишга ким ҳам рози бўларди?
- Касал, томи кетган, деймиз.
- Касал бўлса тоққа олиб кетмай, касалхонага олиб боринглар, деса-чи?
- Бўпти, бу вариант ҳам бўлмайди, дейлик.
- Ҳеч бўлмаса уни ҳозир овқатлантириш керак, сув бериш керак, — деди Сарвар бегоқат бўлиб.
- Хўп. Унга ҳозир чой берамиз, кўкнори чой. У иштаҳани очади. Сўнгра қиймали кабоб берамиз.
- Мен беролмайман, — деди Сарвар терс қараб.
- Нега?
- У менинг кўлимдан овқат емайди.
- Бўпти, жўра, сен учун мен хизмат қиламан. Сен фақат рулда бўласан. Орқага қарамайсан. Сен ҳамон ўша таксистсан. Биз ҳамон талабалар шаҳарчаси томон кетяпмиз ва керак бўлса яна 10-15 кун юрамиз.
- Отда, эшакда...?
- Ҳа, лекин асло ёдингдан кўтирилмасин, бизлар роль ўйнаймиз.
- Қанақа рол?
- Худди кинолардагидай. У эса туш кўради ва гўё тушида биз билан юраверади. Борлашнинг ҳам хожати йўқ.
- Демак, у бемалол овқатланади, дам олади, гаплашади.
- Ҳа, дўстим, — деди Андрей зўр гоёни илгари сураётганидан гурурланиб, — Муҳими, биз уни тўлиқ ишонтира олишимиз ва ўзимиз ҳам шунга ишонишимиз керак.
- Ҳа, лекин жуда қизиқ ўйин бўлади.
- Ҳечқиси йўқ. Келажакда эслашиб юрамиз.
- Демак, мен таксистман.
- Ҳа, ўртоқ таксист. Бизни Жаннатғорга ташлаб қўйсангиз. Лекин пулимиз йўқ. Тилламиз бор, холос. Юз минг долларлик.

— Эссиз, қайтим йўқ эди-ку!

— Қайтими керакмас, — деди Андрей “саҳийлик” билан.

Икки дўст шундай қилиб бир қарорга келишди.

— Ҳа, қилмаган ишим артистлик қолувди.

— Ҳеч гапмас, ҳали эр ҳам бўлишинг керак бўлади.

— Буниси лекин жиддий. Лекин у мени ўзи ҳақиқий севиб қолмагунча унга яқинлашмоқчи эмасман.

— Бу ишинг ҳақиқий жентльменлик бўлади. Сен мард йигитсан, Сарвар. Худо хоҳласа, унинг муҳаббатига эришасан. Бунинг учун бир оз тер тўкишингга тўғри келади, холос.

— Майли, меҳнатнинг тағи роҳат, деганлар-ку!

Андрей унинг елкасига симимий қўл ташлади.

— Бу кунлар хали ўтиб кетади. Эслашиб юрамиз. Ҳаммаси яхши бўлади, мана кўрасан.

Улар машинани бир холи жойга тўхтатишди. Сабоҳат ҳамон қаттиқ уйқуда эди. У бутун йўл давомида бир-икки бор алланималар деб гудраниб қўйди, холос. Сарвар парикни кийиб яна таксист ролига кириб олди. Дамлаб олинган гиёҳли чой, ноннинг орасига солинган кабоб, майдаланган гўшт ва колбасаларни очиб тайёрланди. Улар тўхтаган жойда кичик сой оқар ва аёл киши учун кимсасиз қулай жой эди.

Андрей қизнинг бурнига нашатир спирти ҳидлатди ва сув сепди. Сабоҳат ўзига кела бошлади.

— Сабоҳат, как себя чувствуешь. Тебе хорошо?

Келинчак “Ҳа” ишорасини қилди-да, оҳиста бошини кўтарди.

— Где мы?

— В такси. Едем к тебе в медгородок. Ну ты даешь. Тебе, оказывается совсем пить нельзя. Что кушала, бросила в машину. Пришлось мыть.

Қиз базўр юзларини ишқади. Ошқозонини ушлаб кўрди ва жуда очикқанини ҳис қилди. Олдида иссиқ кабоб турганини кўрди.

— На, выпей горячий чай. Потом пойдй умойся, сходишь по своим делам, покушаешь и мы тебя отвезем. Хорошо, умница? — деди Андрей унинг тушиб турган сочини силаб қўйиб.

Сабоҳат сархуш холда йигитнинг айтганини қилди. “Таксист” миқ этмай ўтирарди. У атайин радиони паст қилиб қўйиб қўйганди. Андрей тушиб орқа эшикни очди ва қизнинг тушишига кўмаклашди.

— Что со мной-а? Извините, что так получилось...

— Ничего, бывает. Иди вот, вода хорошая. Не бойся. Мы тебя подождём в машине.

Қизнинг қочиб кетиши эҳтимоли борлиги учун у аввал теваарак-атрофни ҳам ўрганиб чиққан ва бошқа эҳтиёт чораларини ҳам кўриб қўйганди. Лекин Сабоҳат ўта холсизлиги, Андрейга бўлган ишончи ва боши гир-гир айланаётгани туфайли қочишни ўйлаб ҳам кўрмади ва ўзи машинага чиқиб ўтириб, чуқур нафас олди.

— Пей чай, покушай, пожалуйста.

— Мне так неудобно.

— Ничего. Мы тебя подождём. Эти продукты из кафе, которые я заказывал. Пришлось забрать. Дорогой, закурим, — деди у “таксист”га қараб.

Улар машинадан тушишди ва қизга атайин эйтибор бермай сигарета чекиша бошлашди. Бир оздан сўнг ойна тикирлади.

— Эй, поехали-а! — деди қиз.

— Ничего, себе ты даешь. Всё нормально?

— Вы же улететь хотели — дея қичқирди келинчак.

— Да, успею. Ещё полно времени. Давайка я тебе давление проверю.

— А как?

— Я же врач. Приехал к вам в ТашМИ на стажировку, — деди Андрей ва бир қутичани очиб, ундан дўхтирлик анжомларини чиқарди.

Қиз қаршилиқ қилмади. Аҳволига нима бўлганини билиш уни ҳам қизиқтирмоқда эди.



— ...Охо, у тебя сильно упало давление. Это же опасно.

— А что делать?

— Выпить лекарство и принять укол обязательно. Я сейчас, — деди у ва қутичани кавлаштирди. Бир таблеткани олиб қўлига тутди. Бу уйку дори эди, — На, вот запей водой.

Таксист кичик бир термосни олди ва қўли қалтираб кофе қуйиб узатди. Қиз уни олиб хўплаб-хўплаб ичаркан, ўзини енгил ҳис қила бошлади. Яхши одамлар даврасида эканидан кўнгли тўлиб, кўп ўтмай яна ширин уйкуга кетди. Бунинг ҳаммаси Сарварнинг кўз ўнгида содир бўлди. У маҳбубасини оҳиста ётқизиб, бошига пар ёстиқ қўйиб берди ва эгнига юмшоқ одеялни меҳрибонлик билан тортиб қўйди.

— Молодец. У тебя очень здорово получилось, — деди Сарвар дўстига қўл ташлаб, парикни ечиб ташларкан.

— Учись, дорогой. Жизнь — это театр. Зачем нам лишний шум-гам!

— А где ночевать будем?

— В Пянджикенте. От туда, говорят самолёт в Душанбе летает. Я забронирую транзитный билет в Варшаву. Там багаж не очень внимательно проверяют.

Улар йўл бўйидаги бир хонадон олдига тўхташди. Сарвар хонадон эгасини чақириб, узоқ йўлдан келаётганликлари туфайли жуда чарчаганликларини, хотинининг мазаси йўқлиги учун ухлаб олиши кераклигини айтиб унинг қўлига катта пул қистирди. У рози бўлди. Сабоҳатни алоҳида хонадаги кроватга кўтариб олиб бориб ётқизишди. Ўзларига эса айвон ҳам бўлаверишини айтишди. Эрталаб нонуштага яхши овқат тайёрлаб беришди. Аэрокассага Сарвар жўнади. Бу пайтда Андрей Сабоҳатни уйғотиб овқатлантириши ва яна ётқизиб қўйиши керак эди. У бу вазифани ҳеч қийналмай бажарди. «Биз ётоқхонангдამиз.

Қизлар сенга иссиқ овқат қилиб чиқишди. Ичгинда, терлаб ёт. Врач сифатида буюраман” — деди у. Қиз унинг буйруғини бажарди. Ташқарига чиқиб келиб иссиқ-иссиқ гиёҳли чойдан ичиб олдида, яна ўз жойига ётиб ўраниб, уйқуга кетди.

Анча фурсатдан сўнг Сарвар келди. У аэропортда ишлайдиган Сайрам исмли йигит билан танишиб келганини, бу ерда транзит билет бўлмаслиги, шу туфайли ўша йигит кимни бўлса ҳам Душанбегача бирга олиб бориб, истаган давлатига учуриб юбора олишини айтиб, уй манзили ва телефонларини ёзиб берибди.

— Яхши. Бўлмаса кетдикми? — деди Андрей.

— Унинг аҳволи қалай?

— Уйқуни уряпти, фақат ўз ётоғида.

— Медгородокка етиб келибмиз-да. Энди нима қиламиз?

— Энди унинг тушига кирамиз. Бошқа иложимиз йўқ.

— Тушида овқат ейдими, ишқилиб?

— Оббо, содда-ей. Сен ҳеч қачон ухлаётиб овқат еганмисан?

— Йўқ.

— Ёлғон, гапиряпсан, егансан

— Қачон?

— Гўдаклигинда. Онангни эмиб ухлаб қолгансан.

— Биз ахир...

— Ўйла. Манави қовоқ каллани ишлат, — деди Андрей Сарварнинг бошини чертиб.

— Янги соғилган сутни соска билан бериб кўрамиз.

— Яхши фикр. Агар уни ича олса, чойни ҳам шундай ичаверади.

— Демак, шўрванинг бульонини ҳам.

— Баракалла. “Зиёфат”ни Жаннатғорда еяверади.

Шундай қилишди. Уйқудаги малика оз бўлсада баъзан

сут ва чойни “йўқ” демади. Ҳар холда машинада шундай қилиб кетишди. У ёғига худо пошшо эди...

Кекса Сулаймон ота йўловчиларнинг илтимосини тинглагач, бемор аёлни тоғдаги табибга олиб бориш учун отдан кўра қўтос маъқуллигини айтди. “Пул бўлса чангалда шўрва”, деганларидек улар икки от, бир қўтос ва тўрт эшак сотиб олишиб, ўзлари йўл бошловчисиз кета бошлашди. Машинани шу ердаги бир очиқ тепалик устида қолди-ришди. Сабоҳатни эса қўтосга миндириб, унинг бўйнидан кучоқлатиб, бошига ёстиқ қўйиб, яхшилаб боғлашди ва устига одеял ташлаб қўйишди. Шприц билан гиёҳванд моддадан қилинган укол, қўтоснинг қалин юнгли иссиқ бадани ва бир маромда йўрғалаб аллалаши қизга хузур бағишлади шекилли, у гўзал уйқусини давом эттирди. Баъзан эса “шаҳзодаси” унинг гунчадек лабларига сўрғич-дан чой томизиб ҳам турди. Қандай бўлмасин, тезроқ ишқалсиз, соғ-омон Жаннатғорга етиб олиш ёшларнинг айни пайтдаги мақсад-муддаолари эди.

### ИШКАЛЛИ ЙЎЛ

Йўловчиларнинг манзилларига тезроқ етиб олишлари учун муҳим омиллардан бири бу — вақтдан ютиш, иложи борича тўхтамаслик, фақат олға босмоқ эди. Лекин бир томони қоялардан иборат тоғ, бир томони жарлик, фақатгина пиёдалар юриши мумкин бўлган жойлардан карвон билан юриш, айниқса тажрибасиз йигитлар учун жуда оғир кеча бошлади.

Карвоннинг бошида Сарвар отни етаклаб олган холда борар, отининг эгарига арқон билан Сабоҳат ортилган қўтоснинг шохи боғланган эди. Андрей эса ўз отига юк ортилган эшаклар командасини бир-бирига боғлаб бошлаб борарди. Эшаклар шалпанг қулоқларини у ёқ-бу ёққа айлантириб, эгаларининг ҳаракатига гўё қулоқ тутиб, “одоб сақлаб” йўлда давом этишар, лекин доимо тоғу-тошда озод юришга кўниккан қўтос ғашига тегаётган арқонни

тортқилаб, қоялар сари чиқиб кетишга интилаверарди. Қўтоснинг бу қилиғи йигитларнинг асабини қўзғатар, айниқса, орқада келаётган Андрей юришига ҳалақит бераётган бу ҳайвоннинг авлюд-аждоди шаънига жаҳл билан “ҳамду санолар” айтиб бормоқда эди. Мана тўсатдан қўтос яна шохини силтаб солди ва йўлдан чиқиб кетмоқчи бўлди. Сарварнинг оти тўхтаб қолди, Андрейнинг эса жаҳли жунбушга келди.

— Я сейчас с тебя шкуру сдеру, сволочь! — дея бақирди у ва орқасидан тепиб юбормоқчи бўлди ва бу иши қимматга тушишини ўйлаб аранг ўзини босди.

— Смотри, я тебе потом покажу!... — дея олди алам билан.

Лекин ким кимга қачон нимани кўрсатиши хали олдинда эди. Улар қоронғулик тушгани маҳали ниҳоят бир жилғага дуч келишди. Кун бўйи юрилган оғир йўл, вақтни қизғониб, деярли тўхтамай келаётганликлари шаҳарлик йигитларга ўз кучини кўрсата бошлаган эди. Улар сувдан тўйиб ичишиб, юз-қўлларини ювиб олишди.

— Давай, здесь немного отдохнём, — деди Сарвар беҳол.

— А она? — деб сўради Андрей хансираб турган қўтос устида ширин ухлаётган Сабоҳатни кўрсатиб.

— Пусть поспит.

— Нам надо ехать — деди Андрей узоқда виқор билан кўкка бўй чўзган чўққини кўрсатиб.

— Тогда пусть животные водой напьются, сделаем передышку.

Шундай қарорга келган йигитлар карвонни сув бўйига олиб келишди. Отни хуркитиб юбормаслик учун Сарвар қўтоснинг арқонини эгардан бўшатиб қўлига ушлаб олди ва ҳайвонни оҳиста силаб қўйди. Шишага тиниқ тоғ сувидан олиб, сўрғични яна тикдида, қизнинг лабига олиб борди. У уйқусираб озроқ ичиб олди ва яна уйқуга кетди. Андрей эса отнинг арқонини бир тошга боғлаб қўйди. Эшаклар отнинг эгарига маҳкамланган эди. Ҳаммалари “тортинмай” сувдан тўйиб ичишди. Кўнгиллари хотиржам бўлган

йигитлар эса рюкзакларини бошига қўйиб, кўп ўтмай пинакка кетишди. Қанча ётишди, номаълум эди.

... Кутилмаганда тасодиф юз берди. Чарчоқ туфайли қаттиқ ухлаб қолган Сарварнинг қўлидан жилға бўйида ўтлай бошлаган қўтоснинг арқони оҳиста сирғалиб чиқди. Макони баланд чўққилар бўлган, тоғу-тошларда эркин юра олиш бўйича “мутахассис” ҳисобланган қўтосни улкан беғубор чўққи ўзига чорлаётгандай эди. У ерда уни қариндош-уруғлари кутишаётган бўлса ажабмас... Ўз тўдасидан ажралиб, чўққи сари йўл солган бу жониворнинг хатти-ҳаракати албатта қоялар султони бўлмиш силовсинлардан бирининг эътиборини тортмай қолмади. Унинг қулоқлари диккайди. “У нимани орқалаб олган экан, қизиқ, милтиқли овчи эмасмикин, ишқилиб. Текшириб кўриш керак”, дегандек ой нурида кўзлари ловуллади. Қўтос албатта бу хавфни англамай қолмади ва ўзини арчазорлар ичига урди. “Мени топиб бўпсан, аҳмоқ. Орқамда анави жонон бўлмаганидаку, онангни кўрсатардим.” — дегандек пишқириб қўйдида, чаққонлик билан тошлардан-тошларга сакраб, арчалар орасида ғойиб бўлди. Унинг ортидан бир оз юрган силовсин “Яхшиси, эшаклардан бирини ағдариб қўя қолсамчи, тинчроқ”, дегандек карвон томон қараб лабла-рини ялаб қўйди. Йўргакланган келиннинг тушига эса, тоғу-тошлар кира бошлади. Эмишки, осмонўпар чўққида Мансур уни ўзига чорлар, қиз эса бир юнгли ҳайвонни миниб олиб йигит томон кетиб бораётганмиш, лекин ҳеч ета олмаётганмиш...

... Сарвар ҳам шу пайтда туш кўрмоқда эди. Келинлик либосини кийиб олган Сабоҳат гул-чаманзорлараро Жаннатғор томон чопиб бормоқда эмиш. Сарвар эса қуввлик зар либосида ясатиғлик отни ушлаб, ғордан чиқиб кела бошлабди. Шу пайт от қаттиқ пишқирибди. Сарвар уни силтаб қўйибди. Ичкаридан ковбойча кийинган Андрей чиқиб келибди. Унинг оти ҳам кишнаб қочиб кетибди. Ковбой револьверини олиб осмонга қараб ўқ узибди. Шу маҳал Сабоҳатни бир бургут самога кўтариб парвоз қилибди.

Эшаклар пишқириб безовталана бошла-шибди. Қутос эса жойида кўринмасмиш...

— Сарвар, вставай! — дея қичқирди Андрей бир маҳал.

Боғлиқ от безовта бўлиб сувни сачратиб юборган-дагина Сарвар ўзига келди. Тоғларга оқшом чўкаётган эди.

— Сволочь, убежал, — деди Андрей милтиқ билан ниманидир излаб.

— Кто убежал?

— Какой-то хищник, как дикая кошка.

— А где она?

— Кошка чтоль?

— Нет, Сабоҳатка.

— А почему у меня спрашиваешь?

— ...?!

— Ты же её держал... — деди Андрей хавотир олиб тез айланиб оларкан, — Не может быть! Где этот бизон?

Икки йигит довдираб ой ёруғи хира нур сочиб турган тоғу-тошларни гир айлана бошлади.

— Сабоҳатка!! — дея қичқирди Андрей.

— Сабо!!! — дея қўрққанидан бор овозда бақирди Сарвар ҳам.

— Тихо. Успокойся. Так мы её не найдём.

— Қаердасан, Сабо?!.. — дея чўккалаб қолди Сарвар нима қиларини билмай, йиғламсираб.

— Держись. Тихо. А то разбудишь её. Они далеко не должны уйти... Возьмем винтовку и фонарь. Разделимся и будем искать.

Улар қалтираб турган эшак карвони олдига чопиб боришди ва энг керакли нарсаларни олишиб шу ерга яна икки соатдан кейин қайтиб келишга келишиб олишди.

— Если что, дай знать криком или выстрелом, хорошо? — деди Андрей қизнинг бир нима бўлиб қолишидан дир-дир титраётган Сарварга.

— Хорошо, — деди Сарвар аранг.

Улар икки тарафга қараб кетишди. Қоронғуликда қаққайиб турган тошлар ҳам, арчаю бошқа дарахтлар ҳам деярли бир хил қўтосларга ўхшаб кўринар, ҳар бир овоз,

ҳар бир шитиллашлар жуда муҳим эди. Лекин йигитлар бу ҳаракатларининг бефойда эканини, қидирувни фақат кун ёруғлигида қилиш кераклигини тушуниб етгандилар. Ноумид шайтон, деганларидай келин орқалаган қўтоснинг «лоп» этиб олдиларидан чиқиб қолишини ёшлар шу маҳалда жуда-жуда хоҳламоқда эдилар.

Бир вақт узоқдан “Сарвар!” деган қичқирик овоз келди ва у тоғларда акс-садо берди. “Что?!” — дея жавоб қайтарди Сарвар ҳам. “Мы так их не найдём. Давай будем кричать и своим криком разбудем девушку проснувшись она будет кричать от испуга! Ясно?!...” “Хорошо!” — дея қичқирди Сарвар дўстининг таклифини тушуниб ва ҳар иккиси энди қизнинг исмини айтиб тинмай қичқира бошлашди. Фақат тонг ёруғи туша бошлаган маҳалдагина уларнинг овози ўчгандай бўлди. Тўғрироғи, турли қушларнинг овози босиб кетди. Лекин бу ҳали ҳолва эди. Гўё кимнингдир қаҳри келар ва уларни жазолай бошлагандай туюларди. Биринчи бўлиб Андрей тўхтаган жойларига етиб келганида, карвоннинг жойида йўқлигини пайқади. Фақат икки отгина бир-бирларига суюлишиб, оёқларини депсиниб туришарди.

— Лаънати! — дея қичқирди Андрей ўз тилида ва осмонга қарата ўқ узди. У ёқ-бу ёққа чопиб келди, эшаклар кўринмасди. “Улар узоққа кетишмайди. Бир-бирига боғланган эди. Бири бошласа бошқаси кетаверганда, ҳайвонлар! Эҳтимол, тунги мушукдан чўчишгандир. Муҳими, ҳозир қиз. Ишқилиб, Сарвар уни топган бўлсинда...”, деган ўйлар билан сербулут осмон оқариб тонг отаётганини ҳис қилди.

Кўп ўтмай Сарварнинг “Андрей!” — дея хириллаб қичқиргани эшитилди. У тунги билан бақиравериш, овозини йўқотгани сезилиб турарди. “Я здесь!” — дея қичқирди Андрей. Милтиқни хасса қилиб олган Сарвар пайдо бўлди. У ниҳоятда толиққан эди. У келибоқ юз-қўлини ювиб сувдан ичиб олдида, эшакларнинг жойида эмаслигини пайқади.

— Они где-то здесь. Далеко не уйдут, — деди Андрей савол берилмаса ҳам. — Теперь я пойду навёрх. А ты чуть-чуть

отдохни и поищи караван. Давай, договоримся так. Действуем с умом. Если я потеряюсь, стреляю один раз, ты дай мне ответ. Если что-то случится, стреляю два раза, значит, ты должен подойти, понял?

— А если три раза?

— Это значит, что кто-то из нас нашёл девченку.

Андрей кетди. Сарвар эса бошини чангаллаб қолди.

— Ты только слушай девичий крик, — дея қичқирди Андрей ортига қараб. — Она должна кричать от испуга.

Сарвар “тушунарли” дегандек бир қўлини кўтариб қўйди.

У бир оз дам олган бўлди-да, эшакларнинг изини ахтара бошлади. Кеча тунда ўзлари келган тарафни эслади. Лекин янги излар кўринмасди. Ниҳоят, унинг кўзи жилға ёқасидаги топталган майсаларга тушди. Излар жилға бўйлаб пастлик томон кетганди. Йигит ҳам жилға бўйлаб чопиб кетди. Тезроқ карвонни топиб, нарсаларни бирор жойга жойлаб қўймоқ ва Сабоҳатни қидиришда давом этмоқ керак эди. Узоқ пастлик тарафда сой сувининг шовқини эшитила бошлади.

“Балки эшаклар сой бўйида қаёққа боришларини билмай туришгандир”, деган хаёлга борди Сарвар ва тезроқ уларга етиб олишга ошиқди. Йўлда турли буталар, чангаллар кўп учрай бошлади. У яхдек совуқ сувни деярли кечиби борарди. Ниҳоят, сой шовқини баралла эшитила бошлади. Лекин у жарликда оқар, жилға эса унга томон баландликдан шаршара бўлиб тушмоқда эди. Сарварнинг ҳам сойга тушиб кетишига бир баҳя қолди ва осилиб турган қайин шохини аранг ушлаб осилиб қолди. Бир қўли билан эса қирғоқдаги ажриқларга ёпишди. Шунинг учун милтиқни ташлаб юборишга тўғри келди. Сой суви тошлардан-тошларга урилиб шундай тез оқардики, оқиб кетса эшак тугул одамнинг ҳам соғ қолиши амримаҳол эди.

Қирғоққа аранг чиқиб олган Сарвар омон қолганига шуқр қилиб, карвондан ҳам умидини узди. Энди уларнинг ҳеч нарсаси қолмади. Хатто милтиғи ҳам оқиб кетди. Фақат иккита отлари бор. Рюкзакда оз-моз озуқа, қолаверса, тилла



ва пул бор. Нима бўлса ҳам энди келинчакни топиш ва тезроқ бу лаънати жойларни тарк этмоқ керак эди. Сарвар шундай ўйлар билан яна келган жойи томон кўтарилиб борарди. Шу маҳал юқоридан бирин-кетин икки марта отилган ўқ овози эшитилди. Демак, дўстига бир нима бўлган. “Эй худо!” – дея йиғламсираб қичқириб юборди умрида худони тилига олмаган йигит сув билан тўлган кроссовкасини шилпиллатиб чопиб бораркан. “Нима бўлган экан-а? Ишқилиб, тинчликмикин?... Ё Сабоҳатга бир нима бўлдимикин?... Унга бир нима бўлса, нима қиламан? Мен қандай яшайман?!” – дея тинмай ўзига-ўзи жавраб борар ва қилиб қўйган иши нақадар аянчли ва даҳшатли эканини энди англаб етмоқда эди.

Тепалик томон чиқиб арчазорлар оралаб бораётган Андрей узоқда бир дарахтга илашиб турган қизил матога кўзи тушди ва чопиб борди. Бу Сабоҳатнинг устига ёпилган одеял эди. Демак, улар шу тарафга чўққи сари йўл солишган, шу издан кетавериши керак. Андрей жон-жаҳди билан олға босаркан, яна бир матони ҳам кўздан қочир-масликка интиларди. Бу Сабоҳатнинг бошига қўйилган сариқ ёстиқ эди. Унинг йўлда тушиб қолиши эхтимоли ҳам турган гап эди.

Сабоҳатнинг юзига турли буга, шохлар урилавергач, ўзига келаётган эди. У ниҳоят кўзларини очди. Очди-ю, лекин ҳеч нарсага тушунмади. Қандайдир тоғлар, тошлар, арчазорлар кўзга ташланарди, туш деса тушга ўхшамас, бел-оёқлари боғлиқ, баъзан буталар юзи ва елкасини тирнаб ҳам ўтмоқда эди. “Тавба, астахфируллоҳ, мен қаер-даман?” – дея ўз-ўзига савол бера бошлади қиз ва бошини кўтариб, қандайдир ҳайвоннинг шохларига кўзи тушди. “Шайтонни миниб олганманми, нима бало? Ё алаҳси-раяпманми? Демак, оғир касалман. Мансур акам қаний-кин? Наҳотки, ёш бўла туриб ўлиб кетаверсам. Йўғе, ахир мен бутун имтихон топширдим-ку!.. Нима қилай, қўрқа-вераймикин, бақиравераймикин?” дея у теварак-атрофга олазарак қаради-да, тўсатдан қичқириб юборди. Ундан чўчиб кетган

қўтос чошиб кетди ва ўзини буталар орасига урди. Эгилиб турган дарахтлардан бири қизнинг қоқ пешонасига урилди. Қўтос бир оз тўхтаб қолдида, йўна-лишини хиёл ўзгартириб яна йўлида давом этди. Ўшанда Сабоҳатнинг кўз ўнгида бир олов чақнади ва хушидан кетиб, дами ўчди.

Яна шу зайл қанча ётди, билмади. Пешонасидан сизиб оққан қон ёстиқни қўл қилди. Лекин гап қўлликда эмас, ҳамма гап исда эди, чунки бу ис дайдиб юрган баъзи ваҳший хайвонларни ўзига жалб қилиши мумкин эди. Ҳадемай «юкли» қўтос икки бўрининг таъқибига қолди. У тезроқ чўққига, ўз тўдасига етиб олишга ошиқа бошлади.

Қизнинг ягона чинқиригини эҳтимол Андрей ҳис қилганди, ўшанда. Ҳар холда у қўтос кетган йўналишни тўғри танлай билди. Сарик ёстиқ излаётган йигитнинг кўзи тўсатдан эгилган дарахт тепасида илиниб қолган Сабоҳатнинг ҳаво ранг рўмолига тушди. У қон излари қотиб қолган рўмолни қўлига оларкан, фарёд уриб юборди.

— Прости, меня, Сабохатка!... Лучше бы тебя убили. Если я тебя не найду, я себе этого не прощу! — дея бўкириб йиғлаб юборди ва ҳайқириб чопа кетди. Бу пайтда қўтос очиқ тепаликда шошиб борар, изидан тушган икки бўри хавфи борлиги учун хушёрликни оширган эди. “Орқамдан келсанг тепаман, олдимдан келсанг сузаман” дегандек гудраниб пишиллаб борарди.

Андрейнинг кўзи узоқда кетиб бораётган жониворга тушиб қолди. Олдинда бораётган улкан жонивор букрига ўхшарди. “Бу ўша бизнинг қўтоску!” — деб юборди Андрей ва бор кучи билан чопа кетди. “Лекин орқадаги икки хайвон нима бўлди? Итмикан ё бўрими?... Уларни тинчи-тиш керак, йўқса қўтос йиқилиб тушиши мумкин.”

— Сволочь! А ну уходи отсюда! — дея қичқирди Андрей ва бор кучини тўплаб чопа кетди. Ит қувса ҳам бунчалик чопмаган бўларди. Бундай ғайриоддий куч унга қаердан келганидан ўзи ҳам ҳайрон қолди. Эҳтимол бу йигитлик ориятидир ёки виждон азобидан қочишдир, билиб бўлмасди. Ҳар холда у етиб олай деди ва бўриларга қарата

ўт очиб ҳар иккисини ҳам ер тишлатди. Кўтосни ҳам отмоқчи бўлди, лекин қизга тегиб кетишидан хавфсиради. Сарвар эшитган икки ўқ аслида шу эди.

Лекин ўқ овозидан чўчиган жониворнинг жонсарақ қочиши табиий хол. “Бир оз югуради-да, хавф йўқлигини сезгач, албатта тўхтаб дам олади. Уни тутиб олиш учун жуда қулай фурсат бўлади” — деб ўйлади Андрей.

Шу пайт кўтос бир қоя ортига бурилиб, кўздан йўқолди. Ўша қояни эса бу томондан ҳам айланиб ўтиб қочонғичнинг йўлини тўсиб чиқса бўладигандек туюлди. Шу фикр билан йигит жон жаҳди билан югурди. Мана ҳозир оз қолди, кўтос таслим бўлади. Ниҳоят ўйин тугайди. Унинг шохларидан тутиб олади-да, келинчакни бўшатиб олади. “Бечора, роса қийналди-да, ишқилиб юраги ёрилиб, ўлиб қолмадимикин?...”

Лекин ўйин тутаманган эди. Йигитнинг бутун фикри-ёди рўпарасида чиқиб қоладиган жониворда ва уни тутиб қолишда бўлгани учун оёқ остига умуман эътиборсиз бўлиб қолганди. Тоғу-тошда бундай эътиборсизлик қимматга тушишини ўшанда билди. У тўсатдан қандайдир кўринмас дара тубига тушиб кетди ва бир оёғи тошлар орасига кириб қайилиб қолганини ҳис қилди. Аксига олиб милтиғи ҳам тепада қолди. Қўндоғининг бир чети шундоқ кўриниб турар, лекин оёғи қисилиб қолгани учун уни олиш мушкул эди. Албатта суякнинг дарз кетгани аниқ эди. Бир қўли ва ёнбоши зарбдан зирқираб оғрир, энг ёмони минг дод солгани билан ҳеч ким эшитмайдиган оралиқда эди. Фақат орадан икки соатлар чамаси ўтганидагина Сарвар аллақадан дўстининг ёрдам сўраб қичқирган овозини эшитди. Агар милтиқни кўриб қолмаганда эҳтимол, уни топа олмасди. Андрей бор кучи билан чиранавериб, деярли холдан тойган. Ушлагани жойи бўлмаган силлиқ тошни тирнайвериб, тирноқлари ҳам кўчиб кетганди. Сарвар энгашиб қўлини узатди, етмади. Шимидан камарини бўшатиб узатди, яна озгина етмади. Кўйлагини ечиб камарга эшиб боғлади. Етди. Лекин қанча уринишмасин, тош

орасига қисилиб қолган тўпиғи чиқавермади. У терлаб-пишиб кетди. Андрей унинг ҳам кўйлагини ва милтиқнинг тасмасини ҳам бир-бирига боғлашиб, фақат қисилиб қолган оёғига боғлаб, Сарвар эхтиёткорлик билан турли тарафдан уни торта бошлади. Оғриқдан дод деяётган Андрей ҳам жони борича унга ёрдамлашди ва ниҳоят чиқариб олишди. Лекин оёқ тўпиғидан чиқиб деярли осилиб қолганди.

– Қўтос у ёққа кетди, сен бор, уни қидир, – деди аранг ярадор йигит.

– Сенчи? – деб сўради Сарвар ва кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди.

– Мен ётиб тураман...

Лекин Сарвар қиз орқалаган қўтосни то кечга қадар қидириб топа олмай келганида дўстининг оёғи кўкариб ва шишиб кетганди. У алам билан ерни депсиди. Бир тошни олиб аллақаяққа қараб отди. Лекин фойдаси бўлмади. Бир оз гарансиб, фингшиб турди-да, Андрейни аранг орқасига опичлаб олди. Дўсти шундай оғир эдики, қилиб кўйган ишларидан гўё ер кўтаришни хоҳламаётгандек эди. Андрей холсизлигиданми ёки шунақа суяги оғирларданми, ҳар холда Сарварни букчайтириб кўяёзди. Собиқ банги йигит шеригини опичлаб аранг оёғини судраб бораркан, ўзини бу дунёга келтирганларни лаънатлади. Бунга жавобан эса тўсатдан чақмоқ чақиб, жала қуйишни бошлади. Момақалди роқ шундай гумбурладикки, қулоғидан бир нима кириб гўё кўзларидан ўт бўлиб чиқиб чақнагандай туюлди. Гўё қандайдир куч уларни тепадан туриб жазолаётгандай важоҳатли тун бошланганди. Тоғлардаги чақмоқ худди электр токига ўхшаркан. Уларнинг кўз ўнгида бир дарахт ёниб кетди.

– Сарвар, отлар қаерда?

– Жойида эди, биз ўша ёққа боришимиз керак.

– Бирор пана жой топ, бўлмаса ҳалок бўламиз – деди Андрей қичқариб.

Жала шундай кучайдикки, хатто кўз очиб бўлмай қолди. “Ишқилиб отлар соғмикин? Агар бир гап бўлса онамизни

кўрамиз” деб ўйлади Сарвар ва қоя тошлар томон юриб панароқ жой қидира бошлади, лекин бахтга қарши бу пайтда калла сиққудек жой ҳам топилмасди. Бир жойга келганида оёғи сирғалиб иккиси ҳам пастлик томон думалаб тушиб кетишди. Тепаликка яна қайтиб чиқиш жуда мушкул эди. Андрей оғриқдан тинмай инграмоқда эди. Ниҳоят жаладан хиёл пана қилиб турган улкан қоятош тагига судралиб бориб тиқилишди. Андрей оёқларини узатиб ўтириб олди. Момоқалди роқ ва чақмоқ гўё аждар-ҳодек уларга ҳамла қилар, гўё “келинчакни ўғирлашни сенларга кўрсатиб қўяман!!!” – дея ҳайқирарди.

Андрей дўстининг елкасига қўлини ташлади.

– Биз гуноҳ иш қилдик, Сарвар – деди Андрей оёғини силаб.

– Ахир мен Сабоҳат билан бахтли ҳаёт қурмоқчи эдимку!

– Кеч қолган экансан. Билсанг Инжилда ҳам, Қуръонда ҳам никоҳнинг муқаддас эканлиги ва никоҳланганларни Яратганнинг ўзи асраши ҳақида ёзилган. Ишқилиб, қиз соғмикин?

– Билмадим. У биздан баттар аҳволда бўлса керак. Бундай ўлимни душманамга ҳам раво кўрмасдим.

– Нима?! Ўлган, дейсанми?

– Ҳа, ҳалок бўлгандир. Эҳ, эссиз, яхши қиз эди. Бизлар уни ўлдирдик, – дея инграб йиғлай бошлади Андрей.

– Андрей! Ундай дема! Йўқса мен ҳам ҳозир ўзимни ўлдираман. Сен ҳам шу ерда қолиб кетасан. У тирик. Мен уни албатта топаман. Ўлган бўлса ўз қўлларим билан кўмаман, сўнгра ўзимни ҳам ўлдираман!

Икки йигит бир-бирини кучоқлашиб, бир нималар деб, ўзбекчалаб, русчалаб алжираб узоқ йиғладилар.

Ёмғир тинди, лекин энди совуқ қота бошлашди. Бир илож қилиб ўт ёқиш, исиниб, қуриниш керак эди. Сарвар теварак-атрофни айланиб, оралиқлардан қуруқ шох-шаббалар, хўл бўлса ҳам ўтинлардан териб келди. Аланга тутай-тутай, ниҳоят қизил тиш кўрсатди.

– Сарвар, ўтти баландроқ ёқиш керак. Эҳтимол биров бизни кўрар.

– Ҳа, албатта.

– Сарвар, сен бориб отларимизни топиб кел. Мен ўзим бир илож қилиб ортга қайтаман.

– Ахир сенга доктор керак-ку!

– Йўқ, докторни ўзим топаман. Сен Сабоҳатни қидиришда давом эт. Хали умид бор. Кўтос бирор ғорга кириб жон сақлаган бўлиши мумкин. Агар худо бор бўлса, унинг жонини асрайди.

– Ҳа, мен уни албатта топаман.

– Яхшиси Сафарёрни олдига жўна. Қизни топишга угина фақат бизга ёрдам бера олади.

– Сенчи?

– Мен бирор ой туман касалхонасида даволаниб, сендан фақат хушxabар кутаман. Кейин “мол”ни ҳам.

– Андрей, бизнинг ҳеч вақомиз йўқку!

Андрей чўнтагидан пачкали 100 долларликлар чиқарди.

– Мана бунни заклад дейсан. Бошқа иложимиз йўқ. Бу пулни берган одамларга мен ишонтириб қўйганман. Бизнесда ёлғон гап кетмайди. Бир иложини қилишинг керак. Бу йўлга кирдингми, энди орқага йўл йўқ.

– Худди Германия фашизми билан урушдагидек эканда.

– Ҳа, олға борсанг ҳам, ортга қайтсанг ҳам отишади...

Яхшики, отлар турган экан. Қор ёғса ҳам, тош ёғса ҳам шу жониворлар устига ёғиши керак экан. Улар бир-бирларининг пинжига кириб пишқириб туришарди. Эртаси тонг ғира-ширасидаёқ Андрей ортга жўнади.

– Мен сезиб турибман. Сабоҳатни Сафарёр қутқарган бўлса, ажабмас. Шунинг учун яхши ният қилайлик. Хўп. Хайр. Сенга омад, дўстим.

– Эҳтиёт бўлиб кет. Мен албатта бераман.

– Касалхонада кўришгунча!

Сарвар отлиқ дўсти то кўздан ғойиб бўлгунга қадар орқидан ўкинч билан қараб қолди. Бепоеън тоғу тошлар уни совуқ назар билан кузатаётгандек, баланд чўққи эса унга мушт ўқталаётгандек туюлди.

Маҳбубасини аҳмоқона йўқотган ёлғиз йигит ўзини энг пасткаш, бир арава гўннга ботиб тургандек ҳис қилди ва қоятошни муштлай бошлади. Ҳайқириб йиғлагиси келди. Ўтирди, чўккалади, суянди, бу дунёга сигмади. Ўзини жарликка отмоқчи ҳам бўлди. Уни фақат қизнинг тириклигига бўлган умидгина ушлаб турарди.

\* \* \*

Орадан уч кун ўтди. Сарвар бутунлай холдан тойди. Унда егулик ҳам қолмаганди. Чўққи томон чиқиб боргани сари совуқ ҳам кучая борди. Энди қорларни кечиб борар, бир жиҳатидан кўтос изларини излашда қор қўл келарди. Бир кичикроқ қорли чўққининг устига чиқиб, унинг теварак-атрофини кўрмоқчи бўлди. Адашмаган экан. Нариги тарафдаги оралиқ водийда бир тўда кўтослар тўдаси осойишта юришарди.

Йигит кўтосларнинг олдига ошиқди. Унинг назарида бу беозор жониворлар қизни кўрганларини айтиб беришадигандек жўн туюлди. Отини ҳам унутиб пастликка томон туртилиб-суртилиб туша бошлади ва бир улкан тош устида тўхтаб, қиз опичлаган кўтосни узоқдан излаб топиш учун қаттиқ эътибор билан шошилмай тикилди. Лекин бир жойда беш-олти чиябўри ниманидир ўртага олиб тортқилашаётганига кўзи тушди. Милтигини олдида улар томон отди. Ўқ товуши тоғларда акс-садо берди. Борлиқ жониворлар сергакланди, чиябўрилар ўлжаларидан сал нари кетган бўлишди. Ўрталарида қизариб бир нарса кўринди. Йигитнинг юраги «шиғ» этиб кетди. У “Сабоҳат!” дея ҳайқириб шундай югурдики, йиқилиб тушмаганига ақл бовар қилмасди. Агар шу тобда йиқилсам, Андрейдан баттар бўлардики, кам бўлмасди. Чиябўрилар ҳайрон бўлиб нари қочишди. Кўтослар эса “Нима гап?” дегандек тумшукларини чўзишди. Фақат икки ўлимтик қушгина

чиябўрилардан қолган ўлжага қўнишди ва қизил гўштдан тортқилай бошлашди. Сарвар уларга қарата ҳам ўқ узди. Бири қулади, иккинчиси осмонга кўтарилди. Емиш бир кўтос экан. Кўнгли таскин топган йигит ҳайвон ўлиги олдига келиб, тиз чўкиб қолди ва хўнграб йиғлай бошлади. Чиябўрилар эса унга ҳамдардлик билдиришмоқчидай қулоқларини динг қилиб, бир-бирларига маъноли қараб олишмоқда эди.

Йигит бир оз ўтгач, милтиғига суялиб турдида, энди эътиборини қулоқларини қимирлатиб “Ҳа, йигит, тинч-ликми?” дегандек қотиб турган кўтосларга қаратди. Қани энди, бу жонворларнинг тил-забони бўлса-ю, қизни опичлаб олган шерикларини кўрган-кўрмаганликларини айтиб беришса... Шундай қилиб Сарвар қаерда кўтос кўринса, унинг олдига бориб, арқони борми йўқми текшириб кўра бошлади. Шу зайл то кечга қадар юрди. Кроссовкаси йиртилиб, титилиб кетди. Негадир қиздан умидини уза олмасди... Агар унга бир гап бўлган бўлса, мен ҳам ўзимни ўлдираман. Қани у? На ўлиги, на тириги бор унинг. “Тўхта-тўхта, — дея хушёр тортди у калласига келган бир фикрдан, — уни Сафарёр қутқарган бўлса-чи? Қиз эҳтимол, аллақачон Жаннатгордадир.”

Шундай ўй-умид уни яна олдинга бошлади. Лекин отини анча нарироқда қолдириб келганидан афсус чекди. Қорни ўлгудек очикқан, отдаги рюкзакда эса егани ул-бул бор эди. Иложсиз ортга қайтишга тўғри келди. Ҳар холда борадиган манзилига тез етиб олади. Бу ёғи толиққан. Агар бирор жойга ўтириб, тошга бошини қўйсаёқ қаттиқ уйқуга кетиши муқаррар. Бунинг эса иложи йўқ, аввало қизни топиш керак. “У шу атрофда, узоққа кетмаган бўлиши керак. Чунки кўтос ўз тўдасини излаб келган” деган фикрга келди йигит.

У янглишмаган эди. Отини узоқ қидирди. У негадир кўринмасди. Кўтослар тўдасини кўриб қолган қоя устига



чиқди. Лекин оқшом чўка бошлагани учун узоқларни кўзи илғамасди. Шу маҳал ўзидан анча наридаги қоя томонда қандайдир шарпа кўринди, тошлар думалади. “Хайрият бу отим” деди йигит хурсанд бўлиб ва ўша томон ошиқди. Лекин не кўз билан кўрсинки, қоя олдида арқонларини осилтириб олган ўша кўтос бўйнини чўзиб турарди. Орқасидаги “юки” эса йўқ эди. “Сабоҳат!” дея бақирди йигит ва қоя атрофини гир айланиб чиқди.

— Хой, мол, эшшак! Миясини еган кўтос! Сабоҳат қани? — деб сўради жаҳл билан.

Жонивор “Билмасам” дегандек бепарво тумшугини қимирлатди. Сарвар жинни бўлаёзди. Жаҳлни тушунмаган ҳайвонга энди мулойимлик билан мурожаат қила бошлади.

— Сен дунёдаги энг зўр кўтоссан. Менга ёрдам бер, ўтинаман.

Кўтос унинг илтимосига ҳеч қулоқ солмади ва терс бурилиб нари кета бошлади.

— Хой, мен сенга айтяпман! — деди Сарвар алам билан ва ерда ётган бир қуруқ ёғочга кўзи тушди. Уни олдида кўтоснинг дуч келган жойига қараб савалай кетди. “Қизимни топиб бер, аблаҳ! Уни қаерга ташлаб келдинг?!...” Кўтос бу бемаъни йигитдан қутилиш учун чора излай бошлади. Бошини калтакдан эҳтиёт қилиб, орқасини ўгириб олди. Лекин Сарвар энди унинг думидан тортиб олиб савалашни давом эттирди. Кўтос аввало “Яхшилиқча қўйвор” дегандек маъноли бир қараб олдида, фойдасиз эканини билиб, ортидан келган чиябўрини қандай тепган бўлса, сур йигитни ҳам шундай тепдики... Сарвар энди наркоз ҳидлаган бемордек самода парвоз қила бошлади... “Накаут қилдимми, ё накдаун?” дегандек кўтос бироз ҳайрон бўлиб турди-да, оҳиста йўлида давом этди. Ортида судралиб бораётган арқон хушсиз ётган йигитнинг жуссаси узра худди илон каби оҳиста сирғалиб ўтиб кетди...

## “ЖАННАТ”ДАГИ УЧРАШУВ

Сабоҳат Андрей бўриларни отган маҳали ўқ овозидан чўчиб, ўзига келди ва ўзини гўё самода парвоз қилаётгандек ҳис қилди. “Нима бу, тушимми ё ўнгимми? Нақадар гўзал жойлар экан. Ҳавосини тозалигини... Фалати туш. Эслаб қолишим керак. Лекин қизларга айтиб берсам қотиб қолишса керак. Қизик, қаёққа кетаяпман, ўзи? Вой-бў қўтосларни... Жуда кўп эканми? Ие-вой, мен ҳам биттасини миниб олганга ўхшайманку. Тавба, буни тўхтатиб тушиб олақолай. Вой, белим боғлиқку...”

Келинчакнинг икки қўли бўш эди. Қўллари билан пайпаслаб, белидаги тугунни топди. У шундай қаттиқ боғланган эдики, ечиб олгунча терлаб-пишиб кетди.

Ниҳоят тугундан холи бўлиб, қаддини ростлади. Беозор жонивор уни шошилмай қаёққадир олиб кетмоқда эди. Энди гал оёғини бўшатишга келди.. Қўтос бир жилға бўйига сув ичгани тўхтаб бўйнини чўзди. Қизнинг ҳам сув ичгиси келиб жуда ютоқиб кетган эди. Энгашиб оёғини ҳам ечиб олдида, ерга тушди. Увишиб деярли қотиб қолган оёқларининг ва белининг чигалини ёзди. Қўтос қизга “қалайсан?” дегандек тумшуғини чўзиб қўйди. “Вой, ажойиб ҳайвон экан. Юнглаiriam узун-узун” – деди Сабоҳат ва юз-қўлини ювиб, суздан тўйиб-тўйиб ичиб олди. Сув шундай мазали эдики, кайфияти кўтарилди ва қўтосга қарата сув сепди. Қўтос нари кета бошлади. “Эҳ, қорним очди. Қани энди, егулик ҳам бўлсайди.” Шу маҳал эгарланган бир от кишнади ва оҳиста унинг олдига келди. Отда рюкзак бор эди. Қиз уни тушириб олди. Халтада дудланган гўшт, қази ва пишлоқ бор экан. Маза қилиб еб олди. Ўтиб бораётган кийикларга кўзи тушди. Сўнгра қиз рюкзакка яна қўлини тикиб кўрди ва қўлига бирталай тилла тақинчоқлар илашиб чиқди. “Ҳа, бунақа нарсалар фақат тушга кириши мумкин” деб қўйди у ўзича ва бир четга ўтиб тақинчоқларни тақиб кўра бошлади. Бўйнида бир талай тилла занжирлар, қўлида балдоғу узуклар кўзни қамаштирадиган даражада ярақларди.

— Мана буни ҳақиқий туш деса бўлади, — деди у овоз чиқариб, — Эҳ, қани энди Мансур акам учраб қолсайди.

Лекин Мансур акаси эмас, Сарвар акаси учради. Тушга нималар кирмайди, ахир.

Тилла тақинчоқларни тақиб, қорнини тўйғазиб олган малика отга миниб энди ўз шаҳзодасини қидириб йўлга отланди. Лекин ёмон шаҳзодалар йўлда ҳам думалаб ётавераркан...

Бу маҳалда тепки еган Сарвар ҳам туш кўрарди... Яна ўша Жаннатгор ва олдидаги бепоён гулзор. Гулзораро эса Сабоҳат билан бир-бирларини қувиб юришибди. Худди ҳинд фильмларидагидек дуэт қўшиқ куйлашмоқда, майсалар узра думалашмоқда...

— Вой Мансур акам! — деди хурсанд қичқирди келинчак ва отдан тушиб Сарварнинг тепасига келди. — Ие, бу ануви банги-ку! Тушимнинг мана шу жойини бошқатдан кўришим керак, шекилли. Тавба, Мансур акани сўрасам, Сарвар акани рўпара қилишади-я!.. Хай, майли, бу туш-ку! Ҳаётда бу банги йигит билан гаплашмагандим, бир гаплашиб кўрайинчи, қанақа дарду афғонлари бор экан...

— Хой йигит, тулинг, кап-катта одам уялмайсизми кўчада чўзилиб ётгани? — деди қиз ва йигитнинг соқоли ўсиб кетган юзини аста шапатилади.

Сарвар кўзини очди ва тепасида тилла тақинчоқлар билан безанган хурлиқо маҳбубасини кўрди. У ҳам буни тушининг давомига йўйди ва тўсатдан ўрнидан туриб қўшиқнинг давомини айтиб юборди. У шундай айтар эдики, Москвага кетиб қолиб, айтолмай қолган юрагининг тубидаги дардларини изтироб ила ошкор қилмоқда эди. Тоғ-тошларда аслида йўталсанг ҳам қўшиқ бўлиб қайтади, дейишарди, йигит эса чин дилдан куйламоқда эди. Сабоҳат лол қолди.

— Сарвар ака!

— Сабоҳат!

- Ахир, буларнинг ҳаммаси туш-ку!...
- Ҳа, биз ўзга дунёдамиз. У дунёда сен мени тушунмадинг, сен менга ишонмадинг. Сени қанчалик севишимни билмадинг.
- Ахир сиз банги эдингиз!
- Ҳаммасини ташлаганман, даволанганман. Мен бутунлай ўзгарганман, бошқа одам бўлганман.
- Ота-онангизнинг арзандасисиз-да.
- Ҳа, аввалига шундай эдим. Лекин сени учратган кундан бошлаб, мен ўз ҳаётим учун, сен учун яшаяпман.
- Ўҳ-хў, гапниям қотираркансиз.
- Менга ишон, сўзларим чин.
- Хўп, майли, тушимизни давомини кўраверайлик-чи! Фақат менга яқинлашсангиз, ўлдираман.
- Йўқ. Мен ўзинг ихтиёр этмагунингча ва муҳаббатингга эришмагунимча сенга яқинлашмайман.
- Мен ҳам эримга хиёнат қилмайман.
- Сен энди уни унут.
- Мансур акамни-я?
- Ким бўлса ҳам.
- Вой ўлмасам, ана унутдим ҳам дейлик. Хўш иннайкейинчи, шаҳзодам. Қаёққа борамиз? Тирикчилигимиз нима бўлади?
- Жаннатғорга борамиз. У ерда тинч ва осуда ҳаёт кечирамиз. Бизга ҳеч ким ҳалақит бермайди. Сершовқин, серташвиш дунёдан бутунлай холи яшаймиз.
- Ҳали бир этак бола ҳам туғиб берарман?
- Қани энди маҳбубам, шу гапларинг рост бўлса. Биз дунёдаги энг бахтли оила бўлардик.
- Хо, ёқмай қолсин! Тушим бўлмаганда-ку, башарангизга бир туширдим.
- Сарвар юзини тутди:
- Қани бир уриб кўрчи.
- Сабоҳат бир тарсаки туширди.
- Хўш?
- Туш.

Сарвар тўсатдан уни қучоқлаб, лабларидан узоқ бўса олди.

– Энди-чи?

Сабоҳат жавоб бермади, балки яна бир қаттиқроқ тарсаки туширди.

Теварак-атрофга энди аланг-жаланг қаради.

– Сабоҳат, бу туш эмас.

– Нима бўлмаса?

– Бу ўзга дунё. Бу бизнинг дунё!

– Ўлганмиз, демоқчимисиз? Қачон?

– Сен овқатдан заҳарлангансан. Мен эса автоҳалокатга учраганман. Тақдирингга тан бер.

Қиз саросимада у ёқ-бу ёққа чопа бошлади. Кўрқиб кетди

– Вой, рости биланми? Бу қандай бўлди?

– Андрейнинг душманлари уни заҳарламоқчи бўлиш-ган экан. Лекин ўша ичимликни сен ичиб қўйибсан. У билан кафедра, эслагин.

– Ҳа-ҳа, кейин бир таксига ўтирдик. Яна овқатландик ҳам шекилли.

– Буниси тушингда бўлса керак. Комада узоқ ётдинг.

– Кейин-чи?

– Кейин эринг опкетди. У ёғи ўзингга маълум.

Келинчак узоқ ўйланиб қолди. Чиндан ишониб чуқур хўрсиниб қўйди. Қўлларини, юзларини чимчилаб кўрди ва тўсатдан қоялар томон чопиб кета бошлади.

– Хой, тўхта! Қаёққа?

– Ҳозир ўзимни қоядан ташлаб кўраман.

Сарвар жон-жаҳди билан унинг ортидан югурди.

– Йўқ, ундай қилма! Тўхта!

– Юринг иккаламиз ташлаймиз.

– Йўқ, унда тўғри жаҳаннамга кетамиз.

– Унда биз қаердамиз?

– Жаннатдамиз. Юр, бизни кошонамиз кутяпти.

Йигитлик сўзим, алдамаяпман, – деди Сарвар қизга аранг етиб олиб, уни маҳкам қучди: – Мен сени алдамаяпман.

Юр, ўз кўзинг билан кўрасан. Ахир манави тиллаларни кўриб турибсан-ку! Мана ишонмасанг, пулларни ҳам кўрсатаман. Лекин бу ерда тиллалар ҳам, пуллар ҳам кераксиз нарсалар, — деди йигит ва чўнтаklarидан пачка-пачка долларларни чиқариб ерга ташлай бошлади.

— Вой-бу, шунча пул кераксизми?

— Ҳа.

— Унда қорнимизни қандай тўйғизамиз?

— Ҳозир бир кийикни отаман. Сўнгра кабоб қилиб бераман, — деди Сарвар ва елкасидан милтиқни олиб, ўқлаб қўйди. — Лекин сен бошқа қочиб кетмасликка сўз берасан.

— Қаёққа?

— Масалан қоядан ташлайман, деб.

— Қушга ўхшаб учиб юрмоқчиман.

— Тушунарли. Унда ишимиз чатоққа ўхшайди. Лекин наилож, — деди Сарвар. У қизни отни олдига етаклаб келди ва нариги рюкзакдан занжирли кишан чиқариб олдида, кутилмаганда қизнинг оёқларига тақиб, занжирнинг бошқа учини отнинг жабдуғига боғлаб қўйди, — Мен ҳозир тез келаман. Сен қимирламай ўтириб турасан, — деди йигит ва от устидаги одеялни олиб тўшаб берди. — Билиб қўй, бу дунёда сенинг эринг менман... Буйруғимни бажаришинг шарт. Олов ёқиб тур.

— Хўп.

Бу ерда кийиклар кўп эди. Йигит тез қайтди.

Қиз оёғидаги занжирни шалдирашиб, хас-хашак, ўтин-чўпларни териб келдида доллар қоғозларни гижимлаб, тутантириқ қилиб, олов ёқишга уннай бошлади. Узоқ пуфлади. Тутуни шундай аччиқ эдики, қиз йўталиб пулни яратганларни яхшилаб койиди. Йигит бир кийикни кўтариб келди ва пулларни чиндан ҳам тутантириқ бўлиб ёнаётганини кўриб эхонаси чиқиб кетай деди. У шоша-пиша пулларни йиғиштириб олди. Кўп ўтмай пишаётган гўштнинг ёқимли ҳиди тоғни тутиб кетди. Қиз гўшдан бир оз еган бўлдида, уйқуга кетди. Йигит қўлига милтиқни олиб уни ҳар хил инсу-жинслардан қўриқлаб, кабобпазлик

қилиб чиқди. Тезроқ Жаннатғорга етиб олиш зарур эди. Энг муҳими, пешонасидаги ғуррани, юзидаги шоҳ-буталар тилган чақаларни ҳисобга олмаганда Сабоҳатнинг соппасоғлиги эди. Ўзга дунё ҳақидаги Сарварнинг ёлғон чўпчакларига у ишона қолди. Сарвар энди унинг чин маънодаги шаҳзодасига айланди. Нима бу соддаликмиди? Йўқ, аслида берилган гиёҳванд моддалар, қўлланилган наркознинг таъсири эди. Агар шу чўпчакларга ишонмаганида эҳтимол қиз ўз жонига суиқасд қилган ёки юраги ёрилиб ўлган бўлармиди? Ҳар холда ишонувчанлиги уни сақлаб қолди.

Тақдирини янада янги синоатлар кутаётганидан келинчак ҳали беҳабар эди.

\* \* \*

Сарвар жуда бахтиёр эди. Ёлғон бўлсада, у севгилиси билан бирга эди. Сабоҳат эса теварак-атрофга аланг-жалаң қарар, ўзича бир нималар деб қичқирар, қўшиқ айтар ва эркаланарди.

— Вой Сарвар ака, анави гулни қаранг, қандай чиройли-а, илтимос менга узиб бера қолинг.

— Сени хали шундай гўзал бўстонга олиб борайинки...

— Ўша Жаннатғор хали узоқми?

— Йўқ, яқин қолди.

Ниҳоят Сарвар ўзи ҳар хил нишон қўйиб, чамалаб кетган йўл белгиларини ҳам топиб олди. У тилла тақинчоқ билан безанган хурлиқо маликасини отга миндириб, ўзи етаклаб борарди. Юра-юра толиқди.

— Жаннатғорга тезроқ боришни хоҳлайсанми? — деб сўради йигит ўз чарчоғини яширишга ҳаракат қилиб.

— Ҳа, хоҳлайман.

— Унда отга мен ҳам миниб оламан, шунда тезроқ етамиз.

— Вой, қандай бўларкин?

— Ҳеч гап бўлмайди.

— Бўпти, аввал сув ичиб олай, чанқадим.

Қизни отдан тушишига ёрдамлашди. Кичик зилол сувли сой анча чуқурликда оқарди. Сабоҳат унга тушишга йўл қидирди, лекин топа олмади.

— Вой, қандоқ қилиб ичаман — деди у яна ноз билан эркалиниб.

— Тўхта, мен ҳозир... — деди Сарвар ва почасини шимариб, тезда сув ичига тушдида, қўлини ювди. Сўнгра шаршара жойдан ховучига сув олиб қизнинг қўлларига узатди. Қиз бир амаллаб қўлига олиб сувни ичган бўлди, лекин қонмади. Энди йигит ўз қўлларидан ичишни таклиф қилди. Қиз эса энгашиб унинг тафтгли кафтидан ича бошлади. Бу шундай фарахбахш дақиқалар эдики. Йигит шодлигидан ҳайқиргиси, қўшиқ айтгиси келарди...

Йигит ҳовучида сув олиб тўхтовсиз узатар, қиз эса завқланиб «яна» ва «яна» дер эди. Сарварга ҳам бу «ўйин» дастлаб завқ бағишлади, лекин оёқлари тобора яхлаб бораётганини ҳис қилиб уни тўхтатишга чора излади.

— Ҳой, бўлди энди, қудуқ бўп кетдинг-ку!

— Қонмаяпман-да

— Оёғим совуққотди, ахир!

— Жаннатдаям совқотарканми?

— Мана бўлмаса! — деди йигит ва қизнинг юзига муздек сувдан сепиб юборди. Лекин қизнинг сесканиб кетганидан ўзи ҳам қўрқиб кетди.

— Вой!.. Биз қаердамиз? Сиз бу ерга қаердан келиб қолдингиз? — деди қиз ажабланиб,

— Ахир сенга айтдим-ку!

Сарвар зудлик билан сувдан чиқиб келди. Қизнинг ўзига кела бошлагани уни хавотирга сола бошлади

— Юр, тезроқ кетайлик — дея Сабоҳатнинг қўлидан тортқилади йигит

— Қаёққа?!

— Ўша Жаннатғорга-да.

— Қанақа жаннат, қанақа ғор? — дея қўлини силкитиб ташлади қиз ва қўзи тилла узугу тақинчоқларга тушди.

— Булар кимники?

— Ўзингники. Тезроқ борақолайлик, ҳаммасини тушунтириб бераман.



Сарвар нима қиларини билмай бир оз гарангсиб турдида таваккал отга ирғиб миниб олди. Отдаги рюкзак чўнтақларини титкилаб наркоз идишчани астойдил пайпаслаб қидирар экан, қизни қандай қилиб яна сархуш ҳолатга келтириш ҳақида ўйларди. Ниҳоят идишчани топди.

– Қўлингни бер. Отга мин!

– Э, йўқ. Нималар деяпсиз? Эрим бор, ахир.

– Ўша эринг мен бўламан-ку!

– Нима?!...

– Томинг кетиб қопти. Пешонангни ушлаб кўр.

Қиз оҳиста пешонасини силади ва ғуррани ҳис қилди.

– Пешонангни қаттиқ уриб олдинг. Хотиранг жойида эмас.

Қиз хайрон бўлиб бир оз туриб қолди ва тақдирга тан бергандай бўлди.

– Тўғрисини айтинг, қаёққа кетяпмиз?

– Жаннатғорга. У ерда зўр табиб бор. Бўл тезроқ.

Сарвар отдан тушди ва қизнинг ўзини миниб олишга ундади. Лекин қиз тўсатдан тиз чўкиб ўтириб олдида, йиғлай бошлади.

– Ҳой, сенга нима бўлди?

– Уйимга кетаман...

– «Уйимизга» де.

Сабоҳат даст ўрнидан турди-да боши оққан томонга қараб тез чопиб кета бошлади. Сарвар иложсиз қолди ва рўмолчани олдида, чопиб бориб унга наркоздан томизди.

– Ҳой, тўхта! Ҳаммасини тушунтириб бераман! Бу ердан ҳеч қаёққа кетолмайсан!

Қиз гезариб қолди. У шундай тез юрар, деярли чопиб борарди. Юраги қандайдир нохушликни ҳис қилаётганиданми, ортидан ялиниб келаётган Сарварнинг гапларига қулоқ солимай, энди пастлик томон шошилинч тушиб борар, тилла тақинчоқлари офтоб нурларидан безовта ярқирарди. Сарвар кўрқиб кетди. Чунки қиз йиқилиб тушиши, пастлик томон юмалаб кетиши мумкин эди. Шу туфайли пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

– Тўхта, Сабоҳат! Қайт! – дея бетўхтов қичқирарди у. Терлаб, уст-боши баданига ёпиша бошлади. Аввал пешонаси, чеккаларини, сўнгра эса оғиз бурчаклари ва бурнини ҳам артиб олди. Шу пайт гўё қанот чиқардию, Сабоҳат сари парвоз қила бошлади. Кейин нима бўлганини эслай олмади...

Қочиб кетган қиз тўсатдан жарлик бўйидан чиқиб қолиб ўзини аранг тўхтатиб қолди ва хаяжон билан ортига боқди. Боқдию Сарварнинг йиқилиб тушиб беҳуш бўлиб ётганини кўрди.

– Вой, бу ўлгур нашаванд, қаёқдан пайдо бўлди ўзи? Мени нега кутаяпти? Йиқилиб бир бало бўлди шекилли.

Қиз оҳиста орқага қайтди. Йигит наркоз таъсирида деярли жонсиз ётарди. Юзини оҳиста шাপатилади. Ўзига келмади

– Ҳой Сарвар ака! Сизга нима бўлди? Туринг! – деди қиз иккиланиб. «Юзига сув сепиш керак шекилли» дея фикр қилди ўзича ва йигитнинг қўлидаги рўмолчасини олдида уни сувга пишиб келиш учун сой томонга чопди. Албатта у ҳам чопавериб терлаб кетди. Йўл-йўлакай аввал бўйинларини, сўнгра эса бурун атрофларини артди ва ўзидан кетиб йиқилди. Қўлидаги рўмолча эса, тошлар устига тушиб, тоғ шаббодасида пастлик томон оҳиста хилпираб учиб кетди.

Шаббода тобора кучайиб борарди ва ҳадемай булутлар пайдо бўлди. Момақалди роқ гумбирлаб чақмоқлар чақди ва тошлар бағрида ётган сархуш ёш қалбларнинг жуссасини ёритиб шивалаб ёмғир ёға бошлади. Дастлаб Сарвар ўзига келди. Аввалига нима гаплигини англай олмади. Боши ҳамон гаранг эди. Тиззасида қаттиқ оғриқни хис қилди. Шимини кўтариб кўрди. Лат епти. Қонаб қотиб қолибди. Бир оз юзини ёмғирга тутиб турди. Нима гап бўлгани, қаерда эканлигини эслади ва қизни ўйлаб ўрнидан шошилинич туриб кетди. «Сабоҳат! У қаёқда қолди?» – деган ўй юрагида яшиндек чақнади ва момақалди роқдек ҳайқирди. Қизнинг исмини айтиб қаттиқ чақира бошлади. Лекин момақалди роқнинг гумбирлаши ва ёмғирнинг шивирлаган овози уни босиб кетар, деярли қоронғулик тушиб қолгани учун теварак-атрофни кўз илғамасди.

Оти ёдига тушди ва тезликда изига қайтди. Яна изтироб, яна азоб бошланганидан худога қараб илтижо қилди. Жаннатғорга, орзулари масканига бир баҳя қолганида шу иш бўлганидан ўз-ўзини қаттиқ койий бошлади. Лекин тўсатдан юзини тошларга қўйиб юзтубан тушиб ётган қиз оёқлари остидан чиқиб қолди

– Ие, Сабоҳат-ку! Ҳой, сенга нима бўлди, тирик-мисан? – дея юзларини шапиллатиб ура бошлади. Ёмғир сувлари қизнинг юзини юва бошлади ва у ҳам ўзига келди – Хайрият юр, бу ерлардан кетайлик.

– Қаёққа? – деб сўради қиз аранг.

– Панароққа. Ёмғирда ивиб кетамиз. Кейин шамол-лаб қоламиз.

Қиз бу сафар қайсарлик қилмади. Ўзини бемордек ҳис қилди. Йигит унинг қўлтиғидан олиб юришига ёрдамлашди. Сой бўйидаги қалин дўланалар ичига кириб олишди. Сарвар отини тез олиб келди ва унда қолган брезент чойшабни ёйиб дарахт шохига боғлаб қапа қилди. Ҳадемай олов ҳам ёна бошлади. Қолган кийик гўштини пишириб ейишди ва шу ерда тунаб қолишди. Лекин бир-бирларига лом-мим дейишмади. Қиз гўё тақдирга тан бераётгандек туюлар, тушими ё ўнгими, нима гап бўлаёт-ганини ҳали англаб ета олмаётганди. Оловнинг у тарафида қиз, бу тарафида йигит тун билан безовталаниб, деярли мижжа қоқмай чиқишди. Қиз йигитнинг яқинлашишидан қўрққан бўлса, йигит унинг қочиб кетишидан хавотирда эди. Ниҳоят тонгга яқин қизнинг кўзлари илинди ва қушлар чуғурлаши-ю, қуёшнинг ёрқин нуридан уйғонди. Уйғондию, оёқларига солинган занжирни кўриб қўрқиб қичқириб юборди. Бош кийимини қушлар тухумига тўлдириб олган Сарвар пайдо бўлди

– Қўрқма. Бу бошқа қочиб кетмаслигинг учун бир чора, холос.

– Бу нима қилганингиз?

– Энди сенга бор ҳақиқатни айтишга тўғри келади – деди Сарвар ва тухумларни оҳиста қўрга кўмаркан.

— Айтинг, нима қияпсиз. Қаердамиз ўзи?

— Жуда узоқда. Бир ҳафтадан буён шу тоғлар қўйнида юрибмиз.

— Қандай қилиб?

— Биз сени ўғирладик.

— Биз деганингиз ким?

— Андрей иккимиз. Ўша таксист мен эдим.

— Нима?!!

— Мени тўғри тушун. Мен сени чиндан ҳам яхши кўраман. Илгариги банги Сарвар эмасман, бутунлай ўзгарганман. Ўз бахтимни бировга бериб қўядиган аҳмоқ эмасман. Сенсиз яшолмайман ахир...

— Нималар деб алжираяпсиз! Мени зўрламоқчимисиз?

— Йўқ, мен номард йигит эмасман. То ўзинг мени хоҳламагунингча, орамизда никоҳ ўқилмагунча сўз бераман, сенга асло яқинлашмайман

— Ишонмайман!

Сарвар ўрнидан турди, ёнидаги пичоқни қинидан чиқариб қизнинг олдига ташлади. Оҳиста милтиқни олди ва уни ўқлади-да уни ҳам қизнинг олдига қўйиб, рўпарасига тиз чўқди:

— Гапим рост. Мана милтиқ, пичоқ, истасанг от, сўй, ўлдир. Кейин кетавер. Сенсиз яшагандан кўра ўлганим афзал

Қиз довдираб қолди. Қўли титраб оҳиста милтиқни қўлига олди, кейин яна жойига қўйди:

— Демак, сиз мени ўғирлабсиз-да?

— Ҳа

— Қандай қилиб?

— Наркоз бердим — деди Сарвар ва шишачани олиб қўйди.

— Нега бундай қилдингиз? Ахир мен никоҳланганман-ку!

— Никоҳ мен билан ҳам бўлиши мумкин эди.

— Ахир сизни ёмон кўраман.

— Биламан. Сен илгариги Сарварни ёмон кўрасан. Ўшанда учрашувга чиққанингда эди.

— Сизга тегмаслик учун хатто отамнинг юзига оёқ босдим. Улар мени оқ қилдилар

— Эшитдим. Мен ҳам уйдан бутунлай кетдим

— Нега?

— Поёнсиз бойлиги, мавқеи бўла туриб бир фарзандларини бахтли қила олмаганларидан қаттиқ ҳафа бўлдим.

— Мени бошингизга урасизми?! Ахир қизлар тиқилиб ётибди-ку!

— Йўқ. Сен менинг ягона орзуйимсан.

Сарвар ички чўнтакларидан бир нечта фотосуратлар чиқарди ва уларни қизга узатди. Сабоҳат уларни ҳайронлик билан бирма-бир кўриб чиқди ва йигитнинг муҳаббат туйғуси билан тўла кўзларига боқди:

— Энди кеч бўлди, Сарвар ака.

— Йўқ, асло кеч эмас.

— Ахир мен эрга тегдим. Эримдан асло кечмайман.

— Қанча вақт керак бўлса, шунча кутишга тайёрман.

— Ҳозир бизни қидиришаётгандир.

— Ҳа

— Қўлга тушсангиз, сизни қамаб қўйишади.

— Биламан. Шунинг учун ҳам сени узоқларга олиб кетаман.

— Қаёққа?

— Жаннатгорга.

— У ерда нима қиламиз?

— У ерда бутун дунё ташвишларидан холи бирга яшаймиз. Мана кўрасан, у жой дунёдаги энг гўзал маскан, ҳақиқий жаннат.

— Хом хаёлни қўйинг, Сарвар ака. Ортга қайтайлик.

— Йўқ-йўқ. Биз деярли етиб келдик. Яна бир довов ошсак бўлди. Фақат илтимос, сен қочишни ўйлама. Бир марта ўша жойни кўр, ўзинг тан берасан, ўлай агар...

— У ерни қаердан биласиз?

— Болалигимда дадам олиб келганди.

— Мени нима қилмоқчисиз?

— Ҳеч нарса, фақат муҳаббатингни қозонмоқчиман, холос.

- Бирга яшаб-а? Андрей қани?
- Унинг оёғи синди. Ҳозир касалхонада бўлса керак.
- Ажаб бўпти. Ўлгур лаънати мени лақиллатди.
- Ўзинг ҳам тоза лақма экансан.
- Мен лекин чиппа-чин ишондим. Яхши йигит деб

ўйлабман.

— У чиндан яхши йигит. Менинг чин дўстим. Агар у уйига қўнғироқ қилмаганида сенинг эрга текканингдан бохабар бўлмай аҳмоқ бўлиб юраверган бўлардим.

— Эй, нималар қилиб қўйдингиз, Сарвар ака? Ҳозир «дод» деб йиғлаб юбораман

— Бемалол. Бу ерда инсон зоти яшамайди. Мен ҳам қулоғимни беркитаманда, йиғлаб бўлишингни кутиб ўтираман. Ундан кўра баҳс қилмайликда, йўлга чиқайлик. Худо хоҳласа бугун кечгача етиб борамиз.

— Етиб бордик ҳам дейлик. Кейин-чи, нима қилмоқ-чисиз?

— Андрей билан тузиб қўйган режаларимиз бор. Ўша ерда зериккунимизча яшаб турамыз, сўнгра, агар сен рози бўлсанг, Москвадан уй сотиб оламизда ота-онамизга тобе бўлмай мустақил ҳаёт кечираверамиз. Мен ўз бахтимни ўз қўлларим билан яратмоқчиман.

— Мен эса сизга ишонмайман, — деди қиз ва бир тошни олиб наркозли шишачани алам билан уриб синдирди.

— Сен ҳеч қачон наркоманнинг даволанганини эшитганмисан?

— Йўқ

— Мен эса даволандим. Сен учун, сенга бўлган муҳаббатим туфайли даволандим. Сенинг суратларинг менга доим далда бўлди, иродали бўлишга ундади. Агар сен кетиб қолсанг, мен яна шу ҳаётга кириб кетишга мажбур бўламан. Чунки, бу ҳаётнинг менга бошқа қизиги қолмайди.

— Нима, энди менга шарт қўйяпсизми?

— Йўқ, чиндан айтяпман. — деди йигит ва ўрнидан даст туриб рюкзакни олдида унинг ичидан бир шприц ва кукун дори олди.

– Нима қилмоқчисиз?  
 – Ўз-ўзимга укол қилмоқчиман.  
 – Йўқ, ундай қилманг!  
 – Бўлмаса, мени от. Ўлдир-да, кетавер.  
 – Мени қийнаманг, илтимос – деди қиз йиғламсираб.  
 – Ахир мени тушун. Сенсиз менга яшашнинг кераги йўқ. Мен сени деб даволандим ва бу ифлос наркотикни бошқа кўлимга олмоқчи эмасман.

Қиз йиғлаб:

– Бўпти, тулинг кетдик, фақат менга яқинлашмай-сиз. Яқинлашсангиз ўлдираман!

Сарвар шприцни ушлаганча бир оз жим қолди. Қизнинг бу қарори унинг учун етарли эди. У шприц ва кукунни оловга ташлади. Улар оловга бир оз тикилиб туришди. Оғу бир лов этдию, кўланса ҳид тезда тарқади.

– Бўпти, пичоқни бер.

Қиз бир чўчиб тушди. «Наҳотки энди у ўзини ўлдирмоқчи? Мени шунчалар севади деб сира ҳам ўйламагандим» – деган фикр ўтди хаёлидан.

– Сенга айтяпман, пичоқни бўёққа ташла!

Қиз пичоқни олиб ортига яширди.

– Йўқ.

– Ахир қорним очиб кетди. Гўштни нима билан тўғрайман, галварс?

Сабоҳат аввалига анграйиб қолди, сўнгра юзларига табассум югурди ва кутилмаганда беихтиёр кула бошлади. Сарвар ҳам кўшилди. Икки ёшнинг беғубор кулгиси тоғларда жаранглай бошлади.

– Пичоқ билан милтиқ энди сеники. Керак бўлганида сўраб олиб тураманда.

– Йўқ, бу темир тақаларингиз ўзингизга буюрсин. Сизга ишондим, Сарвар ака.

– Хайрият. Мен бу сўзларни бир умр кутгандим.

– Лекин Жаннатғор ҳақидаги чўпчагингизга ишонгим келмаяпти.

– Қасам ичаман, бир ой бурун кўриб кетгандик. Сен

менга тегсанг ҳам, тегмасанг ҳам барибир олиб келган бўлардим.

– Қизиқ. Тоғу тошда бу қанақа жой бўлиши мумкин?

– Тезроқ жўнайлик. Ҳаммасини ўзинг кўрасан.

Улар апил-тапил ўринларидан туришди. Ўрталаридаги кўнгилсизликдан асар ҳам қолмади.

– Вой, энди манави савилни судраб юраманми? – деди у темир занжирни кўрсатиб

– Қочиб кетмайсанми?

– Йўқ.

– Ишонсам бўладими?

– Негадир ўша ғаройиб ғорни кўргим келяпти. Қизиқ, беш дақиқа аввал мен бутунлай бошқа хаёлда эдим.

– Кетдик, кўп гап – эшакка юк.

Сарвар занжирни ечиб олди. Улар энди отга бирга мингашиб олишиб ҳамсухбат бўлиб кетишди. Кўтос воқеаси, тутантириқ бўлган долларлар ҳақидаги ҳикояларни қиз завқ билан тинглаб борарди. Шу маҳал узоқда тутун кўринди.

– Вой қаранг, бир жой ёнаяпти шекилли, – деди Сабоҳат.

– Ҳа, яшин тушгандир. Бунақаси тоғда бўптуради – деди йигит лекин кўнгли алақандақ нохушликни ҳис қилди: «Жаннатғорга яшин тушган бўлса-я?! Йўғе..» – деди у ўзини тинчлантирган бўлиб.

Шу маҳал бир нарса қаттиқ гумбирлади. Тепаликлардан тошлар думалади.

– Нима бу?

– Кончилар бўлса керак

– Бу ерларда одам зоти йўқ деган эдингиз-ку!

– Ким билади. Геологлар бўлиши мумкин.

От бир маромда борарди. Шу пайт бир кишнаб, тўхтаб қолди. Узоқдан вертолёт овози эштилди.

– Ана, бизни қидиришяпти шекилли...

– Ҳа дадам бўлиши мумкин, яширинайлик, – деди Сарвар ва отни арчазор ичига қараб ҳайдади.



— Кетақолайлик, Сарвар ака.

— Бас қил! Агар яна бир нима десанг ўзимни ўлдираман!

— Ахир дадангизни ҳам тушунинг.

Сарвар отдан сакраб тушди ва қизга ҳам ёрдамлашди. Вертолёт чўққилар орасида пайдо бўлди ва улар томон тобора яқинлашиб кела бошлади. Йигит милтиқни олдида, стволини ўз-ўзига қаратди.

— Сабо, алвидо, сен хоҳласанг кетавер. Қаршилик қилмайман, лекин билиб қўй, сени яхши кўраман!

— Вой, ундай қилманг. Бўпти, яширинайлик.

Вертолёт вариллаб ўтиб кетди. Унда қўлларида автомат ушлаган, қора ниқоб кийган бир неча ҳарбийлар кўринди.

— Бошқалар экан — деди Сарвар тинчланиб.

— Вой, мен жуда кўрқиб кетдим — деди қиз йиғлам-сираб.

— Нимадан?

— Сиздан. Ўзингизни отиб қўясизми, дедим.

— Ҳа. Агар сен чиндан вертолётга пешвоз чиққанингда шу ишни қилган бўлардим.

— Ҳалиям бўлса изимизга қайтайлик.

— Нима, менга ишонмайсанми? Уч километрча қолди, холос. Ўн кундан бери йўл юриб, етай деганда ортга қайтиш ғирт тентаклик-ку!

— Бўпти, кетдик бўлмаса, кўрайликчи!

— Эй яшавор, бу бошқа гап!

Улар йўлда яна давом этишди. Қиз тилла тақинчоқларини йиғиштириб халтага солиб узатди.

— Мана омонатингиз. Бунча тилла нима учун керак.

— Айтолмайман. Бу фирмамизнинг сири.

— Нима билан шуғулланмоқчисизлар ўзи?

— Геологик қидирув-тадқиқот ишлари билан. Бу тоғларда олтин, кумуш, олмос ва турли қимматбаҳо тошлар тиқилиб ётибди.

— Вой ростданми? Менга учрамаяпти-ку!

— Жаннатғорда ҳаммаси бор.

— Уфф, қачон етамиз ўша жойга?

— Етиб келдик ҳисоб. Ана, анави жилға ўша ердан келаётган бўлса керак — деди Сарвар отдан тушиб чопиб

борди-да сувдан ховичлаб ичиб кўрди — Урра! Ўша сув экан, ма, ичиб кўр.

Йигит сувдан ховучлаб олиб чиқди. Қиз қувончдан довдираб турган йигитнинг қайноқ кафтини қайтара олмади. Сувдан хўплаган бўлди. У илиқ эди.

— Ҳа, ширин экан. Минерал сувга ўхшайди.

Энди улар жилға бўйлаб юқорилаб кета бошлашди. Лекин қандайдир тутун ҳиди сезиларди.

— Қаердир ёнапти — деди қиз бурнини тўсиб.

— Яшин тушган, дедим-ку! — деди Сарвар парво қилмай.

Ниҳоят охирги тепаликка етиб келинганини йигит ҳис қилди.

— Сабо, мен жуда ҳаяжондаман. Наҳотки орзуйимга етишган бўлсам, кўзларимга ишонмайман.

Унинг чиндан ҳам юраги тез ура бошлаганди. Ахир бу ерга етиб келиш учун қанча синоватларни бошдан кечирмади. Сабоҳат билан бўлган воқеалар, изтироблар, энди ҳаммаси ортда қолди. Йигит енгил нафас олди, лекин димоғига куйинди ҳиди кирди «Оббо, ёнғинниям топган вақтини» дея гудраб қўйди ўзича. Отдан тушиб, қизга ҳам ёрдамлашди.

— Ана ўзинг сувдан тўйиб ичиб олавер.

Қиз жилға бўйига тушди:

— Вой-бў, сувингиз жуда ифлос-ку!

— Оббо, танноз-ей! Бу ер сенга шаҳармиди? Эчкилар сув ичишаётгандир-да. Бўпти, сен анави тепаликка бор-да, жаннат бўстонида ўзинг баҳраманд бўл.

— Вой, ўзингизчи?

— Мен шу ердан туриб, сенинг қандай завқ олишингни томоша қилмоқчиман.

Қиз бир оз иккиланди.

— Бор — боравер, қўрқма, биз етиб келдик.

Қиз тепалик томон қўшиқ хиргойи қилиб, бамайлихотир чиқиб борарди. Йигит илиқ сувда ювиниб олмоқчи бўлди. Сувдан ховучлади, лекин сувнинг ифлослигини кўриб ғалати бўлиб кетди. Энди киприк қоқмай қизнинг тепалик сари чиқиб боришини, ва ҳаяжондан қичқариб

юборишини сабрсизлик билан кута бошлади. «Ана ўн қадам қолди шекилли, яна бир оз..., ҳайрият, қандай ажойиб дақиқалар. Қани энди камера бўлса эди».

Йигит кўзларини юмди ва бир оздан сўнг очди. Бироқ қизнинг ҳеч қандай ҳаяжонсиз, ҳаракатсиз қаққайиб турганини кўрди:

- Нима гап, Сабоҳ!...
- Ҳеч гап йўқ!!
- Форни кўраяпсанми, форни?!...
- Ҳеч қанақа фор йўқ!!!
- Гулларга қара, жониворларни кўр!!...
- Гуллар куйиб, жониворлар ўлиб ётибди-ку!...

«Бу қиз мени жинни қилиб қўяди шекилли. Наҳотки гўзалликни ҳис қилмаётган бўлса» — деди йигит ўзича ва ўқдай отилиб тепалик сари юқорилаб кетди. Лекин тепаликка чиқди-ю, қотиб қолди. Чаманзор — кўкноризор тутаб ётар, форнинг оғзи бузилиб, ёпилиб қолганди. Ҳар жойда тоғ эчкиларининг ўликлари ҳам чўзилиб ётишарди. Сарвар бошини чангаллаб шундай ҳайқирдики, қиз кўрқиб кетди ва ҳиқиллаб йиғлай бошлади

– Анавини қаранг! — деди Сабоҳат арчаларнинг бирининг тагида чўзилиб ўлиб ётган бир она кийикни кўрсатиб. Унинг янги туғилган боласи тебраниб турарди.

– Қайси бераҳм шу ишни қилди экан? — деди Сабоҳат ачиниб ва бориб кийик болани кучоқлаб олди.

Сарвар гаранг эди. Чурқ этмади. Сўнгра ўрнидан турдида фор томон шиддат билан чопиб кетди. У қулаб, оғзи беркилиб қолган фор олдида бетоқат парвона бора бешлади.

– Сафарёр ака! Қаердасиз?!... тирикмисиз?!

Сарвар теварак-атрофни бақириб-чақириб кезиб чиқди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Қиз эса кийик боласини кучоғига олиб ўз боласидай аллалаб ўтирарди. Сарвар унинг олдига бўшашиб келиб ўтирди:

– Мени кечир, Сабоҳат!...

– Хафа бўлманг Сарвар ака. Бу ўша ҳарбийларнинг иши бўлса керак. Мен сизга ишонаман. Сиз ҳақиқатдан ҳам ўзгарибсиз.

## II қисм

## МАРЖОН ТАБИБ

## ЗАНЖИРБАНД «МАЛИКА»

Келинчак Сабоҳатнинг бедарак йўқолганидан бир ойлар чамаси ўтгач, Тожикистон милицияси томонидан унинг дараги чиқди. Сарвар Шохайдаровга қарашли “Нива” автомашинасининг парчалари тоғ жарликларидан бирининг шарқираб оқаётган сойи ичидан топилди. Баландликдан тушган машина аввало қояларга урилиб, портлаб ёниб кетган. Сўнгра, шошқин сувнинг оқими бўйлаб думалаб, сузиб кетган. У қоя тошлар оралиғига қисилиб қолган бўлиб, ичидаги йўловчилар ном-нишонсиз кетган эди. Машина салонидаги ғаладонда тасодифан куймай қолган, лекин сувда ивиб кетган аёллар сумкачаси чиқди. Бу Сабоҳатники бўлиб, ичида салафан билан ғилофланган имтиҳон дафтарчаси ва фуқаролик паспорти ҳам бор эди. Имтиҳон дафтарчасида албатта охириги имтиҳон топширган, яъни бедарак йўқолган кун қайд этилганди. Бу Сарварнинг қиз билан қочиб, бирга ҳалокатга учраганлигидан далолат берарди. Лекин қизнинг нима учун бунчалар узоққа олиб кетилганлиги жумбоқлигича қолаверди. Сарварга ҳам, Сабоҳатга ҳам уйларида аза очилди ва бу машғум воқеани ҳар икки томон ўзича талқин қилишди. Бироқ энди икки раҳбар ўртасидаги хусуматга ўрин қолмади. Ҳаммасини ёшларнинг ўзбошимчалиги туфайли келган ажалга йўйиб кўя қолинди.

Аслида машинани ким минганди? Наҳотки Андрей бўлса? Йўқ. У рулга ҳам ўтирмаганди.

Ўша Сарвар билан ажрашган кунида Андрей кучли жалада ҳам йўл босди. Қаттиқ шамоллаганиданми ёки оёғининг суяги дарз кетганиданми, тана ҳарорати кескин кўтарилиб кетди. У жон-жаҳди билан отнинг бўйнига ёпишиб олди ва жониворни ўз изнига қўйиб берди. Фақат иккинчи суткадагина чўпонлар уни от устида беҳуш ҳолатда топиб олишиб қўтонларига олиб кетишди. Зудлик билан «Тез ёрдам» чақиритиш ёки уни касалхонага олиб бориш зарур

эди. Андрей аранг ўзига келиб, чўнтагидан «Нива»- нинг калитини чиқариб, машина қайси бир тепаликда қолганини айтди. Чўпон болалардан бири уни кўрган экан. Машина минишга ишқибоз эканми, уни миниб кела олишини айтди. Бироқ уни юргизаётгани маҳали машина ўз-ўзидан пастлик томон юриб кетгани учун уни тўхтатиб қололмади ва машинадан аранг сакраб тушиб қолди. Бошқарувсиз машина тубсиз жарликка томон қулади ва ёниб кетди. Кўрқиб кетган чўпон бола то Андрейни олиб кетгунларича кўзга кўринмай юрди.

Андрейни касалхонага вертолётда олиб кетишди. Унинг аҳволи жуда оғир эди. Москвага, ота-онасига хабар қилинди. Отасининг одамлари келишди. Бироқ айнан мана шу одамлардан бири бўлган Степан исмли лўли йигит наркокурьер сифатида москвалик изқуварларнинг эътиборига тушганлардан эди. Унинг Тожикистонга, ва айнан, тоғлар қўйнидаги Панжикентга сафар қилиши уларни шубҳага солмай қўймасди. Шу сабабли улар ўзларининг Душанбедаги одами бўлган, доимо чарм куртка кийиб юрадиган, коррупцияга қарши кураш бўлимининг ходими Азиз Рахимзода билан боғланишди. Рахимзода Панжикентга келиб ўз одами Андрей ётган палатага жойлади. Бироқ ўзига керакли маълумотни олиб улгурмади. Андрейни олиб кетишди. Изқуварни “Андрей Панжикент тоғларига нима мақсадда келган, наркобизнесга алоқадорлиги борми?” деган савол қизиқтирарди...

Сарвар эса бу ишлардан беҳабар, бу маҳал ўз ёғига ўзи қовурилмоқда эди. Орзулар маскани бўлган «Жаннатгор» ва унинг тепасидаги гўзал масканнинг вайронага айлангани учун у ҳеч ҳам ўзига келолмаётганди.

— Майсалар ёнган бўлса яна униб чиқаверади-да, гор ёнган бўлса сатқай сар. Шунгаям ғам чекаверасизми?! Қайтиб кетайлик. — деди Сабоҳат.

— Горнинг ичига киришга йўл ахтариб кўраман — деди Сарвар хомуш.

— Нима қиласиз, у ерда?

— Керакли нарсаларим бор. Уларни олмай кетолмайман. Юр, горнинг оғзини очишга уриниб кўрамиз.

Портлатиб беркитилган гор оғзида бир уюм улкан тошлар бор бўлиб, остидан илиқ сув сизиб, оқиб чиқмоқда эди. Йигит кийимини ечиб, бир четга итқитди-да, тошларни олишга киришиб кетди. Лекин улкан тошларга кучи етмади. Алам қилиб уларни тепиб-тепиб қўйди.

— Айтмоқчи, тепада туйнук бор эди. Мен ўша туйнукни топишим керак, — деди йигит ўрnidан даст туриб.

У тепаликка чиқиб тошлар, турли чангаллар орасидан туйнукни қидира бошлади. Шу пайт кимнингдир инграган ва «Бачам!..» дея шивирлаган овозини эшитди.

— Сафарёр тоға! Бу сизмисиз?... Қаердасиз?!

Жавоб бўлмади, лекин бир арча ортида кичик тош юмалаб тушди. Ниҳоят тош ёриғидан ўсиб чиққан арча тагида бир шарпа сезилди. Бу Сафарёр бўлиб, у оғир жараланган, сувсизликдан оғзи қуриб қолган, шунинг учун овози чиқмаётганди.

Сарвар тош оралиғига аранг сиғди. Лекин эгилиб чолни тепага тортиб олиш анча мушкул эди. Мўйсафид кўп қон йўқотган, деярли чалажон эди.

— Сабоҳат, бу ерда одам бор экан! Ярадор! Тез сув керак! — дея қичқирди йигит.

Сабоҳат бир синиқ кўзада сув олиб чиқиб келди. Уни чолга ичиришди ва энди икки кишилашиб муйсафидни тош устига тортиб чиқаришди.

— Мени туйнукдан туширинглар. Ўлсам гор ичига кўминглар, илтимос — деди ярадор киши хансираб.

— Сиз ўлмайсиз, отахон. Тузалиб кетасиз. Туйнук қаерда ўзи? — деб сўради Сарвар.

— Мана шу ёриғда. Озгина юриш керак... Мен етиб боролмадим...

Сарвар ўша жойни топди, лекин гор ичи қоронғулиги учун ҳеч нарса кўринмади. Сабоҳат эса чолнинг ярасини сув билан юва бошлади. Ўқ ён биқинига теккан экан.

– Сизни ким отди? – деб сўради қиз.

– Дайди ўқ. Махсус отрядга шунақа буйруқ берилган бўлса керак.

– Тушишнинг иложи йўқ, фонар керак экан – деди Сарвар.

– Ичига тушиб олсанг бўлгани, ичи ёруғ.

– Бўлмаса арқон керак.

– Арқон бор.

– Қаерда?

– Эсингдами, сизларга бир боғлам мол берганим?

– Ҳа, мен айтганларингизни олиб келдим.

– Йўқ, улар энди менга керакмас. Бу қиз ўша қаллигингми?

– Ҳа.

– Бахтли бўлинглар, илоҳим. Лекин бу ердан кетинглар... Мени кўминглару, кетаверинглар.

– Ундай деманг, сиз соғайиб кетасиз. Сизниям олиб кетамиз, – деди Сабоҳат.

– Йўқ, қизим. Менинг ватаним шу ер. Куним битиб қолди, шекилли.

Қиз кўзларига ёш олди:

– Унақа деманг, отажон. Тузалиб кетасиз. Биз сизни ташлаб кетмаймиз. Мени дўхтирликдан хабарим бор.

– Сарвар яхши йигит. У сени албатта бахтли қилади, қизим. Сен уни ягона орзусисан. Лекин афсус... – деди чол ва йутала бошлади.

– Отаҳон, ҳадемай қоронғу тушади, – деди Сарвар.

– Борақол, бачам. Ўша ердан тепаликка қараб сўқмоқдан чиқаверасан. Улкан арча остида қурбақасимон синиқ тош бор. Тошнинг тагида омборим бор. Кейин ғорнинг ичидаям омбор, дори-дармон кўп.

Сарвар чопиб кетди ва кўп ўтмай қурбақасимон тошни топиб, улкан арча томирлари орасида жойлашган қабрга ўшаш кичик яширин омборни топиб олди. У энг керакли рўзғор асбоблари, милтиқ, ўқ–дори, халталарда кўкнори уруғи, пўстлоғи, мўмиё, ҳар хил гиёҳларнинг илдиэлари, асал ва ниҳоят бир талай «қорахон» боғламлари ҳам бор экан.

— Эҳ-ҳе, хазинанинг ўзи-ку! Наҳотки, буни ҳарбийлар топиша олмаган бўлса, — дея хуштак чалиб юборди йигит ва бир ўрам арқонни ояди-да, энди нима қилиш кераклигини режалаштира бошлади: «Отахонни рози қилиб, бор молни оламан-да, Андрейнинг олдига жўнайман. У худо хоҳласа куруқ кетмайди. Иложи бўлса уни тўғри Варшавага учириб юбораман. Қайтиб келгунимча Сабоҳат чолга қараб туради. Уни шунга кўндиришим керак», дея қарор қилди. Лекин аввало яшаш учун шароит яратиб, иложи бўлса ғор оғзидан кичикроқ бўлса ҳам туйнук очиб бериш керак эди. «Арқондан, бор имкониятдан фойдаланаман. Керак бўлса туну кун ишлайман» деди Сарвар ўз-ўзига қатъий.

У ишга шундай киришиб кетдики, Сабоҳат қаршилик кўрсатишни ўзига эп кўрмади. Ғор ичида қора чироқлар бор эди. Уларнинг бир нечтаси ёқиб қўйилди ва жаннатнинг бир бўлаги намоён бўлди.

Сабоҳат ҳам ғор шифтига боқиб, маҳлиё бўлиб қолди. Кристал тошлар бир-биридан нур олиб, турли рангда жилоланарди. Ўртадаги илиқ булоқ ва ундаги гўзал балиқлар, мўътадил ҳаво ҳарорати одамнинг танасини яйратарди. Лекин ғор оғзининг берклиги бу ердаги ҳаво айланиш жараёнига путур етказган, оловнинг ёниши қийинлашмоқда эди. «Нима бўлса ҳам туйнук очишим керак, бўлмаса ўт ёқиб бўлмайди, ҳаво етишмай қолади» деган ўйга борди йигит. У қизни ғор ичидаги керакли ашёлар, озуқа заҳиралари, уст-бош ва пўстақлар билан таништириб чиқди. Ғорнинг яна кичик-кичик хоналари ҳам кўп бўлиб, у ерда Сарвар ҳали билмайдиган қуритилган гиёҳ ва томирлар, дудланган гўшту, идишларда сариеғлар ҳам кўп экан.

Чолга яхши жой қилиб беришди ва унинг айтганлари бўйича қиз малҳамлар тайёрлай бошлади. Сарвар эса ғорни ичкари томондан очишга уриниб кўрмоқчи бўлди. Тошларнинг бир жойидан сичқон инидек ёруғлик кириб турар ва бу гўё кўмилиб қолган одам учун озодликка чиқишга чорлай оладиган умидбахш нур эди.



— Ўғлим, эҳтиёт бўл, тош босиб қолмасин. Сен бизнинг ягона умидимизсан, тешик очмасанг бўлмайди, нафасим қисиб бораяпти — деди мўйсафид, хансираб.

Сарвар дам тепага чиқиб, дам пастга тушиб йўл очишга киришиб кетди. Катта ёғочлардан олиб чиқиб тош орасига қистириб итариб кўрди. Бу яхши натижа берди. Арқондан ҳам фойдаланди. Уни бирор тошга боғлаб автокран ҳолатида кўтариб кўрди. Сабоҳат эса турли гиёҳлардан чой дамлаб, овқат пишириб бериб турди, арқонни тортишга ёрдамлашди. Баҳодир йигитнинг ҳаракатларини зимдан кузатди. Сарвар тиним билмасди. Гўё бутун борлиқни унутганди. У гўё ўзининг болалиқдаги орзулари сари йўл очмоқда эди. Бу йўл унинг тақдирини белгилаб берадигандек мўъжизакор йўл эди. Йигит терлаб-пишиб кетар, илиқ сувдан тўйиб-тўйиб ичиб, чайиниб олар, шунда сув унга қувват бахшида қиларди. Ёмғирлар ҳам ёғди, изғирин шамол ҳам келди. Бироқ у тиним билмади. Туну-кун ишлади...

Атрофда йиғилган бир талай тоғ эчкилари, қулоқларини диккайтириб йигитнинг меҳнатига гўё баҳо бермоқда эдилар. Сабоҳат уларга ўт бериб, қўлга ўргата бошлади. Унинг жониворларга ўта меҳрибон муносабатда бўлиши, эркалаши, бўйинларини қашлаши туфайли ҳадемай эчки сути ҳам соғила бошланди. Кийик, жайрон ва бошқа ҳайвонлар ҳам сув ичгани асосан илиқ жилға бўйига келишар экан. Тез орада куйдирилган ўсимликлар ўрнида янги яшил майсалар бўй чўза бошлади. Ниҳоят одам ётиб, судралиб кирадиган даражадаги туйнук ҳам ҳосил бўлди. Бу туйнук кираверишдан уч метр чамасидаги йўлак бўлиб, у ёғига яна кенг йўллар бошланарди. Энг муҳими ҳаво айлана бошлади. Туйнукни эса, яна майдалаб ўйиб кенгайтириш имкони бор эди.

Сафарёр анчагина ўзига келиб қолди. Қилган меҳнати учун Сарвардан беҳад хурсанд бўлди.

— Раҳмат, бачам. Ана энди эркин нафас олиб ўладиган бўлдим.

— Йўқ, ўлишингизга энди хожат қолмади, чунки энди ҳаво бор, — деди йигит кулиб.

— Сабоҳат яхши қиз экан, лекин уни келинчак бўлганидан кейин ўғирлаб келиб, яхши иш қилмабсан.

— Бошқа илож топа олмадим-да — деди йигит ерга қараб.

— Лекин эри жавобини бермагунича, уни никоҳлаб олишга ҳаққинг йўқ. Ҳеч бўлмаса олти ой вақт ўтиши керак. Эскичада шундай ёзилган.

— Бир йил десангиз ҳам уни кугаман.

— Шундай бўлса ҳам айтиб қўяй, токи мен тирик эканман бу қиз менинг ҳимоямда бўлади. Унга яқинлашишинга йўл қўймайман. — деди мўйсафид асосини кўтариб.

— Келишдик. Сабоҳатга ҳам сўз берганман.

— Хўш. Бу аҳволда яна қанча яшамоқчисан?

— Аввал рус ўртоғимдан хабар олиб келишим керак. Унинг оёғи синган эди, касалхонада ётибди.

— Шундайми? Дўстингни ташлаб қўйма. Нима бўлсаям у мусофир, яхши йигит экан, — деди мўйсафид.

— У сизга анави мол учун сўраганингизни бериб юборувди.

— Нима экан?

— Тилла тақинчоқлар. Жами эллик минг долларлик. Яна пул ҳам бор.

— Пул... Менга энди пул ҳам, тилла тақинчоқлар ҳам керакмас, ўғлим. Молни ҳам беролмайман, — деди у кескин.

Сарвар довдираб қолди. Бундай ўзгаришни кутмаган эди.

— Нега энди, ахир?..

— Керак бўлса мени ўлдириб, олиб кетавер

— Унақа деманг, тоға!

— Мен бу молни сотиш учун эмас, одамзотнинг бирор кор-холига ярайдими деб бир умр йиққанман. Тиббиётни яхши тушунадиган бирор олим шу томонларга

келиб қолса, ундан одамларни, гиёҳванд бангиларни даволаш учун керакли қарши дори воситаси тайёрласа бўлар деган мақсадда. Билсанг илон заҳаридан ҳам дори тайёрланади. Фақат метёрида ишлатилса «қорахон» ҳам дори. Лекин одамлар қуйишқондан чиқиб кетишибди. Бир-бирини заҳарлаб ўлдиришмоқда. Неча-неча сенга ўхшаш ёшлар-нинг ёстиғини қуритмоқда. Бу жуда катта гуноҳ. Мен ўлимим олдидан бошқа гуноҳ иш қилмоқчи эмасман.

– Ахир бу бизнес. Тирикчиликнинг айби йўқку, ота.

– Тирикчиликнинг бошқа йўли кўп. Фақат озгина ҳаракат қилсанг, каллангни ишлатсанг, пул топилаверади. Лекин сизлар танлаган йўл тўғри эмас. Тўғри бўлганида, бутун дунё одамлари гиёҳвандликка бунчалар қарши курашмаган, кўкнорини куйдириб, ғоримизни оғзини ёпиб кетишмаган бўларди.

– Отаҳон, охири марта имкон берсангиз. Биз мижозлардан пулни олдиндан олиб қўйганмиз. Агар молни бермасак дўстимниям, мениям соғ қўйишмайди.

– Қўй, мени қийнама, шундоқ ҳам гуноҳларим кўп, – деди отахон ва орқасини ўгириб, ётиб олди.

Сарвар нима қиларини билмай боши қотди. Қўли ишга бормади. Тентираб юраверди. Жайрончага эчкини эмизаётган қиз бу ҳолатни сизди:

– Ха, жаннатғор баҳодири, тинчликми?

– Ҳа... Андрейдан хабар олишим керак. Иложи бўлса уни уйига жўнатиб юбориш керак. Шунга нима дейсан?

– Нима, «йўқ» деб ётиб олишимни кутаяпсизми? Бораверинг.

– Сен-чи? – деди хўрсиниб йигит.

– Қанча вақтда келасиз?

– Ўн кун у ёқ, ўн кун бу ёқ. Ана, яна ўн кун. Демак, бу бир ой дегани.

– Бир ойдан кейин қиш келиб, совуқ тушади. Яхшиси чолни кўндириг, у кишини бирга олиб кетайлик.

– Кўнмаяпти-да...

– Мени энди номим ёмон отликқа чиқиб, бўларим

бўлди. Эрим ҳам энди мени қабул қилмайди... — деди қиз ва йиғлаб юборди. — Энди уйимгаям боролмайман. Дўстингизни ўйлаяпсиз-ку, мени ўйламаяпсиз...

— Бўпти, Сабоҳат, мен Андрейга айтаман. У бизга шаҳардан уй олиб қўяди. Бир ой ичида бу ердан кетамиз. Рози бўлсанг турмуш қурамиз. Эрингдан жавобингни оламиз. Бўптими?

— Хўп — деди қиз деярли шивирлаб, — Эҳтимол отам ҳам шунда хурсанд бўларлар...

Сарвар горга келганидан бери илк бор қизга қалбан разм солди. Қиз эса она эчкини меҳр билан силар, кийик боласига ўз боласидек қарамоқда эди. Сабоҳат кўзларига ёш олди: «Қачон биз одамларга ўхшаб оила қураканмиз?...»

Сарвар қизнинг сумбул сочларини оҳиста силаб қўйди:

— Хали ҳаммаси яхши бўлади. Биз Москвада яшаймиз. Сен ўқишингни давом эттирасан. Бу ерда кўрганларинг ҳали тушга ўхшаб қолади.

— Қачон кетмоқчисиз?

— Рухсат берсанг, хозироқ. Лекин...

— Нима «лекин»?

— Сен кетиб қолмайсанми?

Сабоҳат индамади. Балки Сарварни ҳайрон қолдириб, дўлानазорга кириб дарахтларнинг бирига илиб қўйилган занжир ҳалқани олиб келди-да йигитнинг қўлига тутқазди. У сесканиб, юраги жизиллаб кетди.

— Нима қияпсан?

— Манг, тақиб қўйинг. Калитини ҳам ола кетинг.

Сарварнинг кўзларида қувонч ёшлари порлади. У ниҳоят қизнинг муҳаббатига эриша бошлаганидан шод эди. У қизнинг олдига тиз чўкди:

— Мени кечир, Сабоҳат — деди у ва оёқларига ҳалқани оҳиста қадаб қўйди. Ўрнидан туриб, лабидан ўпиб олди. — Мен тез қайтаман. Сени соғинаман. Фақат кўрқма. Милтиқ доим ўқланган турсин.

— Хўп. Йўлга ул-бул...

— Йўқ, ҳеч нарса керакмас. Фақат рюкзагимни

бўшатиб бер. Ичкаридан егулик, гўшт қоқидан олиб чиқ.

Қиз оёқларидаги занжирни шилдиратиб, ғор ичкарисига оҳиста эмаклаб кириб кетишини йигит ҳаяжон билан кузатиб қолди ва ўзи қурбақасимон тош сари чопди...

Кўп ўтмай икки ёш дастлабки куни бу ерга келган тепалик устида пайдо бўлишди ва Сарвар отни етаклаб, жилға бўйлаб пастликка туша бошлади. Қиз у кўздан ғойиб бўлгунга қадар кузатиб қолди. «Ишқилиб соғ-омон келсинда» деб қўйди Сабоҳат пичирлаб. Лекин Сарварнинг ғор соҳиби Сафарёр тоға билан хайрлашмай кетганидан хайрон бўлди.

### ТЕМИР ПАНЖАРАДАГИ «ШАХЗОДА»

Сарвар тепаликда на «Нива»ни, касалхонадан эса, на Андрейни топа олди. Касалхонадагиларнинг айтишларича, унинг аҳволи жуда оғир бўлиб, оёғида гангрена бошланиб қолганмиш. Йигитнинг юраги ачишиб кетди ва Москва билан сўзлашиш учун почтага томон чопди... Рахимзода унинг ортидан эргашиди.

Гўшакни Андрейнинг онаси кўтарди:

— Алло, я Сарвар, друг Андрея... — дея олди у, лекин балога қолди.

— Сен қанақа дўстсан? Қаерларда юрибсан? Болам шўрликни шу аҳволдаям ташлаб қўясанми?! Биз сенга ишониб юборган эдик. Ҳе, саёҳатларинг қуриб кетсин!..

— Аҳволи яхшими?

— Йўқ, ёмон. Оёғини кесишди!.. — деди аёл йиғлам-сираб.

— К-кечиринг, халиги...

— Нималар қилиб юрибсизлар ўзи? Гуноҳ ишлар қил-псизлар шекилли-да. Бўлмаса худо бунчалик жазо-ламаган бўларди болам шўрликни. Сени бетингга тўғрисини айтаман, яхши дўст эмас экансан. Бирор марта хабар ҳам олмабсан.

— Мен узоқда эдим. Эшитдиму касалхонага келдим. Опкетишган экан-да...

– Хўп, айтиб қўяман. Бошқа бирор ишинг борми?  
 – Касалхонанинг телефони биласизми?  
 – Йўқ.  
 – Бўлмаса салом айтинг. Мен эрта—индин албатта етиб бораман. Куруқ бормайман.

– Бўпти, узум, қовун опке. Хайр.

Аёл трубкани қўйиб қўйди. Сарвар ташқарига чиқиб рюкзакни бир четга қўйдида, чуқур хўрсиниб, ўйга толди. «Ёмон бўпти-ю. Оёғини кесишганмиш...» Эҳ Андрей, Андрей. Ахир сен ҳеч қандай гуноҳ иш қилганинг йўқ—ку... Нима қилсанг мен учун қилдинг. Аслида гуноҳ ишларни мен қилганман-ку! Сенинг ўрнингда мен бўлишим мумкин эди-ку!..»

Оёғини у ён, бу ён ўйнатиб кўрди... «Оёқсиз у энди қандай яшайди. Хали уйланмаган. Қизлар энди тегармикан?» Ана шундай нохуш хаёллар билан у анчагина ўтириб қолди. Бир қора курткали киши унинг ёнига ўтирди. Сигарета тугатди.

– Чекасизми?

– Ҳа, беринг.

– Сўзлашув хонасида гапингиз қулоғимга чалиниб қолди. Дўстингизнинг аҳволи оғир шекилли. Нима бўлганди?

– Тоғда йиқилиб тушувди.

– Альпинистсизлар?

– Ҳа.

– Соқолингиз жуда ўсиб кетибди. Шаҳарда бунақа юрманг.

Сарвар шундагина соқолининг ўсиб кетганини билди:

– Раҳмат.

– Яқин дўстингизмиди?

– Ҳа. Энди Москвага бориб ундан хабар олиб келишим керак.

– Қандай бормоқчисиз?

– Билмасам. Бошим қотиб қолди.

– Асли қаерликсиз?

– Тошкентлик. Бу ердан Душанбега самолёт бор дейишади.

– Ҳа, бор. Кечки пайт учади. У ёқдан келиб кетади.

– Мен ҳам ўша ёққа кетаётувдим. Хоҳласангиз ҳамроҳ бўлинг.

– Москваники қачон учаркин?

– Эртага эрталаб бўлса керак

– Душанбедан бозор қилса бўладими?

– Ҳа албатта. Шундоқ аэропорт яқинида «Зеленый» бозор бор. Ҳамма нарса топилади. Самолётга мослаб қадоқлаб ҳам беришади.

– Яхши. Мен бўлмаса соч-соқолимни олдирай, аэропортда кўришамиз.

Қора чарм курткали киши уни аэропортда кутиб олди:

– Эҳ-ҳе, чип-чиройли йигитча экансиз-ку! Сизгаям билет заказ қилиб қўйдим. Фақат исмингизни билмадим.

– Юринг.

Сарвар билетни олгач, кассир қиздан сўради:

– Бу ердан Москвага ёки Варшавага транзит билан учса бўладими?

– Бу қийин масала.

Сарвар чўнтагидан юз доллар чиқарди:

– Шу билан қийин масалани ечса бўладими?

– Сиз кутиб туринг, сўраб бераман.

Бир оздан сўнг кассир уни чақиртирди. Рахимзода атайин газеталарни титкилаб ўтирарди.

– Варшавага самолёт ҳафтада икки марта учади. Энди фақат уч кундан кейин Москва орқали кетаркан. Эртага бошқа вариантлар бор. Калининградга учиб, у ёғига автобус ёки поездда кетиш мумкин. Фақат билетни Душанбеда оласиз, кўнғироқ қилиб қўяман.

Газета ўқиётган киши кўз қирини ташлаб қўйди. Сарвар эса «Ҳозир бир ўйлаб кўрай» дея уёқ бу ёққа юра бошлади. Рюкзак скамейкада турарди. «Москвага бориб бу молни кўтариб юргандан кўра тўғри уни Польшага ташлаб, қайтишда Андрейникига тушиб келсаммикан. Бозор ҳам қилиб юрмайман».

– Хой йигит. Қаерга учадиган бўлдингиз?

– Майли, Калининградга. Ишқилиб эртага етиб бораманми?

– Ҳа, албатта кечгача етиб борасиз.

– Бор таваккал — деб кўйди Сарвар ўзича гудраниб.

Сарвар Калининградга ярим тунда етиб борди. Чиқишда яна бир текширувдан ўтказишди.

– Сарвар Шоазимович, қаерга бормоқчисиз? — деб сўради божхона назоратчиси унинг кўзларига тик боқиб.

– Польша бозорига.

– Яхши. Сизга оқ йўл — деди назоратчи.

Кўп ўтмай назоратчи олдида чарм курткали киши ҳам пайдо бўлди.

Шундай қилиб Сарварни чегарада, божхона постида далилий ашё билан қўлга олишди. Тожикистон ва россиялик жиноят қидирув бўлими ходимларининг ҳамкорликдаги операциялари муваффақиятли якунланди:

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Сарвар Шоҳайдаров тўрт кило-ю 252 грамм қорадори билан қўлга олинганлиги ҳақида маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Уни узоқ муддатга ҳукм қилишди...

Жаннатғордагилар бу ишлардан беҳабар бўлишса, тошкентликлар аллақачон унинг йигирмасини ўтказиб бўлишган, Андрей эса оёғидан ажраб, бу пайтда тушкунлик оғушида юзтубан ётган эди.

\* \* \*

Андрей фақат уч ойдан кейин ногиронликка бир оз кўникма ҳосил қилиб, аравачада юра бошлагандагина Сарварнинг уйига — Тошкентга қўнғироқ қилди:

– Вой, уч ой бурун ўртоғингиз ҳалок бўлган-ку! Нима, хабарингиз йўқмиди? — деди ойиси хайрон бўлиб.

– Нима? Йўқ. Қандай қилиб?

– Шу пайтгача қаерда эдингиз? Ўғлим билан тоққа бирга кетгандингиз-ку?!

– Мен тоғда йиқилиб тушувдим. Москвага олиб кетишувди. Ҳозир оёғимни кесишган, ногиронман.



— Э... шунақами, худойим сабр берсин. Омон қопсиз, шукур қилинг.

— Сиз ҳам таъзиямни қабул қилинг, онажон.

— Ҳай, раҳмат. Бир келинг Тошкентга.

— У қандай ҳалокат бўлди?

— Машинасида, «Нива»да, жарга тушиб кетганмиш.

— Ёмон бўпти, афсус. Беҳабар қолибманда, узр, онажон.

— Нимаям қилардик. Худони ишлари шунақа эканда,

— деди аёл йиғламсираб.

— Машинада бир ўзи эканми?

— Йўқ, анави ёқтирадиган қизи ҳам бор экан. У янги эрга теккан эди. Ўша қиз бошига бало бўлди-да.

— Сабоҳатми?

— Ҳа-ҳа, уни билармидингиз?

— Ҳа, бир айтувди.

— Сизга уни «опқочиб кетаман» деганмиди?

— ...Йўқ. Айтмаганди.

— Хўп майли, ўғлим. Омон бўлинг.

— Хайр, онажон. Соғ бўлинг.

Андрей ўйлашиб қолди... Демак, ўшанда «Сарвар қизини топган, кейин ортига қайтган, машинага ўтириш-ган... Тўхта-тўхта, мен ахир калитни бир чўпон болага берувдим-ку!..»

Шу пайт онаси кофе олиб кирди:

— Протезинг тайёр бўлганмиш. Энди юришни машқ қиласан.

— Ойи, анави тошкентлик ўртоғим уч ой бурун ҳалок бўлганмиш.

— Йўғе, икки ой бурун уйга кўнғироқ қилувди-ку!

— Нима? Қачон?

— Сен касалхонада оғир ётган эдинг. Мен уни уришиб бердим. Аҳволингни айтдим.

— Нима дедингиз?

— «Яхши ўртоқ эмас экансан, ўғлимни шу аҳволга ташлаб қўйиб, хабар олмабсан» дедим.

— У нима деди? — деб сўради Андрей кўзлари чақнаб.

– «Эртагаёқ Москвага етиб бораман. Хабар оламан» деганди.

– Нималар деяпсиз? Нега буни менга айтмадингиз?

– Келмади-ку! Яна «Хўлми, қуруқми», бир нима олиб келаман деди. «Узум, қовун олиб келавер» дедим.

– Воҳ! – деб юборди Андрей, бошини чангаллаб – У тирик экан ойи, тирик! Лекин қаерда экан-а?

– Билмасам, – деди онаси хайрон бўлиб.

Андрейнинг кўнглида бир нохуш фикр пайдо бўлди: «Демак, у қўлга тушган. Лекин қаерда? Уни қутқариш керак. Қизиқ, Сабоҳат қаерда қолди экан-а? Эҳ-ҳа, ахир мен польшаликлардан икки юз минг доллар олиб қўйганман-ку!...»

## ЁВВОЙИ ТАБИБА

Сабоҳатнинг бедарак йўқолгани ва унинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар Эрдавлат акаларнинг хонадонини ҳам, тўй-тўйчиқларига бош бўлган маҳалла-кўйдагиларни ҳам оғир қайғуга солди.

– Фалокат оёқ остида деб шуни айтадилар-да, – деди чуқур хўрсиниб Эрдавлат ака.

– Чиллали келинниям ёлғиз юборадими-я?! Мен ўзим бирга борсам бўларкан. Уни жинлар йўлдан урган, жинлар.

– Жин эмас, банги йигит. Ҳамма билади-ку! – деди Мансур маъюс.

– Ҳа ўғлим. Қанча орзу-ҳавас қилган эдик-а, тақдир nasib қилмади. Нимаям қилардик. Хали ёшсан. Пешо-нангга шу ёзилган эканда.

Мансур бошини ҳам қилиб, тебратиб ўтирарди. Сабоҳатнинг жилмайиб турган чеҳраси кўз олдидан кетмаётганди. «Ифлос, наркоман...» деб қўйди у гудраниб.

– Қўлимиздан энди ҳеч нима келмайди. Ўғлим, оғир бўл, – деди отаси.

– Нима бўлсаям яхши қиз эди. Худо хоҳласа ҳамма маросимларини ўтказамиз. Руҳи шод бўлади, – деди ойиси

Ширмоной кўз ёшларини артиб.

Келиб-кетиб турган маҳалла фаолларининг ҳаммаси Мансурга далда бўлишмоқда эди.

Сабоҳат Сарварни кузатган куни, бешкапаликлар ҳамжиҳатлик билан унинг «Йигирмаси»ни ўтказишди.

\* \* \*

Сабоҳат аслида улкан орзулар оғушида яшай бошлади. У мўйсафидга қарар, уни ювиб тарар, занжирларини шариллатиб ташқарига эмаклаб чиқар, олдига тўдалашиб келган она эчкиларни силаб-сийпаб, уларни соғарди. Энди сув ичгани келадиган кийик ва жайронлар ҳам ундан ҳайиқмай қолишганди. Улар бу беозор қизни узоқдан кўрардиларда, шалпанг қулоқларини диккайтириб олиб сув ичишни давом эттиришар ёки янги униб чиқаётган майсалардан чўқилаб юраверишарди. Айниқса кийик боласи унга жуда ўрганиб қолди. Форга кирса, форга, ташқарига чиқса, ташқарига ҳудди кучукдай эргашиб юраверарди. Келинчак бутун дарду алами ва орзуларини у билан ёлғиз қолганида, гоҳида улкан тошлар тепасида, гоҳида эса, жилға бўйига ўтириб сўзлаб берарди. Кийик боласи, унинг фарзандидай бўлиб қолди. Уни «Жайронча» деб чақира бошлади.

— Жайрончам мени. Қани, манави сутни ичиб олингчи! Ҳадемай катта бўласиз, тошлардан-тошларга сакраб юрасиз, хўпми.

Жайронча қизнинг кўзларига мўлтиллаб миннатдор тикиларди. Баъзан оҳиста маъраб ҳам кўярди. Бундан келинчак севиниб кетар, уни бағрига босиб, юзини юзига ишқалаб эркаларди.

— Қани энди борақолинг, бир чопқиллаб, айланиб келингчи, — дерди келинчак уни қўйиб юбориб. — Айланиб кетай, ўзимни овунчоғимдан.

Кунлар ўтаверди. Қиз тиним билмас, яқинлашиб келаётган қиш учун ўтин ва хашак тайёрлар, тоғ ёнбағирларини кезиб, турли гиёҳлар, тоғ меваларидан

териб келиб қуритарди. Бу ерда ёнғоқ, ёввойи олма, ўрик, олча, зирк, дўлана, маймунжон каби мевалар фарқ пишиб ётар, арча ораларида эса какликлар ҳудди товуклар каби сайр қилиб юришарди. Айниқса тонг саҳардан булбулу какликларнинг хониш қилиши ва бошқа қушларнинг тинимсиз чуғурлаши дилни яйратарди. Белдан баланд келадиган турли тоғ гуллари билан тўшалган очиқ тепаликларни кезиш, ранго-ранг муаттар ҳидлардан баҳраманд бўлиш, узала тушиболиб, мовий осмондаги оқ парча булутларни кузатиб ётиш тобора қизга завқ бағишлай бошлади. Сарвар айтгандек, жаннатмисол бу ерга тез орада кўника бошлади.

Мўйсафидни ҳам илк бор ташқарига олиб чиқди. У авалло ўзига бир асо ясаб олди ва оҳиста юриб ҳали қиз юрмаган, билмаган, кўрмаган хўжалиги билан бирма-бир таништиришда давом этди.

— Эссиз, ўшанда отимни ҳам отиб кетишди. Бўлмаса сенга янада ажойиб жойларни кўрсатардим.

— Бу ерлар ҳам қолишмайди, ўзим вақт бўлганиди айланиб келяпман.

— Хув анаву тепалик орқасидаги шаршарани бориб кўрдингми?

— Йўқ, узоққа бормаяпман, — деди қиз оёқларига ишора қилиб.

— Ие, Сарвар сени занжирлаб кетдимми?

— Ҳа. Ўзим хоҳладим.

— Йўғ-е, — деди чол ва ўтириб занжир ҳалқаларни ушлаб кўрди. — Оёғингни шилиб юборибдику, қизим. Буни олиб ташлаш керак. Афсус, болғадан бўлак асбобим йўқда. Ҳеч бўлмаса занжирнинг ўртасидан қирқамиз. Ҳар ҳолда каттароқ қадам ташлаб, ўша шаршарани кўриб келасан.

— Йўқ, отажон. Сарвар акам келишса бошқа хаёлга боришлари мумкин. Унда гўё мен қочишга уриниб кўргандай бўлиб қоламан-ку! Ҳадемай ўзлари келадилар, ўз қўллари билан ҳалқани ечадилар. Мен бу ҳалқани садоқатимиз рамзи деб биламан.

Мўйсафиднинг оғзи ярим очилиб, танг қолди:

– Раҳмат, баракалла қизим, – деди у қойил қолиб.  
 – Ўшанда шаршарага учаламиз бирга борамиз.  
 – Худо хоҳласа. Лекин мен энди илгаригидек эмасман. Тобора ҳолим қуриб борапти.

– Тоғажон, сиз неча йилдан бери бу ерда ёлғиз яшайсиз?

– Ўттиз йиллар бўлди.

– Эҳ-ҳе, касал бўлиб қолсангиз нима қилардингиз?

– Мен ҳеч қачон касал бўлмаганман, қизим. Агар манави дайди ўқ тегмаганида эди...

– Қизиқ, – деди қиз ажабланиб. – Инсон дўхтирга мурожаат қилмай узоқ йил қандай яшаши мумкин?

– Табобатни билмайдиганлар худди шундай фикр қилишади. Билсанг одамлар ҳам анаву ҳайвонлар каби табиатнинг бир маҳсулидир. Қуёшдан нур олади, сув ичади, ўт—ўлан, мева ейди. Ёки бўлмаса турли ўт-ўланларни еб яшайдиган жониворларнинг гўшти, сути, тухумини истеъмол қилади. Мана шу атрофимизда ўсиб унаётган ҳар бир ўсимликда инсон ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарса бор. Фақат улардан тўғри фойдалана билиш керак. Сизлар эса тайёр сунъий дори-дармонларга ўрганиб қолгансизлар. Мана масалан, манави дўланани олайлик. Буни доим дамлаб чой ўрнида ичиб турилса қон суйилишини яхши ушлаб туради, юракнинг ишлаш фаолияти бир маромда бўлади. Сизлар бўлсангиз дарров аспирига чопасизлар. Тўғри, қон суйилади, лекин ошқозонда яра пайдо бўла бошлайди-да.

– Ўҳ-ҳў. Нима, сиз hozирги замон медицинасини тан олмайсизми?

– Медицина яхши, бир жойинг синса, чиқса, эҳтимол тезроқ даволар, лекин дўхтирлар инсон мижозини ҳисобга олмай туриб, билиб-билмай дориларни ёзиб бераверишади. Бу дорилар фақат мижозингга тўғри келиб қолсагина ёрдам беради, холос.

– Қизиқ, мен бу ҳақда билмас эканман. Демак мижозга қараб даволаниш керак экан-да!

– Ҳа, бу жуда катта дунёвий муаммо. Қани энди

шуни қўллаб билишганида эди, неча-неча одамларнинг ҳаёти сақланиб қолинган, умрларига умр қўшилган бўлармиди. Афсус... — деди мўйсафид бош силкиб, — Менинг ҳам умрим тугаб боряпти. Ҳеч бўлмаса юз ёшга кирмоқчи эдим. Анаву ўқ менинг йигирма йиллик умримни олиб кетганга ўхшайди. — деди чол хўрсиниб.

— Ибн Сино китобларини ўқиганмисиз?

— Ўқиш ҳам гапми, қизим, мен уларни амалда қўллаб ҳам кўрганман. Лекин унинг мижоз ҳақидаги фикрларидан медицинада негадир фойдаланилмайди.

— Мижозни қандай аниқласа бўлади?

— Афсус, бунга тез аниқлаб бўлмайди. Худди қонни, сийдикни таҳлил қилгандай унинг ҳам йўлини топса бўлади. Табиблар эса узоқ тажрибаларига асосланишади.

— Сизнинг фикрингиз олим, профессорларникига ўхшаб кетаркан.

— Ўша олиму-профессорларнинг табиат қўйнига келиб яшай олсайди. Ўз тажрибаларини шу ерда ўтказишсайди. Афсуски, улар тўрт бурчак каталакка ўралиб олиб, ўзларини куш каби қафасга қамаб, табиатнинг бир бўлаги эканликларини унутиб, янги чиққан дориларни ўрганиб ўтираверишади. Дорини чиқараётганлар эса уни кўпроқ сотиш гамида эканлигини тушунишни исташмайди.

— Ҳа... — деди қиз Сафарёр тоғанинг фикрларини тасдиқлаб, — Дорилар шундай кўпайиб кетдики, телевизорлар, газеталар унинг рекламасидан бўшамай қолди. Мақтайверишади, мақтайверишади.

— Дорини мақтаб бўлмайди. Иннайкейин, бозорда ўтмайдиган молни мақталади.. Агар мақтаган дорини ичаверадиган бўлсанг, унда дўхтирниям, табибниям кераги бўлмайди.

— Ҳа, сиз ҳақсиз, тоғажон, демак уларнинг мақсади одамларни даволаш эмас, яратган дориларни кўпроқ сотиб даромад олиш экан-да.

— Ҳа, қизим. Бу ёмон оқибатларга олиб келади. Касаллик кўпаяди, асло камаймайди.

Сабоҳат мўйсафиднинг теран фикрларидан танг қолди.

Инсоннинг дунёвий муаммоларини тоғу тошда яшаса ҳам яхши биладиган, табобат илмини пухта эгаллаган бу кишига ҳурмати жуда ҳам ошиб кетди.

У кишини шу кунгача оддий яраланган бемордай кўриб келган бўлса, қизнинг олдида энди у етук табиб сифатида намоён бўлди. Унга шогирд тушишни, билим ва тажрибаларини эгаллашни жуда-жуда истади. Эҳтимол яқин келажагида айнан мана шу соҳада илмий иш олиб борар. Инсониятнинг глобал муаммоларидан бирини ҳал қилишга қолган умрини сарфлар. Ахир инсон ва табиат, экология, инсон умрини ўзгартириш, соғлом келажак авлод туғилишини таъминлаш мавзулари ўта долзарб эмасми?

«Бўлди, мен бу кишининг этагидан маҳкам тугганим бўлсин. Уни худо менга Хизир бобо каби йўлиқтирган бўлса ажабмас. Эҳтимол тақдиримга бекорга мана шу тоғу тошлар ёзилмагандир» деди қиз фикран. У кўзларини юмиб қатъий аҳд қилди. Кўз олдига ўзининг кандидатлик, докторлик диссертация ёқлаётганлари, халқаро анжуман-ларда маъруза қилаётгани ва дадасининг бир даста гул ушлаб турганини келтирди. Мана шу кўриниш унинг орзу-умидларига, мақсадига айланди.

«Эҳ, Сарвар акам тезроқ келақолсайди! Бу ниятларимни у кишига айтган бўлардим. Албатта у хурсанд бўларди, мени қўлларди. Худо хоҳласа, бизлар бахтли турмуш қурамиз, фарзандларимиз бўлади».

Бахтга қарши бир ой ўтса ҳам, уч ой ўтиб баҳор келса ҳам, ёз ўтиб яна совуқ тушса ҳам Сарвардан дарак бўлмади. Келинчак умидини узмади. Кишанни ҳам бузмади. Уни кутди. Келинчак гўё тепаликдаги қотиб қолган қоя тошларнинг бирига айланди...

Ковакдан кириб-чиқаверганидан унинг устки кийими йиртилиб битган, янги уст-бошларни эса ҳайвон терила-ридан тикиб олганди. Ковакдан ўтаётганда ёки тўқайзорда юрганда, меваларни тераётганида тери кийимлар туфайли бадан тилинмасди. Пардоз қилишнинг ҳам, сочларни тарайверишни ҳам энди хожати йўқдек эди.

Ким ҳам кўрарди. Ҳар бир янги гиёҳ, ҳар бир ҳашарот, илдизу япроқ унинг назаридан четда қолмас. Улар ҳақида мукамалроқ билишни истар ва борлиқни унутиб, тиббиёт илмининг янги қирраларини очишга ўзини бахшида қилган ёввойи табиба аёлга айланиб бораётганди...

### ЯНГИ РЕЖАЛАР САРИ

Сарварни қўлга олган ҳуқуқ-тартибот ходимлари польшалик ҳамкорлари билан биргаликда операцияни давом этдиришмоқчи бўлишди. Лекин Сарвар Андрейнинг ҳамкорларини сотмади. «Ҳеч кимни танимайман, «қорахон»ни польша бозорига биринчи марта таваккал олиб кетаётгандим» деб туриб олди. Қаердан олганини ҳам айтмади. Тасодифан тоғдан топиб олганмиш. Албатта бундай гапларга терговчиларни ишонтириш учун катта бардош ва матонат керак эди. Ҳаммасига чидади. У калтакланар экан, кўз ўнгида занжирбанд Сабоҳат «Нима қип қўйдингиз, Сарвар ака? Мен ахир сизни кутаяпман» деса, Сафарёр тоға жиддий қиёфада намоён бўлиб, «Мен бошқа гуноҳ иш қилмайман. Сенга молни бермайман!» дея ҳайқиради эди. Ниҳоят, бир ой азоблардан сўнг суд ҳукм қилди ва уни кучайтирилган режимдаги турмалардан бирига тиқиб қўйишди.

Сарварнинг ҳаётидаги энг изтиробли кунлар бошланди. Шошма-шошарлик билан ёмон иш қилиб қўйганини англаб етди. «Энди Андрей нима қилади, ўлганни устига тепган бўлди-ку? Икки юз минг доллар-а! Уни қандай тўлайди?» деган нохуш ўй бир томондан қийнаса, иккинчи томондан занжирбанд Сабоҳатнинг тақдирини ўйлаб хуноби ошарди.

«Мен аҳмоқ нима қип қўйдим-а? У тақдирига тан бериб эндигина менга мойиллик бераётганди. Нима бўлсаям қочишим керак. Бўлмаса Сабоҳатнинг ҳаёти расво бўлади. Мени ғирт номард деб ўйлайди. Кетишим керак. Шаҳарга умуман келмаймиз. Ўша горда яшайверамиз. Мен уни кўндираман. Кўкнори экмаймиз. Ҳеч ким- бизни топа



олмайди» дея такрор ва такрор фикрларди у.

Тез орада турма ҳаётига кўника борди ва бошқа маҳбуслардан деярли фарқи қолмади. У ердаги жиноятчилар ичида «Нарката»лар, яъни наркотик билан қўлга олинганлар бир-бирини қўллаши, ҳамдард бўлиши одатий хол эди. Тез орада бу тоифадагилар Сарварни ҳам ўз қаторларига қўшиб олдилар. Бу гуруҳнинг бошқа жиноятчи гуруҳлардан фарқи шунда эдики, улар ақл билан иш юрита олувчи, кўпроқ наркобизнес билан шуғулланувчи уддабурон кишилардан иборат эди. Албатта Сарвардан унинг мақсад-муддаосини гуруҳ сардорлари суриштиришди. Шу жумладан жабрланувчи сифатида унинг тақдирини ўзларича таҳлил ва мулоҳаза қилишди. Очиқ майдонга чиққанларида, ошхонада кимлар агент экани, кимлардан эҳтиёт бўлиши ва кимга қанақа муомалада бўлиши кераклиги ҳақида билдириб, уни ўз ҳимояларига олганликларини маълум қилишди. Чунки катта суммадаги пулга тушиб қолганлиги ва бу пулни албатта қайтариш лозим бўлишини, йўқса уни ва унинг яқинларини ўлдириб кетишлари мумкинлигини яхши билишар, бу «тузоқ»дан йигитчани чиқариб олиш чорасини излашарди.

Улар ҳам Сарварнинг ягона умидига айланди. Чунки фақат уларнинг ёрдами билангина Андрей ёки унинг польшалик дўстлари билан боғланиш мумкин эди. Сўнгра эса уларнинг ёрдами билан қамоқдан қутулиш чорасини кўрса бўларди. Бу қалтис иш қуруқдан-қуруқ бўлмайди, албатта. Озод қилганлари учун катта пул ёки тилла бериш керак бўлади. Бу эса ғорда бор. Демак умид қилса, қочса бўлади. Лекин Жаннатгорга бирга боришга ким кўнаркин? Бу энди турмадошларининг муаммоси эди. Уларни барибир яна қора дори қизиқтириши табиий. Кейин бир гап бўлар. Энг муҳими Сабоҳатнинг олдига тезроқ қайтиб бориши керак. Сафарёрга ўхшаб бир умр ўша табиат қўйнида яшаса ҳам майли. Турмада ким билади, уни нималар кутмоқда. Бу ерда қандайдир ички жанжаллар туфайли бирор каллаке-сарнинг қўлида ўлиб кетгандан кўра севгилиси билан тоғу

тошда яшаб унинг қўлида жон бергани эҳтимол афзалдир.

Сарвар энди шу ўй, шу мақсад билан яшай бошлади. Юрса ҳам, турса ҳам унинг фикру хаёли қандай қилиб бўлмасин, Сабоҳатнинг олдига қайтиш бўлиб қолди.

Ниҳоят унинг учун хайрихоҳ бўлиб қолган камерадоши Алексейга бу ҳақда ёрилди. Буни эшитиб у хуштак чолиб юборди.

— Эҳ-ҳе, уни қаердан олгансан?

— Бир чолдан қорахонга алиштирганман. У чол эса келаётганимда ўлим тўшагида ётганди. Қаллиғим унга қараб қолувди.

— Бўлмаса қаллиғинг олиб сурворгандир.

— Йўқ, у ҳеч қаёққа кетмайди.

— Қонуний хотинингми у?

— Йўқ, ҳали турмуш қурмагандик.

— Ҳой бола, сен чиндан ҳам аҳмоқ экансан. Бу ерда чин юракдан, ишқалсиз «тарбиялансанг» ҳам камида ўн беш йил ўтиришинг керак бўлади. Бу дегани ёшинг қирққа яқинлашиб қолади. Қайси аҳмоқ қиз, қандай вафодор қаллиқ сени кутади? Ўйлаб кўр, ахир.

— Шунинг учун ҳам озодликка чиқишим керак. Озодликни эса, ўша тиллага сотиб олишга қарор қилдим.

Алексей кроватга ўтириб ўйланиб қолди:

— Ҳа. Бекор ўтиргандан кўра ўйлаб кўрса бўлади. Хўш..., йўл харажатлари—чи, уни ким тўлайди?

— У ерда пул ҳам бор.

— Қанча?

Сарвар бир қисмини Сабоҳат тутантириқ қилгани ва бир қисмини ўзи йўлга олганини, қолган қисмини чамалаб кўрди.

— 50 000 доллар.

— Ҳаммасини берасанми?

— Ҳа.

Алексей ўрнидан сапчиб, туриб кетди ва бошини кроватнинг устки қаватига шунақанги қаттиқ уриб олдики, жаҳли чиқиб, етти қават болахонали қилиб сўкиб, уни тепиб ташлади.

— Ростдан айтяпсанми? — деб сўради у ниҳоят тинчланиб.

— Ҳа, ростдан. Мен қаллиғимга ваъда берганман. Албатта қайтиб боришим керак. Бу мен учун ҳаёт-мамот масаласи.

— Қаллиғинг кетиб қолган бўлса-чи?

— Кетолмайди. У занжирбанд қилинган.

— Нима?! Нима дединг? — деди Алексей анграйиб.

— «Занжирбанд», деяпман.

Алексей тўсатдан Сарварнинг бўғзидан олди ва жағига қараб зарб билан мушт туширди:

— Нимага сен мени майна қиляпсан?

— Йўқ, асло... — деди Сарвар лабидаги қонни артиб оларкан.

— Тилланга ишондим, пулинга ишондим, лекин энди манави гапинга ишонмайман. Занжирбанд қилиб қўйганмиш-а, нима у сенга итмиди?! — деди Алексей ва яна уни урмоқчи бўлди.

— Фақат оёғи холос. Буни унинг ўзи хоҳлади.

— Ҳой бола, сен мени лақиллатмоқчи бўляпсан! Қайси аҳмоқ ўзини занжирбанд бўлишини хоҳларкан?! — деди Алексей қаҳр билан уни даст кўтарди. Дўппослаб эсини киритиб қўймоқчи бўлди.

— У мени севади! — дея қичқирди Сарвар — «Сени кутаман. Садоқат рамзи сифатида мени кишанлаб, калитини олиб кет», деб ўзи айтди.

— Қанақа калит, ифлос?!

— Мана, бўйнимда...

Алексей тўхтаб қолди ва уни оҳиста қўйиб юбориб, Сарварнинг бўйнидаги ипга эътиборини қаратди. Унинг кўксида крестга ўхшаш мўъжазгина калитча осияғлиғ турарди. У калитчани оҳиста силаб, аввалига хайратланиб қолди ва шундай хо-холаб кулди-ки, жарангидан камера дарзага келди. Соқчи ҳам тешиқдан бир мўралаб қўйди.

— Ҳа! Манавини ҳақиқий севги деса бўлади — деди ўзини кулгидан аранг тийиб ва хўрсиниб қўйди. Менинг хотиним бўлса кўз ўнгимда хиёнат қилган. Уни бир бегона билан ётганини устидан чиқиб қолганман.

– Хўш, кейин уни ўлдирдингми? – деб сўради Сарвар.  
– Йўқ... Костюмимни олдим, елкамга ташлаб чиқиб кетавердим.

– Нега?

– У шефимнинг қизи эди-да. Шефдан менинг катта қарзим бор эди.

– Кейинчи?

– Кейин барибир хотиним мендан чўчидими, милицияга сотиб қўйди. Икки кило «марихуанна» билан қўлга тушдим. Мана қарабсанки, уч йилдан бери ўтирибман. У айшини қилиб юрибди. Сен эса менга қандайдир садоқат ҳақидаги эртак айтиб беряпсан.

– Агар мен бу ердан тезроқ чиқиб кетмасам, қаллигим ҳалок бўлиши, пул ва тиллалар бегона бўлиб кетиши мумкин, – деди Сарвар жиддий.

– Тўғри айтасан. Бу ерда мен ҳеч қандай ютқазиладиган ҳолатни кўрмаяпман.

– Ёрдам берасанми?

Алексей энди самимий қўл узатди.

– Албатта. Мушт учун, узр.

– Мен ҳам уни бир кун қайтарарман.

– Келишдик, – деди Алексей кулиб, – Лекин бу гап орамизда қолсин. Кўпчилик билиши шарт эмас.

Шундай қилиб Алексей ўзининг канали билан иш бошлаб юборди. Дунёнинг қайси бир ит топмас жойидаги «ҳазинага» эгалик қилиш учун пухта режа тузиш керак эди. Қочиш масаласи жуда мушкул иш. Хўш, бойликни қўлга киритди ҳам дейлик. Кейин нима қилади? Қаерда яшайди? Бу муаммоларни ҳам hozirdan ҳал қилиб олиш керак. Ёки бу йигитни қочириб юбориб, озодликдаги бирор дўстига рўпара қилса-чи?! Хўш, шунақа ишончли, садоқатли дўсти борми ўзи? Алексей энг яқин ўртоқларини кўз олдига келтирди. Аммо ҳаммасининг бир «но»си бор эди. Ниҳоят у йўлини топгандай бўлди. Смена бошлиқларидан бўлган бир зобитни кўндиради. Лекин зобит узоқдаги мавҳум бойлик-лардан кўра нақдроқ – Польша фуқаролигини тўғрилаб бериш шартини қўйди ва фақат бир кишини олиб чиқиб кета олишини айтди. Алексей аввало Сарварга ёрдам беришга қарор қилди «Бор таваккал...», – деди у.

— Ростдан айтяпсанми? — деб сўради у ниҳоят тинчланиб.

— Ҳа, ростдан. Мен қаллиғимга ваъда берганман. Албатта қайтиб боришим керак. Бу мен учун ҳаёт-мамот масаласи.

— Қаллиғинг кетиб қолган бўлса-чи?

— Кетолмайди. У занжирбанд қилинган.

— Нима?! Нима дединг? — деди Алексей анграйиб.

— «Занжирбанд», деяпман.

Алексей тўсатдан Сарварнинг бўғзидан олди ва жағига қараб зарб билан мушт туширди:

— Нимага сен мени майна қиляпсан?

— Йўқ, асло... — деди Сарвар лабидаги қонни артиб оларкан.

— Тилланга ишондим, пулинга ишондим, лекин энди манави гапинга ишонмайман. Занжирбанд қилиб қўйганмиш-а, нима у сенга итмиди?! — деди Алексей ва яна уни урмоқчи бўлди.

— Фақат оёғи холос. Буни унинг ўзи хоҳлади.

— Ҳой бола, сен мени лақиллатмоқчи бўляпсан! Қайси аҳмоқ ўзини занжирбанд бўлишини хоҳларкан?! — деди Алексей қаҳр билан уни даст кўтарди. Дўппослаб эсини киритиб қўймоқчи бўлди.

— У мени севади! — дея қичқирди Сарвар — «Сени кутаман. Садоқат рамзи сифатида мени кишанлаб, калитини олиб кет», деб ўзи айтди.

— Қанақа калит, ифлос?!

— Мана, бўйнимда...

Алексей тўхтаб қолди ва уни оҳиста қўйиб юбориб, Сарварнинг бўйнидаги ипга эътиборини қаратди. Унинг кўксида крестга ўхшаш мўъжазгина калитча осиглиғ турарди. У калитчани оҳиста силаб, аввалига хайратланиб қолди ва шундай хо-холаб кулди-ки, жарангидан камера ларзага келди. Соқчи ҳам тешиқдан бир мўралаб қўйди.

— Ҳа! Манавини ҳақиқий севги деса бўлади — деди ўзини кулгидан аранг тийиб ва хўрсиниб қўйди. Менинг хотиним бўлса кўз ўнгимда хиёнат қилган. Уни бир бегона билан ётганини устидан чиқиб қолганман.

— Хўш, кейин уни ўлдирдингми? — деб сўради Сарвар.  
 — Йўқ... Костюмимни олдим, елкамга ташлаб чиқиб кетавердим.

— Нега?

— У шефимнинг қизи эди-да. Шефдан менинг катта қарзим бор эди.

— Кейинчи?

— Кейин барибир хотиним мендан чўчидими, милицияга сотиб қўйди. Икки кило «марихуанна» билан қўлга тушдим. Мана қарабсанки, уч йилдан бери ўтирибман. У айшини қилиб юрибди. Сен эса менга қандайдир садоқат ҳақидаги эртак айтиб беряпсан.

— Агар мен бу ердан тезроқ чиқиб кетмасам, қаллигим ҳалок бўлиши, пул ва тиллалар бегона бўлиб кетиши мумкин, — деди Сарвар жиддий.

— Тўғри айтасан. Бу ерда мен ҳеч қандай ютқазиладиган ҳолатни кўрмаяпман.

— Ёрдам берасанми?

Алексей энди самимий қўл узатди.

— Албатта. Мушт учун, узр.

— Мен ҳам уни бир кун қайтарарман.

— Келишдик, — деди Алексей кулиб, — Лекин бу гап орамизда қолсин. Кўпчилик билиши шарт эмас.

Шундай қилиб Алексей ўзининг канали билан иш бошлаб юборди. Дунёнинг қайси бир ит топмас жойидаги «ҳазинага» эгалик қилиш учун пухта режа тузиш керак эди. Қочиш масаласи жуда мушкул иш. Хўш, бойликни қўлга киритди ҳам дейлик. Кейин нима қилади? Қаерда яшайди? Бу муаммоларни ҳам hozirdan ҳал қилиб олиш керак. Ёки бу йигитни қочириб юбориб, озодликдаги бирор дўстига рўпара қилса-чи?! Хўш, шунақа ишончли, садоқатли дўсти борми ўзи? Алексей энг яқин ўртоқларини кўз олдига келтирди. Аммо ҳаммасининг бир «но»си бор эди. Ниҳоят у йўлини топгандай бўлди. Смена бошлиқларидан бўлган бир зобитни кўндиради. Лекин зобит узоқдаги мавҳум бойлик-лардан кўра нақдроқ — Польша фуқаролигини тўғрилаб бериш шартини қўйди ва фақат бир кишини олиб чиқиб кета олишини айтди. Алексей аввало Сарварга ёрдам беришга қарор қилди «Бор таваккал...», — деди у.

— Калининград вилоятиники.

— Ўзи қаерда экан?

— Ўша вилоят турмасида, 16 йил беришибди. Оғир режим.

— Демак, аниқлабсизлар-да!

— Ҳа, энди уни қутқариб олиш чорасини кўрмоқчимиз.

— Лекин молни ололмайсизлар-ку.

— Тўғри. Лекин у бизниям, сениям сотмабди-ку!

Демак дўстинг ишончли йигит экан.

— Кейинги сафар ўзбошимчалик қилмай, бамаслаҳат иш қиладиган бўлади — деди бакенбардли йигит сигарета тутатиб.

— Демак, мол олиб келишга янги муддат берасизлар, шундайми?

— Ҳа, яна икки юз ўрнига фойдамиздан кечиб, сизлардан юз элликни талаб қиламиз холос. Эллик уни ишончли бўлгани ва сенинг фалокатга учраганинг учун биздан ҳайрия бўла қолсин.

Андрейнинг оқарган юзига қизил югургандай бўлди. Дўстларининг шундай инқироз пайтда ҳам қўллаб юбораётганларидан ғурурланиб кетди. Эллик минг доллардан воз кечишнинг ўзи бўладими? Яна янги муддат берилаяпти. Сарварни қутқаришмоқчи. Лекин қандай қилиб? Номаълум.

— Биз дўстингдан хабар оламиз.

— Мендан салом айтинглар.

— Бизнинг янги лойиҳаларимиз бор. Шунини бамайлихотир жойда сен билан мулоҳаза қилсак дегандик.

— Қўрқма, дала ховлига сени кўтариб олиб кетамиз. Яна эртага олиб келиб қўямиз.

— Майли. Лекин протезим ҳам бор. Кийиб машқ қиляпман.

— Унда яна яхши. Бўлмаса кияқол, кетдик.

— Ойижон! — деди Андрей.

— Ҳа, ўғлим?!

— Дўстларим мени меҳмондорчиликка олиб кетишмоқчи. Протезимни келтириб берсангиз.

— Кейин қачон қайтасан?

— Эртага олиб келиб қўямиз. Бир биз билан дам олсин.

— Майли—майли. Ўғлим ўзи сиқилиб ўтирганди.

— Ҳайр, пани, кофе учун раҳмат.

Андрей сунъий оёқни кийиб, қўлтиқтаёқни тақиллатиб меҳмонлар кетидан эргашди.

\* \* \*

Москва яқинидаги сўлим гўшаларда жой олган шинамгина дала ховли хордиқ чиқариш ва турли ишбилармон доирадаги учрашувлар ўтказиш учун қулай маскан эди. Андрейни қўярди-қўймай саунага олиб киришди. Аввал соҳибжамол қизлар уни ювинтириб, баданига оро беришди. Сўнгра эса кичик доирада пивоҳўрлик қилишди. Ётиб дам олишди. Кечки овқатдан сўнг хориждаги бошлиқ вакили ўша капалакнусха галстукли Павел билан улар яккама—якка музокара юритишди.

— Пан Андрей, бизнинг тузган янги лойиҳамиз ҳозирги замон заруратидан келиб чиққан жиддий, хавфсиз ва ҳар томонлама қулай қилиб ишлаб чиқилган. Энг муҳими қарзлардан қутилишингизга ва биздан тез-тез молиявий кўмак олиб туришингизга катта имконият бор. Божхоналардан ўтиш, транспортировка ишлари умуман хавфсиз кечади. Энг муҳими, ҳаммаси қонуний ва бош оғриқсиз амалга ошади. Хўш, ишлайсизми?

— Жуда қизиқ-ку! Рости, унчалик тушунмадим. Ахир булар умуман орзу-ку!

— Ҳа яшанг. Билсангиз ҳозир дунё бўйича наркобизнесга қарши қаттиқ кураш олиб борилмоқда. Илгари бунчалик эмасди. Шу туфайли энди оталаримиз тутган йўналишни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Чунки жуда кўп курьерлар қўлга олинмоқда, мол йўқ қилинмоқда ва жуда катта моддий зиён етмоқда. Мисол учун ўртоғингиз Сарвар, минглаб жабрдийдалардан бири, холос.



— Хўш, нима таклиф қилмоқчисиз?  
— Энди «товар» ўз оёғи билан юриб боради. Яъни бундан буён бизни “тирик товар” билан таъминлайсизлар.  
— Тушунмадим, — деди Андрей иқроор бўлиб.  
— Хозир ҳаммасини тушунтириб бераман. Лекин айтиб қўяй: бу лойиҳа жуда маҳфий. — деди у шошилмай сигаретани тутатиб оларкан, тилла ёндиргични айлантира бошлади. — Мана сиз ва Сарвар гиёҳвандлар даволаниш муассасасида даволаниб чиқдинглар, тўғрими?

— Ҳа.

— Мабодо мана шу дозани расман янада ошириб бораверилганида нима бўларди?

— Билмадим, баттар бўлардик, албатта.

— Ҳа, яшанг, пан Андрей. Унда иликларинг яъни суюкларинг наркотик моддага тобора тўлиб борган бўларди. Сиз ҳеч қабристондан мурдани ўғирлаб кетишганини эшитганмисиз?

— Ҳа, бунақаси кўп бўлади.

— Ана ўша мурда ҳаётида ашаддий наркоман бўлган бўлади.

Андрейнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Бир вақтлар шу ҳақида отасидан эшитганини эслади. «Наркоманни ер ҳам қабул қилмайди...» деган эди отаси ўшанда. Йигитнинг эти жунжикиб кетди.

— Қўрқманг, мен сизга қабристонни бузишни таклиф қилмоқчи эмасман. Бу ноқонуний ва инсонийликка ёт иш. Бизга тирик наркоманларни келтириш билан шуғулланасизлар. Жинсининг, миллатининг бизга аҳамияти йўқ. Ҳар бирига минг доллардан ҳисоблайверамайиз?

— Ҳайронман, — “қизиқку” дегандек елкасини қисди Андрей.

— Қарзни узишингиз учун сизлардан фақат ташкилотчилик талаб этилади холос. Бу ишингиз билан жамиятни тозалаб, савобга ҳам қоласизлар — деди Павел ҳе-ҳелаб беўхшов кулиб.

— Демак инсон савдоси денг.

– Тўғри тушундингиз, пан Андрей. Лекин уларни инсон деб бўлмайди-да. Уларни биз «тирик товар» деб атаймиз. Барча хужжатлаштириш ишлари расмий бўлади. Сиз ўзингизга жойларда ишончли диллерлар ёллайсиз. Ҳозирги пайтда нима кўп – ишсиз, гиёҳга пул топа олмаётган бечора наркоман кўп. Иложи бўлса, ўз ҳақ-хуқуқини яхши англамайдиган, омироқлари ундан яхши.

– Қайси давлатдан?

– Бизга фарқи йўқ. Уларни беиш қўймаймиз, уч маҳал яхши овқат, кейин доза ва ётоқ билан таъминлаймиз, албатта. Лекин қаттиқ қўриқлаймиз ҳам. Хужжатларини йиғиб оламиз. Уйларига ҳар ойда маошларидан оз-оз пул ҳам жўнатиб турамиз. Яъни ота-онасини ҳам ташлаб қўймаймиз. «Даволаш» муолажаларини ҳам аста-секин амалга ошираверамиз.

– Қанча вақт кетади?

– Буюртмага қараб, 5-6 ой соғлиқлари таҳлил қилиб борилади. Сўнгра уларни хорижга ўз оёғи билан жўната-верамиз. Аввало даволаниш учун ўз ички органларини сотишга рози эканлиги ҳақида тилхатни ҳам олволамиз. Ҳаммаси қонуний ва пухта ўйланган.

– Сир бўлмаса, бу муассаса қаерда жойлашади?

– Бирини Калининградда, иккинчисини Қозоғистонда очишни мўлжалламоқдамиз. Мазкур муассасалар таркибида ишлаб чиқариш ҳам бўлади. Чунки ўз харажатларини ўзи қоплайди. Давлат рўйхатидан ўтказилади. Биз инвестиция киритамиз. Масалан, Қозоғистонда туз қадоклаш фабрикаси бунёд бўлади. Ёлланган одамлар ҳам ишлаб, ҳам “шифо” топаверишади. Уларга барча шароитлар муҳайё этилади. Мана кўрасиз, бирортаси ҳам норози бўлишмайди.

– Кейин уларни нима қилишади?

– Буюртмага кўра, манзилларига ўз оёқлари билан бораверишадида...

– Даҳшат-ку! – деди Андрей кўз олдига келтириб.

– Ҳа, наркоманлар асли дўзахи бўлишадида. Ҳай-

риятки, сизлар вақтида даволаниб олибсизлар. Иродангизга тасанно! Сизлар энди албатта жаннати бўласизлар — деди Павел яна ҳе-ҳелаб кулиб қўйди. — Ҳазил, албатта. Хўш, пани жаноблари, лойиҳамиз маъқулми?

— ...Маъқул, — деди Андрей иккиланиб.

Мезбон буфетдан виски олиб иккита фужерга қўйди.

— Бўлмаса янги инвестицион лойиҳамизнинг амалга ошиши учун олдик... Бирор нима демоқчимисиз, жаноб?

— Бир савол, айтайлик, ўша юзлаб ишчилар, яъни «беморлар» орасига соппа-соғ одамлар ҳам тасодифан тушиб қолса-чи?

— Бўлиши мумкин, албатта. Бу тақдир. Лекин шартнома билан келган ишчини биз қайтара олмаймизда. Бунга дилерлар масъул. Контракт бузилади. Бу ноқонуний эмасми? — деди у фужерларни чўқиштириб.

— Ҳа албатта, — деди Андрей ўйчан.

— Умид қиламанки, сизлар ҳар йили минглаб кадрлар етказиб турасизлар.

— Қонуний бизнесимизнинг равнақи учун ичамиз!

— Ҳамкорлигимиз учун!

Улар қадаҳни бўшатишди.

— Ҳа, айтмоқчи ўртоғингиз пан Сарварбекдан хабар бор. Биз уни Польшага олиб ўтиб кетамиз. У Польша фуқаросига айланади. Исми ҳам бошқа бўлади. Сўнгра уни Қозоғистонга менежер сифатида жўнатамиз...

— Демак у бевосита одам савдоси билан шуғулланадими? — деб сўради Андрейнинг кўзлари ёниб.

— Ҳа, муассасада янги иш ўринлари ташкил қилиш ҳамда ишчи ходимларни ёллаш билан шуғулланади. Ахир ҳозирги кунда Марказий Осиёда бу долзарб масала-ку!

— Ҳа албатта, кўплаб одамлар ҳамдўстлик мамлакатларидан Қозоғистон ва Россияга иш излаб келишяпти.

— Бу катта миграция демақдир. Билиб қўйингки,

чумолилар тўдасини босиб ўтилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.. Дунё аҳолисига нисбатан бизнинг қиладиган ишимиз зигирча, холос. Биз ўзимизни ўрмондаги бўрилар, яъни «санитарлар» деб атасак мантиқан тўғри бўлади. Шунинг учун логатипимизга бўрининг суратини қўйишни таклиф қилган бўлардим.

– Лекин ҳеч ким қилмаган иш-ку бу иш.

– Сезиб турибман, чўчияпсиз. Қўрқманг, «маҳсулот-ни» сотиш бизнинг ишимиз. Сизнинг ишингиз эса «товар» етказиб бериш холос.

– Хўш, мен нима иш қиламан?

– Сизни бош директор этиб тайинлаймиз. Ҳозирча иккита корхонангиз бўлади. Маблағ билан беками-кўст таъминланасиз ва даромадга ҳиссадор ҳам бўласиз. Қозғистонда туз, Россияда кир ювиш воситаси ишлаб чиқариб, сотиш гўё сизнинг асосий фаолиятингиз бўлади. Тушу-нарлими?

– Тушунарли.

– Ҳисоботлар, истиқболли режалар, солиқлар, меҳнат шартномалари ва бошқалар ўз ўрнида бўлиши керак. Ҳеч ким, хатто бош ҳисобчингиз ҳам, ҳуқуқшуносингиз ҳам асл мақсадимиздан беҳабар бўлишлари шарт. Саволингиз борми?

– Йўқ.

– Бўлмаса эртагаёқ ҳужжатларни расмийлаштиришни бошлаймиз... Сизга бир хизмат машина ҳайдовчиси ва икки тансоқчи хизмат қилишади. Бош офис Москвада жойла-шади. Ҳаммаси ўйлаб қўйилган. Қани энди навбатдаги қадаҳни сизни катта ҳаётга қайтганингиз учун олайлик?!

Навбатдаги қадаҳ жарангида гўё минглаб одамларнинг маъсум овозлари янграгандек мунгли туйилди.

## ЯШАШГА ИШТИЁҚ

Сафарёр умрининг сўнги йилларидаги уч йилни Сабоҳат билан ўтказди ва у билан ўз фарзандидек, ўзининг сеvimли шогирдидек муносабатда бўлди. Қиз ҳам уни ўз бобосидек кўриб, қўлидан келганича уни парваришлади. Оғир яраланган мўйсафид тез орада оёққа турди. Сабоҳат деярли тиббиёт анжомлари бўлмаган ёввойи шароитда ўз билим тажрибасига таянган ҳолда беморни даволади. Лекин табобат илмидан хабардор бўлган, қолаверса, узоқ йиллар ёлғизликда тиббий муолажаларсиз яшаб, ўз-ўзини даволаб келаётган Сафарёр тоғанинг битмас-туганмас ўғитлари унга қўл кела бошлади. Чол шундай билимдон эдики, теvarак атрофдаги ҳар бир гиёҳ, дарахт, хашарот, жониворлару паррандалар дунёсининг сир-асрорларини жуда яхши ўзлаштирган, уларнинг ўзаро мутаносиблиги, табиат ва инсон ҳаёти учун аҳамиятли ҳамда ўзига хос хусусиятларини бемалол изоҳлаб бера оларди.

— Тоғажон, сиз буларни қаердан биласиз? — деб сўради қиз бир куни.

— Инсон аввало ўзи яшаб турган маконини, қолаверса, ўзлигининг келиб чиқишини, ўз жисмини яхши билиши керак. Бўлмаса яшай олмайди. Мен урушдан аввал Тошкентда ўқиганман.

— Вой, қайси ўқишда?

— САГУ дейишарди ўшанда. Биология факультетини битириб, аспирант бўлишга қолганимда уруш бошланиб қолди... — деди мўйсафид ўйчан хўрсиниб, — Сўнгра эл қатори урушга жўнадим. Лекин бизни тўғри фронт олди қисмига ташлашди. Ҳеч қанақа харбий билимимиз йўқлигиданми, бомбардимонда довдираб қолдик. Оёғимдан яраланиб окоп ичида кўмилиб қолиб кетибман. Бир вақт ўзимга келиб тупроқ ичидан аранг чиқиб олсам тепамда немиснинг ити тилини осилтириб турган экан. Тишлаб елкамни нақд узиб олай деди. Шунинг учун итларни ёмон кўраман.

— Кейин нима бўлди?..

– Асир тушиб қолдик. Бизни Польшага, концлагерга олиб кетишди. У ерда ит азобини кўрдик. “Барибир ўламиз, бор таваккал” деб 20 киши соқчиларга хужум уюштирдик. Лекин фақат икки кишигина омон қолдик. Бизга немисларнинг мотоцикли дуч келиб қолди. Пулемёти ҳам бор экан. Мен уни миниб олдим, шеригим Пашка қуваётганларни пулемётда отиб кетди. Тўсатдан улкан дарё қирғоғига дуч келиб қолиб сувга учиб тушдик. Бериги қирғоққа сузиб ўтиб ўрмон ичига яшириниб олдик. Эҳ-ҳе, айтиб берай десам жуда тарихи узоқ. Яхшиям табиат соҳасида ўқиган эканман, бепоён кимсасиз ўрмонда, ботқоқларда, қишнинг совуқ изғиринларида ўлмай қолишимизга кор қилди. Лекин шеригим кўп нарсани билиб-билмай еявергани учунми қорни гижжага тўлиб шишиб кетди...

– Ёрдам бериб бўлмадимми?

– Йўқ. Музламада керакли гиёҳни топа олмадим. Ўзим ҳам аранг омон қолдим. Очликдан ўлар ҳолда ётганимда бир ўтин териб юрган кампир мени топиб олибди. Кейин чанасига солиб уйига олиб кетибди. Аввал соғайгунимча отхонасидаги хашаклар ичига яшириб қўйибди. Сўнгра ўрмон ичидаги бир яширин ўрага олиб бориб қўйди ва кунора хабар олиб турди. Мен кечалари ташқарига чиқиб ов қилардим, кампир учун ўтин тайёрлаб қўярдим. Унинг яккаю ёлғизи урушга кетган экан. Яхши кампир эди, раҳматли. Уни “знахар” дейишарди. Бу уларда табиб дегани экан. Мен ундан кўп нарсани ўргандим. Ўрмондан у айтган ўсимлик, барг, илдиз, меваларни териб келиб берардим.

– Бечора кейин вафот этдимми?

– Ҳа. Ўғлининг ўлгани ҳақида хабар олгач, бу фалокатни кўтара олмади.

– Демак, шунинг учун табобатни яхши биларкан-сизда.

– Таня хола ҳар ҳолда бу соҳага менда қизиқиш уйғотди. Мен ундан хатто хазону-чириндилардан ҳам спирт олишни ва спирт ёрдамида дорилар тайёрлашни ўргандим.

Буни “эликсир” деярди. Лекин у ёқдаги ўсимликларнинг кўпи бу ерда, бу ердагилар бўлса у ёқда йўқ.

— Бу ерда ҳам ишингизни давом эттирибсизда.

— Ҳа. Умуман одам боласининг умри ҳамиша она табиат кўйида кечади. Биз тоғдами, ўрмондами, чўлда яшаймизми ё шаҳарда, қишлоқда турамизми, барибир табиат билан ўзаро уйғунликдан наф кўрамыз. Табиат кўйида яшаш, ундан завқ олиш инсонни хушвақт қилади, вужудида куч-ғайрат уйғотади, умрига умр кўшади. Қолаверса қизим, табиатнинг ўзи буюк шифокор. Ундаги гиёҳу ўсимликларнинг ҳаммаси беқиёс фойда келтиради. Масалан, кўм-кўк ўтларга шунчаки бир назар ташлаш ҳам кўзларимизга фойда келтирар экан. Буни буюк ҳаким Ибн Сино айтганлар.

— Ҳозирги замон тиббиёти олимлари кимки соғлом турмуш тарзида ҳаёт кечиришга одатланган бўлса, у ҳеч қачон касал бўлмайди, дейишади. Сиз бунга нима дейсиз? — деб сўради Сабоҳат ўта қизиқувчанлик билан.

— Аввало инсон ўз соғлиғининг қадрига ўзи етиши керак. Бунинг учун қачон касал бўлиб қолишини кутиб ўтирмасдан, ўша келиши кутиладиган дардларнинг олдини олишга ҳаракат қилмоғи, зўриқмай меҳнат қилиб, вақтида дам олиб, вақтида овқатланишни буни ўзи учун тўғри ташкил этиши, чекиш, гиёҳвандлик, бўкиб овқатланиш каби хатарли одатлардан ўзини тийиши керак. Буюк файласуф Аристотелдан “Сен нега касал бўлмайсан, бошқалардан сенинг фарқинг нимада?” — деб сўрашганида у “Бошқалар емоқ учун яшайдилар, мен эса яшамоқ учун ейман...” деган экан.

Сабоҳат мўйсафиднинг бунчалар билимдон эканига танг қолди. Бу одамнинг тақдирига жуда ачинди. “Афсус, одамлар орасида яшаганларида эди, кўпчиликка нафи тегармиди. Бу киши яхшигина фан доктори, профессор даражасига етишган бўлармиди... Демак тоғда инсоният учун зарурий амалий билим кўп экан. Мен уларни иложи борица эгаллашим ва келгусида ҳаётда қўллашим керак.

Шунинг учун ҳам эҳтимол мени тақдир шу тоғу-тошларга етаклаб келгани бежиз эмасдир. Бу ҳам эҳтимол мен учун омаддир” деган ўйлар унинг хаёлида сокин парвоз қила бошлади. Энди у Сафарёрни ўз устози деб билди. Унинг этагига маҳкам ёпишди. Сарварни, Мансурни ва бутун борлиқни унутди. Тоғада тоза қоғозлар ҳам бор экан. Сиёҳи алаф ва зирк меваларини қайнатиб ёзув учун ранг тайёрлаб берди. Жайранинг тишлари перо бўлиб хизмат қила бошлади. Шундай қилиб, бўлғуси аспирант қиз ўзининг илмий ишини диққинафас лабораторияда эмас, балки беғубор табиат қўйнида бошлаб юборди. Тайёрланаётган доридармонлар таркиби, тажриба хулосаларини эса эринмай, майда ва қисқартирма сўзлар билан гўё чумолини рангга ботириб қўйиб юборган каби фақат ўзигина ўқий оладиган даражада тинимсиз қайд қилиб борди.

\* \* \*

Собиқ Иттифоқ пойтахтининг бир ўрмон четидаги дала ҳовлида юзлаб одамларнинг умри ва тақдири, бизнесдаги янги йўналишлар бўйича музокара кетаётган бир пайтда дунёнинг қайси бир тоғу-тошидаги ғор ичида, аксинча, инсон умрини узайтириш, табиат берган неъматлардан қай йўсинда самарали фойдаланиш, гиёҳвандликка қарши воситалар яратиш ҳақида устоз ва шогирд ўртасида қизгин баҳс борарди:

— Тоғажон, сиз нима учун кўкнори етиштиргансиз?  
 — Кўкноридан дори сифатида билиб тайёрланса, у ҳам аслида инсон учун жуда фойдали ўсимлик. Лекин унинг асабларини тинчлантирувчи хусусиятига одамлар очофатлик билан ёндошишади. Оз миқдорда оғиз орқали истеъмол қилиш камлик қилиб, нафси хакалак отганлар тўғридан-тўғри томирга юборишади. Оқибатда ўз юракларини заҳарлашади. Юрак зўриқиб ўлимга олиб келади. Кўкнорини экканимнинг сабаби гиёҳвандликка қаршилиқ қила оладиган бирор дори воситаси яратишни орзу қилдим. Лекин баъзан бу ерга келиб қоладиган турли тоифадаги одамлар



унинг ширасидан, пўчоғидан беришни илтимос қилишаверади. Гиёҳфурушлар бўлса ширасидан, яъни «қорахон»дан сотишимни талаб қилишади. Агар сотмасам балога қоламан, хатто ўлдириб кетишлари ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун камчиликларимни тўғрилаб олгани оз-оз сотардим. Пулга эмас албатта, бирор керакяи нарсага алмаштирардим. Лекин охирги марта тасодифан келиб қолган бир кўлоблик йигит қўлга тушиб қолиб, ҳукумат аскарларини бу ерга бошлаб келган кўринади. Шунинг учун бу ерни култепа қилиб кетишди. Кўкнори экишга бошқа шароит бўлмаслиги учун ғоримизни ҳам портла-тишди. Кўкнори жуда чиройли гул. Сарвар ҳам, Андрей ҳам мана шу гулга шайдо эдилар...

— Йўғ-е! — дея ажабланди Сабоҳат.

— Лекин уларнинг муддаоси гиёҳвандлик эмас, балки гиёҳфурушлик. Шу соҳа билан шуғулланиб бой-бадавлат яшашни орзу қиларди. Бу ишнинг охири вой, гуноҳ! Ундан заҳарланиб неча-неча одамларнинг ёстиғи барвақт қуриydi, оилалар бузилади, болалар етим қолади, ёки бўлмаса, ногирон болалар туғилади. Шунинг учун бу Яратганга ҳам хуш келмайди. Ҳукуматдан қочгани билан Худонинг ўзи жазолайди.

Сабоҳатнинг юраги «шувв» этиб кетди: «Наҳотки Сарвар «қорахон» олиб кетган бўлсаю, бирор фалокатга учраган бўлса?..»

— Сарвар акам сиздан бирор нарса олиб кетганмиди?

— Сўраганди, лекин мен бермагандим. Агар сўрамай олган бўлса, ўзи билади, — деди чол чуқур хўрсиниб.

— У нарсангиз қаерда эди?

— Катта арча тагида омборим бор. Бориб кўриш керак. Қиз ташқарига отланди.

— Тўхта, барибир тополмайсан. Хозир у ерларни қор босиб қолган. Баҳор келса, агар омон бўлсам, ўзим кўрсатаман. Унгача эҳтимол Сарваржоннинг ўзи ҳам келиб қолар. Қизим, энди ёнимдан жилма, илтимос. Умрим тугаб бораяпти, қабримни анави ерга қазий қол. Кўриб кўнглим

тинчисин, — деди мўйсафид инқиллаб форнинг тўрини ишора қиларкан.

Сабоҳат сопол синиги, болға ва пичоқни олиб, гўрни қазий бошлади. Лекин чолни чалғитиш мақсадида уни гапга солмоқчи бўлди.

— Инсон ўзи ҳозирги шароитимизда қанча умр кўриши мумкин экан-а, тоғажон?

Сафарёр ўзига қазилаётган гўрга боқиб, чуқур хўрсиниб қўйди.

— Буни билиш қийинмас, қизим. Фақат уни ҳайвонларнинг ўсиш даври билан таққослаш керак бўлади. Ҳайвонларнинг умри уларнинг ўсиш даврига қараганда 5-8 марта ортиқ бўлади. Масалан итни олсак, у 2 йил мобайнида ўсади, умри 30-40 йилга етади. Одам эса 25 ёшгача ўсиб, вояга етади, демак инсон ҳозирги нормал шароитда 150 йилгача яшаши керак бўлади.

— Лекин аксарият одамлар 100 ёшга етишмайди-ку!

— Тўғри, қизим. Демакки, бу бир касалликнинг оқибати ҳисобланади. Ҳаммаям узоқ яшашни, умрбод навқирон бўлиб юришни истайди. Бунинг омили мана шу гўзал табиат ва ундан завқлана билиш, шифобахш гиёҳу мевалардан доимо истеъмол қилиб туришлик, кенг ва саришта уй, ёнингда ҳамиша ҳамфикр, меҳрибон турмуш ўртоғинг, содиқ ва ҳалол дўстларинг бўлиши, доимо жисмоний меҳнат қилиб ҳаракатда бўлишлик, тузумнинг адолатлилиги, руҳан тетиклигинг, асабларнинг доимо бўшашган бўлиши, томирлардаги қоннинг бир меъёрда айланиши, яхши хазм бўладиган овқатларни оз-оз ва тез-тез еб туриш, вақтида ухлаш, ҳамиша ҳушчақчақ, хурсанд бўлиб юришлик. Агар шу айтганларим бўлсаю, одам 100 ёшга етмай вафот этса — бу уят, бу ўта инсофсизлик бўлади, қизим.

Қиз хаяжонланганидан қўлидаги асбоби беихтиёр тушиб кетди. “Нималар қиляпман ўзи? Шундай хурфикр, ақлли инсон наҳотки ўлиб кетаверса? Наҳотки мен унга гўр қазийётган бўлсам?!... Ундан кўра қўлим синса бўлмай-дими?!...”

— Ҳа қизим, тўхтаб қолдинг. Ё гапларим...?

— Йўқ-йўқ. Сиз ўлмаслигингиз керак, тоғажон. Сиз ахир одамларга кераксиз! — деди Сабоҳат хаяжон билан, — Шунча билим-тажрибани бир умр нима учун йиғдингиз ўзи? Бу дунёга келиб нима қилдингиз, нима кўрдингиз? Шу тоғу тошлари ёввойи ҳаётними?!

— Йўқ қизим. Мен ҳам одамлар орасида яшашни, уларга бирор нафим тегишини жуда-жуда истайман. Лекин шўро ҳукумати маъмурлари мени қаттиқ хафа қилишди. Мен ҳеч қандай айб иш қилмаган эдим. Лекин бўйнимга “Ватан хойни” деган тавқи лаънатни илиб қўйишди, Ватанимдан айиришди.

— Лекин энди у замонлар ўтиб кетган. Ҳаммаси унут бўлган. Сизга ўхшаганларга умумий авф эълон қилиниб, ҳамма оқланган. Сиз ҳозир ўлмаслигингиз, балки одамлар орасига қайтишингиз керак!

— Балким... Қани энди худо қувват берсайди.

— Сиз хафа бўлсангиз ҳам бир гапни айтмоқчиман, — деди Сабоҳатнинг кўзлари намланиб.

— Нима гап экан, қизим?

Келинчак гапиролмай йиғлаб юборди.

— Сизни каллангизга бир бемаъни фикр қаттиқ ўрнашиб қолган. Гўё ўлсангизу, кимдир сизни шу ерга кўмиб қўйса. Тамом, бошқа орзуингиз йўқ. Сиз инсофсиз, виждонсиз экансиз! Наҳотки бир ўзимни шу ерга ташлаб кетмоқчисиз?!

— Ундай дема, қизим.

— Ахир ёлғиз ўзим бу ерда нима қиламан?! Қандай яшайман?! Қанақа эркаксиз, ўзи?!

— Сарвар албатта келади...

— Келмаса-чи?! Ўлган бўлсачи?!

Мўйсафид чуқур тин олди. Фордаги жимликни фақатгина қизнинг бурнини тортиб пиқ-пиқ йиғлашигина бузиб турар ва тубсиз деворларда акс берарди. Сабоҳатнинг самимий гаплари Сафарёр тоғанинг юрагига ниш каби қадалди. Ўзини гўё узоқ сафарга отлангану, балоғатга етган

ожиза қизини уйида ёлғиз ташлаб кетаётган отадек хис қила бошлади.

— Қани энди иложи бўлсайди... Э худо, ўзинг мадад бер! Жонимни олмай тур... — деди у чуқур хўрсиниб.

— Иложи бор, — деди қиз тўсатдан чўрт кесиб. — Ахир инсон умрини узайтириш бўйича олиб борган ишларингизни, яратган дори-даронларингизни нега энди ҳеч ҳам синаб кўрмагансиз? Ким улардан наф кўрди, ким?!

— Ахир қаерда синайман? — деди аранг мўйсафид кўксини силаб.

— Ўзингизда. Мана мен сизга асиссентлик қиламан. Нима, менга ишонмайсизми?

Мўйсафид қизнинг гапларига биров анграйиб қараб қолди, сўнгра шундай хо-холаб кула бошладики, жарангидан тошлар ларзага келиб хузур қилиб ухлаётган кўршапалаклар париллаб уча бошлади.

— Тавба, ўладиган одам ҳам шунақа куларканми? — деди келинчак лабини буриб ва беихтиёр у ҳам қўшилиб кулаверди.

Шу маҳал Сафарёр кулгудан тўхтаб тўсатдан чуқур-чуқур нафас ола бошлади.

— Вой, сизга нима бўлди?! — деб сўради қиз хавотир.

Мўйсафид “тек” ишорасини қилдида, яна нафас олиш муолажасини давом эттирди. У анчагина ўзига келиб хафа бўлиб қолгандай сўлғин юзларига қизиллик юргандек, хира тотган кўзларига чўғ тушгандек хотиржам бўлиб қолди.

— Қизим, каклик шўрвангдан қолганми?

— Ҳа албата, — деди қизнинг кўзлари чақнаб.

— Бўлмаса ўрик туршагидан олиб чиққинда, уни шўрвага солиб бир қайнатиб юбор.

— Данаги биланми?

— Данагини ажратиб, чақиб мағзиниям сол.

Сабохат тушунди. Бу устозининг биринчидан иштаҳага кира бошлаганидан далолат берса, иккинчидан у юрагини бақувват қилмоқчи. Демак яшаш учун курашмоқчи. “Ур-ра!” деб қўйди қиз фикран.

– Бўпти, яна нима қилай, тоғажон?

– Дўлана туршагидан икки мисқол, сариқ чойдан, исириқдан, зиркни меваси, баргидан бир мисқолдан солиб дамлама қилиб бер. Кейин бундан буён чанқаганимда фақат туршак қайнатмасини берасан, тушунарлими?

– Тушунарли.

– Лекин кейин қабрни охиригача кавлаб берасан.

– Нима учун?

– Мен энди унинг ичига тушиб ухламоқчиман. Шунда хотиржам бўламан.

– Вой, нега?

– Билмадим. Шунки кўнглим тусаяпти...

– Форнинг таги тош экан, уни бирор ой кавласам керагов...

– Оббо айёрей... – деди чол кулиб, – Майли бир ой бўлса, бир ойда. Қаёққаям шошардим?

Орадан бир ой ўтди. Бу орада фоний дунёни тарк этадиган ҳар қандай инсон жисмини ҳам ютиб юбора оладиган гўр деб аталмиш ўра деярли тайёр бўлган, ташқарида эса қирчиллама қиш ҳукмрон эди. Ўлмаслик бўйича олиб борилган муолажалар яхши самара бера бошлади. Табиб Сафарёр ва изланувчан шогирдининг тинимсиз олиб борган амаллари туфайли “бемор” аталмиш шахс анчагина ўзига келиб қолди. Энди ундаги руҳий тушкунликдан асар ҳам қолмади, балки хазил-мутойибага мойил бўлиб қолди. У энди ўранинг қолган қисмини ўзи давом эттирар ва дамламалар келтириб бераётган ҳамшира шогирдига билган, эшитган қизиқ воқеалардан ҳикоя қилиб берарди. Олов доимо узилмас, идишларда нимадир қайнаётган бўларди...

Фор ичида яна 4 та эчки ва асраб олган кийик боласи ҳам бирга яшай бошладилар. Чунки устозининг кўрсатмасига биноан эчкини соғиб сутини янгилигида ичиб турилиши ҳам керак экан. Заҳира ем-хашак, олов учун ўтин чўпни яхшики келинчак иссиқ-ёруғ кунлари фор ичига ғамлаб олганди. Ниҳоят ўра ҳам битди. Сафарёр унинг

тагига қуруқ хашак пўстаклардан тўшади. Ён деворларига ҳам пўстак қоқиб чиқди. Сабохат устозининг илтимосига кўра ўрага тушиб-чиқиш учун чоғроқ нарвон ясаб берди. Мўйсафид энди то баҳорга қалар шу ўра ичида яшай бошлади ва тун бўйи туйнук томон термулиб бутун ўтган умри, табобат борасида йиққан билим-тажрибаси ва уни амалда қўллаш ҳақида мулохаза юритиб чиқишни одат қилди. Баъзан шогирдини чақирар ва косадаги ўрик қайнатмасини ичиб олгач, хаёлига келган баъзи бир касалликларни даволаш борасидаги ўғитларини баён қилар, Сабохат эса уларни тез-тез қоғозга тушириб олишга ҳаракат қиларди.

### ТОҒЛАРДА БАҲОР

Шундай қилиб, Сабохат бепоён, қорлар билан бурканган тоғу-тошларнинг маликасига айланди. Бу қиш қор шундай кўп ёғдики, уни кечиб юриш тугул ташқарига чиқиш ҳам амри маҳол бўлиб қолди. Келинчак учун энг муҳими туйнук беркилиб қолишининг олдини олиш эди. Тепадаги туйнук-ку беркилмайди. Пастдан чиқаётган иссиқ ҳаво ва олов тафти туфайли тушаётган қор эриб кета-верарди. Пастдаги туйнукни эса, доим кавлаб, тозалаб туриши керак акс ҳолда ҳаво айланмай қолади ёки чиқиш йўлини муз қоплаб, беркилиб қолиши мумкин. Хайриятки, ғор ичида чиқаётган илиқ булоқ туфайли бу ерда қаҳратон қишда ҳам қалин кийимда яшаш мумкин бўлган мўътадил ҳарорат бор эди. Қиз тунда асосан эчкиларнинг орасига кириб, кийикнинг бўйнига осилиб ухларди. Ҳам иссиқ, ҳам юмшоқ. Эрталаб эчкиларни соғиб сутидан тўйиб ичиб олар, сузма қилар, сўнгра сув қайнатиб кийикўтдан далачой дамлаб, қуритилган гўшт, асал ва қуритилган тоғ мева-ларининг қоқисидан нонушта тайёрлади. Бу ерга какликлар туйнук орқали ўзлари ҳам адашиб кириб келаверишарди. Шу туфайли пачоқ кастрюлда каклик ва булоқ балиғидан шўрва ҳеч узилмасди. Лекин қор қалин бўлган кунлари хавфли ҳам эди. Чунки сув ичгани илиқ

жилгага эчки ва кийиклардан ташқари турли йиртқич ҳайвонлар ҳам тушиб келишар ва мўъжаз туйнукни кўриб, унга бош суқиб кўришга иштиёқманд бўлишарди. Шу туфайли Сабоҳат ёғочлардан туйнукка панжара ясаб унга тош тираб қўйди. Лекин кўнгли тўлмади. Милтиқни ўқлаб шай қилди. У ҳаммадан ҳам ўз фарзандидек бўлиб қолган кийикдан хавотир оларди. Чунки келган йиртқич дастлаб унга ташланади.

Пўстақлардан кийим-бош тикиб, кийиб олган келинчак ўзига горнинг тўри томонидаги баланд супалардан бирига кундалик жой қилиб олган ва кун бўйи тепадаги туйнукка қараб қўшиқ куйлаб ўтирар, тикиш-бичиш ишларини бажарар, устозидан хабар олар, тунда эса, яна бориб «меҳрибонларининг» пинжига кириб ётарди. Сокин оқшомларда қиз кўшиғи маҳзун янграрди.

\* \* \*

Кунлардан бир куни эчкилар учун одатдаги, лекин бошқалар учун хунук деса бўладиган воқеа содир бўлди. Икки така бир-бири билан уришиб кетишди. Хунуқлиги шундаки, бирининг шохи рақибининг қорнига кириб кетди ва қон оқа бошлади. Кўп ўтмай у ҳолдан тойиб йиқилди. Сафарёрнинг кўрсатмаси билан Сабоҳат иложсиз уни сўйиб, дорга осиб қўйди ва кабоб пиширди. Лекин қон ва кабобнинг ўткир ҳушбўй ҳиди шу атрофда юрган бўрилар галасининг эътиборини тортган шекилли. Улар дастлаб тепадаги туйнукни топишди. Фингшиб пастга томон мўралайверишди. Мўйсафид ўра ичидан милтиқда уларни мўлжалга олиб тепкини босиб юборди. Бўрилардан бири яраланди ва нари кетишди. Биреқ ярим тунда пастки туйнукдан хужум уюштирилди. Ичкаридаги янги гўшт ҳиди бўриларни маст қилаётганиди. Сабоҳат одатдагидак кийикни кучоқлаб ўқлаётганиди. Нимадир дупирлади, ириллаган овозлар эшитилди. Бесарамжон бўлган кийик сапчиб ўрнидан туриб кетди. Қиз уйқусираб арвалига нима гаплагини англамади. У ширин туш кўрар, тушига Мансур кириб қолганиди. У бошқа қизга уйланган эмиш...

...Бўрилардан бири тумшуғи билан панжарани итармоқда эди. Сабоҳатнинг милтиғи эса ўра ичида қолган. У ўрнидан туриб то милтиқ томон чопгунича, бўрилар кириб олишга муваффақ бўлишди. Қоронғуда уларнинг нечталигини билиб бўлмас, кўзлари бир жуфт кичик фонар сингари ёниб, ўчиб турар, важоҳатлари даҳшатли эди. Қиз қўрққанидан қичқириб юборди. Бўриларнинг бир нечтаси осиглиғ эчки гўштига ташланишди. Гўшт ерга тушиб, буйдалана бошланди. Бундан фойдаланган Сафарёр ўра ичидан улар томонга милтиқни гумбирлатиб отаверди. Сабоҳат ҳам ўрага тушиб қолди. Ўлгани қолиб, яралангани туйнук томон қочишди. Лекин не холки, бўрилардан бири кийикнинг бўйнидан тишлаб босиб олган эди.

— Қўйвор, ифлос! — дея бақирди қиз. У бўридан кўра кўпроқ ўқни кийикка тегиб кетмадими, деб қўрқарди. Лекин бўри ўлжасини ташлашни истамади. Хавфни ҳам ҳис қилди шекилли, гингишлаб, ириллаб кийикни олиб кетиш учун судрай бошлади. Сафарёр яна бўрига қарата ўт очди. Уқ унинг орқа томонига тегди шекилли, ўтириб қолди, лекин ўлжасини тишлаган холда тураверди. Қаҳрга минган қиз милтиқни олдида, ўрадан отилиб чиқиб унинг қўндоғи билан бўрининг бошига туширди. Ниҳоят яраланган бўри орқа оёқларининг қонини оқизиб, гингшиб қочиб кетди.

— Ярамас, ифлос. Сени ўлдираман!!! — деди қиз важоҳат билан ва унинг ортидан тошларни отиб қолди. Сўнгра яраланган кийигига ташланди:

— Вой жоним, бўлди-бўлди, қўрқма, улар энди келишмайди. Келишса ўлдираман уларни! — деди у ҳаяжон билан ва бўрининг тишлари ботган жойларга кул қўйиб боғлай бошлади.

— Ёмон бўлди, энди бўрилар бу ерни ҳидлашиб олишди, яна қайтиб келишлари мумкин, — деди мўйсафид.

Бир бўри узала тушиб ўлиб ётар, иккинчиси эса жонсарақ типирчиламоқда эди. Ўша тунда туйнукни бутунлай беркитиб қўйилди. Кўп қон йўқотган кийик беҳол ётиб қолди. Бўрилар хужумидан бесарамжон бўлган уч эчки туни билан безовталаниб чиқишди.



Тонг отиши ҳамоно Сабоҳат туйнукни аста очиб, милтиқни шайлаган холда ташқарига эмаклаб чиқди. Совуқ қаттиқ, этни жунжиктирадиган изғирин увилламоқда эди. Оқиб чиқиб буғланаётган жилға сувидан бошқа ҳеч нарса кўринмас, теварак-атроф қалин оплоқ қорга бурканган, жилға қирғоқлари силлиқ муз билан қопланганди. Келинчак сал нари юриб теварак-атрофни кузатмоқчи ҳам бўлди, лекин белидан ҳам юқори бўлган қорда деярли юра олмади. Тинимсиз ёғаётган қор кеча сув ичгани келган жониворлар ва бўриларнинг изини ҳам деярли кўмиб юборганди. Сабоҳат нима қиларини билмай ортига, уйининг дарвозаси каби қадрли бўлиб, тандирдек оғзини очиб қотиб қолган Жаннатгор туйнугига нигоҳ ташлади ва эти увишиб кетди...

— Наҳотки шу ерда жониворлар каби яшаётган бўлсам?... Бу ерни қиш ичи ҳеч ким топа олмайди. Сабр қилишимга, баҳорни кутишимга тўғри келади. Сарвар ака келган бўлса ҳам, топа олмагандир. Қор кўчиклари йўл-ларни ҳам тўсиб қўйгандир..., — дея ўзига тасалли берди қиз.

Сабоҳатнинг хаёлига бир фикр келди. Бу йиртқичлардан қутилишнинг гўё бир йўли эди. Ўлдирилган икки бўрини судраб олиб чиқиб, туйнукнинг оғзи ёнига, оғзиларини очиб, тош тираб ўрнатиб қўйди. Башараларига сув сепди. Сув тезда музлади. Натижада икки «пойлоқчи» пайдо бўлиб, то баҳоргача горни «қўриқлайдиган» бўлишди. Лекин какликлар ҳам келмай қўйишди. Келинчак эса каклик овига ўзи чиқиб турди. У жилға қирғоқларидаги қалин қорни кавак қилиб, чуқурлаб, дон сепиб қўярди. Қопқон чуқурчаларга баъзан беозор қушлар тушиб қолишарди. Бу ҳунарни ҳам у устозидан ўрганиб олди.

Шундай қилиб кунлар ўтди. Лекин қайси кун, қайси ой экани келинчак учун унут бўлаёзди. Тахминий ҳисобдан ҳам адашди. Фақат кунлар исиб кетишини, баҳорни кутди. У устозидан ташқари кийик болани ҳам даволаб, парваришlash билан овора бўлар, унга бутун оналик меҳрини бериб, дарду аламини тўкиб солар, тунлари эртақ, алла айтиб берар, унинг қўшиқлари туйнукдан чиқиб қоялар ва оқ булутлар аро енгил парвоз қиларди...

Ҳадемай туйнукдан қора булутлар нари кетиб, юлдузлар кўриниб, ойнинг нури, кундузлари эса қуёш ёруғи тушди. Фор ичида яна камалак намоеън бўлиб, у шифтлардаги кристал сумалак тошларда турли рангларда жилваланди. Ташқарида эса қорлар эриб, баҳорнинг хушбўй таровати кеза бошлади...

Сабоҳат бўш қолганда ўзига эрмак топиб олганди. У туйнук тешигини кенгайтириш билан овора бўларди. Геологлардан қолиб кетган бир четкични топиб олганди. Уни тошларга қоқиб, оҳиста майдалаб, туширарди. Бу орада мўсафид бир илож қилиб, қиз оёғидаги занжирни ўртасидан синдириб узди.

Баҳор жонланиб, табиат гўзал либосини кийиб, ўз тароватини келинчақдек намоеън қила бошлаган кунлари пўстак кийган, деярли ўзига қарамай қўйган, сочлари тўзғиб, тишлари саргайиб кетган Сабоҳат милтиқни олиб, «ўз худудини» айлангани чиқиб келишни одат қилди. Унинг мақсади ўзининг қаерда турганини, зарурат бўлганда эса қайтиб кетиш сўқмоқларини белгилаб олиш эди. Булбул, бедана ва турли қушлар беармон ҳониш қилишиб, бургутлар кўкда парвоз қилишар, улкан қоя тошлар эса, гўё «Биз сен билан биргамиз» дегандек уни мағрур кузатиб туришарди. Поёнсиз бутазор, арчазорлар уни бағрига олди. Турли дарахт шохлари ва илдизлари бири-бирига шундай чирмашиб кетишган эдики, уларни оралаб ўтишнинг иложи йўқ эди. Аҳён-аҳёнда тиканларни кўз-кўз қилиб жайра болалари билан қаторлашиб ўтиб қолишар, қулоғини диккайтириб олган кийиклар янги аёл «хўжайинларини» зўр қизиқиш билан қарши олишар, қўлидаги «асо»ни кўришгани учунми «хуркиб» нари қочишарди.

Сабоҳат чакалакзорларда юргандан кўра тепалик ва қоялар устига чиқишни афзал кўрарди. Чунки у ерлардан атроф бемалол кўринарди. Ҳар сафар бир қояни мўлжалга олиб, чиқиб кетарди. Қоялар атрофида турли қуш уялари жуда ҳам кўп бўлиб, улар янги тухум қўя бошлаган,

хавфни сезишгач, кулоқни қоматга келтирар даражада чуғурлашарди. Чунки ўз ошёнларининг бузилишидан хавотирда эди-да... Қизнинг хаёлига Сарвар келди. «Наҳотки у ўз ошёнини унутган бўлса! Ахир мени кутаётганимни яхши биллади-ку! Бу ерга келиш фақат унинг ўзигагина маълум, холос. Мени бошқа ҳеч ким топа олмайди. Э худо, ишқилиб тоғам ўлиб қолмасинлар...» — дея кўнглидан ўтказди у. Чол айтган шаршарага ҳам тез-тез бориб турди, ўтиб, уни узоқ томоша қиларди. Шаршара шундай гўзал эдики... Катта бир сой тезликда келиб пастлик томон шарқираб оқар ва ундан улкан камалак ҳосил бўларди.

Кунлар исиб, одатдагидек ўсимлик дунёси гуллай бошлади. Қуёш ярқ этиб очилиб турган маҳали тўсатдан, аллақачондан бир қора булут пайдо бўлиб қоларди. Баъзан шундай кўп ёмғир ёғардики, Сабоҳат соатлаб бирор арчанинг ёки қоянинг тагида қолиб кетарди. У энди устозининг кўрсатмасига кўра фойдали гиёҳларни териб келиб қурита бошлади. Илгари аскарлар куйдириб кетган майдонда ҳам, шундай гиёҳлар бўй чўза бошладик, гўзаллиги кўзни қамаштирарди. Улар орасида бежирим кўкнори гуллари ҳам учрарди. «Демак уруғлари тўкилиб қолган экан-да!» — деб ўйлади қиз улардан териб, бошига гулчамбар ясаркан ва тўсатдан мўйсафид айтган қурбақасимон тош орқасидаги чолнинг омбори эсига тушди ва уни қидира бошлади. «У ерда агар тоға йиғиб қўйган кўкнори шираси турган бўлса, демак Сарвар акам нарқобизнес мақсадида эмас, ҳақиқатдан ҳам ўртоғидан хабар олгани боргану, бирор кор-холга учраган бўлади. Аксинча эса, чолдан бесўроқ уни олган ва сотгани олиб кетган бўлиб чиқади. Эҳтимол, шу туфайли қўлга тушиб қолгандир, қамокда ўтиргандир. Бўлмаса аллақачон келарди. Бу ерда тиллалари бор, пули бор. Мен учун бўлмаса ҳам пуллари учун келишлари мумкин-ку! Менинг ҳам ўлиб кетмаслигимга ким кафолат беради? Ўзи келиб бир қиш яшаб кўрсайди, биларди. Йўқ, устозимни кўндиришим, иложини қилиб, бу ерлардан кетишимиз керак. Ахир бу

тоғларнинг поёни бордир, одамларга дуч келармиз, улар ёрдам беришар...» Ана шундай ўйлар билан у қурбақасимон тошни қидира-қидира, ниҳоят умидини узиб, бир тош устида дам олиб ўтирганида ўша тошни рўпарасида турганини пайқади ва тезликда унинг ортидаги арча томирлари орасида нимадир борлигини англади. У янглишмаганди. Бу ўша тоға айтган омбор эди.

Омбордаги нарсаларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди, «қорахон» ширасини топа олмади. Лекин олинган ўрни билиниб турар, бир илдизга шираси суртилиб қолганди. Қиз ундан қўлига олиб ҳидлаб кўрди: «Демак тоға кўнмасалар ҳам, ўзбошимчалик билан молни олиб кетган экан. Эҳтимол эгасини норози қилгани учун бирор фалокатга йўлиққандир». Шундай нохуш ўйлар билан қиз яна гўзал кўкнори ўсимликларини оралаб Жаннатғорга томон кела бошлади. Лекин кўкнори гуллари унинг кўзига шундай хунук кўриндики, улар бежирим сузилиб, неча-неча инсонларни ямламай ютаётган аждарҳодек туюлди. Қизнинг ғазаби шундай кўзиди-ки, аламидан бир ҳивични олиб, кўкнори гуллари куракларини аямай савалай кетди. «Сенларми ҳали менинг ҳаётимниям расво қилган?! Сарвар акамни йўлдан урган! Мана сенларга, мана! Ифлос гуллар!!! Сенларни бекорга ёқишмас экан!» – дея қичқириб оёқлари билан ҳам топтай кетди. Гулларни эзгилай-эзгилай ниҳоят холдан тойиб ўтириб қолди-да, энди алам билан йиғлай бошлади. Унинг кўнглида ғашлик ҳукмронлик қилмоқда эди.

Шундай бўлсада, у Сарварнинг йўлини кўзи тўрт бўлиб кутди. Ҳар куни бир бор дастлабки куни жилға бўйлаб бу ерга келган сўқмоқ ёнидаги пастликқа тушиб кезиб келишни ва тепаликда кўз тикиб ўтиришни одат қилди. Бу ёғи милтиқнинг ўқи ҳам қолмади. Ҳар эҳтимолга қарши бир дона асраб қўйган. «Жуда қийналиб қолсам, устозим ўлиб қолса, кейин эҳтимол ўз-ўзимни отганим дурустдир» деган нохуш ўйга борди у.

Фор ичида супада ётаркан, ўзининг яшаб ўтган бутун ҳаётини ёдга олди. Отаси, онаси, Мансур ва унинг ота-

онаси, дўст, дугоналари ва ниҳоят Сарвар бир-бир кўз ўнгида намоён бўлди. «Наҳотки ёш умрим хазон бўлиб кетаверса, энди нима қиламан?» — деган сўз унинг бутун вужудини қамраб олди. «Кетишимизга чолни кўндиришим керак. Бу ерда қолиб, ўлиб кетгандан кўра, одамлар олдига бир илож қилиб, етиб олганимиз маъқулдир. Эҳтимол Сарвар уйидадир, мени кутаётгандир...» Келинчак шунчалар паришон бўлиб қолдики, ҳатто туйнукнинг панжарасини ҳам тунда ёпиб қўйишни унутадиган бўлиб қолди. Ичкарида тунашга ўрганиб қолган кийик кундузи қаерлардодир қорнини тўйгазиб, қавм-қариндошлари билан «салом-алик» қилиб келарди-да, тунагани меҳрибон «она-жониси»нинг олдига кирарди. Бу сафар у кечроқ келди, маъраб ниманидир истади, булоқ сувидан тўйиб ичдида ҳидлана-ҳидлана супа устига келиб, келинчакка узун тумшугини узатди. Руҳан азобланиб ўтирган Сабоҳат уни кўриб, таскин топди, юзини оҳиста силади:

— Меҳрибоним, яхшиям сен бор экансан. Қани энди тил-забонинг бўлганида эди, менга йўл-йўриқ кўрсатар-мидинг! Айт, нима қилай?

Кийик «билмасам» дегандек бошини тез-тез қимирлатиб қўйди. Шу маҳал очиқ қолган туйнукдан қандайдир жониворнинг кириб келган шарпаси эштилди. Кийик сапчиб кетиб ўзини ғор деворига урди ва бесарамжон бўлиб зал бўйлаб чопа бошлади. Келгинди «меҳмон»нинг бир жуфт кўзлари ёнди ва хурпайиб кийикка ташланди. Кўрқиб кетган Сабоҳат нима қиларини билмай қолди. Кийик ғор бўйлаб гир айланиб қочар, қоплонга ўхшаш ҳайвон эса ўзини унинг устига аёвсиз ташламоқда эди.

— Ҳой, кишт! Йўқол! — дея қичқирди қиз.

Қабр ичида ётган Сафарёр ҳам ўрнидан даст туриб кетди.

— От қизим, от! — дея қичқирди у.

Қоплон жабрдийдани кўз ўнгида ғажий бошлади. Милтиқдаги охирги ўқ унга насиб қилганга ўхшарди. Сабоҳат деярли кўз илғай олмаётган бир бурчакда кийикни

йиқитиб олган йиртқиҷга қарата ўт очди. «Тегмади шекилли, — деб ўйлади қиз. Чунки йиртқиҷ туйнукдан ура қочиб қолди. «Ҳайрият» — деди қиз чопиб бориб, панжарани беркитар экан. Сўнгра келиб кийикни силади. У пўкиллаб ётарди.

— Кўрқма жоним. У кетди, энди қайтиб келмайди — деди қиз ва бориб супадаги ўз жойига ётиб олдида, кўп ўтмай уйкуга кетди. — «Хаҳ, ҳайрият», деб қўйди мўйсафид. Лекин бошқа ўқ қолмаганидан у беҳабар эди. Сабоҳат туш кўрди. Унинг ўғил боласи бор эмиш. У кийик билан қиқирлашиб ўйнаётганмиш. Шу пайт болакай ётган кийикни миниб олибди. Кийик эса болани миндириб аввалига чопқилаб кетипти, сўнгра эса, осмонда парвоз қила бошлабди. Сабоҳат: «Ҳой, тушинглар, қайтинглар!» дея қиқирармиш. Қиз алахсираб уйқудан чўчиб уйғониб кетди ва бўйнини узатиб, юз тубан ётган кийикнинг тепасига борди. Кийик жонсиз эди. Унга ўқ текканди. Сабоҳат аввалига қотиб қолди, сўнгра жониворни иккала қўллари билан силаб, ўз фарзандидан жудо бўлган онадай ўкириб-ўкириб йиғлай бошлади.

— Вой, мен нима қип қўйдим?!... Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди-я?.. Энди нима қиламан? Сенсиз энди қандай яшайман?!..

Сафарёр ўзида қандайир илоҳий куч пайдо бўлганини хис қилди. Ўрадан оҳиста чиқиб келдида, қизнинг елкасига иссиқ кафтини қўйиб, сочларини силаб таскин берди.

— Қизим, бардам бўл. Хали узоқ йўл босишимиз керак.

— Нима? — дея анграйиб қолди қиз кўз ёшларини артаркан.

— Ҳа, кетамиз, қизим. Бу ердан бутунлай кетамиз.

Қиз ўзини мўйсафиднинг бағрига отди. Унинг кўзларидан дуввиллаб ёш оқарди.

— Ахир сиз беҳолсизку, отажон!

— Йўқ, яхшиман. Сен мени ҳаётга қайтардинг. Мени ўйлашга мажбур қилдинг. Энди сени эсон-омон юртингга олиб бориб қўйиш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз.

– Раҳмат, сизга отажон.

– Нима учун?

– Ҳаётлигингиз учун.

Мўйсафид кулиб қўйди.

– Шундай бир маликани ёввойи бўлиб кетганини кўриб Азроилнинг ҳам раҳми келди шекилли.

– Вой, у қачон келди?

– Кўрмадингми, туйнукдан бир-икки қарадику, – деди Сафарёр ва кийикка қараб чуқур хўрсиниб қўйди. – Лекин менинг ўрнимга анави жониворнинг жонини олган кўринади.

Сабоҳат кийикнинг қулоқларини силади.

– Қайғурма. Хали сенинг ҳам бахтинг очилиб кетади, ўз фарзандинг бўлади. Бу жониворга бўлса меҳринг тушиб қолган холос. Нима бўлсаям сен онасан.

Шундай деди-да, мўйсафид кийикнинг икки оёғидан ушлади.

– Менга ёрдамлашвор.

– Вой, нима қилмоқчисиз?!

– Майитнинг ўз жойи бор.

Улар кийикни кавлаган ўра олдига судраб олиб келишди. Мўйсафид қўлини дуога очди.

– Илоҳим жойи жаннатда бўлсин. Яхши жонивор эди, – дедида, кийикни ўра ичига туширди. Сўнгра устига тупроқ торта бошлади. Сабоҳат ҳайратда қотиб турарди.

– Нима анграясан? Қарашвор...

Кўп ўтмай ғор ичида дўппайиб бир қабр пайдо бўлди. Ишни тамомлашгач, устоз ва шогирд қўлларини булоқ сувида чайдилар. Булоқ суви ранго-ранг товланар, ундаги балиқлар ҳам янада завқлироқ сузишаётгандек эди. Шундан сўнг икковлари ғор ковагидан баҳор таровати уфуриб турган ташқари томон чиқишди. Бу Сафарёр тоғанинг ўша ётиб қолганидан бери илк бор чиқиши эди. У чиқдию яшил кўклам ҳавосидан чуқур-чуқур нафас олди.

– Ҳаёт нақадар гўзал-а, қизим!

– Ҳа, айниқса одамлар орасида бўлсанг.

— Қанақа одамлар?

— Яхши одамлар.

Мўйсафид шогирдининг елкасига қоқиб қўйди.

— Баракалла. Биз сен билан энди қолган умримизни ўша яхши одамларга бағишлаймиз.

— Вой рости биланми?

— Ҳа, тайёргарлигингни кўравер.

“Қандай яхши!”, дея қиз севиниб кетди.

— Юр, аввал бир маконимизни айланиб келайлик.

— Бўпти, сизни шаршарага олиб бораман.

Улар тизза бўйи ўсаётган гиёҳ ва майсаларни оралаб боришаркан, устоз унинг қўлтигидан ушлаб олган шогирди собиқ беморининг куч-қувватга кириб қолганини, юрак уришининг бир маромда эканини, энг муҳими руҳан тетиклигини хис қилиб борарди. Ўша куни кечгача гўзал табиат қўйнида завқ олишди ва кечга яқин бир чўққи устига чиқиб ўтириб қуёшнинг ботишини зимдан томоша қилишди. Кетишга тайёргарлик кўриш бўйича режалар тузишди.

— Ҳар бир касаллик турлари бўйича айтганларим эсингдадир, — деди мўйсафид.

— Ҳа, деярли ёзиб олганман.

— Гиёҳларга халтачалар тик. Уларни йўл-йўлакай ҳам терса бўлади. Одамларга етиб олгач, тўхтаган жойимизда уларни ҳам даволаб ёки тегишли маслаҳат бериб кетаверамиз. Тоғлар бепоен. Гиёҳлар ҳамма ерда топилади. Лекин бизга одамлар ховлисида ўсадиган баъзи дориворлар ҳам жуда зарур.

— Улар нима экан, тоғажон?

— Ошқовоқ, турп, лавлаги, сабзи, саримсоқпиёз, лимон, тарвуз, пиёз, қалампир дегандек...

— Ҳа, кўп дориларимизга шулар етишмаяпти. Айтмоқчи, спиртни нима қиламиз?

— Эртага тайёрлаймиз.

— Нимадан?

— Ўт-ўландан, гуллардан, гулхайри томири, қарағай



пўстлоғи, дўлана барги, маймунжон меваси, умуман кўп нарсадан олса бўлади.

– Энг кўп нимада?

– Энг кўпми, хурмода. Хурмода спирт узумдан кўра икки хисса кўп бўлади. Картошка, пиёз пўчоқлариям яхши. Қани энди ҳозир лимон билан саримсоқ бўлсайди.

– Нима қилардингиз?

– “Ёшлик” эликсирини тайёрлардим. Буни мен знахар кампирдан ўрганганман.

– Вой, – деб юборди Сабоҳат, – Нега бу ҳақида менга вақтлироқ гапириб бермадингиз?

– Нима ўзгарарди? – деди мўйсафид кулиб.

– Ҳеч бўлмаса соч-соқолингиз қорайган бўлармиди. Сафарёр кулиб юборди.

– Оббо сен-ей, хали ҳаммасига улгурасан.

– Ўша эликсирни тайёрлашни менгаям ўргатасизми?

– Албатта, қизим. Иннайкейин, сени бирор қарияга эрга берсак, уни бемалол ёшартириб олаверасан.

– Э, қўйсангизчи, ёш йигитлар қуриб кетибдими.

– Хазиллашдим. Ишқилиб фаришталар эшитмаган бўлишсинда... Эҳтимол сен хали Сарварбек билан топишиб кетарсизлар ёки бошқасига тегарсан, бу тақдир-да, қизим.

Эртасига ташқарида тошлардан қўлбола ўчоқ ясаб, оддий усулда спирт олиш жараёнини бошлаб юборишди.

– Қизим, сен тайёргарлик ишларингни қилавер. Мен нариги дарага бориб бирор кўтос тутиб келаман. Агар эшак учраб қолса яна яхши. Юкимиз кўпга ўхшайди.

– Бирга бора қолайлик. Кўтосга кучингиз етармикан?

– Кўтосни ўзи умрингда кўрганмисан? – деди мўйсафид кулиб.

Келинчак бўлган ишларни эсига олиб алланечук бўлиб кетди. «Кўриш ҳам гапми?» деб қўйди ичида.

– Ҳа..., кўрганман. Ундан кўра эшак дуруст.

– Одамларга етиб олгач, улардан от ҳам сотиб оламиз.

– Пул керак бўлса менда бор.

– Яхши. Хўп, мен кетдим. Кеч қолиб кетсам мендан

хавотир олма. Эшикни тамбалаб ёт.

— Хўп, эҳтиёт бўлинг. Ёмғирда юрманг, тинишини кутинг. Ҳа, айтмоқчи, ўт ёққани гугурт олволинг.

— Гугурт қолмабди. Хозир охиргисини ёқдим. Лекин менда чақмоқ тош бор.

Бироқ қиз мўйсафиднинг ёлғиз кетишини негадир истамеди. Хаёлида гўё кўтос уни сузиб оладигандек, тош кўчкисининг тагида қоладигандек, умуман қайтиб келмайдигандек туюлаверди. Шу маҳал бир неча ёввойи эчкилар жилға бўйига сув ичгани тушиб келишди. Қизнинг ёдига бир нима тушди ва анчагина узоқлашиб кетган устозини “Эҳ-е!” дея тўхтата бошлади. Овоз қояларда ўз аксини берди. Ниҳоят чол “Нима дейсан?” дегандек ортига қаради, қиз эса “Қайтинг, тез!” дея қўли билан ишора қилди. Бир оз ўтгач Сафарёр хассасини дўқиллатиб етиб келди.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўради у энтикиб.

— Қаний, томирингизни бир кўриб қўяйинчи. Хозир 500 метр йўл юриб келдингиз, — деди қиз атайин унинг билагини тутиб, пульсини санай бошлади.

— Оббо. Мени шунга чақирдингми?

— Йўқ, “кўтос керакмас” демоқчийдим. Чунки бизнинг кўйдек ювош эчкиларимиз бор-ку. Уларни ёр ичидан олиб чиқиш керак.

— Уларни биттаси бўғоз-ку.

— Ҳа, бугун-эрта туғади. Боласини мен кўтариб оламан. Қолган иккитасига юкларимизни юклаймиз. Сутимиз ҳам бўлади.

— Э қойил! Сени боқса одам бўларкансан, — деди мўйсафид кулиб, — Ҳа, бу одамларга етиб олгунимизча бир чора, албатта.

Шундай қилиб, улар сафарга 10 кун тайёргарлик кўришди. Бу орада она эчки ҳақиқатан ҳам туғди. Сабоҳат йўл учун пўстак терилардан ўзига ва мўйсафидга камзул, оёқларига шим, махси-ковушга ўхшаш пойабзал, бошига қалпоқ, ўзи учун хуржун, ҳар хил қолган-қутган матолардан гиёҳ ва озуқалар учун халтачалар, эски

қоплардан иккита ёмғирпўш тикиб тайёрлади. Иккита брезентни битта қилиб кўчма палатка ҳам тайёрлади. Яна тўртта пўстак ва иккита одеялни тунаш учун олинди. Йўл учун ҳамма нарса тахт бўлгач, чўққилардан бирига чиқиб тахминий маршрутни ҳам белгилаб олишди. Яъни, бундан 30-35 йил муқаддам Сафарёр келган шимолга томон кетилаверадиган бўлди.

— Тоғлар шаҳар эмаску. Улар бузилмайди. Ҳеч нарса ўзгармаган бўлса керак.

— Худо хоҳласа, ўн кун юрсак қирғиз қўтонларига етиб оламиз, — деди мўйсафид ишонч билан. У ёғи сенинг юртинг Фарғонага яқин қолади. Олой тоғидан ошиб ўтсак бас. Сўх дарёси бошланади, дейишади.

Ниҳоят кетиладиган куннинг фаррахбахш тонги отди. Дастлаб эчкиларни ташқарига олиб чиқа бошлашди. Лекин бўйига ва знияга ўсиб-семириб қолган жониворларни туйнукдан олиб чиқиш қийин кечди. Олиб кетиладиган нарсалар бир уюм бўлди. Унда егулик, дорилик, ётоқ ва кийим пўстакларидан ташқари кумғон, қийшиқ кастрюл, тоғорача, ранги ўчган косалар ҳам бор эди.

— Дарвозамизни қулфлаб кетамиз, лекин калитини олмаймиз, — деди Сафарёр жилмайиб ва улкан тошлардан бирини юмалатиб тешик оғзига “қопқоқ” қилиб кийдирди. Устига эса шох-шаббалардан ташлаб кўз илғамайдиган қилиб кўйди. — Худо насиб қилса, уйимизга яна келармиз. Нима дединг, қизим.

— Худо хоҳласа, — деди қиз.

Бу ер азиз бўлиб қолганиданми негадир ичи ачишди. Кўнглида “Хайр, менга бахт беролмаган Жаннатғор!” деб кўйди.

Пўстак кийимлар кийилгач, мўйсафид қизга қараб кулди.

— Хай-хай, йигитчанинг ўзи бўлиб қолдинг-ку. Ҳа майли, яхши бўлди. Йўлда йигитларнинг суқи кирмайди.

Икки эчкига юкларни хуржун қилиб, яхшилаб жойлаштирилгач Сафарёр сафар олдидан ўтириб дуога қўл очди.

— Қани омин, сафаримиз беҳатар бўлсин! Нима ният қилган бўлсак, ўшанга эришиш насиб қилсин. Сабоҳат қизимниям бахти очилиб, тиббиёт бобида баркамолликка эришсин, оллоҳу акбар... Қани жўнадик, бўлмасам! Эй, тоғу-тошлар, мендан рози бўлинглар!!!

Сабоҳат тилла тақинчоқлар, пул ва турли қуруқ егуликлар солинган хуржунини елкасига ташлаб эчки боласини қўлига олволди. Сафарёр эса ўзига ясаб олган улкан заранг асони олиб, иккинчи қўлига эчкилар карвонининг арқонини ушлаб олдида олдинда сарбон бўлиб шошилмай кета бошлади. Тез орада неча-неча воқеалар, тақдирлардан гувоҳ бўлган ҳамда ўз бағрига жаннатғорни яширган арчазор қоялар ортда қолди.

### ВАТАНГА ҚАЙТИШ

Кечки пайт ёмғир томчилай бошлади. Енгил шамол турди. Аллақаяқдан қалин булутлар пайдо бўлиб, тепаликларни қоплади. Куёш беиз йўқолди. Улар билан изма-из илиқ сувли жилға эса кичикроқ бир сойга қўшилиб кетди. Йўловчилар энди ана шу сой ёқалаб кета бошлашди. “Бу сув барибир яна бирор каттароқ сойга қўшилади, каттароқ сой эса албатта дарёга қуйилади. Эҳтимол, бу Зарафшон бўлиб чиқар... Зарафшонга етиб олгач ватаним Айнига ҳам оз қолади. Оқим томон юрилса бас, лекин аввало қизни ўз юртига олиб борганим маъқул”, — деди хаёлан Сафарёр ва каллапўштни кийиб олиб шогирдининг завқланиб аллақандай ўсимлик меваларини сидираётганига кўзи тушди. “Ишқилиб, омон бўлсин. Ажойиб қиз. Бахти очилсин, илоҳим”, деб қўйди.

— Тоғажон, қаранг мен нима топдим, — деди қиз қуралай кўзларини жовдиратиб, бир ховуч донга ўхшаш ўсимлик уруғларини устозининг қўлига тутди.

— Эҳ-ҳе, — деди кулиб Сафарёр, — Буни нима эканини биласанми?

— Йўқ.

— Ахир бу тасбеҳку. Тавба, тоғда ҳам ўсарканда. Ё бирор овчининг тасбеҳи тушиб қолган бўлса кўкариб чиққанмикин?

– Вой, бу халиги маржон қилиб тақиб олса бўладиганми?

– Ҳа, қизим.

– Хм, унда мен ҳам маржон қилиб тақиб оламан.

– Шунча тилла турганида-я?

– Улар омонат. Бу эса ўз-ўзимники, беминнат бўлади.

Сафарёр хо-холаб кулиб юборди. Унинг кулгуси шундай бегубор эдики, қояларда ўзгача акс-садо берарди. Сабоҳат ҳам унга кўшилиб завқланди. Кўлидаги эчки боласини маҳкам бағрига босиб эркалади. Ёмғир томчилари мўйсафиднинг пешона сочларини хўл қилган ва қалин қошларини тўсиб кўймоқда эди. “Сочларини олиб кўйиш керак экан, – деб кўйди ўзига келинчак, – Пичоқда олиб бўлмайди. Афсус, қайчимиз йўқда...”

– Бирор панароқ жой топмасак бўлмайди шекилли. Ҳавонинг авзойини қара-я, – деди мўйсафид ҳам ниҳоят каллапўштни кийиб оларкан.

– Дарахтзорга палатка тика қолайлик. Олов ёқиб олиб шу ерда тунай қоламиз.

– Маъқул, деди Сафарёр ва яқин қолган ёнғоқзорни ўзича чамалаб кўйди.

Келинчак сўлим ёнғоқзор оралаб кетаркан, дарахтларнинг тагидаги барглар шундай қалин эдики, оёқ боссанг гўё билқилларди. Ўтган йили ва эҳтимол ундан олдинги йилларда тўкилиб қолиб кетган ёнғоқ хосили шундай кўп эдики, қиз уларни кўриб қийқириб юборди.

– Қара-я, буларни ҳеч ким териб олмайди шекилли. Эссиз, шунча дори-дармон оёқ ости бўлиб ётибди-я. Улардан фақат қушлар баҳраманд бўлишади холос, – деди Сафарёр бир ёнғоқни иккинчисига тираб кафти билан “қарс” этказиб чақиб ер экан.

Ёнғоқзор ёнғоқчалари гулдан сўнг эндигина жимжилокдай бўлиб мева тугаётган, барглари хом, эндигина ниш ура бошлаган палла эди. Сабоҳат эчки болани онасининг олдига кўйиб юборди-да, ўзи улкан ёнғоқ тагига палатка

тикишга уннаб кетди. Эчкилардан юкларни тушириб олди ва ўтлагани қўйиб юборди. Мўйсафид бош кийимини ечиб олиб ёнғоқ тера бошлади. Кўп ўтмай мўъжазгина палатка бунёд бўлди ва ичига пўстаклар тўшалди.

— Сен қизим, манавиларни чақиб ўтир. Мен кеч кириб қолмай туриб оловнинг ҳаракатини қилай. Кейин ёнғоқнинг инсонга фойдалари ҳақида сенга сўзлаб бераман.

— Хўп, кечга қанақа овқат тайёрлай?

— Чучвара қила қол. Емаганимга қирқ йил бўлди.

Қизнинг оғзи очилди.

— Вой, унимиз йўқ-ку?!...

— Ёнғоқнинг мағзини ўрик мағзига қўшиб туй. Унга дўлана, олма мағизи, кўкнори, ялпиз уруғларидан ҳам туйиб қўш. Сўнгра қушларнинг тухумидан топиб келиб аралаштир, — деди мўйсафид теварак-атрофни кўздан кечираркан. — Ҳа айтмоқчи, қуриган курмак ва ҳар хил ўт уруғларидан ҳам териб келиб, ун қилишинг мумкин. Ин-найкейин, эчкини соғиб сутидан ҳам қўш, тушундингми?

— Ҳа, — деди қиз хайрон бўлиб оғзи очилиб, — Бундан чучвара чиқмайдику.

— Нега чиқмас экан?

— Ахир унга гўшт керак, пиёз керак.

— Қуритилган кийик гўшtidан, ёғидан бир бўлак олиб росаям майдала. Кейин мана бундан териб пачоқлаб қўш, — деди мўйсафид уч-тўрт ёнғоқ гўраларидан териб узатиб. — Хамирингни орасига шу масаллиқни қўшиб ўра. Кастрюлда сув қайнагач, ташлайверасан-да...

— Сиз бу овқатни илгари қилганмисиз? — деб сўради келинчак ҳамон хайратини яшира олмай.

— Йўқ, қизим. Бу илк бор ижро этилади. Лекин бунинг фойдаси беқиёс. Бу ҳақида кейин айтиб бераман. Бундан буён менинг вазифам ўт ёқиш, сеники бўлса овқат пишириш. Келишдикми?

— Келишдик, — деди қиз табассум қилиб.

\* \* \*

Мўйсафид оловни ёқиб қўйгач, кастрюлга сув солиб келиб, уни ўчоқ устига жойлаштирди. Сабоҳат устозининг айтганларини қилиб топган-тутган уруғлардан ун тайёрлаб, лаганга жамлай бошлади. Бу орада мўйсафид бир каклик тутиб келди ва уни тозалаб кастрюлга ташлади.

— Бугун шундай тансиқ дори таом тайёрлайлик-ки, бунақасини ҳатто подшоҳлар ҳам татиб кўрмаган бўлсин.

— Бунини нимага дори эканини айтиб берарсиз.

— Шошилма. Ҳа айтмоқчи, ануви тухум пўчоқларини ташлаб юборма. Уларниям ун қилиб сол.

— Вой, нега?

— Унда суякни бақувват қиладиган калций деган модда кўп бўлади.

— Ҳа, у асосан қонда бўлади.

— Ана кўрдингми. Агар инсон қонида калций камайиб кетса, камини ўз суягидан сўриб ола бошлайди. Бу дегани суяк мўрт бўлиб тез синувчан бўлиб қолади.

Сабоҳат устозининг бу ўғитларини жон қулоғи билан тингларкан, беихтиёр тухум пўчоқлариниям туя бошлади.

— Хўп, мен янги чиққан ялпиз, гиёҳлардан териб келаман.

— Эчкиларгаям қараб қўйинг, узоқлаб кетишмасин.

— Ҳа. Она эчкини олиб келиб боғлаб қўяман. Боласини шу ерга опкелақоламан.

— Айтинг, кўп эмиб қўймасин, чучвараларимиз пишмай қолади-я.

— Хўп, айтаман, — деди мўсафид ўрнидан кўзғолар экан, — Ҳа, айтмоқчи, ўрик туршаги ва мағзиниям қўшиш-ни унутма.

— Туршагимиз жуда оз қолди.

— Бирор ўрикзоргаям дуч келармиз. Бўлмаса биринчи дуч келган қўтондан туршак сўраймиз. Умуман ҳеч қандай овқат бўлмаса-да, туршакни сўриб юраверсак ҳам бўлади. Мен энди тушундим. Очарчилик, йўқчилик пайтлари одамлар фақат туршак сўриб юришарди. Бу бежиз эмас экан.

У юракни бақувват қилади, томирларда қон айла-нишини яхшилайди, қонни кўпайтиради, яхши ҳазм бўлади, асабни тинчлантиради, қанд касаллигини олдини олади, қон босимини меъёрига келтириб туради, энг муҳими, нурланишни кесади.

– Нурланиш. Халиги юлдузлардан келадиган нурни айтяпсизми, тоғажон?

– Оббо, ҳеч саволинг тугамас эканда, – деди Сафарёр ва фикрини жамлаш учун шўрванинг тузиңи кўрган бўлди.

– Озгина шўрроқ бўп қопти. Бошқа солма. Умуман тузни иложи борича кам ишлатган маъқул. Ибн Сино бобомиз “Агар юлдузлардан гард, чанг келмаганида эди, инсон минг йил умр кўрарди”, деб айтган эканлар. “Гард” деганда у киши ана шу радиация нурларига ишора қилган бўлсалар ажабмас. Заминимизнинг ўзи ҳам бир юлдуз. Масалан, мана шу тоғларда уран кўп. Ураннинг нима эканини ўзинг яхши биласан.

– Ҳа. Ундан атом бомбаси, электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

– Афсуски, мана шу уран ва шунга ўхшаш элементлар тоғларда кўп бўлади. Лекин табиат ҳам шундай яралганки, ҳатто радиация нурига қаршилиқ кўрсата оладиган ўсимлик ва мевалар ҳам бисёр. Масалан ўрик дедик, аммо ундан-да кучлироқ бир тоғ меваси борки, уни атайин инсон учун тайёр аптека эканлигини яхши билишмайди.

– Қайси мевани айтяпсиз?

– Зиркни айтяпман. Зиркнинг мевасиям, баргиям, томириям дори. Фақат ҳамма гап уни тўғри тайёрлай билишда.

– Менга ўргатасизми?

– Албатта. Аввал зиркдан бир сиқим олиб шўрвага ташлачи... Оловни паст қилиб, қопқоғини ёпиб қўй. Умуман баланд олов баланд қайнашга олиб келади. Қопқоғисиз баланд қайнатилса биз учун керакли моддалар ҳавога бемаъни кўтарилиб кетади.

– “Нурланиш” ҳақидаги гапингиз охиригача етмади-ку, – деди қиз қўлидаги зиркни тозалаб шўрвага ташлар экан.



— Етди. Ана шу зирк нурланишни кесади.

Шўрва суви сиёҳрангга кира бошлади. Қиз бу жараёнга хайратланиб тикилиб қолди. Гўё хозир ўзини ёввойи табиат қўйнида қорин гамида ўтирган эмас, балки муҳташам кимё лабораториясида ўзини амалий тажриба ўтказаётгандек ҳис қилди: “Наҳотки инсон умрининг узайиши мана шу оддий мева-ю гиёҳларга боғлиқ бўлса. Нега энди шу маҳалгача дунё олимлари булар ҳақида кам ўрганишган экан? Қизиқ, тубсиз уммонларни ўрганишиб-ди-ю, кўз олдимиздаги тоғу тошларни ҳали мукамал билишмас экан”, — деган ажиб ўйлар Сабоҳатнинг хаёлини чўлғаб олди.

Сафарёр сой бўйидан ҳар хил гиёҳлардан оз-оздан териб келиб, уларни ҳам шўрвага ташлади. Бу орада муштумдек келадиган антиқа ҳамир ҳам тайёр бўлди.

— Тоғажон, бу жуда оз бўлди-ку.

— Етади. Жимжилоқдек-жимжилоқдек қилиб тугасан. Менга ўнта, сенга ўн иккитадан кам бўлмаса бўлгани.

— Тугилмаса-чи?

— Тугилмаса, ўрайсан. Шўрвани кастрюл тагида озгина қолдириб шунга ташлай қоламиз. Бир қайнаб олса бўлгани.

— Бу чучвара нима учун керак, ўзи?

— Ёнғоқнинг аччиқ гўрасини ейиш учун. Хоҳласанг хомича чайнаб еявер.

— Э, йўғе...

— Ҳа, яша. Агар уни чучвара қилиб ютсак аччиқ-лигини сезмаймиз, ошқозонни бошлаб алдаймиз. Натижада нимага эришамиз?

— Билмасам.

— Йодга-да. Йод нималигиниям билмайсанми ўзи?

— Биламан. У миянинг иш фаолиятини яхшилайти, инкайкейин бўқоқ касаллигини олдини олади.

— Ҳа, баракалла. Биз сен билан худо хоҳласа мана шу чучварани еб олсак, бу демакки, бир йилгача бўқоқ бўлмаслигимизга кафолат берилгани бўлади.

— Вой, шунақами? Раҳмат сизга устоз, — деб юборди шогирд чин дилдан ҳам қувониб, — Демак ҳар бир инсон

ҳар йили бир маротаба мана шунақа чучвара еб туриши керак эканда-а?

— Ҳа. Ёнғоқ ғўраси сутга кирган бўлиши шарт. Иннайкейин, шафтоли гулидан ҳам ўн дона чучвара қилиб еб олиш керак бўлади.

— Иммунитетни оширади, яъни организмни ҳар хил касалликларга қаршилигини кучайтиради.

— Ҳа, ўшанақа. Умуман олганда ҳар бир меванинг хоҳ у ёввойи бўладими, хонаки бўладими, аччиқми, тахирми, барибир йўлини қилиб ҳар йили бир бор тўйиб еб олиш керак. Бу ўша келгуси пишиқчиликкача меъёр ҳисоб-ланади. Масалан, чакандани олайлик. Унда инсон учун энг керакли витаминлар бор. Мойига-ку гап йўқ. Лекин уни териш қийин, ўзи тахир. Мазасига парво қилмай тўйиб-тўйиб ейиш керак. Айниқса аёллар учун бу жуда фойдали. Хуллас, ҳар қандай аччиқ, тахир гиёҳу меваларни беморга оғзига ёқадиган қилиб беришинг керак. Масалан, асал қўшиб, қайнатиб шакар қўшиб ёки бирор мазали овқатга аралаштириб, тушундингми, қизим.

— Ҳа, устоз, тушундим. Овқатингизни ичинг, совиб қоляпти.

— Савол бермай тургинда, бўлмасам.

— Хўп. Қолганини эртага йўлда гапириб берасиз.

— Эртага вақтли туриб ёнғоқ терамиз. Уни чақиб мағзини олиб кетамиз. У нимага керак, биласанми?

— Қонни тозалайди, овқатни ҳазм қилади... — деди қиз бармоғи билан санаб.

— Унинг ўзи тайёр овқат. У гўшт билан сутнинг ўрнини боса олади. Қон босимини меъёрда ушлаб туради. Миянинг иш қобилиятини оширади. Шунинг учун ҳам мағзи мияга ўхшайди.

— Э-ҳа, қаранг-а, мен шунгаям аҳамият бермаган эканман-а, — дея таажжубланди қиз.

Ниҳоят, тансиқ овқат ҳам тайёр бўлди. Аввалига унсиз чучварани бир-бир ютилгач, устидан мазза қилиб шўрвани ичиб терлашди.

— Ана энди қумғонга сариқ чойдан солиб дамла. Оз-

моз кийик ўтдан қўшсанг ҳам майлига. Э тўхта, туршакни унутибмиз-ку. Ма, манави косага аввал туршакдан солиб қайноқ сувдан қуйиб қўй.

— Чайиб келай.

— Э йўқ, витаминни хайф қилма. Дорунинг юқи ҳам дору бўлади, тушундингми?

— Тушундим.

— Умуман ҳар қандай овқатни еб бўлгач, ўша ондаёқ идишга чой ёки қайноқ сув қуйиб ичмоқ керак. Ювиш масаласига келсак, буни қолиб кетган идишларга чиқарилган.

— Хўп, — деди қиз негадир бехол бўлиб эснаб олди.

— Чарчадинг. Лекин бир овқатни пишириш учун икковлашиб қаттиқ меҳнат қилдик-да. Аслида сенга анави чучвара таъсир қила бошлади. Ёнғоқ, зирк, ўрик дўстлашиб танамиздаги ёвларга қарши курашни бошлашганга ўхшайди. Энди тинч ётиб ухлаш керак.

Сабоҳат жойини тайёрлади-да, “тап” этиб ўзини ташлаб қотиб ухлаб қолди. Мўйсафид кулиб, унинг устига одеялни ўраб қўйди ва олов устига каттароқ ўтинлардан олиб келиб, кўп ўтмай ўзи ҳам пинакка кетди.

## МАРЖОН ТАБИБ

Сабоҳат вақтли уйғониб кетди. Булбул ва бошқа қушлар шундай сайрай бошладики, одамнинг дили яйраб кетарди. Ёмғир тинибди. Ўт ўчиб қолибди. Қиз дарров кулни титкилади ва “хайрият” деб қўйди. Кул ичида катта-катта бир неча чўғ қизариб турарди. У атрофидаги шох-шаббаларни йиғиб чўғ устига ташлади-да, ёнғоқларнинг қуруқ шохларини тез-тез синдириб олиб келди. Тутаётган шох-шаббага қарата бир-икки пуфлади. Олов инжиқлик қилмади, ёна бошлади. Энди қиз кумғонини олиб сойга қараб чопди. Муздек сувда юз-қўлини ювди. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Ёмғирдан сўнг ҳаво шундай ёқимли эди-ки...

Хадемай қорақумғон шақиллай бошлади. Сафарёр ҳам

жуда яхши дам олди. У узоқ йиллардан бери илк бор ғордан ташқарида, ёмғирнинг беармон шитирлашига қулоқ тутиб дам олди. Қизнинг турганини ва чой қўйганини аллақачон сизди. Лекин тургиси келмади. У шогирд қизининг хизматларидан жуда ҳам мамнун эди.

Сабоҳат аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб ҳар хил қуруқ мевалардан нонушта тайёрлади. Кечагидан қолган шўрвани ҳам оловга қўйди. Мўйсафид ширин пишиллаб ухлар, унинг ўсиб кетган сочлари юзини тўсиб қолган эди. Қиз бориб оҳиста унинг сочларини икки тарафга ажратиб қўйди ва хаёлига бир нима келди шекилли, аввалига бир кулиб қўйди-да, мўйсафиднинг икки чаккасидаги сочларини майдалаб ўра бошлади. Ўриб бўлиб унга бир оз тикилиб ўтирди. Игна-ипни олиб кокилларининг тагини тикиб қўймоқчи бўлди ва хуржунини титкилади. Қўлига кечаги терган тасбеҳ доналари илинди. Улар бир ховуч эди. Хаёлига келган фикрдан қувониб кетди ва бигизни ҳам олиб, Сафарёрнинг кокилларни ёзиб, сочга тасбеҳни ўтказа бошлади. Бир кокилига маржон тақиб бўлганида Сафарёрнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

– Нималар қилипсан, қизим?

– Тс-с... Жим ётинг. Сизни ёшартириш бўйича муҳим тажриба ўтказяпман.

Мўйсафид қизнинг беғубор, болаларча ҳаракатидан роҳатланиб ётаверди ва кўз олдига бундан олтмиш йиллар аввалги талабалик йилларида ёқтириб қолган Маржона исмли қизни эслади. Маржона улар ижарада турадиган хонадон соҳибаси Сарви кампирнинг невараси эди. Қизнинг ота-онаси ёш ўтиб кетишган ва у бувисининг қўлида қолганди. Маржона икки талаба йигитнинг кирларини ювиб, овқат пишириб, чой ҳам дамлаб берарди. Ўзи мактабнинг юқори синфида ўқирди.

Бир куни Сафарёр эрталаб ухлаб қолиб дарсдан кеч қолди ва шошиб қўйлагини кийиб чиқиб кетаётганида ёқа тугмаси узилиб тушиб қолганини сезмай қолди.

– Сафарёр ака, тўхтанг! – деб қолди бир пайт ортидан

Маржона. Унинг қўлида тугма турарди. Йигит “Оббо” дея ортига қайтди. Маржона чопиб ичкари кириб игна-ип олиб чиқди ва кўйлакни ечмаган ҳолда тез-тез тикиб берди. Ипни тиши билан “чирт” этказиб узиб йигитнинг кўзларига қараб “Ана бўлди”, — деб чиройли табассум қилган эди, ўшанда...

Сарви кампир ҳам йигитга бефарқ эмасди. Уни иложи бўлса ичкуёв қилишни мўлжаллаб юрар, лекин йигитнинг авлоди узоқ тоғу-тошдан экани уни ўйлантирарди. Йигитнинг аспирантурада қолганини эшитиб, у жуда хурсанд бўлди ва ҳаракатга тушиб қолди. Қиз билан йигит ҳам баъзи-баъзида киноларга бирга тушадиган, комсомол кўли атрофида айланиб келадиган одат чиқаришди. Уларнинг муҳаббати беғубор ва самимий эди. Бироқ машғум уруш уларнинг тақдирларини чилпарчин қилиб ташлади.

...Сафарёр Сабоҳатнинг қиёфасида фаришта мисоли Маржонанинг иш тикаётганини кўз олдига келтирди:

— Маржона! — деб юборди у тўсатдан.

— Ҳа, топдингиз. Мен маржон қадаяпман. Энди бир зум сабр қиласиз.

— Наҳотки бу сен?!...

— Ҳа, нимаиди?

Мўйсафиднинг лаблари титради ва оҳиста бошини кўтара бошлади.

— Тек ётинг, дедим. Ҳозир оз қолди.

Мўйсафид оҳиста яна бошини қўйди. Кўзлари намланди.

— Ана бўлди, — деди қиз ва ипни тиши билан “чирт” этказиб узиб олди.

Сафарёрнинг кўзидан ёш думалаб тушди.

— Ие, вой! Ёш болага ўхшаб йиғлаяпсизми?

— Ҳа. Менга севган қизимни эслатдинг.

— Исми нима эди?

— Маржона...

Қиз қувониб кетди.

— Менга ўша қиз тўғрисида гапириб беринг, — деди у ялинганнамо.

Сафарёр тепасида иштиёқ билан қараб ўтирган Сабоҳатга Маржона ҳақида салмоқланиб гапириб берди. Қизнинг ҳам кўзларига ёш келди. Уларнинг тақдирига жуда ачинди. Лекин ўзининг тақдири ҳам уларникидан қолишмаётганини эслаб, руҳан эзилди. Хаёлга берилди.

— Мен ювиниб олай, қизим.

Қиз сапчиб тушди.

— Ҳа-ҳа, мен сизга иссиқ сув тайёрлаб қўйдим, — деди у шоша-пиша ва мўйсафиднинг туришига ёрдамлашди. Маржон кокилли киши анчагина тетик эди.

— Раҳмат қизим. Хотирам ~~ли~~ ҳам тикланишти шекилли... Ана кўрдингми, бунинг ҳаммаси кечаги чучваранинг иши. Сениям кўринишинг ҳам ёмонмас, кечагидан кўра анчагина гўзалсан.

— Ов, ёмонсиз Кўчқорака!

— Бу нима деганинг?

— Бизнинг вилоят театримизда “Темир хотин” деган спектакл бўлувди.

— Ўша хотиннинг гапими бу?

— Ҳа.

— Эҳ, қанийди ёш йигит бўлиб қолсайдим, темир бўлсанг ҳам, сўғир бўлсанг ҳам сенга уйланиб олган бўлардим.

— Сиз эркаклар ўзи шунақасизлар.

— Нима?

— Бу бошқа спектаклдан.

— Ҳе, испектакилингдан ўргилдим, — дея мўйсафид гудраниб чиқиб кетаркан, маржон кокиллари мамнун сийпаб қўйди.

“Маржон бу кишига жуда ярашди. Энди уни кўрганлар маржонли киши, — “Маржон табиб” деб аташса ҳам бўларкан”, — дея хаёлга борди қиз Тошкентда Мош табиб борлигини эслаб.

Улар нонушта қилиб бўлишгач, Сабоҳат хаёлида пиширган қарорини маълум қилди.

— Тоғажон, биласизми энди сизни ким деб атаймиз?

— Ким деб атасанг атайвер. Фақат “тегаман” демасанг

бўлгани, — деди кулиб мўйсафид.

— Вой ўлай! — деб юборди қиз, — Ёмонсизку Қўчқорака.

— Қўчқор исмини мен ёқтирмайман.

— Хазиллашдим. Сиз бугундан эътиборан “Маржон табиб” сиз.

Мўйсафид Сабоҳатга жилмайиб, “Оббо шайтон қизей” деб қўйди. Бу унинг ризолик аломати эди.

— Мен яна бир нарсага амин бўлдим қизим.

— Нима экан?

— Ёлғизлик ҳам инсонни тез қаритар экан. Сени учратганимдан буён ўзимни гўё яшараётгандек ҳис қила-япман. Асабларим жойида. Хазил-мутойибага ҳам мойил бўлиб қолдим. Умримда кулмагандим. Ўшанда “ўламан” деб ётганимда.

— Мени “ўламан” деб куйдирганингиздами?

— Ҳа. Ўшанда умрим бино бўлиб илк бор қаттиқ кулдим. Ўпкаларим ёпишиб кетган экан шекилли. Майда томирчалари қисилиб, қон юрмай юрагимни ғаш қилаётган экан. Қаттиқ кулганимда шу нарса ёзилиб кетди. Эҳтимол шунинг учун мен ўлмай қолгандирман. Ё аксинча, куламан деб ўлиб қолишим ҳам мумкин эди.

— Ўшанда бир худо сақлади. Демак сиз клиник ўлимга бораётган экансиз. Мен бўлсам сизни гўрга кўмиб юборишимга бир баҳя қолувди. Яхшиям гапингизга кирмадим!

— Айниқса “Эркак кишимисиз, ўзи?” деганингда юрагим гуппилаб тез уриб кетди.

— Демак аёллар эркакларни сўкиб туришиям керак эканда.

— Э йўқ. Бу асаббузарлик бўлади. Фақат хурсандчилик, кулгу, завқланишгина асабни тинчлантиради. Асаби бузилганида инсоннинг барча касалликларга қарши кураши, яъни халиги нимаиди?

— Иммунитети.

— Ҳа ўшаниси пасайиб, барча касалликларга йўл очиб беради.

- Бунга қаршиям бирор гиёҳ дорингиз бордир.
- Укропда. Унинг шарбатини ҳар куни уч маҳал ичиш керак. Яна картошканинг пўчоғини қайнатиб сувини ичиб туриш мумкин.
- Э, яшанг, Маржон табиб. Ана энди сиз билан дунёнинг у чеккасигача кетсак ҳам бўлаверади.
- Эртага сахар жўнаймиз.
- Нега?
- Мағизни қайнонанг тайёрлаб бермайдику.
- Нима, бошқа жойда ёнғоқ йўқ эканми?
- Йўқ. У ёқларда одамлар бор. Териб кетишади.
- Бўпти. Бугун нима овқат тайёрлаймиз?
- Ёнғоқ, ўрик, узум, зирк майизини майдалаб асал билан аралаштириб паққос туширамиз.
- Ўв, хотирани тикларканмиз-да.
- Ҳа, ёшликни бир эслайлик.
- Маржон опаниямми?
- Ярамга яна туз сепасан-а.
- У Тошкентнинг қаерида туради?
- Камолон маҳалласида. “Камолон-45”. Ҳеч ёдимдан чиқмайди.
- Бузилиб кетмаганмикин?
- Билмасам, қизим.
- Худо хоҳласа, эсон-омон бўлсак, мен у кишини қидириб кўраман. Ишқилиб...
- Ҳа. Қанийди бир кўриша олсак.
- Айтишингиз бўйича кимдир уларникига ичкуёв бўлган. Бола-чақали ҳам бўлиб кетишгандир.
- Албатта...
- Ҳозир ёшлари нечада бўлиши мумкин?
- Тахминан олтмиш бешларда.
- Эҳ, қанийди сизларни учраштира олсайдим.
- ...Ёнғоғингни терсангчи...



Шу зайл улар яна узоқ сафарга йўл олишди. Устоз ва шоғирднинг туганмас суҳбати туфайлими, йўл азоблари деярли сезилмасди. Деярли одамлар юриб бўлмас сўқмоқлар, бир томони жарлик тик қоялар, чакалакзорлар, суви совуқ сойлар, ўтиб бўлмас қорли чўққилар, вахший хайвонлару захарли илонлар... Улар ҳар куни, ҳар сонияда дуч келадиган одатдаги ҳол бўлиб, бир пичоғу, бир чети учиб кетган болталари бор эди, холос. Баъзида ёмғир, баъзида изғиринли шамол юргани қўймас, гугурт бўлмагани учун чақмоқ тош ёрдамида оловни бир илож қилиб ёқиб олишгач, ундан айрилгилари келмасди. Оловнинг ўчиб қолмаслиги учун энди тунлари навбатчилик ҳам қилиша-диган бўлишди.

Бир куни хунук воқеа юз берди. Сафарёр ов қилгани Сабоҳат эса ўтин тергани яқин атрофга кетган эди. Қайтиб келса бир айиқ улар боғлаб кетган она эчкини ғажиб ташлабди. Палаткаларни бузиб хуржунлари титкилаб ташланибди. Қолган эчкилар эса тоққа қараб қочган кўринарди. Бу ҳолатни кўриб Сабоҳат қичқириб юборди ва узоқдан туриб айиққа тош ота бошлади. Айиқ дастлаб ўзини ҳимоя қилган бўлди, лекин жажли жунбушга келиб, ўкириб қиз томонга кела бошлади. Қиз эса жон жаҳди билан тепалик томон қочиб устозини чақира бошлади. Тезликда бир қоя тепасига чиқиб олиб у ердан катта-катта тошларни юмалата бошлади. Тошлар йўлида бошқа тошларни ҳам эргаштириб айиқ тошбўронда қолгачгина, “Ҳали мендан кўрасан”, дегандек бўкира-бўкира нари кетди. Яхшиямки бу орада Сафарёр келиб қолди ва воқеадан бохабар бўлди.

— Сабоҳат, қаердасан?! — дея қичқирди у.

— Тепадаман! Эҳтиёт бўлинг, айиқ бор!

Сафарёр буйдаланган эчкини бўшатиб уни анча нарига судраб кетди. Ҳақиқатан ҳам олдидан айиқ чиқиб келгач, у ҳам ортига қараб қочди. Айиқ эса бир-икки норози бўкиради-ю гўштга ёпишади. Фурсатдан фойдалана-ниб нарсаларни тез-тез йиғиштира бошлашди. Сабоҳат ҳам кўрқа-писа тушиб келади.

– Эчкилар қани?

– Тепада юришган бўлишса керак.

– Ҳа майли, кейин олиб кетамиз. Хозир бу ердан кетмасак бўлмайди. Бу ер айиқларнинг макони экан. Мен ҳам ов қилолмадим. Тезроқ бирор қўтонга етиб олишимиз керак. Афсус, милтиғимиз бўлганида эди.

Улар юкларнинг энг зарурларини олиб, қолганини тошлар ортига яшириб, бўлишиб олишди-да, тезликда жўнаб қолишди.

– Хайронман, сени анави йигитлар қандай қилиб олиб келишган экан-а? Шунақа йўллардан ҳам юрганмидинг?

– Эсимда йўқ.

– Қанақасига?

– Мен хушсиз эканман.

– Ахир келганинда жайрондек диркиллаб турган эдинг-ку.

– Ҳа, унда ўзимга келувдим. Сарварнинг айтишича, ўшанда ўн тўрт кун йўл босган эканмиз.

– Э қойил-е!

– Ўзингиз қанақа қилиб бориб келгансиз?

– Унда мен ҳам ёш эдим. Ҳеч нарсадан қўрқмасдим. Тўғриси айтсам, мен унда хайвонлардан эмас, кўпроқ одамлардан қўрқардим. Уларни кўрсам яширинардим. Шунақа зада бўлгандим-ки...

– У замонлар бошқа эди. Неча-неча бегуноҳ одамларни йўқ қилиб юборишарди. Сиз ҳам ўша қатоғоннинг қурбонисиз, холос.

Улар шу зайл узоқ йўл юришди ва кечки пайт бир қирғиз қўрғонига етиб олишди. Ёввойисифат одамларга кўзи тушган учта “эшакдек” итлар улар томон шашт билан чопиб кела бошлашди. Яхшики, улкан тол бор экан. Йўловчилар хуржунларини ташлаб тезликда унинг устига чиқиб олишди. Теварак-атрофни итларнинг ваҳимали вовуллаши тутиб кетди. Кўп ўтмай бир милтиқли қирғиз йигит отини чоптириб етиб келди ва итларга кетиш ҳақида буйруқ берди.

- Кимсизлар? – деди у отини жиловлаб.
- Йўловчилармиз. Адашиб қолдик, – деди Сафарёр.
- Қаёққа бормоқчисизлар?!
- Исфарага.
- Эҳ-ҳе, тушинглар.
- Итларинг тоза жангари экан.
- Ҳа. Қўйларни бўрилардан қўриқлашади-да.
- Айиқлар ҳам келишадими? – деб сўради Сабоҳат

дарахтдан сакраб.

- Ҳа. Уларниям қувишади. Салом-алайкум!
- Воалайкум, – деди мўйсафид ва йигитнинг қўзла-  
рига тикилиб жим қолди ва “Тилингни чиқарчи”, деди.
- Йигит хайрон, тилини чиқарди.
- Сарик бўлганмисан?
- Ҳа.
- Қачон?
- Икки йил бўлди.
- Яхши даволанмаган экансан. Яна қайталабди.
- Касалхонада ётишга вақтим йўқда. Ўтовга  
юринглар, марҳамат.
- Кимлар бор?
- Ота-онам, болалар...

Шундай қилиб, йўловчи табиблар ўтовда тунаб қолишди. Қирғизлар уларни “қуртов” деган хушхўр овқат билан меҳмон қилишди. Устоз ва шогирд бу оиланинг ҳар бир аъзосини, эртаси хатто, қўй-эчкиларигача бирма-бир тиббий кўриқдан ўтказиб, ўз маслахатларини бериб чиқишди. Энг муҳими темир арра топиб, қизнинг оёғидаги темир халқаларни олиб ташлашди ва ўрнига малҳам қўйиб боғлаб қўйишди.

Мезбонлар меҳмонларни учинчи кун иززат икром билан кузатиб қўйишди. Бир кун аввали эса, “Маржон табиб” қирғиз йигит билан отларда айиқлар масканига бориб қолган нарсалар ва эчкиларни олиб келишди. Эчкиларни шу ерда қолдиришди. Тоғ сўқмоқлариаро икки эшакда равона бўлишди.

Поёнсиз Олой тоғлари қўйнида боришар экан, турли қўтонлар, зиёратгоҳларда тунаб қолишар, йўл-йўлакай эса одамларнинг саломатликларини кўриқдан ўтказиб, ўз маслахатларини бериб боришарди. Тиббиёт соҳасидаги ўзаро мунозараларининг ҳам поёни кўринмасди. Шундай қилиб, бетакрор тоғу-тошлар оралаб бир ойлар чамаси йўл юришгач, Сўх дарёсининг бошланиш қисмига етиб олишди.

— Мана, ниҳоят ватанингни иси кела бошлади. Сезаяпсанми, қизим?

— Ҳа! — деди қиз севиниб чуқур нафас оларкан.

— Одамларнинг айтишича, Чўнғара деган жойда “Йигитпирим” деган азиз жой бор эмиш.

— Ҳа бор. У бизнинг қишлоққа жудаям яқин.

— Мен ҳам тахминан шундай деб ўйловдим. Ўша ерда ажрашамиз. У ёғига ўзинг кетаверасан.

— Вой, нега? Мен билан юраверинг. Ота-бола бўлиб бирга яшайверамиз.

— Йўқ, қизим. Сенинг йўриғинг бошқа. Сен ўз бахтингни топишинг керак. Эҳтимол Сарвар сени интизорлик билан кутаётгандир.

— Шундай аҳволда унинг олдига қандай кириб бораман-а?

— Севги уст-бошга қарамайди. Нима, сенингча, Лайли билан Мажнун пўрим бўлиб юришганми? Аксинча, Сарвар қойил қолади. Садоқатингга тан беради. Кейин кийимларингни алмаштириб оласан, албатта.

— Вой, йўлда кийим сотиб олсакчи.

— Унда эшакда кетолмайсанда.

— Бу ёғига бирор машинада кетаверармиз.

— Йўқ. Мен изимга қайтиб кетишим керак. Шохи-мардон пиримни зиёрат қилиш ниятим ҳам йўқ эмас.

— Сиздан ҳеч ажралгим келмаяптида, тоғажон.

— Худо хоҳласа, ўлмасак, яна кўришамиз.

— Сизни қаердан топаман?

— Мен энди қолган умримни одамларга хизмат

қилишга бағишлайман. Уларни даволайман. Сен ҳам албатта шу ишни қил.

— Албатта, устоз. Айниқса сиздан ўрганган умр узайтириш борасидаги амаллар устида иш олиб бораман.

— Яна қандай муаммоли касалликлар бор, қизим?

— Рак касали, бангилик. Яна СПИД деганиям чиққан.

Буларни дарди бедаво дейишади.

— СПИД дегани нима экан?

— Иммунитет танқислиги туфайли одам организмининг вирусларга қаршилиқ қила олмай қолиши.

— Юқумлими?

— Ҳа.

— Вабога ўхшайдими?

— Йўқ.

— Унда давосини топса бўларкан.

— Бангиликни-чи?

— Бу жуда қийин масала... — дея ўйланиб қолди мўйсафид ва эшагини бир ниқтаб кўйдида, сўзида давом этди:

— Бунинг учун ўша банги, яъни беморнинг иродаси жуда кучли бўлиши, ўз хоҳиши билан даволанишни ихтиёр қилиши, ўзини руҳан тайёрлай билиши керак. Ривоят қилишларича, Бухоро амири оғир бетоб бўлиб қолибди. Унинг иштаҳаси йўқолиб, озиб-тўзиб кета бошлабди. Шунда унинг хузурига ўша даврда Бухорода ном чиқарган табиблардан бирини олиб келишибди. У табиб амирга чилимда наша чекиш ва кўкнори ичишни тавсия қилибди. Бемор ҳақиқатдан ҳам иштаҳага кириб ўзига кела бошлабди. Табибга таҳсинлар айтишиб, иззат-икром кўрсатишибди. Лекин орада бир ойлар ўтгач, наша чекмай, кўкнори ичмай кўйган амирни бошқа бир дард тута бошлабди. Бироқ у табибни топишга олмабди.

— Кейин нима бўпти? — деб сўради Сабоҳат қизиқиб.

— Кейин Ибн Синони олиб келишибди. Буюк ҳаким беморни кўрибди, “Амир банги бўлиб қолибди” деб айтибди. Уламоларнинг бундан жаҳллари чиқибди ва дағдаға қилиб ундан беморни даволашни талаб қилишибди. Ибн Сино

эса “Бўлмаса менга нарвон келтиринглар!” дебди. Нарвонни келтиришибди. “Уни маҳкам тик ушлаб туринглар” — дебди табиб ва нарвон устига ўзи чиқиб, орқасидан қайтиб тушибдида, ҳаммани хайратда қолдириб кета бошлабди. “Хой тўхтанг, беморни даволамайсизми?” — дейишибди уламолар. Шунда у тўхтаб, “Бемор нарвон устида турибди, энди уни қандай чиқарилган бўлса, худди шундай олиб туриши керак” деган экан.

Қиз хайрон бўлди.

— Тушунмадим. Бу нима дегани экан?

— Бу дегани “Олдинги табиб беморнинг иштаҳасини очмоқ учун нашанинг дозасини қандай ошириб берган бўлса, энди фақат шундай йўл билан камайтириб даволаш мумкин, бошқа йўли йўқ” дегани.

— Бу демак “Нарвон усули” денг.

— Ҳа. Бу лекин жуда узоқ давом этади. Бунда инсон қони тўла захарланган бўлади. Агар юраги қувватсиз бўлса узоққа бормайди.

Қизгин суҳбат билан дарё ёқалаб боришар экан, энди тез-тез йўловчиларга ҳам дуч келиша бошлашди. Улар салом бериб ўтишар экан, рўдапо кийинган икки тоғлик йўловчининг ортидан суқланиб қараб қолишарди. Ҳа демай тош йўлга, сўнгра асфальтланган йўлга ҳам чиқиб боришди. Онда-сонда ўтиб турган замонавий автомобилларни кўриб Сафарёр хайратланарди. Бир жойда тупроқни сураётган булдозер ва ариқ қавлаётган экскаваторга дуч келишди.

— Эҳ-ҳе, танкаларни шунақа қилиб ишлатсаям бўлар эканку, — деди у чиндан ажабланиб. — Агар урушдаги ҳамма танкаларни теп-текис қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас экан.

Бу гапга Сабоҳат қотиб-қотиб кулди. Унинг беғубор кулгуси билан машиналар овози уйғунлашиб кетди. Бир жойда шаҳарда дам олгани чиққан йигит ва қизларга дуч келишди. Улар соҳил бўйида деярли ҳаммалари чўмилиш кийимида эдилар. Кимдир офтобда тобланиб ётар, кимдир қармоқда балиқ тутар, бошқалари даврада дастурхон атрофида қадаҳларни уриштириб, тамадди қилишмоқда,

икки жуфт ёшлар эса баланд кўйиб кўйилган мусиқага европача рақс тушишмоқда эди. Уларга кўзи тушган мўйсафид “Астахфируллоҳ!...” деб юборди ва уларга қарамасликка ҳаракат қилиб эшагини жадаллатди.

— Вой, анави ёввойиларни қаранглар, — деди бир қиз.

— Яхшимисизлар?! — деб қўл силтаб кўйди Сабоҳат уларнинг эътиборларини жалб қилганини тушуниб.

— Улар билан ишинг бўлмасин, юр тез! — деди мўйсафид.

— Келинлар, овқатланиб кетинглар! — дея қичқирди бир йигит.

— Йўқ раҳмат, яхши қолинглар! — деди Сабоҳат.

— Тавба, шунақаям шарманда бўлишадими? — деди Сафарёр бошини асабий ликиллатиб.

— Вой, нега унақа дейсиз. Бу ҳозирги замон ёшларида. Шунчаки дам олишаяпти. Шаҳарлик талабалар бўлишса керак.

— Кечагина паранжи ўраб юришганди-ку. Мусулмончилик, шарм-ҳаё деган нарсалар бор, ахир.

— Тўғри, лекин замон ўзгариб, европачалашиб кетиляптида.

— Бу кимга керак? Бизнинг ўз миллийлигимиз, урф-одатларимиз бор. Уларни қадрлашимиз, эҳтиёт қилишимиз керак. Миллий кийимларимизни ҳам аждодларимиз табиат, иқлим-шароитга мослаб яратишган. Демакки, булар ҳам маҳаллий аҳолимизни турли касалликлар, офтоб, намлик ва ўта қуруқликдан асрайди. Масалан, Сахрои Кабирда эркаклар ҳам паранжи ўраб юришади, чунки кучли қуёш нурини қайтаради. Шимолда пўстин, кийгиз этик кийишади. Бизда эркаклар қишда пахтали чопон, ёзда пахталик яктак-чорси, бошга қора дўппи кийишлари бежиз эмас. Ҳаммасининг ўз иқлимга хос ўз сир-асрори бор.

Сабоҳат устозининг теран фикрларига қойил қолди.

— Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман. Бизда пахтали чопон, дўппини фақат совуқ маросимлардагина кийишади. Ҳажга бориб келганлар бўлса, арабча узун оқ кийим кийиб олишади.

— Демак, hozирги одамлар дин билан миллийликни фарқига боришмай қолишибди-да. Бу уларнинг ожизлиги, манмансирашлари холос.

Ана шундай ўзаро қизгин суҳбат ва бир жуфт эшак туёқларининг бир маромда асфальт йўл ёқалаб “тақ-туқ” лаб боришлари туфайли кечки пайт Чўнғара қишлоғидаги “Йигитпирим” зиёратгоҳига етиб олишди. У ерда сувлари улкан тошлар орасидан сизиб чиқиб бир ариқ бўлиб оқувчи булоқлар бор экан. Улар шу сувдан аввало юз-кўзларини ювиб, тўйиб ичиб олишди.

— Жаннатгорнинг сувига ўхшамас экан, — деди Сабоҳат.

— Ҳа, албатта. У маъданли сув эди. таркибида ҳар хил фойдали тузлар кўп эди.

— Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар! — деб қолди шу пайт бир ўрта ёшлардаги замонавий кийинган бир йигит.

— Ассалому алайкум, — дея сўрашди Сафарёр.

— Бизлар зиёратга келгандик. Анави хужрада ўтириб-миз. Сизларга кўзим тушиб қолди. Меҳмонга ўхшайсизлар, бу ернинг девзира гурунчда, бир чўқим ош қилгандик, марҳамат қилинглр.

— У ерда аёллар ҳам борми?

— Аёллар алоҳида ўтиришибди. Қариндошлар бир тўпланиб келувдик. Ошни еймиз-у, қайтамиз.

— Э яхши. Ош емаганимгаям 40 йил бўлувди. Юрақол қизим, риск-насибадан юз ўтириб бўлмайди. Сизлар қаердан келдинглар? — деб сўради Сафарёр сертакаллуф йигитдан.

— Бизлар Чимён деган қишлоқдан. Шоир Хувайдонинг ватани, ҳамма келиб даволанадиган катта сихатгоҳ бор-у, билсангиз керак. Исмин Муроджон.

— Йўқ, билмайман. Тоғу-тошда юрганамга қирқ йилдан ошди. Бизлар табибмиз. Бу қиз менинг шогирдим. Ўзи дўхтир, тиббиёт бўйича илмий иш олиб боряпти.

— Ие, унда ҳамкасб эканмиз. Мен ўша сихатгоҳда ишлайман, — деди Муроджон Сабоҳатнинг тўзиб кетган



сочлари, пўстак уст-боши, сарғайиб кетган тишларига ажабланиб қараб қўяр экан.

– Қайси соҳанинг дўхтирисиз? – деб сўради Сабоҳат.

– Андролог. Тушунсангиз керак.

– Бу нима дегани, қизим?

– Эркаклар касалликлари бўйича мутахассис.

– Э шундайми? Унда сизга иш кўпайибди-да. Хозир йўл-йўлакай дарёнинг яхдек сувида чўмилаётган ёш йигитларни кўрдик. Мижозларингиз кўпайяпти шекилли.

– Ҳа, – деди Муроджон уларни хужрага бошлаб кираркан, – Простата бези эркакларнинг нозик, иккинчи юраги ҳисобланади. У тез шамоллайди, бепуштликка олиб келади. Ёшлар бунга аҳамият беришмайди.

– Лўли эркаклар хотинлари билан аразлашса нима қилишар экан, биласизми?

– Йўқ.

– Совуқ тошнинг устига ўтириб олишаркан, – деди Сафарёр хо-холаб кулиб.

– Кейинчи? – деб сўради Муроджон ҳам кулгига қўшилиб.

– Кейин хотиннинг ўзи ялиниб келаркан.

Ош устида Сафарёр даврадагиларни ўзига қаратиб ҳар хил хазил-мутойибалар қилиб ўтирди. Суҳбат мавзуси эркакларнинг тобора нозиклашиб бораётгани, унинг даволаш усуллари ҳақида бориб, ҳатто ажодларимизнинг отни эгарсиз миниб юришлари ҳам бежиз бўлмаганлигига қадар етиб борди. Сабоҳат эса, аксинча, аёллар даврасида жим ва тортиниб ўтирар, совун кўрмаган, ёрилиб қорайиб кетган қўллари ва беўхшов ўсиб кетган тирноқларидан, оёғида кўриниб турган занжир халқа қолдирган яралардан хижолат бўлаётган, шу туфайли ҳам, қанчалар ош егиси келаётган бўлса ҳам иштаҳаси бўғилиб ея олмади. Аёллар ҳам бу ёввойи-дайди қизнинг қаердан келиб қолганига хайрон бўлиб, уни бошлаб келган Муроджондан хафа эдилар.

“Тавба, – деб қўйди хаёлан Муроджоннинг хотини Лазокат. – Овқатнинг устига кимни бўлса бошлаб

келишаверарканда, хали бир уришиб қўяй...” У ҳам сихатгоҳнинг тиббиёт ходимаси бўлгани учун аёл кишининг ўзига қарамай, айниқса, санитария-гигиена қоидаларига амал қилмай юришини тасаввур қила олмасди.

— Олинг меҳмон, уялманг, — деди аёллардан бири.

Ош деярли ейилмади. Иштаҳалари бўғилгани табиий эди. Эркаклар даврасида эса ош ейилиб, товоқларга чой қуйилиб айлантириб ичиб ҳам чиқилди. Сўнгра Сафарёр яхши дуои-фотиҳа қилди.

Ташқарига чиқишгач, Лазокат Муроджоннинг бир четга тортиб уришиб берди.

— Вей хотин, нималар деяпсан?! Ахир у аспирант, ТошМИни тугатган аёл экан. Илмий иш қиламан деб тоғутошларга чиқиб кетган экан-да...

“Вой тавба” дея Лазокат анграйиб қолди ва Сабоҳат ҳақида ёмон фикрга борганидан ўзини ноқулай сизди. Шу туфайлими, бир четда ийманиб турган “аспирант қиз”нинг олдига хайрлашиш учун бориб узрини айтди.

— Чимёнга, бизнинг сихатгоҳга боринг. Яхшилаб даволаниб ўзингизга келиб оласиз. Ҳамкасб эканмиз. Тиббиёт соҳасида биз ҳам яхши ишларни амалга оши-раяпмиз.

— Шунақами? Масалан қанақа амаллар?

— Масалан, инсон умрини узайтириш бўйича биз фойдаланаётган олтингугуртли сувдан яхшиси йўқ.

— Нима учун? Уни ичиб бўлмайди-ку.

— Ҳа, тўғри. Даволанувчилар ванна қабул қилишади. Дори сув организмга тери орқали ўтиб, қон айланишини яхшилайти. Қонни, жигарни тозалайти, асабларни тинчлантиради. Кейин алоҳида истеъмол қилгани маъданли сувимиз ҳам бор. У овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини яхшилайти. Сихатгоҳимиз жуда гузал, табиат қўйнида. Ичидан Шохимардоннинг сойи оқиб ўтади.

— Демак, инсон умрини узайтиришга старли манбалар бор экан-да.

— Ҳар йили келиб турадиган мижозларимиз бор. Уларнинг ёшлари ўтиб қолган бўлсаям соч-соқолларига хали оқ тушмаган.

– Яхши. Қизиқтириб қўйдингиз. Омон бўлсак, албатта бораман.

Зиёратчилар автобусга ўтириб жўнаб кетишди. Уларда Маржон табиб ва унинг шогирди катта таассурот қолдирган эди.

– Сен ҳам энди борақол қизим. Сафаринг қариди. Мен эса бугун шу ерда қолиб, сахар Чимён орқали Шохимардонга жўнайман. Анави йигитлар менга манзилларини ёзиб беришди. Водийнинг одамлари яхши экан. Бу ерларда зиёратгоҳлар ҳам кўп эмиш. Иложи бўлса, ҳаммасини бир-бир кезиб келаман. Дўстлар орттираман, одамлар орасида бўламан. Аллоҳдан сенинг бахтли-саодатли бўлишингни доимо тилаб юраман.

– Раҳмат, устоз. Сиз билан яна учрашиш насиб қилармикан?

– Албатта, қизим. “Тоғ-тоғ билан учрашмайди” дейишади. Бизлар ахир, инсонмиз-ку.

– Манзилингиз аниқ бўлганида менга маълум қилишингизни истардим, — деди қиз ва кўзларидан ёш думалади.

– Ҳа. Лекин сенинг ҳам манзилинг аниқ эмас.

Мўйсафид теварак-атрофга қаради ва булоқ ортидаги улкан тошлардан бирини кўрсатди.

– Бўлмасам бундоқ қилайлик. Кимнинг манзили аниқ бўлса анави тошнинг тагига хат ёзиб, салафан қоғозга ўраб қўйиб кетайлик, — деди у ва ўша томонга ўтиб тошлар оралиғидан тушдида, — Мана манави ерга, — деб жойини кўрсатиб ҳам қўйди.

Шундай қилиб, улар хайрлашишди. Маржон табиб шогирдининг ортидан изтироб ила узоқ тикилиб қолди... Сабоҳат унинг учун фарзандидек азиз бўлиб қолганди.

– Хайр, омон бўл, қизим. Бахтинг очилсин, илоҳим, — деди у пичирлаб.

Сабоҳат Мансурнинг уйига етиб келганида, тонг ёриша бошлаганди. Сабоҳат бир пайтлар ётиб ухлаб қолган ўша қадрдон скамейкага ёнбошлаб, мизғий бошлади.

Мансур уни қандай кўтариб, олиб кириб кетганини эслади. Ширин орзулар қилди.

«Уйдан чиқишини кутаман. Эҳтимол, мени халиям кутаётгандир. Қизиқ, мени скамейкада кўрса қандай аҳволга тушаркин-а? Соғиндимикин?..». У ана шундай хаёлларга берилиб, ухлаб қолди. Бир оз ўтгач, куча эшиги очилиб, ичкаридан бир хомиладор келинчак чиқди ва кўчага сув сепиб, супира бошлади. «Вой тавба, — деди чўчиб уйғониб кетган Сабоҳат. — Бу ким бўлди? Наҳотки Мансур акам уйланган бўлса...» Келинчакнинг ишини кузатаётган Сабоҳатнинг хаёлига шу фикр келди. Бу шуб-ҳаси ҳақиқат бўлиб чиқди. Бир пайт дарвозадан майкачан Мансур чиқиб келди.

— Хой, Манзура! Сабоҳат уйғониб йиғлаяпти. Боринг, каранг! Йиғиштиринг-ге шу ишингизни.

— Хўп хозир, Мансур ака, оз қолди.

Сабоҳат бир сесканиб кетди. “Нима, “Сабоҳат” дедими? Эҳ-ҳа, аллақачон кўшни Карима холанинг қизи Манзурага уйланибдида. Фарзандли ҳам бўлишибди... Исмимни кўйибди. Демак мени ўлиб кетган, деб ўйлабди”, — деди у ўз-ўзига ва руҳан эзилиб кўзидан ёш думалади.

Мансур кириб кетди. Шу пайт сал наридаги эшик очилиб кўшни Карима чиқиб келди.

— Ҳа, сахар мардонлаб нима шовқин, қизим?

— Вой, ассалому-алайкум, ойижон. Шу неварангиз жуда инжиқ чиқди-де.

— Унга “Сабоҳат” деган номи оғирлик қиляпти-да. Қудам Ширмонойга юз марталаб айтдим-а. Умри ўхшамасинда ишқилиб...

— Вой, унақа деманг. Мансур акам кўнмаяптила-де, нима қилай...

Шу маҳал Карима холанинг уйдан бир кучукча чиқиб келди. Ит гулзор ичидаги шарпани чезди шекилли, югуриб келиб хадеб аккиллайверди. Сабоҳат яшил тўсиқ ортига букчайиб яшириниб олди. Қани энди, ҳозир шу кучук қулига тушуб қолсаю, уни бўғиб ташлаб хуморидан чиқса...

Лекин она-бола кучукнинг безовталанганига “Бирор мушукни кўриб қолгандир-да” дегандек парво ҳам

қилишмади. “Кет!”, — дея қўли билан силтади Сабоҳат. Кучук энди тўсиқ ортига ўтди. Сабоҳатнинг ғазаби шундай кўзидики, беозор махлуқчага гўё ялмоғизлардай хурпайиб, унга ташланиб еб қўймоқчидай важоҳат билан тикилди. Кўрқиб кетган кучук думини писиб, ғингшиб қочиб қолди. Ичкаридан “Манзур!” — дея Мансурнинг яна қичқирган овози келди. “Бўлпти, ойижон”, — деди-да, келинчак ичкарига шошилди. Хола ҳам алланималарни жаврай-жаврай уйига томон йўналди. Фақат кучукчагина тилларини ялаб тўсиқ томон кулоқларини динг қилиб қараб турарди. Сабоҳат ўрнидан кўзғолиб беихтиёр гузар томон кета бошлади. Ит ғингшиб ўзини ичкарига олди.

Йўл-йўлакай учраган қишлоқ одамлари, келин-у, жувонлар унинг ортидан ҳайрон қараб қолишарди. Бир болакай кўчада копток ўйнамоқда эди.

— Ҳой, Бобур, кир, нонуштангни қил.

— Хўп, хозир, — деди у ўйинини тўхтатмай.

— Анавини қара — деди аёл Сабоҳатни кўрсатиб. — Дайди хотин келяпти, сени хуржунига солиб кетади.

Болакай Сабоҳатга қаради ва кўрқиб, йиғлаб уйига қириб кетди.

— Қаранглар, бир жинни келяпти, — деди йўл четида турган бошқа бир бола шеригини туртиб.

Сабоҳат гап кўпроқ хуржунни ҳақида бораётганини фаҳмлади ва уни қаергадир яшириб қўйиб, кейин олиб кетиш ҳақида ўйлади. Лекин қаерга? Жой излай бошлади ва қишлоқ четидаги ярим ўралган эски мозорга кўзи тушди. Бу айни муддао эди: «Эрта тонгда ҳеч кимнинг иши бўлмайди» — деди хаёлан. Эски қабрлан бирини топиб, мрамор орқасидаги чуқурга хуржунини қўйиб, уни тош билан кўмиб қўйди. Кўрган одам уни зиёрат қилгани келган дейиши мумкин эди. Қабрдаги ёзувни ўқиб, унинг жойлашишини эслаб қолди. Энди Сарварни қишлоғидаги ота ҳовлисига бормоқчи бўлди. «Ҳар ҳолда, у ерда кимдир бордир. Ҳеч бўлмаса Сарвар ҳақида бирор маълумот оларман» — деган ўйга борди. Унинг уйи ўн километр чамаси наридаги Бешкапа қишлоғида эди. Боришга қийналмади, йўловчи таксистлар кўп экан. Йўловчилар уни лўли хотин деб қабул қилишди ва чурқ энишмай бурун-ларини

беркитиб кетишди. Чунки пўстак, ёғ ҳиди тутиб кетган, Сабоҳат эса бу ҳидларга кўниқиб кетганди.

...Дарвозани юзидан заҳар томиб турадиган бир аёл очди.

— Ассалому алайкум...

— Оббо, саҳармардондан тинч қўймайсанлар эканда—а!

Келаверишади, келаверишади...

— Мен Сарвар акамни қидириб келувдим.

— Қанақа Сарвар? Жияним ўлиб кетсаям тинч қўймас экансанлар—да. Хали сенмидинг ўша жиянимга наркотик олиб келиб сотадиган, ифлос. Ахир уни бошига етдинг—ку! Бор йўқол, бошқа бизни безовта қилма! Ҳе, турқинг қуриб кетсин сени! — дея қичқирди аёл ва дарвозани тарақлатиб ёпиб қўйди.

«Нима, Сарварни «ўлган» дедими? Наҳотки. Энди нима қилдим? Дадам мени оқ қилган бўлсалар. Энди қаерга бораман? Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми?»

Сабоҳат нохуш хаёллар оғушида катта кўчага чиқди. Бир тўда болалар олма еб, футбол ўйнашмоқда эди. Бир шляпалик бекорчи киши уларни завқ билан томоша қилиб ўтирарди. У ҳар замонда, «Ур!», «Биқинига теп уни!», «Ҳа жўжа—хўроз!» дея бетамизларча қичқирмоқда эди. Шу пайт дайди аёл ўйингоҳ тепарасидан ўта бошлади.

— Э, ҳайданглар, анаву дайдини, — деди халиги киши.

Болалар еяётган олмасининг пўчоғини Сабоҳатга қарата ота бошлашди.

— Бор, йўқол бу ердан!

Бошини пўчоқлардан ҳимоя қилган холда, йиғлаб, ўтиб кетди. Унинг шундай хўрлиги келдики, тоғу-тошларда ўлиб кетмаганига афсус қилди. Шу маҳал унинг кўзи йўл юзига сотиш учун чиқариб қўйилган баклашклардаги бензинларга тушди. Йўлнинг бу юзида эса бир аёл сигарета сотиб ўтирарди.

— Онажон, илтимос гугуртингизни бериб тулинг, — деди у йиғламсираб.

— Вой, бемалол олаверинг, тинчликми?

— Ҳа...тинчлик — дея гугуртни қўлига олди у аранг.

Шу маҳал аёлни ичкаридан эри чақириб қолди.

— Вой, мен хозир...

Сабоҳат баклашкани қўлига олиб, аввалига унинг рангига разм солди. Тип-тиниқ экан. Сўнгра, шошилмай

қопқоғини бураб очди ва ҳаммом қилаётгандек сархуш ҳолда елкасидан навбатма-навбат қуйиб, шалаббо бўлди. Сўнгра бўшаган идишни бир четга иргитди-да, гугуртга аламли термудди. Уни очиб доналаридан бирини олди. Аввалига беғубор самога, ёрқин қуёшга, сўнгра сал нарида бепарво футбол ўйнаётган болалар-у, уларга судялик қилаётган шляпалик бетамиз кишига нигоҳ ташлади. Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ эди. «Алвидо, эй одамлар! Мен сизларга керак эмас эканман. Алвидо, эй ҳаёт!» – деди у пичирлаб ва беихтиёр гугурт донасини қутисига ишқалаб юборди...

Қиз дардини хаёлан оловга айтмоқчи эди. Унинг назарида олов худди шамникига ўхшаб оҳиста тебраниб-тебраниб ёнадигандек ва уни истаган маҳал, пуфлаб ўчириб қўядигандек туюлди. Лекин олов ҳам унга адолатсизлик қилди. Қиз тўсатдан шафқатсиз аланга ичида қолди. Дастлаб нима воқеа содир бўлганини, ўз-ўзини нима қилиб қўйганини ва бу фалокатнинг оқибатини тушиниб ета олмади. Бироқ энди кеч бўлганди. «Наҳотки, мен шунча-лик хўрланиб, куппакундузи, кап-кага кўчада куйиб, ўлиб кетаверсам? Йўқ-йўқ, бу мумкин эмас. Эй худо, ўзинг мадад бер! Мени қутқар!» – дея фикран хайқирди у. Аланга пўстак уст-бошини куйдириб, энди танасини жизғанақ қила бошлади. Шу тугайли энди ачишиш оғриғига чидай олмай, дод солди, ерга думалади...

–А-а...! Дадажон! Войдод, ёрдам беринглар! – дея қичқира бошлади.

То одамлар ёнига етиб келгунга қадар дастлаб қорин терилари ва сочлари жизғанақ бўлди. Бўйин қисми ва очик билаклари тезда пўрсилдоқ бўлиб кетди. Ёнаётган аёлни кўрган болалар ҳам даҳшатга тушишди. Кўчани куйган тери ва гушгнинг бадбўй ҳиди тутиб кетди...

Кўп ўтмай «Тез ёрдам» ва «02» машиналари етиб келишди. Тергов-суриштирув ишлари бошланди. Болалар-нинг кўрсатмасига кўра шляпалик кишини олиб кетишди.

–Ҳой, мен ҳеч нима қилганим йўқ. Менинг тақдирим билан хазиллашманглар, вей! – дея тинимсиз жаврар эди у.

## КУТИЛАЁТГАН “ХАВФ”

Ақромжон аканинг сиҳатгоҳдан кетар вақти бўлган бўлса-да, ҳисобхонага кириб яна бир ҳафтага чўздириб чиқди. У қандай бўлмасин қалби покиза, ногирон аёл бўлган Сабоҳатни бирга турмуш қуришга кўндиришни дилига жо қилиб қўйганди. Билишича, отаси ва синглисидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Бор-йўғи бир ҳафтагина яшаган эри бошқага уйланиб аллақачон бола-чақали бўлганмиш. Уни тоққа ўғирлаб олиб қочиб кетган йигит эса, ҳалок бўлганмиш. Демак, хали деярли турмуш қурмаган, бахти очилмаган аёл экан. Бир ўлимдан қолибди. “Ўз-ўзини ёққанига минг пушаймон бўляпти-ки, демак энди қолган умрининг қадр-қимматига етади. Менинг ҳаётимга яхши ҳамроҳ бўлиши мумкин. Уни керак бўлса хорижда даволатаман. Бунга қурбим етади. Шунда у мендан бир умр миннатдор бўлиб яшайди. Шунча бойликни нима ҳам қилардим. Кенжа ўғлим наркоман бўлса! Эҳ, қани энди униям даволатиб бўлганида эди!..” – дея ўй сурарди Ақромжон ака.

Отасининг сиҳатгоҳда узоқ қолиб кетганидан биринчи бўлиб куйканак қизи Ҳидоят типирчилаб қолди ва ўзи айтмоқчи “разведка”га келиб отасининг бир хасса ушлаб юрадиган жувон билан сой бўйида сайр қилиб юрганига кўзи тушиб қолди. У ўша куниёқ катта иниси Анварларникига сингилларини ҳам тўплади. Нусратни чақиртирмай қўя қолишди.

– Қўйинглар ўша бангини. Шундоқ ҳам ота жойимизга эгалик қилиб ўтирибди. Усиз ҳам амаллаймиз, – деди Ҳидоят лабини буриб.

– Нимани амаллаймиз? – деб сўради синглиси Саодат.

– Нимани бўларди, отамизнида. Ўз кўзим билан кўриб келдим. Курортга борволиб у бир оқсоқ жувонни илаштириб олибди. Ҳамширалардан сўраб-суриштираман, улар жудаям апоқ-чапоқ, аҳди-паймон қилиб юришганмиш. Отам яна дам олишни чўздириб олганмиш.



— Вой тавба, юрса-юрибдида, — деди кичик синглиси Шарофат.

— Ҳа энди уйланиб олсинми, ўша мегажинга-а?!

— Нима бўпти?

— Нима бўларди. У жувон ўлгур мен тенги экан. Туғиб берадиганга ўхшайди, ахир.

— Ҳа, намуноча ваҳима қиласиз, опа? — деди гапга аралашиб Анвар, — Ногирон хотинни отам бошига урармиди?

— Вой ногирон ҳам гапми, бадани куйиб-тиришиб кетганмиш, — деди Ҳидоят “Одам қуриб кетгандай” деган маънода.

— Бўпти-да. Нимага унда ваҳима қиляпсиз? Отам шунчаки эрмак учун гаплашиб юргандирлар-да.

— Хо-о! Уларни қандай юришганини кўрганингда эди. Куппа-кундузи пичир-пичир қилишадими-ей. Подружкаям қилишвопти.

— Э қўйинг бунақа бўлмағур гапларни, опа. Гийбат ҳам эви билан-да!

— Ҳа, мен сенга “гийбатчиман”. Хақимизга бир бегона эгалик қилиб кетаверсин. Биз оғзимиздан ошимизни олдириб қолаверайлик. Шунақами?! — деди Ҳидоятнинг жаҳли чиқиб.

— Э қўйинглар. Бўладиган ишни қилайлик. Хўп десаларинг менда бир таклиф бор, — деди Саодат, — хозир ҳаммамиз харажатни қилиб, отамизни кўргани борайлик. У ерда ўша жувонни ҳам суриштирайлик. Ким у аёл? Мақсади нима? Аён бўлади, қўяди. Шунга қараб иш қиламиз-да. Нима дединглар?

— Маъқул, — деди Анвар, — Бўлмаса ҳаммамиз ўша ерда ош буюртирамиз.

— Нусратниям олволайлик, — деди Шарофат.

— Бўпти, — деди Ҳидоят ҳам кўниб, — Кейин яна шу ерда тўпланиб ишни охирига етказамиз.

— Майли, борсак ўз отамизни кўргани борамиз-да. Лекин бир жиҳатдан уйланганлари маъқулмиди?... — деди Шарофат.

— Ие вой, калланг жойидами ўзи? — дея яна жеркиб берди Ҳидоят.

— У куни бизникига Нусратнинг хотини Хадича келувди. У тамом, ажрашмоқчи... Агар у кетиб қолса отамизга қарайдиган одам йўқ.

— Ҳа тўғри айтасан, — дея фикрига қўшилди Саодат. Бу укамизни наркотикка берилгани бошимизга бало бўлди — да. Хадича халиям хўп чидаб келяпти. Бор бутини сотиб бўпти. Нусрат ўзи ҳеч қаерда ишламайди. Бунинг устига пул топиб бермаса хотинини урармиш. Қарз беравериб мениям жонимга тегиб кетишди.

— Асти сўрама. Жигаримиз экан, топганимизни бера-япмиз. У отамизни пулиниям қуритиб адо қилади, хали, — деди Ҳидоят.

— Ҳа, укамга бу бало қандай илашди экан? — дея гапга қўшилди Анвар ва бир нарса ёдига тушиб «ялт» этиб қаради, — Айтмоқчи, бир янги гап эшитувдим. Қозоғис-тонда аллақандай бир корхона очилганмиш. У ерда наркоманларни ҳам ишлатиб, ҳам даволашаётганмиш. Йўл харажати, овқатиям бепулмиш. Ойлигиям яхшимиш.

— Бирор хайрия ташкилотидир-да, — деди Шарофат ишхонасидаги бир плакатни кўз олдига келтириб.

— Бу дунё бўйича муаммо-да, — деди Саодат тасдиқ-лаб.

— Хўш-хўш, Нусратни жўнатайлик демоқчимисан? — деб сўради Ҳидоят шоша-пиша.

— Яхши бўлармикан?! Хотиниям кетиб қолмасди. Уни кутармиди? — деди Анвар.

— Зўр фикр, — деди Шарофат қувониб. — Ҳам отамга қараб турарди.

— Бўлмаса мана шу масалада ҳам отамиздан маслаҳат олгани борамиз. Фақат Нусрат кўнармикан? — деди Саодат.

— Ўртага олиб кўндирамиз. Кўнмай қаёққа борарди.

Хуллас, фарзандлар жамулжам бўлишиб падари бузрукворларини кутилаётган “хавф”дан “қутқариб”, ойиларининг руҳларини шод қилиш мақсадида йўлга отла-

нишди. Аввало бориб сиҳатгоҳ чойхонасига жойлашишди ва ошга буюртма беришди. Отасини топиб бу ерга айтиб келишни ҳамиша карахт юрадиган Нусратга топширишди. Ўзлари дастурхон тузаш билан бир вақтда бугунги ишларни режалаштира бошлашди.

— Анвар, — деди Ҳидоят ўйчан. — Мен сезиб турибман, отамизнинг бу сафар нияти жиддийга ўхшайди. Қандай қилиб бўлсаям, уни йўлдан қайтаришинг керак.

— Нима учун энди мен?

— Сен эркаксан. Бош ўғилсан. Сенинг гапингга кўнадилар.

— Кўнмасалар-чи? Нима дейман, қизиқ экансан-у!

— Ўл дейсан, дард дейсан.

— Хой опа, намунча қизишмасайиз-а. Ахир укам бечорага ҳамма юкни ташлаб қўйманг-да, — деди Саодат аралашиб.

— Тўғри, бу ҳаммамиз учун тегишли масала, — деди Шарофат, — аввал отамизнинг фикрини билайлик.

— Йўқ, отам атайин йўлланмасини чўздириб олибди. Бу ерда бир иш бор. Ануви куйган жувонни ёқтириб қолгани аниқ.

— Ўша аёлни ёши нечзда экан-а?

— Мен тенги дедим-ку.

— Вой ўлмасам! — деб юборди Шарофат. — Унда точно туғади.

— Намунча ваҳима қиласан? — деди Анвар жеркиб.

— Анвар ука, — деди Ҳидоят деярли шивирлаб, — Хўп десанг менда яхши режа бор. Буни фақат сен эплай оласан.

— Нима, ўлдираманми?

— Э йўқ. Уни отамнинг ўзи ҳайдаб солади.

— Вой нимаёкан, опажон? — дея қизиқиб сўради Саодат.

— Ҳа, айта қолинг, — деди Шарофат ҳам.

— Анвар отам билан якхама-якка гаплашади.

— Нима дейман? — деб сўради Анвар.

Ҳидоят аввалига у ёқ-бу ёғига қараб олди-да, отаси

ва Нусратдан хали дарак йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, сингиллари ва укасининг бошларини дастурхон атрофига жамлади.

— Уни “учига чиққан фоҳиша” дейди.

“Вой!” деб юборишди ҳаммалари.

— Отам “доказать қил” десалар-чи? — деди Саодат.

— «Уни яхши биламан, мингтаси билан бўлган. Ўша фоҳишанинг хонасида ўт чиқиб кетиб куйган» дейди.

— Қаерда?

— Шаҳарда. Нима кўп — қўшмачиларнинг уйи кўп. Биттасининг уйини айтаверади-да. «Сигарета чекаркан, мастлигида ёниб кетганакан» ҳам деявер.

— Отам ишонмайдилар. Бу гап билан у хотиндан воз кечишлари қийин. — деди Саодат узумдан бир шингил олиб, чўқилаб ер экан. — Тағин Анвар билан тескари бўлиб қолмасинлар.

— Ука, бошқа иложимиз йўқ. Ота меросимиз бегонага туя бўлиб кетгандан кўра унинг икки ҳиссасини сен олақол. Қолгани бизга етади. Отамни кўндир, кўндир-масанг бўлмайди, — деди Ҳидоят куйиниб.

— Вой опа, нима дейман ахир? Ёш боламаслар-ку! — деди Анварнинг кўзлари учқунланиб.

— Бу аёл фоҳиша, дейсан. Сизнинг бойлигингизни биледи, шунинг учун бошингизни айлантириб юрибди, дейсан.

— Кўнмасалар-чи?

— Кўнмасами? — дея ўйланиб қолди Ҳидоят ва кўзларини ола-кула қилиб у ёқ-бу ёққа яна қараб олди: «У билан мен ҳам бўлганман» дейсан, вассалом.

— Вой ўлмасам, — деб юборди Шарофат оғзини тўсиб.

— Точно. Шундай десанг отам уни олдига солиб кувадилар, — деди Саодат маъқуллаб.

Қизлар масаланинг ажойиб ечими топилганидан қувониб кетишди. Лекин Анвар бошини силкиганича жим ўтирарди.

— Келишдикми, укажон? — деб сўради Ҳидоят кулиб.

—Аввал отамнинг муддаосини билайлик-чи. Жуда иложи қолмаса... Лекин сўққабош эркакнинг жиловини тортиб бўлармиди. Бунисини ҳайдаган билан яна бошқасини топиб олаверадилар-да.

—Янгисини топгунича бир гап бўлар. Ёшлариям ўтиб қоляпти. Жа бўлмаса туғмайдиганидан топиб берамиз—да. Лекин буниси жуда хавfli...

Шу пайт Нусрат пайдо бўлди:

—Хозир келишаркан... Бир шеригим билан бораман, дедилар.

—Аёл киши эканми? — деб сўради Ҳидоят шошилиб.

—Билмасам. Шунақа шекилли — деди Нусрат сўрига жойлашаркан.

—Нусрат, — деди Анвар пистадан чақиб ташларкан, укасига жиддий мурожаат қилиб, лекин Ҳидоятнинг бармоғини лабига олиб борганига кўзи тушдим, гапни бошқа ёққа бурди: — Қозоғистонда сенбоп зўр иш бор экан. Ойлигиям яхшимиш, овқати, ётоғиям бепулмиш.

—Э қўйсангизчи, нима кераги бор? — деди Нусрат бепарво қўл силтаб.

—Хой, Нусрат! — деди Ҳидоятнинг фигони кўтарилиб. — Сенга бўладиган гапни айтаяпти. У ерда даволанармишсан, ҳам анави савил қолғурингдан оз-оздан укол ҳам қилиб туришармиш.

—Айтаверишади, бўлмаган гап. Бекорга ким ҳам берарди.

—Сен қачонгача шунақа қилиб кун кўрмоқчисан-а?

—Нима, сизга оғирлиги тушяптими?

—Хаммага оғирлигинг тушяпти. Хотининг «кетаман» деяпти. У кетиб қолса, отамга ким қарайди?

—Уйланадилар. Нима кўп — хотин кўп.

—Сен одам бўлмайсан ўзи. — деди Ҳидоятнинг жаҳли чиқиб.

—Ана, топиб олибдилар-ку! — деди Нусрат йўлак томон «ярқ» этиб қараб, қийқириб қўйди: — Яшанг, отахон!

Барча фарзандлар ўша томонга қараб, оғзилари очилиб, лол қолишди. Бежирим шляпа кийиб, юзини оқ тўр парда билан тўсиб олган, бўйниларига қатор-қатор тилла занжирлару, қимматбаҳо зирак ва узуклар тақиб, энги узун замонавий кўйлак ва пошнаси баланд ялтироқ туфли кийиб, кумуш сопли хассани ушлаб олган “хурлиқо” Сабоҳат ила юз-кўзларидан нур ёғилиб тургандек жилмайиб Акрамжон акалар келишмоқда эди.

— Мана буларнинг ҳаммаси менинг фарзандларим бўлади, — деди ота чин фахр билан.

— Ассалому алайкум! — деди Сабоҳат қўли кўксиди.

— Воалайкум. Келинглр, хуш келибсизлар! — дейишди бирин-кетин фарзандлар худди расмий меҳмонларни кутиб олишаётгандай ўринларидан беихтиёр туришиб.

Улар ўтиришгач, фотиҳа қилинди. Кутилмаганда фотиҳанинг табаррук жумлаларига Акрамжон ака ўзига тегишли тилакларни ҳам қўшиб юборди.

— ... Илоҳим, Сабоҳатхон билан каминанинг қилган аҳду паймонлари Яратган эгамга хуш келиб, бир-биримизга юлдузларимизни иссиқ қилиб кўрсатсин. Фарзандларимиз Ҳидоятхон, Саодатхон, Шарофатхон, Анварбек ва Нусратжонлар бахти-тахтимизга ўз оилалари, бола-чақалари билан соғ-омон бўлишсин. Раҳматли рафиқамиз Ойимпошшони худо ўз марҳаматига олган бўлсин, руҳлари шод, охираглари обод бўлсин. Биздан розию-ризо бўлсин. Барча фарзандларимизга худди шу бугунгидек ахиллик, ҳамжихат-ликни мушарраф қилган бўлсин. Топган-тутганимиз фақат яхши кунларга насиб қилсин, оллоҳу акбар!

Тўпланганлар апил-тапил юзларига фотиҳа тортишди. Ҳидоятхон гезариб қолди. Анвар пешонасини тириштирган бўлса, Саодату Шарофатлар хайронликда қолдилар. Фақат Нусратгина хурсанд кўринарди.

— Мана бу пешонаси ярақлаганларнинг ҳаммаси менинг фарзандларим бўлади, — деди ота Сабоҳатга таништириб. — Бу кишим, худо хоҳласа, тақдир насб қилса энди «аяча»ларингдир. Исмлари Сабоҳатхон.

—Сал шошилмайлик, ўйлашиб кўрайлик, узр — деди Сабоҳат кутилмаган гаплардан ўзини ноқулай ҳис қилиб, ерга қаради.

—Ҳа, отажонимиз шунақа, сал шўхроқлар-да — деди Ҳидоят норози гезариб.

—Нима бўпти? — деди Нусрат чўрт кесиб, — Ота рози — худо рози, деганлар. Шу ишга қарор қилишибди. Қарорлари қутлуғ бўлсин!

—Раҳмат ўғлим, эртага бориб сизларни ўзим маслаҳатга тўпламоқчийдим. Худо кўнгилларингга солибдими, ўзларинг келиб қолдинглар. Лекин ажойиб иш бўлди-да. Қани Сабоҳатхон, дастурхонга марҳамат, — деди Акрамжон ака нонни ушатиб.

—Отажон, сиз бу опамни хижолат қилманг. Аввало ўйлаб кўрсинлар, қариндош-уруғлари билан маслаҳат қилишсинлар, — деди Саодат.

—Албатта-албатта, урф-одатларимизнинг ҳаммасини жой-жойига қўямиз.

—Ҳали катта тўй ҳам қилармиз, отажон? — деди Ҳидоят кесатиб.

—Э йўқ, қизим, «Битта мулла, уч сўм пул, бир калла қанд, бир коса сув» деганларидек.

—Жа паст кетманг. Биз ҳам қараб турмасмиз, — деди Шарофат ҳазил қилиб.

—Яшанг, ота! Лекин сизга қойил! — деди Нусрат отасини ўзича қўллаб-қувватлаб.

Ҳидоятнинг энсаси қотди.

—Отажон, гапнинг пўсткаллеси, биз бу ерга аввало Нусратнинг тақдирини ҳал қилиш масаласида келувдик, — деди Ҳидоят отасининг ишларидан норози эканини очиқ-ойдин билдириб.

—Нима? Хой опа, мен билан ишингиз бўлмасин, — деди Нусрат асабийлашиб.

—Сен жим ўтир. Нима бўлсаям жигаримизсан. Сенга биз қўймасак, ким қуяди?

—Хўш-хўш, нима масала экан? — деб сўради мўйса-фид.

—Узр, мен бора қолай, — деди Сабоҳат безовталаниб.

—Йўқ-йўқ, бу энди ҳаммамизга тегишли, — деди Ақромжон ака ва бир-бир фарзандларига кўз ташлаб олди. “Қизиқ, нима гаплари бўлиши мумкин. Биламан, Сабоҳатни дабдурустдан олдиларига олиб келганим яхши иш бўлмади, лекин бўладиган ишни бўлгани яхшида”, деб фикр қилди у.

—Анвар, сен гапира қол, — деди Ҳидоят.

—Хуллас Нусратга ўхшаган, ҳисобда турадиганларни ҳукумат тўплаб Қозоғистонга ишга олиб кетишгаётганмиш. У ёқда ҳам даволашармиш, ҳам яхши маош беришармиш.

—Мен ҳеч қаёққа бормаيمان, — деди Нусрат кескин.

—Тўхтаб тур. У қанақа ташкилот экан ўзи?

—Халқаро ҳайрия ташкилотимиш.

—Яхши-ку! Ҳаммаси ҳужжатли эканми?

—Ҳа. Лекин сизниям ота сифатида розилигингиз керак экан.

—Ўғлим, Нусрат. Буям бир имконият. Мана, манави опангни тақдири ҳақида эшитсанг агар, иродасига тан берардинг. Инсонга умр бир марта берилади, холос. Эрта ўлиб кетишга сениям, мениям, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мана манави опанг ўз-ўзига ўт қўйворган экан. Худо асрабди, қолган умрини қайтиб берибди. Хали бахти очилмаган экан. Сен ҳам агар менинг фарзандим бўладиган бўлсанг, даволанасан. Лекин ўзинг буни хоҳламас экансан, қанча-қанча пул сарфлаганнинг фойдаси йўқ. Билиб қўй, бизнинг авлоддан хали наркоман чиқмаган. Болаларинг — менинг набираларим катта бўлишса, отаси ким бўлганлигини албатта сўрашади.

—Даволанаман, деяпман-ку! Нима, берган пулингизни миннат қилияпсизми? — деди Нусрат гезариб.

—Йўқ, гап пулдас. Авлодларимизнинг қонини бузишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Манави томирингдаги қон, бу менинг қоним, бобомнинг қони, билдингми?!..

Дастурхон даврасига оғир жимлик чўкди. Ақромжон аканинг масалани кескин қўйганлиги ўз таъсирини кўрсатди.



— Анвар, эртага мени ўша ташкилотнинг одами билан учрашгир. Ҳужжатларга қўл қўйиб бераман. Нусратнинг ишга кетишига хатми-қуръон қилдириб юбораман. Қани, ошинг, пишдими?

Сабоҳат ўзини игна устида ўтиргандек ноқулай сезиб ўтираркан, ўйга толганди. “Демак, гиёҳвандлик балоси бу оилада ҳам бор экан-да. Ўша халқаро ташкилот жудаям савобли иш бошлабди. Раҳбарлари ким бўлсаям, яхши одамлар шекилли. Эҳтимол, келажакда уларнинг вакили билан танишиб, фикр алмашиш менга ҳам насиб қилар...” Аёлнинг нияти холис эди... Чойхонага чиқиб одатдагидай бирор дам олувчилар гуруҳи билан ўтирсак керак, деб ўйлаганди. Бу ерга келишдан ярим соат олдингина Акромжон аканинг унинг қўлини сўраб қилган таклифига “Ўйлаб кўраман” деган жавобни айтганди, холос. Негадир фарзандларига дабдурустдан уйланиши ҳақида айтиб юбориб, хижолатга қўйди. Бир жиҳатдан уни ҳам тушунса бўлар, чунки эртага сиҳаттоҳдан бутунлай кетишади. Кейин қачон кўришишади, номаълум. Сабоҳатнинг хаёлида “Ёшида анча фарқ бўлсада, кўпни кўрган, кўнгли тоза инсон экан. Фарзандлари ҳам бинойидек. Ҳаммаси уйли-жойли. Менга ўхшаб ёлғиз қопти, бечора...” деган ўйлар ўтмоқда эди.

\* \* \*

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу орада Акромжон ака Сабоҳатнинг уйини суриштириб топиб, отаси билан ҳам танишиб келди.

— Қизим ўз тақдирини ўзи ҳал қилади, — деди Акбар Солиевич ўйчан, — Мен бир марта аралашиб, ундан ажралиб қолай деганман.

— Энг муҳими сиз қарши эмассиз, тўғрими?

— Тўғри. Энди қизим ёш бола эмас. Униям яшашга, она бўлишга ҳаққи бор.

— Худо хоҳласа, мана қиблага қараб сўз бераман, қолган умримни қизингиз бахт-саодати учун бағишлайман. Қарши бўлмасангиз, уни хорижда операция қилдиришга

ҳам қурбим етади. Мана кўрасиз, кечирган дардларини хали кўрмагандай бўлиб кетади.

—Илоҳим айтганингиз келсин. Қизимнинг ўзи нима деса, шу...

Ниҳоят, Сабоҳат ҳам рози бўлди. Никоҳ ўқилди. Нусратнинг сафарга кетиши ва Ақромжон аканинг уйланиши муносабати билан Ақромжон ака икки маросимни бирга қилиб маҳалла-қўйга хатми оши берди.

Ақромжон ака наркоманларни йиғиб, уларни даволаб, ҳам иш беришга шартнома тузган хорижлик Соҳиб жанобларини ҳам кечроққа меҳмондорчиликка таклиф қилди. Соҳиб польшалик турклардан бўлиб ўзбек тилини жуда яхши биларкан, аждодлари асли туркистонлик бўлганмиш. Таклифни рад этмади. Нозик меҳмонга ховлида алоҳида жой хозирланди. Шампан, коньяклар ҳам куйилди. “Янги келин” бўлмиш Сабоҳат ошхонада ўз қўллари билан палов ва манти тайёрлай бошлади. Хоналардан бирида эса Ҳидоят бошчилигидаги гуруҳ “қуйган ёр”га қарши ғийбат-тарғибот ишларини авж олдириб юборганди.

—Отамиз биздан бир оғиз никоҳ ўқитаверайми, деб сўраб ҳам ўтирмади-я. Қариб қуюлмаган чол!

—У тоза бой хотинга ўхшайди. Тиллаларини қаранглар, — деди Саодат ҳам кулиб.

—Ўз-ўзини ёққан хотин тиллаларни қаердан олиши мумкин-а? — деди Шарофат ҳам ёнаётган ўтга керосин сепаб.

—Вой шўрим, вой ўлмасам! Хали отам тиллаларимизни шу куйдиргига бериб юборган бўлмасин тагин, — деди Ҳидоят ҳовлиқиб, — Тез топинглар Анварни. Бошимизга бало келди-ку, бало!..

Бозор қилиб келган Анвар хушмуомалалик билан харид қилган нарсаларини Сабоҳатга бермоқда эди. Шу маҳал қовоғини осиб олган Саодат уни чақириб қолди.

—Хой Анвар, бу ёққа тез юраркансан.

—Ҳа, тинчликми?

– Тинчлик. Иш бор.

Анвар опажонларининг даврасига кириб келди. Сафарга отланаётган Нусрат ҳам шу ерда эди.

– Мундоқ аячамизга ёрдам бермайсизларми?

– Хе, аяча бўлмай, куяча бўлсин, – деди Ҳидоят қаҳр билан.

– Нима бўлди?

– Ахир у отамизнинг тиллаларига эгалик қилвопти-ку, кўрмаяпсанми?

– Йўғе, ўзиники бўлса керак, – деди Нусрат тааж-жубланиб.

– Шунча тилла билан қайси аҳмоқ хотин ўзига ўт кўйворади, гаранг.

– Бирор иш ўтгандир-да, – деди Анвар ҳам паст келиб.

– Ҳой Анвар, у кунги айтганни қиласанми, йўқми? Агар қилмасанг, айтиб қўяй бир тийин ҳам мерос ололмайсан, билдингми?

– Нима гап, эшитсак бўладими? – деб сўради Нусрат хайрон бўлиб.

– Билсанг бу хотин қип-қизил фоҳиша экан, – деди Ҳидоят ёмон гапнинг қандай таъсир қилишини атайин укасида синаб кўрмоқ учун, – Аканг шу хотин билан бўлган ҳам экан.

– Йўғе, жа оширвордингиз-ку, опа. Тухматниям меъёри бор, ахир.

– Нима бўпти оширсам. Мен бу хотинни уйимиздан ҳайдамагунимча тинчимайман. Анвар шу гапни отамга айтади, сен ҳам уни тасдиқлайсан.

Нусрат қўлини кўтарди.

– Фақат мени тинч қўйинглар опажонлар, илтимос.

– Майли опа, йўлга кетадиган укамизга тегманг, – деди Шарофат.

– Бўпти. Анвар иссигида, хозироқ бориб айт.

– Йўқ. Ҳеч бўлмаса ануви меҳмон кеп кетсин, Нусратни яхшилаб кузатиб қўяйлик.

– Ҳўп. Кейин айтасан, бўптими? Лекин айтиб қўяй, бугундан қолса кеч бўлади. Ҳаммамиз оғзимизни очиб қолаверамиз.

Ниҳоят кутилган азиз меҳмон ҳам кириб келди. Қизлар югуриб-елиб хизмат қила бошлашди. Сабоҳат ошхонада ошга сабзи тўғрамоқда эди. Шу пайт Нусрат музхонадан ул-бул олгани кириб келди. Анвар меҳмоннинг кўлига сув қуя бошлади. Меҳмон кўлини артиб ховлини кузатди ва ошхонага томон қаради. Сабоҳат очиқ дераза орқали уни кўрдию тўсатдан кўлидан пичоғи тушиб кетди ва юзидан рўмоли очилиб оғзи қийшайиб очилганича қотиб қолди.

— Ҳа аяча, тинчликми? — деб сўради Нусрат ердан пичоқни олиб бераркан.

— Ҳа-ҳа, тинчлик, — деди аёл шоша-пиша ўзини ўнглаб, — Бу одам ким экана?

— Ахир бу...

— Нима сиз бу кишини танийсизми?

Меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, узоқ ўтиришди. Сабоҳат орқа томондан аста келиб уларнинг суҳбатига қулоқ тутди.

— Энди меҳмон, ўғлимиз Нусратжонга ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да. Ҳар холда мусофир жой.

— Албатта-албатта-да, — деди ширакайф меҳмон мезбоннинг орқасига уриб.

— Ҳалиги, айтадиларку, “Эти сизники, суяги бизники” деб, — деди Ақромжон ака ҳам хурсанд.

Йўғе, аксинча бўлса керак. “Суяги бизники, эти сизники”. Лекин зўр мақол экан, қойил!

Ўртада самимий кулгу кўтарилди.

“Наҳотки бу Сарвар бўлса, кўзларимга ишонмайман. Лекин нега уни чет эллик меҳмон деб алқашмоқда. Наҳотки одам бир-бирига шунчалар ўхшаса, тавба”, — деди Сабоҳат ўз-ўзига, “Ё бир амаллаб ўзидан сўрасаммикан? Ҳа, шундай қила қолай. Бегона бўлса еб қўймайди-ку! Ҳазилга йўйиб қўявераман”.

Сабоҳат чойни энди ўзи кўтариб келди:

— Хуш келибсиз, меҳмон, — деди у таваккалига тўғри сўри олдига келиб.

—Ҳа, танишинглар. Бу аёл менинг хотиним Сабоҳатхон бўладилар, — деди Акромжон ака.

—Жуда хур... — деганича меҳмон бир лаҳза қотиб қолди.

—Бу киши Соҳиб жаноблари, ўғлимизнинг устози эканлар.

Лекин Соҳибнинг қўлидаги пиёла тўсатдан тушиб кетди.

—Э узр, — дея олди у аранг.

Сабоҳат ҳеч нарса сезмагандек сочиқни узатди-да, ўзи ошхона томон кетди. Кайфчилик бўлгани учунми, ҳеч ким ҳеч қандай шубҳага бормади. Сабоҳат ошхонага кирди-ю, эшикни ёпибоқ, беихтиёр суяниб қолди.

—Эй худо, наҳотки бу ўша! — деди у ўз-ўзига ва томоғига бир нима гип тиқилгандай бўлди, — Мени нималар қип қўйдинг ифлос, тирик экансан-ку! Мен хали шу номардга ош дамляяпманми? Эндигина рўшнолик кўрай десам яна оёғим остидан чиқиб турибди-я, ярамас. Ёки адашдиммикан? Нега бўлмаса унинг қўли қалтираб кетди?..

Сабоҳат бўлган ишларни эслаб кўзларига ёш олди. Лекин hozир ҳеч кимга ҳеч нимани билдирмасликни маъқул кўрди. Агар чиндан Сарвар бўлса олдига албатта ўзи келиб бир нима дейди. “Хўжайиним “хотиним” деб таништирганига ўзини ноқулай сизди, шекилли”, деган хаёлга борди келинчак. У яна ўзини тутиб олди.

—Дадаси, ошни сузаверайми? — деди у сўри олдига бориб ва меҳмонга яна кўз қирини ташлаб қўйди.

—Ҳа, албатта.

—Ўзбекча палов емаганимгаям анча бўлганди, — деди меҳмон. — Агар рухсат берсаларинг уни ўзим сузсам.

—Бош устига, меҳмон.

Меҳмон ўрнидан туриб полякча қўшиқ хиргойи қилиб, ошхонага кириб келди ва индамай Сабоҳатдан капгирни олди.

—Эҳ-ҳе, жонон палов бўлибди-ку! — деди у ҳайқириб ва “Салом, Сабоҳат”, деди у шивирлаб.

Сабоҳатнинг қўлидан товоқ тушиб кетай деди.

— Қаёқларда юрибсиз, Сарвар ака?

— Кейин тушунтириб бераман, — деди пан Соҳиб ва чўнтагидан бир ташриф қоғозини олиб узатди.

Шу маҳал Нусрат кириб келиб қолди ва улар ўртасидаги сирли мулоқотдан воқиф бўлгандай бўлди.

— Э келинг, Нусратбек, аячангиз қўлидан товоқни олинг. Ош сузиш, мен сизга айтсам, бу асли эркакларнинг иши.

Сабоҳат индамай чиқиб кетди. Нусрат ўзини ҳеч нарсага аҳамият бермагандай қилиб кўрсатди. “Улар эски таниш экан шекилли” деган хаёлга борди у.

Ош ҳам ейилди, дастурхонга фотиҳа ҳам қилинди. Меҳмонни кўчага кузатиб қўйилди, лекин унинг бутун фикру ўйи Сабоҳатда бўлиб қолганди.

— Хўп Нусратбек, эртага эрталабга тайёр бўлиб турсинлар, — деди Соҳиб жаноблари кулиб.

— Хайр, яхши боринг, бошқа келинг, — деди Акромжон ака хушфёъллик билан.

— Хўп хайр тоғажон, хайр янгажон, — дея бир-бир қўл узатиб хайрлаша бошлади меҳмон. Лекин Сабоҳатнинг қўлини маъноли қисиб қўйгандай бўлди.

— Соҳиб жаноблари, сизда менинг бир илтимосим бор эди-да, — деди Сабоҳат атайин хаёлига келган фикрни маъқуллаб.

— Бемалол, хоним.

— Нусратбек ўғлимиз тезроқ яхши шифо топиб, эсонмон қайтиб келса. Шунга ўзингиз раҳнамолик қилсангиз.

— Бош устига. Бу даволанса бўладиган хасталик. Билсангиз, бир вақтлар менинг ўзим ҳам шундай дардга йўлиққан эдим. Мана кўриб турибсизлар, отдайман.

— Эшитдингизми дадаси, жаноб Соҳиб ваъдасида турадиган мард йигитларга ўхшайди.

— Нусратбекни худо хоҳласа ўз хомийлигимга оламан. Сўз бераман, ҳаммаси яхши бўлади.

Сабоҳат йигитнинг кўзларига оҳиста тик боқди. У эса қаролмади, нигоҳини олиб қочди. Чунки Сабоҳатнинг

гаплари унинг юрагини кундага қўйиб болта билан чопгандек чил-парчин қилиб ташлаганди. “Нусратнинг ҳеч қачон қайтмаслигини наҳотки у сезган бўлса... Бу фааришта аёл бу ерга қандай қилиб келиб қолди экан? Муҳими, мен уни топдим. Бу ерга қайтиб келаман. Уни албатта олиб кетаман... Қизиқ, оқсоқланиб юряпти, оғзи қийшиқроқ бўп қопти. Қари кишига тегиб олибди. Ё бу киши уни тоғдан олиб тушганмикан? Демак тиллалар ҳам шу ерда...” Жаноб Соҳиб жўнаб кетаркан, юрагининг бир парчаси қолиб кетаётган уйнинг дарвозаси, кўчалар ва қишлоқ гузарини синчковлик билан ўрганиб борарди.

\* \* \*

Андрейнинг польшалик ҳамкор дўстлари ваъда қилганидек, бутун имкониятларини ишга солиб Калининград турмасидан Сарварни олиб қочишди. Бунинг учун улар смена навбатчиси бўлган зобитлардан бирини катта пул эвазига, шунингдек, унга ҳам Польша фуқаролигини олиб бериш шарти билан келишувга эришишди. Сарвар ва зобит бирга қочишди. Ҳаммаси олдиндан пухта режалаштирилиб, чегарадан ботқоқ орқали эсон-омон ўтиб олишди ва совет фуқаролиги ортда қолиб, Сарвар Шоҳайдаров энди Соҳиб Хотамийга айланди. Бироз тайёргарликлардан ўтилди, оз бўлса-да польяк тилини ўрганди, менежерлик курсида ўқиди. У Москвага собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг Россия ва Қозоғистонда ташкил этилган қўшма корхонада ишлаш учун хорижий фуқаро сифатида кириб келди. Қолган ишларнинг ҳаммаси режадагидек ўз йўналишида давом этди. Қозоғистонда ташкил топаётган махсус ўқув-ишлаб чиқариш қўшма корхонасига юзлаб ишчи кадрларни ёллаш ишлари эса Соҳиб Хотамий жанобларининг зиммасида эди, албатта.

Ўша даврда авж олган Тожикистондаги фуқаролар уруши янги ташкил топаётган корхона раҳбарияти учун кўл келди. Юзлаб фуқаролар Тожикистондан Россия ва қўшни ҳамдўстлик мамлакатларига ўтиб кета бошладилар.

Ёш мустақил республикада хали қонун устуворлиги бўлмагани, қолаверса, ўз фуқароларини ижтимоий ҳимоя қилишга қодир эмаслиги туфайли минглаб оилалар ўз она юрт-ларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган эдилар. Пан Соҳиб ана шу сиёсий вазиятдан фойдаланиб қолишни таклиф қилди ва қочоқлар орасида ҳам наркоманларнинг кўп эканига ишора қилди. У хорижий газеталарнинг бирида Ўзбекистонга ўтиб келган кўплаб қочоқларнинг дала шийпонлари ва кўплаб кераксиз биноларга жойлашаётганини, улар ўзи билан гиёҳванд модда келтиришаётгани ва наркоманлар ҳам кўп эканлиги учун республика ички ишлар вазирлигида уларни депортация қилиш масаласи кўриб чиқиляётгани ҳақида берилган мақолани ўқиган эди. Депортация қилинадиган қочоқлар нотинч, осойишта бўлмаган, хунрезликлар содир бўляётган ўз юртларига қайтиб кетишдан кўра, бошқа давлатга кетиб, ҳар қандай ишда ишлаш ва яшашга рози эдилар. Сарварнинг менежерлик вазифаларида асосан шу мақсад кўзланган бўлса, иккинчи ўз мақсади ҳам бор эдики, бу Жаннатғор эди. Чунки Тожикистон ва Ўзбекистондан кадрлар келтириш баҳонасида Сабоҳатни ҳам қидириб келади. Топиб олгач уни чет элга олиб кетади. Сўнгра роҳат-фароғатда умр кечиришади. Бизнеси ҳам бир маром-да бораверади. Фарахбахш кунларнинг бирида ўзининг ва қизнинг ота-онасини Польшага чақиртиришади. Бу кутил-маган сюрприз бўлади.

Сарвар ана шундай кўкнори хаёллар оғушида қолган эди ўшанда. Лекин ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. У нотинч бўлса ҳам Душанбедан катта пул эвазига бир илож қилиб вертолёт ёллади. Қилинган сарф бир четдан чиқиб кетиши аниқ эди. У ерни аранг топди. Орадан анча-мунча вақт ўтган бўлсада, унинг хаёлида Сабоҳат ковақдан чиқиб ўзини Сарварнинг бағрига отадигандек вертолётдан туш-дию дарвозаси вайрона бўлган Жаннатғор томон югурди. Бир талай кийик ва эчкилар хуркиб қочишди. Ковакка киравериш какликлар ва бошқа сув ичгани келган жони-ворларнинг тезаги ва қуриган ўтин-чўпларга бурканган эди.



Сарвар горнинг оғзи кенгайтирилганини пайқади. Демак кимдир бу иш билан узоқ шуғуллангани аниқ. Бунини Сабоҳат қилган албатта. Лекин инсон изи ва иси сезилмасди.

—Сабоҳат! — дея қичқирди йигит бор овозда. Бироқ ҳеч ким жавоб қайтармади. “Ичкарида ухлаб ётгандир” деган ўйга борди у ва ковакдан кириб борди. “Сабоҳат! Сафарёр тоға!” — дея қичқирди у кира солиб. Ёруғликдан гор ичига кириб боргани учун кўзига дастлаб ҳеч нима кўринмади. Тепадаги туйнукни мўлжалга олиб булоқ олдига борди ва тўсатдан бир қабрга рўпара бўлиб юраги орқага тортиб кетди. “Наҳотки у ўлган бўлса”, деган ўта нохуш хаёлга борди у ва “Сабоҳат!” дея қичқирди-да, икки қабр олдига тиззалаб ўтириб қолди. Фақат ортидан кириб келган учувчилардан бири “Что случилось, Соҳиб?” дея сўраган-дагина ўзига келди.

—Они умерли.

—Кто?

—Мои родные, — дея олди у аранг.

—Что, они живыми были?..

—Да.

—А тогда как друг-друга закопали?

Сарварни ўринли савол ўйлантириб қўйди. “Ҳа-я. Сафарёр ўлгандир. Сабоҳат уни кўмгандир. Лекин унда Сабоҳат қаерда?” У шундай ўйга боргач, дарҳол учувчидан сўради:

—У вас лопата есть?

—А что, хотите раскопать?

—Да. Это очень важно.

—Сейчас принесу, — деди у ва кўп ўтмай асбобни кўтариб келди.

—Сашка, здесь должны быть золотые украшения. Дам твою долю, поищи-ка, пожалуйста.

Учувчи бу гапдан сўнг курткаларини ечиб ташлади-да, ишга астойдил киришиб кетди. Ҳатто “Прости меня господи” дея чўқиниб олди.

У тилла дардида куйиб-пишиб кетган бўлса, Сарварнинг юзини қўрқув хаяжон ва совуқ тер қоплаганди. У мурданинг юзини оҳиста очиб кўрди, лекин ҳеч нимага тушунмади.

— Сашка. У тебя спички есть?

— Зажигалка.

— Дай сюда.

Сарвар оловни ёқдию, қўрққанидан қичқириб юборди. Мурданинг шохи бор эди.

Хуллас “хазина қидирувчилар” ҳеч нима топа олишмай қуруқ қайтишди. Лекин Сарварнинг кўнгли тўқ бўлди. Демак Сабоҳат тирик. Изласа, уни албатта топади.

Шундан сўнг Сарвар ўз ватанига капалакнусха галстук ва қора кўзойнакда хорижий ишбилармон ва қочоқлар хомийси сифатида уларга “амалий ёрдам кўрсатиш” масаласида келди. Меҳмондорчиликларнинг бирида ўз отаси Шоазим Шоҳайдарович ҳақида суриштирди.

— У кишини қаёқдан танийсиз? — деб сўради бир маҳаллий мезбон.

— Шоазим жаноблари менинг отам билан Москвада танишиб қолишган экан. Унда мен ёш бола эдим. Истамбулда яшардик. Бизникига бир марта меҳмон бўлиб келишган эди.

— Ҳа-ҳа. У киши ҳозир бор. Тошкентда яшайдилар.

— Бир ўғилчаси ҳам бор эди шекилли.

— Ҳа, у ҳалок бўлган. Анча бўлди. Истасангиз Шоазим акага хабар қиламиз, етиб келишади.

— Ҳожати йўқ. Мен янаги ҳафта ўзим Тошкентга бораман.

Қочоқлар орасидан айнан гиёҳвандларни топиш анчагина мушкул эди. Шу туфайли ишга хоҳловчи “соғлар”ни ҳам ёллай бошлади. Нусрат эса, отаси ва акасининг илтимосига кўра ёлланган дастлабки яккаю ягона Ўзбекистон фуқароси эди. Лекин фалакнинг гардиши билан у ҳам Сабоҳатнинг ўғай “ўғилчаси” бўлиб чиқди. Ана тақдиру, ана азал!.. Яна Сабоҳатнинг илтимоси-чи? Умрида бир мартагина илтимос қиляпти ахир. “Нима қилсам экан? Бирор баҳона топиб уни уйига қайтариб юборсамми? Нима дейман?” У энди ана шундай саволларга жавоб топмоғи керак эди.

## ФАРЗАНДЛАР «ИСЭНИ»

Соҳиб жанобларининг боши қотиб кетаётган маҳали Акрамжон аканинг хонадонида шунақаям исён кутарилдики! Исёнга албатта Ҳидоят бош-қош бўлди. Анварни ўртага олиб гиж-гижлашлар ўз самарасини берди. Меҳмонни кузатиб Нусратнинг, қолаверса, ўзининг тақдирини ижобий томонга ҳал бўлганидан мамнун ҳолда меҳмонхонада ёнбошлаб, чойни хўриллатиб ичиб ўтирган Акрамжон аканинг олдига оҳиста томоқ қириб Анвар кириб келди.

—Ассалому алайкум, ота.

—Ваалайкум... кел ўғлим.

—Қалай чарчамадингизми?

—Шукур, раҳмат. Ўзинг бардаммисан? Кел, чой ич.

—Раҳмат, ота. Узр, бир масалада...

—Бемалол, бемалол.

Отасининг яхши кайфиятини бузишга негадир Анвар ботина олмади. Иккиланиб қолди ва чиқиб кетишга тарадудланди.

—Узр, бошқа сафар кирарман.

—Йўқ. Кўриб турибсан, кайфиятим яхши. Ҳар қандай илтимосинг бўлса тортинмай айтавер, — деди ота «тилатилагингни» деган маънода.

—Йўқ, унақа заруратим йўқ.

—Ия, гапинг бўлса гапир, бўлмаса. Масалангни айт. Ечилмайдиган бўлса биргалашиб бош қотирайлик. Умуман ечилмайдиган масаланинг ўзи бўлмайди. Фақат, озгина тоқат қилинади, ўйлаб кўрилади.

—Шунақаяқ, лекин нозикроқ-да.

—Ўғлим, Бу ерда иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Нима, хотининг...?

—Э йўқ, ҳаммаси яхши.

—Қимор ўйнадингни?

—Нималар деяпсиз? — деди Анвар эътироз билдириб.

—Айт бўлмаса одамни хит қилмай.

—Шу, нима десам экан, сиз сал шошилмадин-

гизмикан?... – деди у иложи борича мулойимлик билан.

– Йўқ ўғлим. Нусратни жўнатиб, тўғри иш қилдик, унинг оиласини сақлаб қолиш, авлодимизни асраш бурчимиз.

– ...Мен Нусрат масаласида эмас.

Акрамжон ака ўғлига «ялт» этиб қаради ва ҳаммасига тушунди. Демак фарзандлари унинг уйланишидан норози. Буни вакил қилиб киритишган шекилли. Лекин энди кеч. Биринчидан никоҳ ўқилди, иккинчидан у энди кўнглидагидек аёл топди. Ногиронлиги айб эмас, даволатса бўлади... Эҳ, ёшлар. Тўғри, аввалига қаршилиқ қилишади, кейин ўрганиб кетишади. Қажоқаям боришарди?!

– Ўғлим, – деди ота салмоқланиб, чойдан бир хўплаб оларкан, – инсон аввало қаримасин экан, қариганида эса бу мусибат умрнинг заволи. Лекин мен яна қанча, билмадиму, яшашни хоҳлайман. Қўй, қилган ишимни айблама.

– Йўқ, мен айбламайман. Сизни бошқалар айблашяпти

– Ким? – деди мўйсафид пиёлани «тўқ» этиб ташларкан.

– Одамлар, маҳалла-қўй...

– Нега?

– Бу аёлни яхши билишаркан-да – деди Анвар бошини қуйи эгиб.

Ота фарзандига энди жиддий эътиборини қаратди:

– Ўйлаб гапиряпсанми?

– Ҳа, уни ўтмишини сал суриштиришингиз керакмиди?

– Ўтмишига нима қипти?

– Суюқоёқ бўлган.

Акрамжон ака ич-ичидан кулиб, бошини пастга қараб силкитди.

– Эҳ, аҳмоқ бола-ей. Сен менинг олдимга қайси эси пастнинг гапини кўтариб келдинг, ўзи?

– Бунни аниқ биламан, ота.

Ота ўғлининг кўзларига зимдан боқди. Анвар эса яна ерга қараб олди.

—Хўш гапир, гапинг ичингда қолиб ачиб кетмасин тагин.

—Ота, фақат ўзингизни босинг, асабийлашманг, илтмос. Эркакчиликда. Сиз ҳам билмай...

Мўйсафид хонтахтага асабий мушт тушурди:

—Нимани билмабман? Ҳали ўзини ёққаниям ёлгон дерсан?

—Ҳа. Тўғри топдингиз. Бу воқеа қўшмачининг уйида, кайфчиликда, сигарет туфайли...

—Қаердан биласан?

—Мен ҳам халиги...

—Ҳой ҳайвон, ифлос, гапир, нима «халиги»?

—... У ерда бўлганман.

Ота иккала муштрларини сиқди-да хонтахта устига қўйиб, пешонасини маҳкам тиради:

—Йўқол, кет!

Анвар кўрқа-писа ўрnidан турди:

—Узр ота. Хафа бўлманг. Иссиғида билиб қўйинг дедим-да.

Ота «кет» дегандек қўли билан ишора қилди. Ўғли оҳиста чиқиб кета бошлади ва отасига охирги бор хавотир қараб қўйди-да, эшикни ёпди. Кўп ўтмай эшикка пиёла урилиб, чил-чил сингани эшитди. Ташқарида уни кучоқлаб ўпиб олган Ҳидоят опаси бир чўчиб тушди. Лекин у бениҳоя хурсанд эди. «Яшавор ука, бопладинг!» — дер эди у тинимсиз пичирлаб.

Сабоҳатга олдинги турмушга чиққанда ҳам гўшангага кириш насиб қилмаганди. «Аввало бир ҳафтадан кейин бўладиган Давлат имтихонини яхшилаб топшириб ол, «асал ойи» қочиб кетмайди» деган эди Мансур ўшанда. Бу сафаргиси-чи? Буниси бошқачароқ кечди. Акрамжон ака келинчакнинг олдига бутунлай кирмади. Келинчак юз хил хаёлга борди. «Бугун жуда чарчаганлар, эртага кирсалар керакда» деган ўй билан ухлаб қолди. Сахар туриб эрига

тахоратга сув қилиб қўйди-да, кўча ховлига сув сепиб супура бошлади. Нусратнинг хотини Хадича ҳам унга шерик бўлди

—Кўяверинг ойижон, мен ўзим. — деди Хадича, «сизга уят бўлади-я» демоқчи ҳам бўлди.

Меҳмонхонада тунаб деярли ухламай изтироб ўтида ёниб чиққан Акрамжон ака кўзлари қизариб чиқиб келди.

—Сабоҳатхон, — деди у изтиробли, лекин қатъий овозда.— Сиз супирмай қўя қолинг.

—Вой нега? — деди келин жилмайиб.

Куёв тўра ерга боқди:

—Умуман уйингизга кета туринг. Энди бошингиз очиқ. Уч талоқсиз!

Хадичанинг қўлидан челаги даранглаб тушиб кетди. Сабоҳат эса қотиб қолди ва қўлидан супирги сирганиб тушиб кетди. Акрамжон ака нима қиларини билмай яна меҳмонхонага қайтиб, унинг эшигини тарақлатиб ёпди Келин пошшо бир чўчиб ўзига келди.

—Нима деди?

Хадича хайрон бўлиб, қўлини лабига олиб борди.

—Бу анавуларнинг иши. Улар сизнинг устингиздан тегирмон тоши юргизишган бўлса керак.

—Ким?

—Қайнизгачиларим кейин қайноғам.

Сабоҳат қизларнинг унга нисбатан олайиб қараша-ётганини сезганди. Демак, унинг устидан мағзавани ағдаришиб, яхшигина тухмат уюштиришган. Мақсад, оталарини уйлантирмаслик. Лекин менинг айбим нима? Нима учун номим қора бўлиши керак? — дея ўз-ўзига савол берди у.

Шу пайт кўча эшиқдан Ҳидоят кириб келди. У голиблардек мағрур эди. Пақирнинг ағанаб, супиргининг ерда бир аҳволда ётганига кўзи тушиб, кугилган воқеанинг юз берганини тушунди. Энди боксчилардек нақдаун бўлган рақибни яна бир уриб накаут қилмоқчи бўлди.

—Ҳа, келинпошшо! — деди у белига қўлини тираб, ковушингиз тўғирланиб қолдими, нима бало? Отам уни тўғирлаб қўйди шекилли. Хадича, нима гап?

– Ҳшанақа – деди у кўзларига ёш олиб.

– Вой, бўлмаса боринг, «ойичангизнинг» нарсаларини йиғиштиришворинг. Тагин қийналиб қолмасинлар. Нима бўлсаям ногирон. – деди Ҳидоят масхара қилиб.

– Йўқ. Мен нима гаплигини билмагунча ҳеч қасққа кетмайман – деди Сабоҳат алам билан.

– Нима гап бўларди. Отам сени «уч талоқ» қўйдими? Энди бор, ана катта кўча! – деди у бармоғи билан кўча эшигини кўрсатиб.

– Хўп, кетаман. Отангизга кўзим учиб тургани йўқ. Фақат чиқиб тушунтириб берсинлар. Мени бу ерга келтиргунларигача ялиниб-ёлвордилар. Нима, мен мол бозорида сотиладиган қўйманми?

– Кўчада ётган тешик маржонсан, билдингми! Мана мен тушунтириб бераман, сен фоҳишасан, Аввал укамни йўлдан урган экансан, энди отамниям бошини айлан-тиряпсан!

Шу пайт мехмохона эшиги очилиб, Акрамжон ака жаҳл билан чиқиб келди:

– Хой Ҳидоят, оғзингни юм!

– Вой, нега менга бақирасиз? Анавунингизга бақиринг! Кет десаям кетмай, без бўлиб турибти-ку!

Сабоҳат гап нимада эканини тушуниб етди. «Укамни йўлдан урган экансан» деган сўз унинг миясида такрор-такрор жаранглай бошлади. Демак, Анвар катта тухмат уюштирган. Уни «фоҳиша» деб атаган. Сабоҳат қўлини совуқ тер қоплаган пешонасига олиб бориб хозир пухта ўйлаб иш қилиш кераклигини тушунди. Агар индамай кетаверса «эри» уни ҳақиқатдан ҳам фоҳиша бўлгани рост, деган ўйга боради, тухмат уюштирганлар ҳаммаси чапак чалишади. «Йўқ, асло, бунга йўл қўйишга ҳаққим йўқ, унда ўзимни бадном қилган бўламан. Демак, тақдиримда яна бир синоат бор эканда. Фақат мен уни енгибгина ўзимнинг аёллик шаънимни ҳимоя қила оламан. Бўлмаса, ўлганим яхши! Акрам ака билан турмуш қуриш шарт эмас,

муҳими тухматчини фош қилиш, ўз қадр-қимматимни ҳимоя қилиш. Қисматимни нақадар аянчли кечаётгани ўз йўлига, лекин номимнинг ҳам ёмон отлиқ бўлишига йўл қўймас-лигим, бунинг учун курашишим ва тенгсиз курашувда енгишим шарт» — деди қатъий қарорга келган келинчак ўзига-ўзи. Ана шундай азми қарор билан Сабоҳат Акрамжон аканинг кўзларига тик боқиб олдига мағрур борди:

— Майли, ман сизга бошқа хотин бўлмайман, лекин мен аёлман! Менинг аёллик шаъним, ҳақ-ҳуқуқим бор, қонун бор, тухматни фош қилиб номимни оқламай қўймайман. Фарзандларингизга айтинг, энди мендан ўзларини ҳимоя қилишсин! — деди жиддий ва ичкарига кириб кетди.

— Ҳидоят! — деди ота қизига қараб, — бу сенинг ишингми?

Ҳидоят қовоғини уйиб, тумтайиб тураверди.

— Агар ҳақиқатдан бу ишлар тухмат бўлиб чиқса, мендан яхшилик кутманглар. Бор-будимни мана шу ногирон аёлга хат қилиб бераман. Уқдингми? Бор йўқол!

Бу пайт ичкаридан Сабоҳат чиқиб келди. Икки рақиб аёл тўқнаш келишди ва бир-бирларига жўжахўрозлардай хурпайиб қарашди-да, бири кўчага, иккинчиси ошхона томон кетди. Ҳамма гаплардан огоҳ бўлган Ҳадича пиқиллаб йиғлаб юборди:

— Отажон, у кишини қайтаринг. Бу гапларнинг ҳаммаси тухмат.

— Майли қизим, қўявер, уни энди қайтариб бўлмайди.

Сабоҳат ҳақиқатдан ҳам қайтмас эди. У тўғри туман судига келиб қанча сарф-харажат бўлса ҳам яхши адвокат топиб беришларини илтимос қилди. Унга туманда ўз соҳасида энг тажрибали саналган, катта-катта суд жараёнларини ютиб чиқишга эришган адвокатнинг манзилини беришди. Адвокат Жавлонбек унинг шикоятини жон қулоқ билан эшитди.

— Ҳаммаси тушунарли, — деди Жавлонбек оғир хўрсиниб, ишингизнинг унчалик муракаб жойи йўқ. ЗАГСдан ўтганмидингизлар?



– Йўқ, фақат никоҳ ўқилди, холос. Бир кун ҳам яшамадик ҳисоб.

– Бу оиладагилар билан ёки бирортаси билан илгари танишмидингиз?

– Йўқ, асло. Биз Акрамжон ака билан сиҳатгоҳда танишиб қолувдик.

– Фарзандлари борлигини билмаганмидингиз?

– Ҳа, бир марта кўргани боришувди. Умуман улар оталарининг уйланишига қарши бўлиб келишган экан.

– Сабаб?

– Билмасам.

– Сабаби мерос бўлса керак. Бу ҳақида эрингиз билан ораларингизда бирор гап бўлганмиди?

– Йўқ. Мен бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандим. Чунки мени бу нарса қизиқтирмайди.

– Лекин фарзандларини қизиқтиради. Агар қонуний никоҳга кириб олсангиз, унда эрингизнинг мулкани ярмига эгалик қилардингиз. Агар фарзанд туғилса...

– Тушунарли. – деди Сабоҳат бошини оҳиста қимирлатиб.

– Шунинг учун ҳам улар оталарининг уйланишига қаршилик қилиб келишган бўлишлари мумкин. Сиз эса ота ва фарзандлар ўртасидаги мана шу жиддий ҳолатнинг жабрдийдасига айлангансиз. Сизни орадан йўқотиш учун тўхмат уюштиришган.

– Ҳа, лекин менинг бўйнимга «Фоҳиша» деган тавқи лаънатни ҳам илиб, номимни қора қилишмоқда. Агар бундай гап-сўзсиз «кет» дейишганда кетаверардим.

– Кетмасдингиз. Чунки бесабаб инсон кучугини ҳам кўчага ҳайдамайди. Демак ёмон отлиқ қилиб, тўхмат қилиш йўли билангина сизни ҳайдашга муваффақ бўлишган.

– Жавлонбек ака, нима дейсиз, мен ютиб чиқишим мумкинми?

– «Менинг» эмас, бизнинг ютишимиз аниқ ва равшан. Мен аввало Акрамжон ака, ўша Анвар ва бошқалар билан суҳбатлашиб чиқаман. Сиз судга аризани ёзиб бераверинг.

—Лекин менинг мақсадим турмушимни тиклаш эмас, балки тухматчиларни қонуний жазолаш, ўзимнинг покиза аёл эканлигимни исботлаш, холос. Мен ўзимни ҳақоратланган, хўрланган деб ҳисоблайман.

—Худди ана шу сўзларни аризангизга ёзинг.

Адвокат Сабоҳатнинг юрагига умид учқунларини ёқиб, ҳурмат билан қузатиб кўяркан, икки кундан кейин хабар олишини тайинлади. Келинчак яна яккаю-ёлғиз шаҳардаги хайҳотдек «тўртбурчак катаги»да яшай бошлади. Лекин бу ерда унинг дардини тинглайдиган на туйнук, на олов, на кийик, на булоқ ва на балиқ бор эди. Фақат балконга чиқиб, машиналар шовқини-ю, ифлосланган ҳаводан диққинафас бўлиб, гўё занжирбанд қилингандек кун бўйи ўтирарди. У изтиробга айланган икки кунни икки йилдек сабр билан кутди.

\* \* \*

—Мен Сабоҳатнинг покиза аёл эканига ишонаман, —деди Акрамжон ака адвокат билан суҳбатда хўрсиниб оларкан. — Нимаям қила олардик, пешонамизга шу ишлар ҳам ёзилган экан-да.

—Мабодо опа ҳақ бўлиб чиқсалар, нима қилмоқчисиз?

—Узр сўрайман. Қанийди шундай бўлса...

—Унда фарзандларингиз «қора» бўлиб қолишади-ку!

—Йўқ, уларга бу бир мактаб бўларди. Инсоннинг покиза дилини вайрон қилиш қанчалар гуноҳ эканини қани энди тушуниб етишишса...

—Бўлмаса, ўғлингиз Анваржонни шу ерга чақиртирсангиз. Сизнинг гувоҳлигингизда баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Фақат сиз аралашмай ўтирсангиз.

Акрамжон ака адвокатнинг бу тутган йўлида бир иш чиқиши мумкинлигига кўзи етди. «Ишқилиб тухмат қилганини тан олармикан?» деган савол хаёлидан ўтди. Лекин ўғли ота хузурида адвокатнинг саволларига “жасорат ва матонат билан” жавоб қайтариб, ўзини жанг майдонидаги жасур аскардек тутди. Чунки мабодо “Тухмат қилувдим”

деб тан олса, отасининг олдида бербурд бўлиб қоларди. Бўлар иш бўлган, лой қолипдан кўчган. “Аяча”си уйдан кетиб бўлган. “Ўзи йўқнинг-кўзи йўқ” қабилида иш тута бошлади.

— Анваржон. Биз бу ерда учта эркак ўтирибмиз. Шунинг учун фақат тўғриси айтиверинг, ўша гаплар ростми?

Анвар “Ҳа, рост” дегандек бошини қимирлатиб кўйди.

— Бу иш қаерда бўлганди?

— Шаҳарда.

— Манзили?

— Эсимда йўқ.

— Мабодо бирга борсак, кўрсата оласизми?

Йигит қизариб ўрнидан туриб кетди:

— Нима кераги бор?

— Сиздан жиддий сўраяпман, тўғриси айтиверинг, — деди адвокат ва Анварга юзланди. — Ўйинни ўзларинг бошлаб кўйдинглар, энди охиригача етказиб кўйингларда. Опа кетган, энди у қайтиб келмоқчи эмас, ЗАГС ҳам бўлмаган экан, мулкка, меросга даъвогарлик қилолмайди. Тўғриси айтиверинг.

— Нима учун? — деб сўради Анвар тўсатдан.

— Отангиз қилган ишидан пушаймон бўлмаслиги учун, кўнгли таскин топиши учун.

— Шу холосми?

— Шу холос.

— Охунбобоев кўчаси, 12-уй, 4-квартира.

— У ерда ким яшайди?

— Бир кампир.

— Исми.

— Билмайман.

— Демак ўша ерда куйган, тўғрими?

— Шунақа.

— Яхши. Сиз опани ўша ерда кўп учратганмисиз?

— Ҳа.

— Охирги марта, тахминан қачон?

— Бир йилча бўлди.

— Ҳозир август ойи, демак ўтган йили августда.

— Нима сиз терговчимисиз?

— Йўқ, оддий адвокатман. Менинг ишим фақат адолатни тиклаш. Отангизни ҳимоя қилиш. Фақат йигит сифатида бир гапнинг тўғриси айтсангиз. Сиз ҳам у билан бўлганмисиз?

Анвар ер чизиб қолди. Пешонаси тиришди. Беихтиёр бошини қашлади, юзини кафти билан суртди.

— Шу нарсани айтишим шартми?

— Айтавер ўғлим, гап орамизда қолади. Бўлган бўлса, бўпти-да.

— Ҳа, бўлувди.

— Бўпти раҳмат. Сизни бошқа безовта қилмайман. Фақат энди судда гувоҳ сифатида шу кўрсатмангизни тасдиқлайсиз, холос.

— Суд, қанақа суд?

— Опа отахонни судга берган. Отангизни ҳимоя қиларсиз? Ёки гапларингизнинг ҳаммаси ёлғонми?

— ...

— Ёлғон бўлса отадан, опадан узр сўрашингиз ва эҳтимол улар рози бўлсалар яна қайта никоҳлатиб, ЗАГСдан ҳам ўтказиб қўйишингиз мумкин. Хўш, гапларингиз ҳаммаси тўғрилигини тасдиқлайсизми?

— Ҳа.

— Унда манави қоғозга имзо қўйинг. Бир расмиятчилик.

Анвар бироз ўйланиб қолди.

— Қўл қўй. Мен ҳам қўйиб бердим, ўғлим, — деди отаси.

— Нима дедингиз?

— Нима дердим, фоҳиша экан, ҳайдаб солдим, дедим-да. Анвар бир адвокатга, бир отасига қараб олди-да имзони шартиллатиб қўйиб ташлади.

— Бўлдими?

— Бўлди раҳмат, мен кетдим бўлмаса.

Адвокат хайр-хўш қилиб чиқиб кетди.  
— Билиб қўй, йигит сўзидан, арслон изидан қайт-майди. Бардам бўл, — деди ота ўғлига.

Суд ишлари бошланишига яқин қолди. Адвокат Жавлонбек узил-кесил ғолиб келиш ва аёлнинг ҳурмат-эътиборини тиклаш учун инкор қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар йиғишда давом эта бошлади. Бунинг учун туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи Исоқ Исломовичнинг ҳам олдига кириб чиқишга мажбур бўлди.

— Келинг адвокат дўстим. Хўш, хизмат.

— Бир арзимаган иш. Бир аёлни аввалги яшаш жойидан маълумотнома сўраб борсам, дафтарларига қараб “У ўлган, беролмаймиз” дейишяпти.

— Бўлмаса, ўлган деган ҳужжат олавермадингизми?

— Ахир у тирикда. Эргаям тегди. Эри уни ҳайдагани учун судгаям бериб улгурди-да.

— Қизиқ, ким экан у аёл?

— Султонова Сабоҳат.

— Ие, таниш-ку! Мабодо халиги ўз-ўзини ёққан аёлни айтмаяпсизми? — деб сўради бошлиқ кўзойнагини столга қўйиб.

— Ҳа-ҳа, биларкансиз-ку!

— Ахир у депутатимизнинг қизику!

— Ие, шунақами?

— Нима гап ўзи? Қани бир бошидан гапириб берингчи?

Адвокат бўлган ишларни ўз билганича айтиб берди.

— Уҳ-уҳ, — деб қўйди бошлиқ бошини силтаб, — Бу қанақа бахти қаро қиз экана? Шунча кўргуликлари камлик қилибди-да. Ишқилиб, у яна ўз жонига қасд қилмасин-да. Менга қаранг, ука. Сиз бу аёлни истайсизми, истамай-сизми химоя қилишингиз шарт. Агар ютиб чиқмасангиз у ўзини ҳақиқатдан ҳам ўлдиради. Билиб қўйинг, бунга сиз жавоб берасиз.

— Ахир мен... — деди Жавлонбек доврираб.

— Бу ҳазил эмас, катта ишга қўл урибсиз. Битта ожиза аёлга қарши бутун бошли оила турибди. Уни фақат далил-

исбот билан оқлай оласиз. Улар тўлиқ бўлмагунича судни тўхтатиб туриш керак. Бу ишни шахсан ўзим назорат қиламан. Қўлингизда аёлнинг яқин ўтмиши ҳақида расмий маълумотномани мана мен бераман. Унга суд-экспертиза хулосалари, фотосуратларниям илова қиламан.

—К-кечирасиз. Мижозим қаерда яшаган ўзи?

—Форда, ёввойи бўлиб, оёғи занжирбанд этилган ҳолатда...

—Мен чиндан сўраяпман, — деди Жавлонбек кулиб.

—Мен эса сиз билан хазиллашаётганим йўқ, — деди бошлиқ ва шкафни очиб аллақандай папкани топди-да, унинг ичидан Сабоҳатнинг ўз-ўзини ёқиб юборган пайтдаги фотосуратини олиб узатди. Адвокатнинг оғзи очилиб қолди.

—Энди Анвардан сўранг — икки йил олдин шу аёл билан бўлганмикан? Агар “Ҳа” деса унга орден берамиз.

Адвокат чиқиб кетгач, Исоқ Исломович янги гапдан хабардор қилиб қўйиш учун туман прокурори Саид Акбаровга кўнғироқ қилди.

—Ҳа, бу жуда жиддий иш, — деди прокурор ўйчан, — Отаси Акбар Солиевични бундан хабари борми?

—Йўқ, хабардор бўлмасалар керак.

—Майли, у кишига айтмай қўя қолайлик. Лекин судда кузатувчи сифатида иккаламиз ҳам иштирок этишимиз керак бўлади.

—Ҳа, албатта.

—Бу ишга маҳалла-кўйни ҳам, кенг жамиятчиликни ҳам жалб қилиш керак. Токи аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила билишсин.

—Ҳа, менимча ўз жонига қасд қилиш қонунни билмасликларидан келиб чиқаяпти. Адолат учун курашиш кераклигини, қонун устуворлигини билиб қўйишлари керак.

—Мен вилоят хотин-қизлар кенгашига ҳам кўнғироқ қилиб судда иштирок этишларини эслатиб қўяман.

—Бу жараённи матбуотда ҳам ёритиш керакмикан?

—Шошилманг, аввал ютиб олайлик.

## ТУРИНГ, СУД КЕЛЯПТИ!

Суд жараёни катта шов-шувга сабаб бўлди. Туманнинг барча фаоллари, оқсоқоллар, хотин-қизлар кенгаши раислари, мачит имом-хатиблари, фуқаролик ҳолатини қайд қилиш мудирлари ва бошқа судда қатнашиш истагини билдирувчилар сони кўпайиб кетгани учун, уни туман маданият саройида ўтказишга тўғри келди. Билмаган одам бу ерда ашаддий жиноятчининг иши кўрилмоқда, дейиши мумкин эди.

Саҳнага икки минбар қўйилди, ўртага судьялар. Орқадаги экранда далилий ҳужжатларни кўрсатиш учун кинопроектор тайёрлаб қўйилди. Гувоҳларга ҳам саҳна-нинг бир четидан жой қилинди. Бир четга эса жабрланувчи Сабоҳатни ўтказишди.

— Туринг, суд келяпти! — деган овоз жаранглади.

Бутун зал ўрнидан кўзғолди. Судья раиси бугунги суд мажлисининг сабаб моҳияти ҳақида қисқача ахборот бергач, биринчи бўлиб айбланувчи минбарига Акромжон акани таклиф қилди.

— Акромжон акага менинг фақат икки саволим бор, — деди қораловчи судьяга мурожаат қилиб.

— Марҳамат, — деди судья.

— Айтингчи, нима учун ЗАГСдан ўтмадингиз?

— Бунга хожат йўқ деб ўйладим. Ёшинг бир жойга бориб қолганидан кейин никоҳлаш етарли дебман, — деди ота.

— Агар тақдир насиб қилиб, жабрланувчи Султонова Сабоҳатхон оқланса, яъни покизалиги исботланса, сиз ЗАГСдан ўтармидингиз?

— Худо хоҳласа ўтардим, — дея жавоб берди ота иккиланмай.

— Бўлди, менда бу кишига саволим йўқ.

— Уларни никоҳлаган домлани таклиф қилинглар, — деди судья.

Саҳнага ошқовоқдан кичикроқ салла кийган ва ингичка соқол қўйган Тўйчи мулла чиқиб келди.

— Сиз нима учун уларни ЗАГСсиз никоҳладингиз? — деб сўради судья.

—Ҳа энди, илтимос қилишувди-да.

—Бугунги суд сизнинг айбингиз билан бўляпти. Чунки ЗАГСдан ўтилганида дабдурустдан ажрашишмаган бўлишарди. Уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари қонуний ҳимояга олинган бўларди. Мана шундай ноқонуний турмуш қуришлар оқибатида кўплаб оилалар шошма-шошарлик билан бузилиб кетмоқда, айниқса аёллар томонидан ўз жонига қасд қилишлар содир бўлмоқда, болалар етим қолмоқда, жамиятимизга зиён-захмат етмоқда. Бунга сизга ўхшаган пул учун имонини сотишгаям тайёр бўлган чала муллалар сабабчи. Ўртоқ котиб!

—Лаббай, ўртоқ судья.

—Баённомага ёзиб қўйинг. Бу кишининг ноқонуний никоҳ ўқиётгани учун тегишли жарима солинсин ва никоҳлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинсин. Бу нарса бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин. Марҳамат, давом этамиз.

Гувоҳ Ҳидоятхон тақлиф этилди.

Ҳидоятхон ҳам фақат ҳақиқатни сўзлаши ва ёлгон маълумот бергудек бўлса қонун олдида тегишли жавоб бериши ҳақидаги хужжатга имзо чекди.

—Ҳидоятхон, сиз Сабоҳатхонни илгари танирминдингиз?

—Ҳа, эшитгандим.

—Кимдан?

—Одамлардан.

—Одамлар нима дейишганди?

—Уни ёмон, суюқоёқ дейишганди.

Залдагилар увиллаб юборишди.

—Укангиз Анвар билан улар ўртасидаги муносабатдан хабарингиз бормиди?

—Ҳа, бир айтувди.

—Вой ўлмасам, — деб юборди залда боласи билан ўтирган Анварнинг хотини кўзлари ола-кула бўлиб.

—Нима деганди?

—Айтишим шартми?

—Шарт.



—Айтувди-да, оёғи чўлоқ бўлсаям, фоҳиша аёл экан, деб.

—Қачон?

—Икки йилча бўлди.

—Демак икки йил бурун сизга укангиз айнан шу аёл тўғрисида, у билан танишиб қолгани, фоҳиша эканлиги тўғрисида гапирган, тўғрими?

—Тўғри.

—Яна нима қўшимча қила оласиз?

—У ҳам ичаркан, чекаркан...

—Бўпти, раҳмат. Бошқа саволим йўқ.

—Мен укамга бошқа бу аёлга борма деганман, кейин ўзи бормаган...

Залдагилар бир-бирларига қараб, кулишиб шивирлаша бошладилар.

—Тинчланинглар! — деди судья болғачасини “тақ” этказиб, — Навбатдаги гувоҳ, марҳамат.

Саҳнага Саодат чиқди.

—Мен бу аёлни илгари кўрмаганман. Лекин опамнинг гапларини тўлиқ тасдиқлайман.

—Ўтиринг, навбатдаги.

—Мен ҳам шу. Сабоҳатхон опани биринчи марта отам билан бирга кўрдим.

—Ўтиринг, қани марҳамат, Анваржон.

Анвар хаяжонланар, пешонасидан ва бўйнидан тинимсиз тер оқаётгани учун ҳадеб артинаверди. У хужжатга қўл кўяркан, қўллари тинимсиз титрамоқда эди.

—Анваржон. Сиз адвокатга берган кўрсатмангизнинг тўғрилигини тасдиқлайсизми?

—...Ҳа.

—Унга бирор ўзгартиришлар киритмоқчи эмасмисиз?

—Йўқ.

—Ўртоқ адвокат. Бу кишининг кўрсатмаларини ўқиб эшиттиринг.

—Хўп бўлади. Анвар Курбоновнинг берган кўрсатмасига кўра, у Сабоҳат Султоновани икки йилдан буён

танийди. У билан шаҳардаги Охунбобоев кўчаси, 12-уй, 4-хонадонда танишган. Бу хонадонда Нозима исмли кампир истиқомат қилган...

—Илтмос, шу ерда тўхтаб туринг. Ҳозирги айтилган хонадон соҳиби ва маҳалла оқсоқоли, марҳамат, сўз сизларга.

Саҳнага бола кўтарган бир ўртаяшар аёл билан бир шляпа кийган зиёли кекса киши чиқишди.

—Мен айтиб ўтилган манзилдаги маҳалланинг ўн йилдан буён оқсоқолиман. Бу хонадонни яхши биламан. Чунки ўзим қўшни подъездда, 11-хонадонда тураман. Бу оила жуда замонавий аҳил оила. Мана бу киши Мухтасархон билан Мухторжонлар шу уйда етти йилдан буён истиқомат қилишади. Мухторжон ўқитувчи, Мухтасархон маҳалламиздаги боғчада тарбиячи. Улар жуда тарбияли одобли оила. Мен мана бу йигит айтаётган гапларни мана шу оила шаънига қилинаётган тухмат деб биламан.

—Менинг исмим Мухтасар. Бу кишига билмадим, нима учун бизнинг оилани қора қилиш керак бўлиб қолди. Аввало, бу кишини умуман танимайман. Умуман маҳалламиз бўйича бирорта ҳам қўшмачи бўлмаган. Нозима деган кампир умуман яшамаган.

—Раҳмат сизларга, бўшсизлар. Ўртоқ адвокат давом этинг.

Залдагилар шивир-шивир қила бошладилар. Судья “тинчланинглар” дегандек болғасини бир уриб қўйди. Анварнинг юзи қизариб кетди.

—Мен қўшимча қилмоқчиман. Мазкур хонадонда ҳеч қандай ёнғин ҳам қайд этилмаган ва ҳеч кимга куйгани учун тез ёрдам кўрсатилмаган. Керакли маълумотномалар бор. Анваржоннинг айтишича, Сабоҳатхон фоҳиша бўлган, спиртли ичимликлар қабул қилган ва сигарета чеккани учун ёнғин содир бўлиб, танаси куйган экан. Мана ёнғинга қарши кураш бўлими ва “тез ёрдам”дан маълумотномалар.

—Узр, Сабоҳатхон. Сиз қачон куйган эдингиз ва қайси касалхонада даволангансиз? — деб сўради судья.

Сабоҳат ўрнидан турди:

—Бир йил бурун, ўзимга, ўзим бензин қуйиб ёққанман. Кейин мени куйганлар марказига олиб кетишган. У ерда етти ой ётдим.

—Раҳмат, ўтиринг. Шу гапни тасдиқловчилар борми?

—Бор, — деди бир киши қўл кўтариб.

—Марҳамат.

—Мен куйганлар марказининг бош ҳакими бўламан ва бу кишининг гапларини тасдиқлайман. Аҳволи оғир эди. Бешкапа қишлоғидан олиб келишганди.

Шу пайт бир киши қўл кўтарди. Бу ўша футбол ўйнаётган болаларни Сабоҳатга қарши қайраган шляпали киши эди. Унга сўз беришди.

—Мен Бешкапалик Суннатов бўламан. Бу опани ўз ўзини бензин билан ёқиб юборганини ўз кўзим билан кўрганман. Бу кишини “дайди” деб ўйлаганим учун аввало узр сўрайман. Милиция ходимлари мени бу кишининг ўз ўзини ёқиб юборганига сабабчи деб шубҳага боришди. Бир ой камерада ётиб сўроқ-савол бердим. Кейин жамоат тартибини бузганим учун жарима тўладим. Узр, кийимлари жуда рўдапо эди-да...

—Раҳмат, ўтиринг.

—Кечирасиз ўртоқ судья, мен гувоҳлик берсам бўладими? — деди шу пайт туман ички ишлар бўлими бошлиғи Исҳоқ Исломович. У фуқаро кийимида эди.

—Ҳа марҳамат. Аввало ўзингизни таништиринг, чунки бу кийимда кўпчиликнинг кўзига жуда хунук кўриняпсиз, — деди судья кулиб.

Уни танийдиганлар ҳам қўшилишиб кулишиб олишди. Гувоҳ бир талай хужжатларни олиб келиб адвокат қўлига тутқазди ва унга “Проектор билан кўрсатасиз” деб қўйди.

—Мен туман ички ишлар бўлими бошлиғи Исҳоқ Исломович Мадумаров бўламан. Лекин бу ерга хизмат билан эмас, балки оддий гувоҳ сифатида келдим. Сабоҳат Султонованинг шахсини яхши биламан, чунки хизмат юзасидан бу кишининг ҳаётини кўп ўрганишга тўғри

келган. Бу киши тўрт йил давомида қидирувда бўлган. Автохалокатга учраган, деб ўйлагандик. Худога шукур, омон эканлар. Лекин аччиқ қисматга бардош бера олмай ўз-ўзларини ёқиб юборганларидан кейин, биз бу кишининг шахсини аниқлаш жараёнида унинг сабабларини ҳам аниқладик. Маълум бўлишича, бу киши Бешкапа қишлоғига Мансур исмли йигитга турмушга чиққанидан сўнг, бир ҳафта ўтгач, уни бизда наркоманлар ҳисобида турадиган Шоҳайдаров Сарвар исмли йигит Ҳисор тоғларига олиб қочиб кетган экан. Сўнгра бу кишини ёрга ёлғиз ташлаб ўзи Россияга кетиб Польша чегарасида наркотик билан қўлга олиниб, Калининград турмасига узоқ муддатга қамалган. Лекин бир йилдан сўнг турмадан қочган ва у ҳозир қидирувда.

Залдагилар хайрон қолиб увиллаб юборишди. Акромжон ака бошини чайқатганича ўтирар, Анвар эса гўё тиззасигача ерга кириб бўлганди. Гувоҳ томоғини оҳиста қириб олдида, яна сўзида давом этди.

— Бу ишлардан беҳабар бўлган Султонова Сабоҳат ўша бориб бўлмас узоқ тоғу-тошлардаги ёрда уч йил занжирбанд ҳолатда яшаб Сарварни кутган ва дараги бўлмагач, ўзи йўлга тушган. Шунинг учун у ёввойилашиб, пўстактерилардан кийим тикиб кийиб олган. Лекин уни ҳеч ким қабул қилмаган, ёрдам бермаган, аксинча, ҳамма уни масхара қилган, хўрлаб хайдаган. Шунинг учун ўз-ўзини ёқиб юборган. Мана унинг ўша кунги суратлари, кўрсатворинг, илтимос.

Экранда Сабоҳатнинг воқеа жойидаги ва касалхонадаги суратлари, экспертиза хулосалари ҳақидаги ҳужжатлар акс этди.

Ҳужжатлар бирма-бир кўрсатилди. Барча йиғилганлар танг қолишди. Анвар худди игна устида ўтиргандек безовталанар ва опаси Ҳидоятга еб қўйгудек олайиб қарарди. Акромжон ака эса хотиржам эди. Ҳидоят ўрнидан туриб чиқиб кетмоқчи бўлди, лекин уни ушлаб қолишди.

— Гувоҳга бир саволим бор, мумкинми? — деб сўради қораловчи.

– Марҳамат, – деди судья.

– Айтингчи, ўша Мансур деганингиз ҳозир қаерда? Бу кишини танирмикан?

– Мен эътироз билдираман! Бу ишга Мансурнинг алоқаси йўқ, – деди адвокат.

– Сабоҳат бир чўчиб тушди. “Қандай даҳшат. Ҳозир уни мен билан юзлаштиришса-я. Нима дейман?” – деди у ўз-ўзига фикран.

– Эътирозингиз қабул қилинади, – деди судья.

– Зарур бўлса, уни хозироқ топиб келамиз, – деди Исоқ Исломович.

– Йўқ, хожати йўқ. Ўтиринг, раҳмат, – деди судья.

Сабоҳат анчагина энгил тортди. Ҳаяжондан юраги гупиллаб урмоқда эди. Лекин Сарвар ҳақидаги гаплар уни ўйлантириб қўйганди. “Ахир у польша фуқароси бўлиб олибди-ку, наҳотки билишмаган бўлишса”. Сумкачасининг ён чўнтагини очиб кўрди. Унда Соҳибнинг бежирим ташриф қоғози турарди. “Қизиқ, у Нусратни чиндан ҳам даволармикан? Қандай қилиб? Ё бу ерда бирор бошқа мақсад бормикан?” – деб ўтар у ва негадир кўнгли нохушликни ҳис қила бошлади.

У сиҳатгоҳда дам олиб юрган кезлари газетада бир шов-шувли мақолани ўқиган ва уни дам олувчи аёллар билан муҳокама қилишган эди. Мақолада Бухоро вилоятида қўлга олинган, одамларнинг ички органларини хорихга сотиш билан шуғулланадиган бир жиноятчи ҳақида борарди. У неча-неча беморларнинг керакли органларини операция пайтида олиб қолиб, ўлдириб юборадиган доктор экан. Сабоҳат шулар ҳақида эслади-ю эти увишди. Сарвар билан охириги учрашганлари, унинг атайин қочирма қилиб айтган илтимосини эсга олди. “Ўшанда Сарвар нега мендан кўзини олиб қочди экан? Бу ерда бирор гап йўқмикан? Ким билади, у хозир нима ишлар қиляпти. Ҳе, бизнесинг қуриб кетсин сени”, – деди аёл ўзича ва негадир ташриф қоғозини олиб парча-парча қилиб ташлагиси келди.

– Яна гувоҳлик берувчилар борми? – дея сўради судья.

Сабоҳат беихтиёр оҳиста қўлини кўтарди.

– Ўз-ўзингизга гувоҳлик бермоқчимисиз?

– Йўқ, – деди Сабоҳат ва жаноб Соҳибнинг ташриф қоғозини узатди. Исоқ Исломович қоғозни у ёқ бу ёғини ағдариб кўрдида уни судьяга элтиб берди.

– Хўш. Бу ким?

– Гувоҳ.

– Ҳориж фуқароси. Соҳиб Хотамий. Польша, Россия ва Қозоғистон қўшма корхоналарнинг мененжери. Телефон, факс ва хоказо. Хўп. Бу кишини гувоҳ демоқчимисиз?

– Ҳа. Бу ўша мени ўғирлаб кетган Сарвар Шоҳайдаров бўлади.

Залдагилар ҳайратдан ўрниларидан туриб кетишди. Акромжон ака эса анграйиб қолди. “Нима, бу ануви Нусратни олиб кетган меҳмонни айтяптими?”

– Наҳотки, – деб юборди Исоқ Исломович.

Кузатувчи сифатида ўтирган прокурор Саид Акбаров ҳам хаяжондан ўрнидан туриб кетди.

– Исоқ Исломович. Унга зудлик билан кўнғироқ қилиб овозини ёзиб олиш керак.

– Ҳа, лекин бунга қачон?..

– Тинчланинглар! – деди судья болғасини “тақ” этказиб, – Асосий ишдан четлашмайлик. Ҳар ким ўз вазифасини бажараверсин. Ҳозир эса суд, уни якунлашимиз керак.

– Мен талаб қиламан: Сабоҳат Султонованинг ўзи ўша йигитга кўнғироқ қилсин. Уларнинг гапини эшитайлик, – деди қораловчи.

– Маъқул, – деди судья.

– Узр, ўртоқлар, – деди прокурор ўрнидан туриб, – Мана шу суҳбатни ҳам бир йўла ёзиб олсак. Бу жуда ҳам муҳим.

– Майли, рухсат. Диктофонларинг қаерда?

– Ҳозир олиб келишади, – деди Исоқ Исломович ва рация билан боғланди.

– Навбатчи эшитади.

—Зудлик билан жиноят қидирув бұлими бошлиғи Усмонов ёзиб олиш воситалари ва техникалари билан суд залига етиб келсин.

—Бажарилади, ўртоқ бошлиқ.

—Хўп майли, унғача, — деди судья, — биз Анвар Қурбонов билан гаплашиб турсак. Марҳамат, Жавлонбек.

Трибунага Анвар қизариб-бўзариб чиқиб келди. У терлаб-пишиб кетганди, рўмолча билан тўхтовсиз юз-кўзини, бўйинларини артмоқда эди. Жавлонбекка юзланди.

—Демак, сизнинг кўрсатмангиз бўйича икки йил бурун, яъни Сабоҳат тоғу-тошда юрганида танишгансиз, шундайми?

Залдагилар “Ув-в!” деб юборишди. Анвар миқ этмади.

—Давом этамиз. Бир йил бурун эса, яъни Сабоҳат куйганлар марказида ётганида у билан бир тўшақда бўлгансиз, тўғрими?

Анвар энди чидай олмади. Бошини қимирлатиб трибунани гўё муштлаб эзгилай бошлади.

—Йўқ. Бўлмаганман! Ҳаммаси ёлғон. Мени кечиринглар.

—Демак, сиз фуқаро Султонова Сабоҳатнинг фоҳиша эмаслиги, унинг покиза аёл эканлигини ва ўзингизнинг тўхмат қилганингизни тан оласизми?

—Ҳа. Тан оламан...

Зал жунбушга келди. “Ифлос!”, “Ярамас!” деган сўзлар айтила бошланди. Ақромжон ака бошини чангаллаб қолди. Сабоҳат унга қараб: “Ишқилиб юраклари хуруж қилиб қолмасайди” деган фикрга борди.

—Ўртоқ судья, менда бошқа савол йўқ, — деди адвокат голибона.

—Менда савол бор, мумкинми, — деди қораловчи.

—Марҳамат.

—Ўртоқ Қурбонов. Сиз хозиргина бир покиза аёлга тўхмат уюштирганингизни тан олдингиз. Бунда қандай мақсадни кўзлаган эдингиз?

—Отамни бу аёлга уйланишига қарши эдим.

—Бу туҳматни ўзингиз ўйлаб топдингизми ё сизга биров ёрдам бердимми?

—Опам, Ҳидоят...

—Ҳой ўлгур. Қачон мен сенга шунақа дедим? — деб юборди Ҳидоят шаллақилик билан.

—Жим. Сизгаям хали навбат келади, — деди судья.

Ҳидоятнинг дами ичига тушиб кетди. Шу маҳал ички ишлар ходимлари кириб келишди ва телефонга эшитувчи аппаратларини мослашди.

—Залдагилар ҳам эшитсин, — деди судья. — Сабоҳат-хон, келингчи. Фақат судда эканлигингизни айтманг, илтимос.

—Хўп бўлади, — деди Сабоҳат.

—Унга пан Соҳибнинг рақамларини териб, гўшакни беришди.

—Алё. Сарвар ака, ассалому алайкум!

—Ваалайкум.

—Мен Сабоҳатман.

—Ие, ростданми? Қаердан қўнғироқ қиляпсан?

—Почтадан.

—Яхши юрибсанми? Ўша куни сени учратиб қолиб қотиб қолдим. Мен сени қидириб, ўтган йили Жаннатғорга борувдим. Кетиб қолган экансан. Бир қабрни кўриб кўрқиб кетдим.

—Мени ўлган деб ўйладингизми?

—Қабрни очиб кўрдим, бир хайвон чиқди.

—Нима? — деб юборди Сабоҳат ҳаяжонланиб. Қўлидан гўшак тушиб кетай деди, — Нима қип қўйдингиз, ахир у мени кийигим-ку!...

—Тоғдан қандай келдинг?

—Мени Сафрёр тоҳа олиб келиб қўйдилар

—Энди ҳаммаси яхши бўлади. Мен сени Польшага олиб кетаман.

—Йўқ. Ишонмайман. Сиз менинг ҳаётимни расво қилдингиз.

—Ахир қамалиб қолдим-да.



— Ҳозир бу ерда нималар қип юрибсиз?

— Янги бизнес, одамларни ёллаяпман.

— Нусратчи, уни нима қилдингиз?

— Алло, Сабоҳат. Сен хавотир олма. Нусратни бир иложини қилиб қайтариб юборишга ҳаракат қиламан.

Акромжон ака ўрнидан даст туриб кетди. Судья унга «жим» ишорасини қилди.

— Нима? Нега? — дея ўсмоқчилаб сўради Сабоҳат.

— Бизни ишхона шунақа, концлагерга ўхшаб, қаттиқ қўриқланади. Бу ердан ҳеч ким қайтиб кетолмайди. Лекин мен сенинг илтимосингни албатта бажараман.

— Яна қанақа ишларни бошладингиз?

— Мени қамоқдан чиқариб олганлардан катта қарздорман. Уларнинг айтганини қилмасам бўлмайди-да.

— Ануви тиллаларингизни олиб кетинг. Менга керакмас.

— Бўпти. Янаги ҳафтага бораман. Ҳаммасини сенга тушунтириб бераман, хўпми?

— Хўп.

— Майли, хозирча хайр.

— Хайр...

Сабоҳат гўшакни оҳиста қўйди. Залда ҳамон жимлик ҳукмрон эди. Кимдир қарсак чалиб юборди. Қолганлар қўшилишиб Сабоҳатни ғалаба билан қутлашди.

— Яна гувоҳлик берувчилар борми? — деб сўради судья кулиб. Агар йўқ бўлса, суд маслаҳатга кириб кетади. Сўнгра ҳукм эълон қилинади.

Залда ғала-ғувур бошланди. Кимлардир жойидан кўзғалди. Суд маслаҳатчилари кенгашга кириб кетишгач, Акромжон ака оҳиста трибуна олдига келди.

— Ўртоқлар, бир дақиқага, илтимос! Мен аввало вақтларингни аямай, мана шу бугунги анжуманда иштирок этаётганларинг учун сизларга минг раҳмат демоқчиман. Суд албатта адолатли ҳукм чиқаради. Бир нарсага амин бўлдимки... — деди чуқур тин олиб, — Мен уйимда фарзанд эмас, илон ўстирган эканман. Сизларнинг гувоҳлигингизда

бир гапни очик айтиб қўймоқчиман. Арзимаган меросни деб бир покиза аёлни қора отлиқ қилишга, менинг, яъни отасининг юзига оёқ босишга қодир бўлган манави ифлос ўғлимдан кечдим!

Залга сув қуйгандек жимлик чўкди.

— Анвар, — деди у ўғлига қарата, — Сен бошқа менинг уйимга қадам боса кўрма. Ўлсам ҳам келма. Сенга ҳеч қанақа мерос ҳам йўқ! Қолган қизларимга келсак, Ҳидоят, Саодат, Шарофат, сизлар Анварнинг бошига етдинглар, мени ўғлимдан айирдинглар! Шунинг учун сизлардан рози эмасман. Сизларга ҳам ҳеч қанақа мерос йўқ! Агар уйимга келмоқчи бўлсанглар, марҳамат! Фарзанд сифатида, отангизни кўргани келишингиз мумкин. Лекин ҳар хил бўлмағур фисқи-фасод гап олиб келадиган бўлсанглар, сизларниям менга керакларинг йўқ! Сабоҳатхон. Мен кўпчилик олдида сиздан уэр сўрайман. Мен мияси айниганни кечиринг. Менга яна бир имконият беринг, илтимос. Бугуноқ ЗАГСдан ўтишга, қайтадан никоҳ ўқитишга, қолган умримни сизга бағишлашга тайёрман!..

Пиқиллаб йиғлаётган Анварнинг хотини ва отанинг қизларидан ташқари ҳамма ўрнидан туриб, қарсак чалиб юборишди. «Яшанг отахон!» «Келинни қўлдан чиқарманг!» — деган овозлар янграмоқда эди. Сабоҳат эса уялиб ер чизарди. Лекин уни бир ўй қаттиқ безовта қилмоқда эди: «Анварни бекор хафа қилишди. Нусрат ишқилиб соғ-омон қайтиб келармикан? Ифлос Сарвар. Агар у Нусратни олиб келмаса, тилласи-ю пулларини бермайман. Ҳа, айтмоқчи, ахир улар Акрамжон аканикида қолиб кетибди-ку! Энди қандай оламан?»

— Сабоҳат сиз ҳам бирор нарса денг, отахонни кечиринг энди! — деди туман хотин-қизлар кенгашининг раисаси Манзураҳон. «Кечиринг энди» деган илтимосли овозлар тутиб кетди. Сабоҳат ўрнидан туриб кўпчиликка қуллуқ қилди ва «хўп» ишорасини қилди. Яна қарсак янгради. Бу пайтда эса, суд ва маслаҳатчилари билан кириб келишди.

—Туринглар, суд келаяпти! — деган овоз жаранглади. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жим бўлди.

—Нима бало, бу ер судми ё театр саҳнасимми? Бу ерда қарсак чалинмайди — деди судья ажабланиб.

—Биз Акрамжон ака билан Сабоҳатни яраштиртиб қўйдик, — деди раиса аёл.

—Йўғе, ўн дақиқа ичида-я?! — деди судья хазил қилиб. — Унда табриклайман, — деб у ҳам қарсак чалиб юборди. Бошқалар ҳам қўшилди. — Хўп яхши, энди ҳукми эълон қиламан.

Шундан сўнг судья ҳукми эълон қилди. Аризадор Султонова Сабоҳат Акбаровнанинг аризаси инобатга олиниб, айбланувчи Қурбонов Анвар Акрамжоновични айбдор деб топилди. У тухмат қилганликда ва судга ёлғон кўрсатма берганликда айбланиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Опаси Ҳидоятга эса уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб яна ўн минимал иш ҳақи хисобида жарима солинади. Саодат ва Шарофатларга ҳам судга ёлғон кўрсатма берганликлари учун, мулла Тўйчига эса, ЗАГСсиз никоҳ ўқигани учун тегишли маъмурий жазолар белгиланди. Айбдор ва бошқалар судга этироз билдиришди. Акрамжон ака бошини чангаллаб ўтирар, судьянинг ҳар бир ҳукмидаги гапи унинг юрагига ниш каби санчилмоқда эди. Очиқ суд ниҳоясига етди. Соқчилар Анварни олиб кета бошлашди. Аёлларнинг қий-чуви, йиғи-сигиси бошланди.

—Мени кечиринг, ота! Ёшлик қилиб қўйдим, кечиринг! — дея қичқирди Анвар йиғламсираб.

Маҳалла оқсоқоли ва Эргаш исмли дўстларидан бири отанинг елкасига қўлларини қўйиб ҳамдардлик билдиришди.

—Буям бир кўргилик-да, — деди Эргаш.

—Нима бало бу? Ўғилларим бири наркоман, бири муттаҳам, қизларим эса тухматчи.

—Энди кўзлари очилади. Бировнинг тақдирини хаспўшлаб бўлмаслигини энди тушуниб етишади. Бу ёғи яхши бўлади, куйинманг — деди оқсоқол.

Сабоҳатга бир нима дейиш керак. У бечора умидвор бўлиб ўтирибди, ахир.

Акрамжон ака шундагина рўпарасида ўтирган, ҳаётининг бир қисмига айланиб қолган, лекин унинг устидан ўзининг нотўғри иш қилиб қўйганини, шундай бўлса-да, судда мардонавор енгиб чиққан «жасур» аёл Сабоҳатга кўзи тушди. У дунёдаги энг покиза ва бокира аёл эканига яна бир бор тан берди. Тақдир унинг бошига яна бир синоатни солди. Бироқ аёл бунисига ҳам бардош берди.

— Мен хозир жомеъ мачитимизнинг имомига бориб, ундан йўл сўраб уйингизга ўтиб бораман. Сиз Сабоҳатни олиб кетинг, Манзура! — дея туман хотин-қизлар кенгаши раисасини чақирди у Сабоҳатни табриклар экан. Раиса «лаббай» дея етиб келди — Сабоҳатни олиб Акрамжон аканикига боринглар. Яна маҳалладан уч-тўрт аёл бирга боринглар, хўп-ми, — деди оқсоқол.

— Хўп бўлади.

Шундай жамоатчиликнинг аралашуви билан «аразлаган келин»ни яна уйга олиб кетилди ва қайта никоҳ ўқитилиб, эртаси эрталаб ЗАГСдан ҳам ўтиб келишди.

### ЎРГИМЧАК УЯСИДА

Сабоҳат кўнғироқ қилганида жаноб Соҳиб навбатдаги кадрларни ёллаш учун Тошкент вилоятлари туманларидан бирида эди. У қаерга бормасин ўзини қочоқларга ёрдам кўрсатувчи халқаро ташкилот вакили сифатида таништирар, жойларидаги қочоқлар рўйхатини олар, ўзини қизиқтирган «ишга яроқли»ларни танлаб, улар билан мулоқотда бўларди. У қаерга бормасин одамларнинг муомалаларини тинглаган бўлиб, уларни ҳал қилиш, чораларини кўришга ваъда берар, оз-оз пул ҳам тарқатарди.

У Нусратни ҳар холда туз қадоқлаш цехига қўймади, балки уни ажратиб, маъмурий бино ичини тозаловчи, ховли ва кўчадаги гулзорни парваришловчи фаррош-боғбон вазифасига ишга тайин қилди. Нусрат учун бу иш ёқмаса-да, ҳар холда ойлик маошининг дуруст бўлгани,

офис одами сифатида бошқалардан кўра эркин юра олиши билан ажралиб турар, гўё қаттиқ режимдаги қамоқхонанинг махбусига ўхшаб кетарди. Аслида корхона жуда қаттиқ қўриқланарди. Барча бинолар ва худуд майдонларига марказлашган кузатув системаси ўрнатилган, атроф деворлари, эшикларига ташвишгоҳлар ўрнатилган ва симлардан юқори кучланишли ток ўтказиб қўйилганди. Куролланган соқчилар жуда хушёр эдилар. Улар муници-пиал ёнланган аскарлар бўлиб, уларга ҳам катта маош тайин этилган ва корхона стратегик аҳамиятга молик бўлгани, бу ердаги технология ўта махфий экани учун қаттиқ қўриқланишига кўрсатма берилганди. Бу ерга фақат махсус электрон карточкаси бўлганларнигина қўйилар, умуман киришга ҳам чиқишга ҳам карточка ишларди. Худудга ўғриликча кирувчи ва чиқувчиларни отиб ярадор қилиш ёки отиб ўлдириш ёки ичкарига олиб кириб қамаб қўйиш буюрилган эди. Албатта ичкарида ишловчи ёлланган ишчиларга бундай карточка берилмас ва уларнинг қайтиб чиқишларининг ўз-ўзидан зарурати йўқ эди.

Нусрат эса фақат тушлик қилиш ва ётоқхонагагина ичкарига кириб чиқар бу ҳақда қоровуллар бошлиғига кўрсатма берилган эди. Чунки, маъмурий бино ташқарида бўлиб у чиройли ойнаванд қилиб қурилган, бино олди майдонида яшил майса ва манзарали дарахтлар ўстирилган, Қозоғистон, Россия ва Польша байроқлари хилпираб турарди. Яшил майдонни саранжон-саришта ушлаб туриш, суғориб, қиртишлаш, офис ичкариларини тозалаш ва чиқит қоғозларни чиқариб ташлаш Нусратнинг вазифаси эди. Унга фирма белгилари туширилган махсус кийим берилган бўлиб, оқ қўлқопда энг замонавий қиртишлаш, суғориш ва тозалаш ускуналаридан фойдаланиш, уст-бошини доимо озода тутиш топширилган бўлиб, келган кетганларнинг сўроқ-саволларига ҳеч қандай жавоб қайтармаслик қаттиқ тайинланган эди. Албатта офис олдидаги чиройли кийин-

ган, галстукли соқчи ҳам, марказлашган пулът назоратчилари ҳам уни ўз назоратларига олган эдилар.

Кунлардан бир куни Соҳиб Ҳотамий жаноблари сафарга кетган чоғида унинг хонасидаги чиқит қоғозларни олгани кирган фаррош факсининг ишлаётганига кўзи тушиб қолди. Одатдагидек, унга эътибор бермайди. Лекин аллақайқандир юборилган ахборот ёзилган қоғозни аппарат ўзи йиртади. Қоғоз эса ерга тушади. Нусрат беихтиёр келган хабарни ўқийди. Унга тахминан қуйдагича ёзилган эди:

*«Жаноб менежер! Зудлик билан хорижий буюртмаларга асосан «товарларни қуйидаги давлатларга Олмаота орқали учишларини ташкилланг:*

1. Суяк, жигар, буйрак бўйича 10 нафар — Бағотага.
2. Жигар, буйрак бўйича 6 нафар — Нью-Йоркка.
3. Юрак, жигар, буйрак бўйича 4 нафар — Тел-авивга
4. Буйрак бўйича 4 киши — Варшавага.
5. Орқа мия, суяк, жигар, буйрак бўйича — Банкокга.
6. Буйрак бўйича 4 киши — Москвага.

*Жами 34 нафар*

*Уларнинг рўйхати, суратлари ва тиббий кўрик хулосаларини интернет орқали юборишингизни сўрайман. Келгуси хафтага суяк, жигар ва буйрак бўйича яна 24 нафарини тайёрланг. Ўрнига янги ишчиларни ишга ёллаб, ишловчилар сонини камайтирмасликни таъминланг.*

*Салом билан бош директор А.Кунцевич.»*

«Тавба, — деди Нусрат ўзича кулиб, бу одамларнинг томи кетганми нима бало, хатни гўшт камбинатига деб адашиб жўнатибди шекилли.» У қоғозни стол устига қўйиб кўядида ўз ишини давом эттиради, лекин эшикни ёпарқан унинг устидаги ёзувга кўзи тушиб, кўнглига бир ёмон фикр келгандай бўлади. Эшик пенгтоқида «Менежер» деган ёзув бор эди.

Орадан бир неча кун ўтди. Нусрат факс орқали келган хат ҳақида деярли унутган ҳам эди. Лекин ҳамхоналардан

икки кишини тўсатдан чақиртиришиб тиббий хулосаларга кўра бирининг жигари, бирининг буйраги оғир касал экани, шу туфайли уларни корхона ҳиссобидан даволаш учун хорижга олиб кетишлари, иш ҳақлари сақланиб туришини айтиб, қандайдир ҳужжатларга имзо қўйишганини айтиб қолишди.

— Эркин, сенинг жигаринг кўпдан бери оғрийдими ўзи? — деб сўраб қолди Каримберди исмли ҳамхоналаридан бири.

— Йўқ. Анализда шундай чиққанмиш — деди Эркин хомуш.

— Сариқ касал бўлмаганмидинг?

— Йўқ.

— Нима бало, туз таъсир қилдимикин-а?

— Тузнинг нима даҳли бор. Анави қурғурнинг таъсиридир-а, — деди Нусрат гапга аралашиб ва доза олиб туриладиган қўлига ишора қилди.

— Дўхтирлар ҳақ. Бу ердаги аппаратларни кўрдингми, энг зўрлари экан — деди Каримберди.

— Ха, майлида, пешонамиздагини кўраверамиз-да, — деди Эркин ноилож дегандек елкасини қисиб — қўшни хонадан тўрт кишининг суяги оғриқ чиққанмиш.

Нусратнинг уларга раҳми келди. «Бечора тирикчилик, бола чақамни боқаман деб одамлар хар қандай ишни ҳам қилишга тайёр. Соғлиқларини умуман ўйлашмайди. Мана бирининг буйраги, иккинчисининг жигари, учинчисининг суяги, ие, тўхта-тўхта, — дея ўйлаб қолди Нусрат ва факс хабарномасидаги ёзувлар ёдига тушди. — Бу ерда бирор гап бор шекилли. Хорижда даволантиришмасдан, шу ерда даволаса бўлмасмикан?..»

Орадан бир hafta ўтгач, дарди оғирларнинг кўп экани маълум бўлди. Ўтгиздан зиёд ишчиларни ярим тунда уйғотилиб, бошқаларнинг уйқусини безовта қилмаган холда уларни медпунктга йиғиб, йўқлама қилинди ва

билак-ларига бирма-бир яхшигина дозадан юбориб, фургон машинасига чиқара бошланди. Соҳиб Хотамий жанобларининг шахсан ўзи ҳар бир кириб келган беморни бирма-бир қабул қилиб, ичига авиабилет солинган паспортларни кўздан кечириб чиқарди. У ишлар режада-гидек кетаётганидан мамнун экани гап-сўзлари ва ишчи-ларга қилаётган хазил-мутойибаларидан шундоқ билиниб турарди.

—Эх-хе, келинг, Эркинбойака Қободиёний. Шундайми?

—Эха-ха, Қободиёнликман.

—Бу сизларда қуруғидан кўп экишадими, дейманда-а?

—Йўқ, уруғи сувда оқиб келиб, ўзи кўкариб чиқаради.

—Қаёқдан оқиб келади?

—Афғон томондан-да.

—Эха, у томондан ариқ бор денг — деди жаноб Соҳиб кулиб.

—Ҳа-да.

—Яшанг. Соғайиб кетинг. Худо хоҳласа, замонлар тинч бўлса, ўша ёқларга бир сафар қилгим бор.

—Боринг, хўжайин. Худо хоҳласа ўзим меҳмон қиламан.

—Қаерингиз оғрир экан?

—Дўхтирлар жигаринг дейишяпти.

—Ҳечқиси йўқ, тез кунда тузалиб, кўрмагандек бўлиб кетасиз.

—Раҳмат хўжайин. Лекин кўп савоб иш қиляпсиз. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Сизни дуо қилиб юрамизда.

—Раҳмат, ўтаверинг. Кейинги, келинг...

Фургон икки томондан қора мерседеслар қуршовида Олмотага қараб жўнади. Четдан қараганда гўё давлат



аҳамиятидаги юк олиб кетилаётгандек кўринарди. Бу юк аслида корхонанинг дастлабки, “махсулоти” эди.

Нусрат яна ўз юмушларига шўнғиб кетди. Ейиш-ичиш, оладиган маоши ҳақиқатан ҳам бошқаларникидан яхши эди. Айниқса наркотик дозасидан исталган маҳали илтимос қилса, дўхтирлар “йўқ” дейишмасди. Дастлабки маоши 100 долларни хотинига юборди. “Майли, бир хурсанд бўлсин”, — деб ўйлади у. Хат ҳам ёзди ва ҳаммаси жойидалиги, яратилган шароитлар кўнгилдагидек, деб айтди. Лекин конвертни очиқ холда топширилар экан. Қондаси шунақа эмиш.

Ўша кунлардан бирида Нусрат пан Соҳибнинг хонасидаги парчаланган қоғозларни қопчасига соларкан катта ёзув столи тагида ётган бир қоғозга кўзи тушиб қолди ва унга тегмаган қолда стол остидаёқ кўз югуртириб чиқди. Лекин юраги негадир нохушликни хис қилди. Хужжатда куйидаги гаплар бор эди: “Суяк, жигар, буйрак бўйича Бағота шаҳрига юборилаётганлар рўйхати”, деб сарлавха кўйилиб, унга 10 кишининг фамилияси, исми-шарифи, туғилган йили, жойи, наркотик қабул қила бошлаган йили, тавсия этилаётган органи ва ҳозирги умумий ҳолати ёзилган эди. Лекин қизиғи, жадвалнинг “ҳозирги умумий ҳолати” деган жойига ҳамма беморлар рўпарасига “соғ” деб, “тавсия этилаётган органи” деган жойига эса бир хилда илмоқ белгиси кўйиб чиқилганди. Нусрат шундагина ўша кунги факс гўшт комбинатига эмас, балки айнан шу корхонага тўғри юборилганига амин бўлди.

—Обба ифлослар-ей, бу ёқда бошқа гап борга ўхшайдику. Наҳотки булар одамларни запчасть қилиб сотишгаётган бўлса. Йўғе, ўзимам лекин жуда ваҳимачи-манда. Кўраверайликчи, қани... Агар бир гап бўлса кўённинг расмини чизаман. Кейин ануви жанобни бирор жойда тутволиб дабдаласини чиқараман. Лекин хушёр бўлишим

керак. Ҳар холда кетганларнинг қайтишини кутайинчи. Эртага тиббий кўрик бўлади. Қани, унда нима гап бўларкин? Факс хабари бўйича яна 24 нафарни тайёрлансин дейилганди. Касал деб топилганларни бирма-бир текшириб, санаб чиқаман...

\* \* \*

Янги ёлланиб келаётган ишчилар сони тобора кўпайиб борарди. Энди улар келишган ҳамоно тиббий кўриқдан ўтказишни йўлга қўйилди. Негадир яна аввал-гидек беморлар кўп чиқа бошлади. Гўё қочоқлар орасида эпидемия тарқалгандек эди.

Нусрат энди яширин ҳолда бўлаётган ишларни ўзича текшириб, таҳлил қилиб борар, ишчиларнинг суҳбатларига қулоқ тутар, иложи борича мажақлаб ташланган қоғозларни ҳам кўз югуртириб, эътиборсиз қолдирмасликни одат қилди ва кўп маълумотларга эга бўла бошлади. У шундай қилиб корхона раҳбариятининг асл мақсад-муддаоларидан воқиф бўлиб борар экан, Соҳиб Ҳотамийга нисбатан нафрати кун сайин ошиб бора бошлади. Ўзининг қандай қилиб бу “ўргимчак уяси”га тушиб қолгани, отасининг ва янги аячасини хайрихоҳлик қилганларини эслади.

“Обба ифлос хотиней, — деди у фикран арчани қиртишлаб текислар экан, — Бу ўшанинг ишимикан-а?.. Соҳиб Ҳотамийни у қаердан таниркин? Анвар билан опаларим уни йўқотиш учун бекорга жон куйдиришмагандир. Демак, у хотин жаноб Соҳибнинг одами. Уларнинг мақсади отамнинг тиллаларига эгалик қилиш. Албатта, бу ишга мен халақит қилишим мумкин. Чунки кенжа ўғилман”.

Нусрат шу зайл опаси Ҳидоятнинг “Отамнинг тиллаларига эгалик қилмоқчи. У фоҳиша, Анвар билан ҳам бўлган экан”, деган гаплари, отасининг “Борасан! Бизнинг авлодда наркоманлар бўлмаган” ва ниҳоят Сабоҳатнинг

қўчада меҳмон Соҳиб жанобларини кузатаётгандаги “Сизда бир илтимосим борда...” дея сирли қараб гапирганини эслади. Эслади-ю юрагига ғул-ғула тушди. “Демак у хотиннинг мақсади мени йўқотиш. Отамни авраб, мени бу ерга жўнаттирган. Бу ўша хотин билан жаноб Соҳибнинг режаси. Ҳаммаси равшан: Отамнинг бойликларини билиб олиб, уни туя қилишиб сўнгра отамни ҳам...” — деди Нусрат ва қўлларига мушт тугилди. “Эсимнинг борида бу ердан қочишим керак. Кечаги кўриқдан ўтганлар ичидан ўша оғир касаллар сони 24 тага яқин чиқаяпти. Демак бу ердагиларнинг ҳаммаси осонгина ўлиб кетишади. Таналари “запчасть” бўлиб сотилиб кетади. Ана шунинг учун ҳам уларни кўпроқ қочоқлар, одам қаторида бўлмай қолган бангилар қизиқтирмакда эканда. Эҳ, нега энди мен ҳам бангиликка ружу қўйдим-а. Оилам билан қандай яхши яшаётган эдик. Қаердан ҳам ўша Али бангига қўшилиб қолдим? Ана сенга кайф... Энди суягиму ичагимниям пуллаворишади. Қочиб қол, Нусрат. Сенда қочишга имконият бор. Бошқаларда шуям йўқ”.

Нусрат ана шундай ўйлар билан бўлиб, жуда камгап бўлиб қолди. Томоғидан негадир овқат ҳам ўтмас, хатто тегишли доза уколини ҳам олмай қўйди.

— Нусрат, намунча хомушсан? Ё бирор жойинг оғри-яптими? Сен ҳам бир буйрагингни текширтириб кўрсанг бўларди, — деб қолди бир куни Каримберди.

Нусрат бир сапчиб тушди.

— Нима деяпсан? Мен соппа-соғман, кўрмайпсанми?! — дея ўшқириб берди у.

— Вой-бў... Нимага бақирасан? Асабинг касал сени, бир миянгни текширтириб ол. Сениям хорижга олиб бориб даволаб келишсин.

Лекин бу гапга Нусрат ўзини тута олмади. Ҳазил тепа қилиб кроватида ётган Каримбердини чиндан ҳам ёқасидан олди-да башарасига бир мушт туширди.

— Сен ўлиб кетавер. Мен ахлоқ эмасман, билдингми!  
— дея бақирди у.

Ҳайрон бўлган ҳамхоналари уларни ажратиб қўйишди. Кимдир уни “Телба бўла бошлабди, дўхтир чақирин керак”, деди.

— Йўқ, мен телба эмасман. Яқинлашмаларинг! Ўша дўхтирларингниям ўлдираман!

— Ҳой бола, ўпкангни босиб ол. Жаноб Соҳибнинг одами бўлсанг ўзингга, билдингми, — деди бир бақувватлиги билан ажралиб турадиган Кўрғонтепалик Шодиёр исмли йигит, — Асаб масаласига келсак, бизники сеникидан баттар. Бизни йўқотадиган ҳеч нимамиз йўқ, билиб қўй.

— Ношуқур банда экан бу, — деди Каримберди иягини силаб.

Шодиёр Нусратни ёқасидан олиб баланд кўтарди.

— Сени охирги марта огоҳлантирашимиз. Агар шу қилингни яна такрорласанг, энағар, кўпчилик бўлиб уриб ўлдириб юборамиз ё бўлмаса, бу ердан хайдаттирашимиз. Қаерда турганингни унутма. Сен Қозоғистонда, чўлнинг қоқ ўртасидасан. Ҳайдаворишса очингдан ўласан, билдингми. Ҳе, банги... — деди Шодиёр ва уни силтаб кроватига ўтиргизиб қўйди.

“Чўлнинг ўртаси” дедими?” — дея фикрлай бошлади Нусрат ва Шодиёрга кўз қорачиқларини атайин юқори қилиб олайиб қараб қўйган бўлди. Лекин шу пайтдан бошлаб унинг калласи ишлай бошлаган эди: “Демак, ҳамма мени “жаноб Соҳибнинг одами” деб ўйлайди. Шу мавқедан фойдаланиб офисда ишлаб юриб, пайт пойлаб ура қочишим, қочганда ҳам бирор транспортга илашиб олишим керак”.

Шу воқеадан сўнг корхонага келиб кетадиган транспортлар, олиб келинадиган ва ташиладиган юкларни, қочиб кетишнинг турли вариантларини ўйлаб ўргана

бошлади. “Энг мухими, бир мирда бир сирда бўлиб тўсатдан ғойиб бўлиб қолмоқ керак. Бу ерда қўлга тушиб, халок бўлишинг ҳам ҳеч гапмас. Аввалига музлатиб қўйиб сўнгра майдалаб сотворишади”, — деди у хаёлан ўз-ўзига қўриқлаш тизи-мининг фаолиятини зимдан ўрганар экан.

Унинг бундай хулосага келишига содир бўлган бир воқеа сабаб бўлди. Бир ишчи бахтсиз ходиса туфайли халок бўлган эди. Уни ҳамма қабристонга олиб бориб мусулмончилик таомиллари бўйича кўмилса керак, деб кутишганди. Лекин раҳбарият уни ватанига жўнатишга қарор қилганини айтиб музхонага қўйиб қўйишди. Нусрат Москвадан келган факс хабарларининг бирида мурдани Чита шаҳридаги қайси бир клиникага жўнатишлари сўралганини ўқиб қолди.

Кейинги “юк” — 24 нафарнинг ҳам жўнатилиши аниқ ва ойнадек равшан бўлиб қолган кунлари Нусрат аввало қандай қилиб фургон ичига кириб олиш ва Олмаота аэропортидан қочиш ҳақида кўпроқ ўйлай бошлаган эди. Тўғри милицияга учрайди-да бор гапни айтиб беради ва улардан Ўзбекистон элчихонасига олиб боришни илтимос қилади. Лекин қўлга тушиб қолса-чи? “Бу ёғи паспорти ҳам, пули ҳам йўқ. Яна қандай бошқа вариантлар бор?” — дея ўз-ўзига савол берди у. “Жаноб Соҳибнинг машинасини миниб қочиш. Бу анчагина ҳақиқатга яқинроқ. Чунки хўжайин Нусратга ишонади, шофёри билан ҳам муносабатлари яхши. Кўпинча эса, сафарга жанобнинг ўзи жўнайди”.

Нусрат ана шундай “изланишлар” олиб бораётган бир маҳалда Соҳиб жанобларининг ҳам ана шу мавзуда боши қотиб юрар, қандай қилиб Нусратни қутқариш ва бу билан Сабҳатнинг илтимосини бажариш ҳақида ўйларди. “Эҳ, қани энди бу гаранг Нусрат бангининг ақли кириб ўзи қочиб кетсайди. Мен унга ахир қандай қилиб “қочиб кет” деб айта оламан. Андрей ва бошқалар менинг ёрдам

берганимни сезиб қолишса ёмон бўлади-ку. Лекин шундай уюштиришим керак-ки, Нусратнинг ўзи ҳам ҳеч нарсани сезмасин. Уйига қайтиб борволганидан кейин мен уни отасига “Тузалмас экан. Ўзи хоҳламай қочиб кетиб қолди”, деб айтаман. Шу билан бу масалага чек қўйилади. Эртага Тошкент вилоятига жўнайман. Қани энди Нусрат ўзи билиб юкдонга жойлашиб олсайди. Унга имконият яратиб бераман. Тушунса тушунар, тушунмаса қайтиб келгач бирор чорасини кўрарман...”

У шундай қилди, сафарга тайёргарлик кўраркан бир қатор уст-боши, озгина қуруқ егулик, қозоқ ва ўзбек пули, бир идишда ичимлик сувни бир сафар сумкасига солдида машинасининг юкдонига солиб қўйди. Сўнгра машинани ювиб тозалашни атайин яшил майсага сув сепаётган Нусратга топширди.

— Илтимос, машинанинг ичи, юкдонларини ҳам яхшилаб тозалаб берсангиз, сафарга жўнамоқчиман. Фақат тезроқ, — деди у Нусратга ва ташвишгоҳ тугмасини босиб машинани очдида калитни чўнтагига солиб қўйди.

Нусрат машинани тозалар экан, уни қандай қилиб тезлик билан миниб қочиш ҳақида ўйлар эди. Лекин калит йўқ, автоматли назоратчилар қараб туришибди. Унинг қўли латгада бўлса, кўзи олма тера бошлади. “Калитсиз юргизиб бўлармикан. Йўқ, бўлмайди. Бекорга уринганинг қолади, қўлга тушиб қолсам тамом, ишончдан йўқоламан”, — дея яшин тезлигида фикрлар эди у.

Шу пайт у машинанинг орқа томонини арта бошлади. Бу ердан назоратчи кўринмас, уни арча тўсиб турарди. Шу пайт капотнинг устини артаркан юкдоннинг очиқлигига аҳамият берди ва уни оҳиста очиб кўрди. Бир сумка ва одеял турар, ичи топ-тоза, бир одам бемалол сиғарди. “Мана бунимконият деса бўлади”, деди ўзича ва теварак- атрофга олазарак бўлиб қаради-да, машинанинг атрофини бир айланиб соқчиларнинг ҳолатини кўздан кечирди. Улар бир

четга ўтириб, тушлик қилишга? озирлик қилишаётган эди. Офис биносидан жаноб Соҳибнинг шарпаси кўринди. У кимлар биландир хайрлашаётган ва нималарнидир уқти-раётган эди. Нусрат “Э, бор таваккал. Бир бошга бир ўлимда”, – дедида тезлик билан юқдон ичига кириб одеялга ўраниб олди ва капотни тортиб ёпиб қўйди. Капот кулфланиб қолди. Ҳар ҳолда жаноб Соҳибнинг қўлидаги калит тутқичнинг тугмачаларидан бири қизил ёнди. У ёнидаги тугмани босиб қўйди. Машинадан сигнал овози чиқдию ўчди, яъни кулфлари очилиб “ширқ” этиб қайта ёпилди.

... Тез орада машина бепоён чўл бўйлаб физиллаб борарди. Сарвар ўзи ёқтирган музыкалардан бирини қўйиб қўйди-да, хайдовчисига кулиб қаради. Унинг кўнгли хотиржам эди...

... Нусрат эса жуда қийналиб кетди. Хавонинг етишмаслиги, қоронғу, қолаверса, машина ҳар тўхтаганида юрагини ховучлар ва одеялга янада ўралиб юргунига қадар нафасини ҳам чиқармасди. Унинг қочганини албатта дарров пайқашмайди. 3-4 соат ўтганидан сўнг маълум бўлади, сўнгра жаноб Соҳибга ҳам хабар қилишади. Бу орада божхонага ҳам яқинлашиб қолган бўлишади. Қанийди тезроқ темирйўлгача етиб ололсайди. У ёғига поездларга илашиб кетаверади. Эҳ, на пули бор, на хужжати. “Қизиқ, манави сумкада нима бор экан-а?” – дея хаёлга борди у. Сумкани очиб қўлини тиқиб кўрди. Нималар борлигини қўли билан пайпаслаб тахминан аниқлади.

“Бу ифлоснинг сафар халтаси шекилли. Ўх-хў, егулик ҳам бор экан. Манави костюми, шими, хозир чўнтагини кўрамиз: ўт ёндиргич, ие, бу пулмикан?”

Нусрат тезлик билан ўт ёндиргични ёқди ва қўлидаги бир сиқим пулга кўзи тушди. Машина қаергадир келиб тўхтади, лекин двигатели ёниқ эди. Жиринглаган овоз келарди. “ГАИ тўхтатдимикан? Э йўқ, ахир бу темир йўли

проезди-ку”, — деди у келаётган поезд овозларини ҳам сезиб ва капотни очишга бор кучи билан ҳаракат қила бошлади. Сарвар калит тутқич тугмаларидан бири қизил ёна бошлаганини пайқади ва шофёрга индамай қўя қолди-да, музикани атайин баландлатиб қўйди. Машина бир қимир-лаб қўйди. Поезд ўтиб кетиб, шлангбаум очилди. Қизил тугма ҳамон ёнмоқда эди.

— Шу ерда тўхтанг, бир шамоллаб олай, — деди у шофёрига.

У тушиб машинани орқа капотини кўздан кечириб, уни секин очиб кўрди. Юқдон бўм-бўш эди. У “тақ” этказиб ёпди ва қизил тугма ўчди...

\* \* \*

Нусрат темир йўл бўйлаб кетди. Лекин қайси тарафга кетаётган поездга чиқишни билмасди. Шунинг учун у бирор станцияга бориб олиш илинжида дуч келган юк поездларининг вагонига илашиб чиқиб олди. Ниҳоят эшалон бир кичик станцияга келиб тўхтади. У бир четга ўтиб, уст-бошини алмаштирди, сувда юзини ювиб, сочини эпқага келтирган бўлди-да, станция ходимларидан кетиш йўлини сўради. Маълум бўлишича, хозир у Чимкент тарафдан келган экан. Бу ёғига у йўлда қийинчилик сезмади, лекин олаётган керакли дозани узилиб қолгани туфайли тиришиб буришаверди. Унга ҳеч ким ёрдам беролмади. Бунинг фақат бир йўли — уйқу доридан кўпроқ ичиб чўзилиб ётиш эди. У Тошкентдан Андижон поездига ўтириб ҳамроҳ бўлган йўловчи кишига ўзининг бирон манзилини аранг айтган бўлдида, уйқу дорининг бир нечасини отиб, одеялга букчайиб ўралиб ётиб олди. Шу зайл орадан уч кун ўтгач уйига ярим тундан ўтганида кириб борди. Уйда ҳеч ким йўқ экан. Шу туфайли ховли орқали отасининг доимо эшиги очиқ турадиган меҳмонхонасига жойлашди. Уни тинимсиз қалтироқ босар ва қаттиқ уйқу



элтаётган эди. Нусратнинг келганини олапардан бошқа ҳеч ким сезмади. Ит сафардан қайтган хўжайини атрофида гирди-капалак бўлди ва у ўша тун ҳеч ҳам ётмаган меҳмонхона зинасида тунаб қолди. Хона ичида фақат улкан соат ишлаб турар ва унинг қапгири “чиқ-чиқ” бориб келар, ялтироқ қапгир қосқонидан ташқаридаги электр чироғидан тушаётган нур безовта жилваланар ва бу жилвалар ўзидан қарши тарафда, деворда осиелиқ турган Акромжон аканинг бешотар ов милтиғи стволида ҳам ғира-шира акс этар эди...

Акромжон ака барвақт уйғонди. Туни билан яхши ухлай олмади. Уни Нусратдан олаётган хавотирлик безовта қиларди. Бу безовталиқни Сабоҳат ҳам хис қилиб ётар, лекин эрига чурқ этмасди. Чунки шу кунларда жаноб Соҳиб келиши керак. У келиши биланоқ туман ички ишлар бўлими ёки прокуратурасига тезлик билан хабар беришлари керак бўлади. Бу борада эр-хотин керакли йўл-йўриқ олишган. Лекин “Қачон у малъун келаркин?” деган савол-ўй ҳар икковларининг бошида хукмрон эди.

Мўйсафиднинг барфақт уйғонишини боиси бор эди. Кеча нариги махаллада турадиган бир ошналари қазо қилганди. Сахар фотиҳага бориш керак, келди-кетдини кузатиш лозим. Шу туфайли у нонушта ҳам қилмади. Зинада ётган Нусратнинг итига кўзи тушди-ю унга эътиборини қаратмай тез чопонини елкага ташлаб кўчага отланди. Сабоҳат ювиниб тараниб эндигина чойни дамлаётган эдики, дарвозалари олдига бир машина келиб тўхтаб сигнал берди. “Вой, эрта сахардан келган ким экана?” — дея у бошига улкан рўмолини ташлади-да оқсоқланиб дарвоза эшигини очди. Не кўз билан кўрсинки, қора “мерседес” олдида Соҳиб жаноблари жилмайиб турарди. Уни аёл айнан ҳозир кутмаганди. Уйида эри йўқ. Шунинг учун аввалига довдираб қолди.

— Вой келинг...

— Салом, Сабоҳат. Нусрат келдими?

— Йўқ.

— Бўлмаса бугун кеп қолиши керак. Ўзинг яхши юрибсанми?

— Ҳа.

— Уйда ким бор?

— Хўжайиним хозир бир жойга кетувдилар. Ўлган-никига, фотиҳага... Уйда ҳеч ким йўқ эди.

— Унда бу ерда турмайлик. Меҳмонингман ахир.

— Ҳа келинг, киринг, — деди Сабоҳат ва ташқаридаги сўрига кўрпача олгани ичкарига чопди. Йўл-йўлакай милицияга қандай хабар бериш ҳақида боши қотди. Сарвар шофёрини Тошкентда қолдириб ўзи келганди. Чунки ўз шахсий ишлари бор. Сабоҳат билан ким билади, хали қанақа режалар тузишади. “Ортиқча гувоҳга на хожат?” — деб ўйга борганди у.

... Акромжон ака фотиҳа қилиб бўлгач унинг ёнига маҳалла фаоли Марайим сариқ келиб ўтирди.

— Уйингда меҳмон борми?

— Йўқ.

— Ҳозир велосипедда ўтиб келаётсам, бир қора машина турган экан.

Мўйсафиднинг юраги “шиғ” этиб кетди.

— Бу ўша! Демак келибди-да, оббо... — деди у безовталаниб.

Келганларга яна бир Қуръон тиловат қилинди. Лекин Акромжон аканинг қулоғига ҳеч нарса кирмас, нима қиларини билмас эди.

— Ўтиб кела қол, бўлмаса, — деди бу ёнида ўтирган оқсоқол.

— Нўъмон ака, сиз бўлмаса, ичкарига кириб Исоқжонга тез қўнғироқ қилсангиз. Уни хабари бор, — деди шивирлаб.

— Нимага?

— Одамларини меникига тез юборсин. Гап бор. Лекин ҳеч кимга айтманг, — деди Ақромжон ака ва фотиҳани қилибоқ ўрнидан туриб жўнади. “Мен ҳозир қайтаман”, — деди у маросимда ўтирганларга илтифот билан.

\* \* \*

Машинанинг сигнали ва итининг безовта қаттиқ аккиллаши Нусратни ҳам ўрнидан кўзготди. У кўча деразасининг пардасини очиб ким келганлигини кўрмоқчи бўлиб нигоҳ ташлади. Лекин жаноб Соҳибнинг машинасига кўзи тушди-ю, юраги така-пука бўлиб кетди. “Оббо ифлосей, қочганимни билиб ортимдан қувиб келибди-да”, — деди у ўзича ва тез бориб эшикдан чиқиб ховли томон қочмоқчи бўлди. Лекин шу пайт дарвоза эшигидан аячаси пан Соҳибни бошлаб кириб қолди. Нусрат эшикни оҳиста ёпдида, уни ичкаридан қулфлаб олди. “Отам қанийкин? Ҳозир отам ичкаридан чиқиб келиб ишқилиб “меҳмон”ни бу ерга бошлаб келиб қолмасайди... — деди у эшик тирқишидан зимдан кузатиб, — Йўқ, аячам кўрпачани сўрига солаяпти-ку. Ўх-хў, улар эски таниш эканда. Демак, мени йўқ қилиш учун булар тил бириктиришган... Қизиқ, отам нега кўринмаяптилар? Ё уни булар аллақачон...” деган нохуш ўйлар безовта қила бошлади. Сабоҳат чой олиб келди. “Меҳмон” ила “мезбон” илиқ суҳбат қура бошла-дилар. Нусратнинг ғазаби жунбушга келди: “Оббо, ифлос-ларей! Буларнинг мақсади аниқ — отамнинг тиллалари-ю, мол-мулкига эгалик қилиш. Ие, тўхта! Хадича, болаларим қаерда экан? Бу ерда бир гап борга ўхшайди-ку. Ўлдираман, бу ифлосларни!.. Оиламизни барбод қилишни сенларга кўрсатиб қўяман хали!” — деди-да, Нусрат у ёқ бу ёққа безовта юра бошлади. Кўзи отасининг бешотарига тушиб қолди. У милтиқни тезлик билан қулига олиб ўқини текшириб кўрди. Ўқсиз экан. Жавон тортмалари ва диван

тагларини титиб ўқ қидира бошлади, кўрпачаларни ағдарди. Ташқарида ити яна безовталаниб аккиллай бошлади. Бу пайтда Сабоҳат яна ичкарига кириб кетди. Нусрат ниҳоят ўқ-дори солинган халтачани топдида, милтиққа иккита ўқни жойлади. “Ҳозир икки дақиқа кутаман. Мабодо отам келмаса, уни бир бало қилишган бўлади. Демак икковини ҳам гумдон қиламан”, — деди у ва қуролни шай қилиб яна тирқишга ёпишди. Шу пайт ичкаридан Сабоҳат чиқиб келди. Унинг бир қўлида халтача ва бир қўлида қоғозга ўроғлиқ нимадир бор эди. Аёл келди-ю, қоғозга ўралганини очиб бир қанча долларни намойиш қилди, дастурхон устига эса халтачадаги тиллаларни ағдарди... Нусратнинг сабри тугаб қони жунбушга келди. У эшик калитини бураб очдида, эндигина тилла тақинчоқлардан бирини қўлига олиб кўздан кечираётган хўжайини Соҳиб жанобларини мўлжалга олиб ҳеч иккиланмай гумбирлатиб отиб ташлади. Орқа миядан ўқ еган меҳмонни боши хон тахта устига “тақ” этиб тушди ва тил тортмай ўлди. Пул-у тиллалар қонга бўялди. Сабоҳат кўрқанидан чинқириб юборди.

Тонг саҳарда отилган ўқ овози осойишта маҳалланинг ҳаловатини бузди. Кушлар безовта парвоз қилишди, итлар тинимсиз ҳурий бошлади, ўз юмушлари билан кетаётган одамлар тўхтаб қолишди. Милтиқ овози бу ерда одатий ҳол эмасди. Шошиб келаётган Акромжон ака ҳам бу овозни эшитди. Юраги бир ноҳушликни ҳис қилди. Ҳовлисининг олдида турган қора машинага кўзи тушди-ю уйи томон чопди. Аёл кишининг чинқириғи эшитилди. “Сабоҳат! Ишқилиб унга зиён етмадимикан?” — деган фикрга борди у ва дарвозадан шошилиб кириб келди. Унинг назарида жаноб Соҳиб Сабоҳатга қарата гўё ўқ узган бўлиши керак эди. Лекин кутилмаган ҳунук манзарага дуч келди: Ранги гезарган Нусрат милтиқни Сабоҳат томон ўқталиб турар, Соҳиб Ҳотамий жаноблари эса жонсиз ётарди.

Кўрқиб кетган Сабоҳат ерга тиззалаб қолди.

—Ифлос! Сен хали отамнинг мулкига эгалик қилмоқчи бўлдингми?

—Йўқ, унақа эмас.

—Сенлар тил бириктиргансанлар! Мениям, отамниям йўқ қилмоқчи бўлгансанлар! Энди ўзинг ўласан.

Сабоҳат ҳушидан кетиб йиқиляётган пайтда тўсатдан Ақромжон ака кириб келди.

—Тўхта! Отма! Милтиқни бу ёққа бер! — деб қичқирди ва у чолиб келиб ўғлининг қўлига ташланди. Милтиқ яна гумбурлади. Лекин ўқ бу сафар йўналишини ўзгартирди. Уйнинг ойналаридан бири чил-чил синди. Ота ўғлининг қўлидан қуролни тортиб олди-да хотини Сабоҳатга томон ёрдамга шошилди.

—Нима қип қўйдинг, ифлос, ҳароми! — дея қичқирди у Нусратга қараб ва нигоҳини хонтахта устида қонга беланиб ётган жасага қаратди.

Яқингинада шу киши билан мана шу дастурхон атрофида ош ейилганини эсига олди. “Қизиқ, нега Нусрат бундай қилди? Бирор гап ўтди шекилли”, — деган ўйга борди мўйсафид ва Сабоҳатнинг юзига оҳиста уриб уни ўзига келтира бошлади. Шу пайт тўсатдан дарвоза ва ховли томондан махсус қуролланган отряд аскарлари ўраб олишди.

—Қуролни ташланг! — дея қичқирди кимдир.

Ақромжон ака милтиқни ўзидан сал нарироққа итқитди. Орқа томондан икки аскар чопиб келди-да унинг қўларини орқага олиб, кишан солишди. Икки аскар эса Нусратни ушлашди.

—Ўғлимга тегманглар. Меҳмонни мен отдим! — дея қичқирди ота.

—Майли уни гувоҳ сифатида олиб кетинглар, — деди бошлиқлари, — Аёлга тез ёрдам кўрсатилсин. Воқеа жойига ҳеч ким яқин келтирилмасин!

Воқеа жойи ҳар томондан суратга ва видео тасвирга

туширила бошланди. Мўйсафидни етаклаб олиб кета бошлашди. Сабоҳат ўзига келди.

—Вой! У кишини қаерга олиб кетишяпти? Ахир ҳеч қандай гуноҳлари йўқ-ку!..

—Суриштирамиз. Ҳаммасини аниқлаймиз, — деди зобит.

\* \* \*

Акромжон аканинг уйида содир бўлган қотиллик бўйича тергов-суриштирув ишлари бошланди. Қотилликни ўз бўйнига олаётган мўйсафид ўтирган камерага шахсан Исоқ Исломовичнинг ўзи бош суқди.

—Эҳ, отажон. Нима қип қўйдингиз-а. Ахир биз уни кутаётганимиздан хабардор эдингиз-ку. Биз интерполга ҳам хабар қилиб қўйгандик. Уларга энди нима деймиз?..

Махбус чуқур хўрсиниб қўйди.

—Пешонадагини кўраверамизда..

У ўғли Нусрат ҳақида бир нима дейишдан чўчирди. Чунки катта ўғли Анвар қамалган, кенжаси ҳам қамалса одамлар нима дейди? “Ишқилиб Сабоҳат айтиб қўйма-сайди”, — деган ўй ўтди ҳаёлидан.

—Отажон, нима бўлгани ҳақида тўғриси айтмангиз бўлмайди. Унда бизни қийнаб қўясиз. Ўзингиз эслихушли одамсиз. Эл-юрт олдида обрў-эътиборингиз бор. Бизга ёрдам беринг, илтимос. Тезроқ ишни ёпайликда, бу ердан чиқиб кетинг. Ёрдам берасизми?

—Ҳа.

—Анави тиллалар, пуллар кимники?

—Меники.

—Ўғлингиз Нусратни хорижга ишга кетган дегандингиз.

—Ҳа, ёқмай қайтиб келибди.

—Қачон?

—Кеча кечқурун.

– Меҳмонни ўзингиз кутиб олдингизми?

– Йўқ. Мен маҳаллада фотиҳада эдим. Марайим сариқ бизникига меҳмон келганини айтди.

– Ҳа, менга оқсоқол кўнғироқ қилди.

– Мен илтимос қилувдим.

– Унда нега бизникиларни кутмай шошилдингиз. Ҳеч бўлмаса яралаш мумкин эдику.

– У хотинимни кўрқитиб, уйдан бойликларимни олиб чиқиб беришини талаб қилаётганди.

– Қандай қилиб? Қуроли бормиди?

– Назаримда борга ўхшади.

– Шундан кейин сиз бемалол уйингизга кириб қуролни олиб чиқдингизда, отиб ташладингиз. Шундайми?

– Ҳа...

Исоқ Исломович чуқур хўрсиниб қўйди.

– Отахон, бизни чалғитишингизни нима кераги бор. Барибир ҳаммасини бир куни аниқлаймиз. Мана ўғлингиз Анварни тухмат қилгани фош бўлди-ку. Ҳеч бўлмаса, “Аёлимни рашк қилиб отдим” денг, мен ишонай. Тушунинг, ўлган одам Польша фуқароси, аслида эса, шу ерлик Сарвар Шохайдаров. Кўп жиноятлар қилган, опаниям ўша тоққа олиб қочган. Ўзини атайин халокатга учраб ўлганга чиқарган, қидирувда бўлган. Яна нима ишлар қилган, бизга қоронғу.

– Хўп. Мен бироз ўйлаб кўрай.

– Фақат тезроқ ўйланг. Унинг ҳақиқий Польша фуқароси эмас, балки қидирувдаги жиноятчи эканлигини биз фош қилишимиз керак. Ақс холда халқаро жанжал кўтариллади. Сиз умрбод қамаласиз ёки сизни отувга ҳукм қилишга тўғри келади. Мен жиддий гапиряпман! – деди бошлиқ ва камера эшигини “қарс” этиб ёпиб чиқиб кетди. Лекин каридорга чиқиб отаси қатори одамга бундай қўпол муомалада бўлганидан хижолат чекди. Шу туфайлими ё

яна бир гапни айтиб қўйиш кўнглига келдими, ҳар холда темир эшикни қулфлаётган соқчига уни яна очишни ишора қилди.

— Узр, отахон, — деди у яна оҳиста камерага кириб, — Мен адвокат Жавлонбекка айтаман. У сиздан хабар олади. Ўзингизни ҳимоя қилмасангиз бўлмайди. Унда Сабоҳат опа яна ёлғиз қолади. Бу аёлга энди жабр қилишга ҳаққингиз йўқ!.. Хўп, бардам бўлинг.

— Раҳмат, ўғлим.

Бошлиқ энди эшикни оҳиста ёпди. Қулфнинг шириқлаган овози эшитилди. Ёлғиз қолган мўйсафид ёруғ тушиб турган панжарали туйнукка боқиб чуқур ўйга толди. “Йўқ, Нусрат қамалмаслиги керак. Ҳали ёш. Мен эса умримни ўтаб бўлдим. Сабоҳатга яхшилаб тушунтираман. Унинг жавобини бераман. Майли, қонуний ажраша қолсин. Адвокат келса шу масалани қўяман...”

Лекин адвокат Жавлонбек бу масалага қаршилиқ қилган эрса-да, Нусрат отасининг бу режасини узил-кесил барбод қилди. Гап шундаки, Нусратнинг тақдири билан қизиқиб қолган интерпол вакили подполковник Виктор Васильевични Қозоғистондаги корхона қизиқтириб қолганди. Нусрат Бангкокга юбориладиганларнинг рўйхатини ўзи билан олволган экан.

— Улар ўтган hafta жами 34 кишини турли мамлакатларга сотиб юборишди. Яна 24 кишини жўнатишга тайёрланишмоқда. Уларни қутқариш керак, — деди Нусрат.

— Ҳа, албатта. Агар фақат сен бизга бу борада ёрдам берсанггина, айбсиз эканингни исботлай оласан, холос.

— Фақат отамни чиқариб юборинглар, илтимос. У кишининг бу ишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. “Жаноб Соҳибни мен отдим” дедим-ку, ахир.

— Ота-бола ўртасидаги садоқатлилик яхши туйғу, албатта. Лекин баъзан бу умумий ишимизга ҳалақат беради.



Ахир ўзинг айтяпсан, неча-неча одамларни ҳаёти хавф остида эканку, — деди вакил ва Исоқ Исломовичга кўнғироқ қилди.

— Ўртоқ подполковник мен Виктор Васильевичман. Отахонни чиқариб юбориш керак. Биз Нусратбек билан келишиб, янги ишларни режалаштириб олдик.

— Яхши. Лекин отахон ўғлимнинг бу ишга алоқаси йўқ, майли мени жазоланглар, деб туриб оляптида.

— Унинг қотил эмаслигини исботлай оласизми?

— Ҳа, аёли Сабоҳатхоннинг кўрсатмаси, кейин ўқнинг орқа томондан отилгани.

— Менимча етарли. Отахонга шу далилларингизни айтиб, уни шу бугуноқ қўйиб юборинглар. Ўғлидан хавотир бўлмасин. У бизга ёрдам бермоқчи. Бу ерда гап жуда кўпга ўхшайди, тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ подполковник. Бажарилади!..

— Хуллас, отангиз бугун уйга қайтади, — деди вакил гўшакни қўяркан.

— Мен у киши билан кўришишим мумкинми?

— Ҳа, албатта. Бир йўла хайрлашиб ҳам оласан. Биз шу бугуноқ сен билан бирга Тошкентга жўнаймиз, у ердан эса Олмаотага. Келишдикми?

— Келишдик.

Нусратнинг айбини ўз бўйнига олгани ва озод қилингани учун Ақромжон ака ўғлини койиб берди.

— Нима қип қўйдинг?! Ахир ўзингни бадном қиласанку, ўғлим.

— Ота, ҳаммаси яхши бўлади. Мен айбсиз эканимни исботлайман. Аячамга узримни айтиб қўйинг. Мен билмай...

— Хўп ўғлим, худо сенга мададкор бўлсин. Лекин бир нарсани билиб қўй: у тиллалар меники эмас эди. Улар Сабоҳатнинг ўзиники. Меники бутунлай бошқа...

— Тушундим, ота. Соҳиб Ҳотамий жаноблари катта жиноятчи экан. Мен унинг ва шерикларининг кирдикор-

ларини фош қилишга ёрдам берадиган бўлдим. Сўнгра мени ҳам қўйиб юборишармиш.

– Илоҳим, айтганинг келсин. Ақлинг кираётгани рост бўлсин.

– Ота, мен қайтиб келиб албатта даволанмоқчиман, қийналиб кетдим.

– Албатта даволанасан. Бунинг учун мен бор будимни сарфлашга тайёрман. Қайтиб келгунигча Ғзим катта дўхтирлар билан гаплашиб қўяман.

Шу пайт уларнинг олдига Виктор Васильевич келди.

– Ҳамма гапдан хабаримиз бор. Жиноятчиларни фош қилиб қайтгач, шахсан ўзим ўғлингизга ёрдам бераман. Москвада шундай муассаса бор. У ерда жуда кўп наркоманлар шифо топиб кетишган.

– Раҳмат сизга. Анчагина кўнглимни кўтардингиз. Айтингчи, ўғлим қамалмайдими?

– Йўқ. Ўғлингиз билан фахрлансангиз арзийди. У сизни химоя қилиб кўп ҳаракат қилди. Бу унинг яхши фарзанд эканидан далолат. Мана энди бизга ҳам ёрдам қилмоқчи.

Ота-бола қучоқлашиб самимий хайрлашишди. Ақромжон ака маҳкама идорасидан чиқиб келганида, ташқарида уни Сабоҳат кутиб турарди.

– Эсон-омон қутилиб олдингизми? – деди Сабоҳат жилмайиб. Лекин лабининг бир томони тортишиб қийшайганидан хижолат чекиб, дарров қўли билан тўсиб олди.

“Бечора, бу аёл жилмайишдан ҳам махрум”, – деган ўй ўтди мўйсафиднинг кўнглидан.

– Ўзинг тузукмисан?

– Ҳа, раҳмат. Нусратбек ҳам чиқарканми?

– Ҳа, сал кейинроқ. Сенга адвокат учрашдими?

– Ҳа...

– Бирор нима дедими?

– Ҳа, “отахонни кутаркансиз” деди.

– Ахир мени умрбодга қамашмоқчи бўлишдику.

— Нима бўпти? Кутишга ўрганиб қолганман.

Мўйсафид шундай ажойиб аёли борлигидан ич-ичидан қувониб кетди. “Шунча бойликни асраб нима ҳам қилардим. Унинг ҳаммасини шу аёлнинг терисини янги-лашга, аёллигини тиклашга сарфлаганим бўлсин. Ахир унинг ҳам бахтли ҳаёт кечиришга, бошқаларга ўхшаб яшашга, чин юракдан жилмайишга ҳаққи борку. Аслида шу аёл менинг жавоҳирим, менинг бойлигим эмасми?” — деган қарорга келди.

— Сабоҳат энди ҳаммаси яхши бўлади. Оғир кунлар ортда қолди.

— Худо хоҳласа...

— Биз сен билан хорижга кетамиз.

— Вой, нега?

— Сени даволатамиз. Бор давлатимни сен учун сарфлашга тайёрман.

— Йўқ, аввало Нусратбекни даволатайлик. Давлатингиз етмаса энди менда ҳам бор. Ўша тиллалар-у пуллар менда қолди. Эгасига насиб қилмади. Чеккан азобларим ҳаққи бўлса керак.

Ақромжон ака севиниб кетди ва аёлининг елкаларини маҳкам сиқди.

— Оббо сеней. Демак бойлигимиз ҳар иккалангга ҳам етар эканда.

— Ортиб ҳам қолади.

— Ортганига тўй қиламиз. Сен яна ўз гўзаллигинга қайтиб, энди ҳақиқий келинчак бўласан. Бу ажойиб тўй бўлади!

— Э қўйсангизчи...

— Йўқ, гапим гап! Биласанми тўйни қаерда қиламиз?

— Йўқ.

— Ўша сихатгоҳда. Сен билан танишган ўша ошхонада.

Ҳамма дам олувчиларниям чақирамиз.

Сабоҳат кулиб юборди ва эрини бир туртди:

— Бўпти, фақат бир шартим бор.

— Қандай шарт экан, жоним?

— Тўйдан кейин Жаннатғорга бирга бориб, зиёрат қилиб келамиз. У ерда менинг келинлик ҳаётим, устозимнинг, қолаверса, кийик боламнинг қабри қолган. Иннайки кейин Сафарёр тоғадан ёзиб олган тиббиёт ҳақидаги ўғитлар дафтарим ғор ичида қолиб кетган. Мен ундан фойдаланиб, инсон умрини узайтириш соҳасида илмий иш олиб бормоқчиман.

— Баракалла. Истаган дорингни менинг танамда синаб кўришинг мумкин.

— Ёшариб кетсангиз-а.

— Йўқ ёшармоқчи эмасман, балки сен билан яна юз йил яшамоқчиман.

— Ўх-хў, иштахангиз зўр-ку, йигитча...

Улар жуда бахтиёр эдилар.

\* \* \*

Нусратнинг ёрдамида интерполда жиноятчиларни фош қилиш бўйича катта халқаро операцияга пухта тайёргарлик кўрилди. Улар аввало Сарварнинг машина-сидаги дипломатидан чиққан ҳужжатлар асосида гўёки янги одамларни ишга ёллагандек қилиб 30 кишидан иборат махсус отряд тузилди. Уяли алоқа билан ўз хўжайини билан сўзлашмоқчи бўлган шофёр ҳам қўлга олинди ва у махсус отрядни корхонага бошлаб олиб борадиган, пан Соҳиб жанобларини эса иши чиқиб қолиб эртага етиб келишлиги ҳақида маълум қиладиган бўлди.

Шундай қилиб 30 киши ичкаридан, қолганлар эса ташқаридан бронемашина ва вертолётлар ёрдамида корхонани ишғол қиладиган бўлдилар. Олмаота аэропортида назорат кучайтирилди. Олиб кетилган аввалги 34 нафар “бемор”ни қидирув бошланди. Уларнинг тахминий фамилиялари ва қўйилган диагнозларини Нусрат билганича айтиб берди. Бу иш янада осон кечди: Бош директор Андрей

Кунцевич ўз офисида қўлга олиниб, ёлланган ишчилар ҳақидаги барча маълумотларни компьютердан чиқариб берди.

— Андрей, агар бизга ёрдам берсангиз, сизнинг ҳам айбингизни енгиллаштириш чораларини кўрамиз.

— Албатта ёрдам бераман. Бу иш аслида менга ҳам маъқул эмасди. Лекин менинг катта қарзим борлиги учун мажбур қилишди.

— Унда Варшавадаги таъсисчиларингиз, олиб кетилган 34 нафар фуқаронинг қайси манзилда эканини зудлик билан бизга аниқлаб берасиз.

— Хўп бўлади. Айта олмайсизми, Соҳиб Хотамий ҳозир қаерда?

— Айта оламан. Сарвар Шоҳайдаров ҳалок бўлди.

Бу сафар Андрей ҳақиқатдан ҳам галвираб қолди. Ахир у била! не орзулар қилишмаганди. Энди ҳаммаси барбод бўлди. Қани энди қанот чиқарсаю, Жаннатғор томонга парвоз қилса. Дунёнинг ташвишларидан холи, одамлардан нарида Сафарёрдек ёввойи ҳаётда ёлғиз яшаса. Афсус уни ғор эмас, қоронғу ва зах камера кутмоқда. Жаннатғор эса, энди унинг тушларига киради.

Андрей принтер орқали барча сўралган маълумотларни қоғозга чиқариб бераркан, кўз олдида Сабоҳатнинг кулиб турган чеҳраси намоён бўлди. “Ҳа, мен жуда катта гуноҳ иш қилдим. Шунинг учун жазога лойиқман. Оёғимни кесишса ҳам кўзим очилмабди. Мен ўшанда польшаликларнинг таклифига кўнмай Жаннатғорга қочиб кетишим керак эди. Сўнгра пешонамга ёзилганини кўраверардим. Қамоқдан чиқай, ўлмасам албатта Ўзбекистонга бораман. Сабоҳатни топиб ундан кечирим сўрайман. Қолган умримни тоғларда ўтказаман...”

— Танишинглар, бу киши Нусратбек Ўзбекистондан, — деди терговчи компьютердан чиққан ҳужжат ва суратларни хонага кириб келган ўзбек йигитга кўрсатар экан.

— Нусратбек, — деди Андрей унга юзланиб, — Сиз мободо Сабоҳат деган аёлни танитайсизми?

— Ҳа, танийман. У киши мени ўгай онам бўладилар.

— Ҳазиллашмайасизми? — деди Андрей ҳайрон бўлиб.

— Йўқ.

— Гаплашиш ман қилинади! — деди терговчи буйрухона.

Нусрат таниган одамларининг тагига фамилия ва исмларини ёзиб берди ва ўз ишини тамомлаб, чиқиб кета бошлади.

— Яккатеракликми? — деб сўради Андрейнинг сабри чидамай.

— Ҳа. Тоғдаям яшаган.

— ...С-сабоҳатга мендан салом айтинг. Менинг исмим Андрей.

— Хўп, — деди Нусрат ва индамай чиқиб кетди.

Тақдирнинг бу ўйинидан Андрей танг қолди.

Шундай қилиб, хорижга олиб кетилганлар интерполнинг фаол саъй-ҳаракати туфайли топилди. Уларнинг баъзиларини эндигина операция қилмоқчи эканлар. Улар ва корхонадаги барча тожикистонлик қочоқлар ўз юртларига депортация қилинди. Жиноятчиларнинг деярли барчаси қўлга олинди. Корхона тугатилиб, мулки давлат хисобига мусодара қилинди. Нусрат икки ойдан сўнг уйига соғ-омон кириб келди.

— Ая, мени кечиринг. Ўшанда билмай сизга озор етказдим.

— Ҳечқиси йўқ. Муҳими бахтимизга эсон-омон келибсиз.

— Ҳа, сизга москвалик Андрей деган йигит салом айтди.

— Афти қурсин ўшани, — деди Сабоҳат бўзариб.

— Уям жиноят қилган шекилли, қамоққа олинди.

— Яхши бўпти. У шунга лойиқ эди.

...Орадан уч йил ўтди. Башанг кийинган Акромжон ака аэропортга кимнидир кутгани чиқди. Қўлида эса бир даста гул. Сабоҳат Тел-Авивдан келиши керак. Самолёт аллақачон қўнган. Ниҳоят чиқиш эшигидан Исроилдан келган йўловчилар чиқиша бошлади. Мўйсафиднинг кўзлари тўрт, ҳаяжондан юраги хапқирарди. Лекин негадир Сабоҳат кўринмасди. Унинг гўзал ва жондан азиз аёли қани экан?.. “Қизиқ, ҳамма ўтиб бўлдию” деган ўй билан хавотир бўла бошлади.

— Ҳой дадаси, — деди шу пайт орқа томондан Сабоҳат, — Нима мени танимадингизми?

Бу не бахт эдики, унинг олдида бир хурлиқо қошларини чимириб, чиройли жилмайиб турарди.

— Наҳотки бу сен?! Кўзларимга ишонмайман!

— Ишонаверинг.

— Ёшариб кетибсан, худди келинчакдек бўп қопсан.

— Вой, ростданми?

— Ҳа, тиббиётга гап йўқ.

Акромжон ака уни кучоқлаб ўпиб олди.

— Сизга яна бир янгиликим бор, — деди Сабоҳат шивирлаб.

— Нима экан?

— Фарзандимиз бўларкан.

Ота энди чидаб туролмади. Хурсандлигидан шундай хайқирдики, агар тоғлар шу ерда бўлганида эди, тошлари кулаб, дувиллаб тўкилган бўларди. Худди тоғ кийикларидай йўловчилар бир сония қотиб қолишди ва чеҳраларига майин табассум инди. Акромжон ака хотинини даст кўтариб бино олдига олиб чиқди. У жуда ҳам шод эди. Мўйсафид билан бирга Сабоҳатни кутгани ҳамроҳ бўлиб келган отаси Акбар Солиевич, синглиси Саломат ва Исоқ Исломовичлар ҳам бу муъжизадан хайратда эдилар.

— Мендаям бир янгилик бор, онаси, — деди Акромжон ака.

— Хўш-хўш, нима экан?

— Ҳозир Москвадан яна бир пассажирни кутаялмиз.

— Вой, ким экан у?

— Нусрат келади. У бутунлай тузалиб келади! — деди мўйсафид ва кўзларидан беихтиёр ёш думалаб кетди.

— Ҳой, келинни чарчатиб қўймайлик. Юринглар ресторанда бизга дастурхон интизор бўлиб турибди, — деди Исоқ Исломович уларни чалғитиш учун.

— Ёввойи келин чарчамайди, — деди Сабоҳатнинг отаси кулиб.

Шу-шу Сабоҳатни “ёввойи келин” деб аташадиган бўлишди.

### ЯНА ЎША МАРЖОН ТАБИБ

Кўп ўтмай Нусрат ҳам етиб келиб, ресторандаги даврандан ўрин олди. Лекин унинг юз-кўзидан хали тўлиқ даволаниб кетмагани яққол сезилиб турар, ранги-рўйи паст, иштахасиз, сўралган саволларга зўраки унсиз жавоб қайтариб қўярди. Ҳар ким бу ҳолатни ўзича ҳис қилган эрсда, бир-бирларига ошкора қилишга ботина олишмас, гўёки бефарқдек эдилар.

— Ота, мен жудаям чарчадим, машинада дам олиб тура қолай, — деди бир пайт Нусрат бошини беҳол кўтариб.

— Майли ўғлим, борақол, — деди Акромжон ака янги машинасининг калитини узатаркан, — тўхташ жойида, биринчи қаторда турибди. Номери ёдингдадир: «95-96».

Нусрат кетди. Сабоҳат синглизиси Саломат билан юз-қўлларини ювиб келмоқ учун аёллар хонасига боришди. Саломат опасининг бошига тушган савдолардан хабардор ва унинг хорижда даволаниб, аввалги аслига қайтганидан бениҳоят хурсанд эди. У Сабоҳатнинг жуда ҳам гўзаллашиб кетгани ва ўзининг турмуши ҳақида тинмай сўзларди. Сабоҳат ҳам мақтовлар осмонида парвоз қилаётганиданми, ўзини ойнага солиб тўймасди. «Мана ниҳоят қийинчиликлар ортда қолди. Энди ўз орзуларини амалга ошириш пайти келди. Бунга монелик қиладиган ҳеч нима қолмади. Фақат Нусрат яхши даволанмаяпти. Эрим бу ташвишдан эзилиб адои тамом бўлди. Унга ёрдам беришим керак» деган



хаёллар миясида чарх урмоқда эди.

– Ҳа, опагон намунча паришон бўлиб қолдингиз? — деб сўради Саломат чиройли кўзларини катта-катта очиб.

– Анави Нусратнинг ранги менга ёқмаяпти-да.

– Барибир бан..., касал-де. Бу дарднинг давоси йўқ дейишади-ку. Лекин одамнинг ўзига боғлиқ-де.

– Наҳотки медицина халиям бу соҳада оқсаётган бўлса...

Унинг хаёлига «лоп» этиб устози Маржон табиб келди ва бир вақтлар унга айнан шу саволни берганини эслади. «У киши ҳозир ҳаётмиқанлар? Ҳаёт бўлсалар, қаерларда эканлар?... Вой, ахир у киши «Йигит пирим»даги тош тагига менга хат ёзиб, ўзи ҳақида маълум қилиб турмоқчи эдику. Мен ҳам яшаш жойим аниқ бўлгач, бу ҳақида у кишига хабар қолдиришим керак эди... Эҳ, эсим курсин. Хотирам курсим. Ҳалиям кеч эмасдир. Ҳозир жўнаб кетсак, эртагаминдин у ерда зиёрат қилиб келишни эримдан илтимос қиламан».

Аёллар ўтирган даврага яқинлашиб келишар экан, Саломат тўсатдан бир фикрни айтиб қолди:

– Опагон, мен бир табиб чиққанини эшитувдим. У ҳар қанақа касални даволаётганмиш, ўзи тоғу-тошларда юрармиш...

– Хўш-хўш?!

– Нимаиди?

– Гапиравер. Ким экан у?

– Қаёқдан билай. Эрим айтувди. Бир сил касал бўлиб қолган ўртоғини ўша табибга олиб борган экан. Уни духтирлар «Бўлмаиди. Олиб кетинглар» деган экан. Ўша табиб ҳақида хабар топиб олиб борганди-да.

Сабоҳат сингисининг елкаларидан маҳкам ушлади.

– Кейинчи, натижаси нима бўпти?

– Яхши бўп кетибди... Ҳозир яхши юрибди, — деди Саломат опасининг бунчалик қизиқиб қолганидан хайрон қолиб.

– Ўша табибнинг исми нима экан?

– Исмими? Ҳалиги, нимаиди? Қанақадир донмиди,

ё тақинчоқмиди, ёдимда йўқ.

— Мош табибми?

— Э йўқ, у тошкентлик-ку.

— Маржон табибми?

— Ҳа-ха, шунақа эди шекилли, — деди қиз севиниб.

— Вой, сингилжон нималар деяпсан?! Ахир у менинг устозим-ку!...

— Вой, қанақасига?

— У киши мени тоғдан олиб келиб қўйганди.

— Қачон?

— Ўша, ўзимни ёқмасдан аввал. Айтчи анави эрингнинг ўртоғини у қачон даволатганди?

— Олти ойча бўлди.

Сабоҳат хурсанд бўлиб кетди:

— Демак, у киши ҳаёт. Одамларни даволамоқда. Маржон табибни зудлик билан топишимиз керак. У Нусратни ҳам даволай олади. У киши менинг тиббиёт ва табобат соҳасидаги устозим бўладилар.

— Илгари бунақа устозинг борлигини айтмаган эдингку, қизим? — деди отаси ҳам хайрон бўлиб.

— Сизга халиги ёрда бир умр яшаган мўйсафид ҳақида, кейин у киши мени олиб келиб қўйганини айтган эдим-ку.

— Ҳалиги Сафарёр деганингми?

— Ҳа, у киши табиб эди. Ҳозир тоғу-тошларда табиблик қилиб анча машҳур бўлиб кетганмиш.

— Ҳа тўғри. Маржон табиб ўша бўлса, у ҳақида мен ҳам эшитганман, — деди Ақромжон ака.

— Вой, ростданми?

— Лекин уни жуда қари, мўйсафид эмас, хали тетик, бақувват дейишади-ку.

— У киши инсон умрини узайтириш, қариликнинг олдини олиш бўйича иш олиб бориб, яратган дориларини ўз танасида синаб кўрмоқчи эдилар. Менга ҳам мана шу мавзуда тадқиқот олиб боришга кўрсатма берувдилар.

— Ёрдаги бир ёввойи одам-а? — деб сўради эри ажабланиб.

—У киши шўро ҳукуматининг қатағонидан қочиб, ўша томонларга бориб қолган эканлар. Ўзлари урушгача аспирант бўлган эканлар.

—Э-ҳа, шунақми?

—Дунёнинг ишлари қизиқ-да. Тақдирни қаранглар. Демак Сабоҳатни тоққа олиб кетишмаганида, у табибни ким ҳам танирди? Мана, у кишини машҳур деяписизлар, — деди Исоқ Исломович.

—Сен ҳам устозингдан анча-мунча ўргангандирсан? — деб сўради Акрам Солиевич.

—Ҳа, албатта, — деди Сабоҳат чиройли қошларини чимириб.

—Бўлмаса, устозинг айтган йўлдан бориб, ўз соҳанг бўйича ишлашинг керакка ўхшайди. Тошкентга кўчиб келавринглар.

—Э йўғ-е, ўзимиздаям иш кўпку, — деди Акромжон ака кулиб. — Лекин бир нарсага тушунмаяпман. Нега энди зудлик билан ўша табибни топиш керак бўлиб қолди?

—Нусрат учун. Уни устозимга кўрсатишимиз керак.

Акромжон аканинг қўлидан қошиқ “тақ” этиб тушиб кетди. У негадир номаълум ёввойи табибни хотини билан учрашишларини истамаётганди. Уни тушунса бўларди. Эҳтимол рашк қила бошлагандир. Лекин Сабоҳатнинг сўнги гапидан кейин хаёлига келган машъум фикрдан ўзи уялиб кетди.

—У киши хозир неча ёшдалар?

—Саксон бешлар атрофида. “Йигит пирим”даги бир тошнинг тагига ўзлари ҳақидаги хабарни қолдириб кетмоқчи эдилар. Менинг эса ёдимдан бутунлай кўтарилган экан.

—Бўлмаса тўғри ўша ёққа борамиз, — деди Акромжон ака.

—Зиёратгоҳ қоровули у кишини таниса керак. Мен Сўхлик ҳамкасблар билан боғланаман. Ёрдам беришади. Уни албатта топамиз, — деди Исоқ Исломович, — Шунинг учун, яхши ниятлар учун, рухсат берсанглар, мана шу қалаҳни оламан.

Кўп ўтмай Акромжон аканинг янги “Волга”си давон сари йўл солди. Акром Солиевич пойтахтда қолди ва уларга омадлар тилади. Ниҳоят “Йигит пирим”га ҳам етиб келишди. Нусрат аячасининг илтимосига кўра булоқнинг у томонига ўтиб тошларнинг тагини титкилади. У ерда ҳақиқатан ҳам целлофанга ўроғлиқ бир хат чиқди. Унда шундай ёзилган экан: “Салом, Сабоҳат қизим! Ўша сен кетгандан кейин менинг халоватим йўқ. Сендан минг хавотир бўлиб, ватанимга қайтиб кета олмадим. Чунки “Аниқ бирор жойим йўқ” дегандинг. Сени қаердан ва кимдан сўраб-суриштиришни ҳам билмадим. Шунинг учун сендан хабар кутиб шу депарада табиблик қилиб юрибман. Бу ерга ҳар уч ойда келаман. Беморларим ҳам мени кутиб туришади. Фарғона водийси атрофида зиёратгоҳлар, ҳар хил ажойиб ғорлар кўп экан. Мен уларни йил давомида уч ойда айланиб келмоқдаман. Водий одамлари бошқача. Сен уларнинг бири эканингдан ва яхши шогирдим борлигидан ғурурланаман. Илтимос, ўз ҳақингда хабар қил. Омон бўл, хайр!”

Хатга “Маржон-табиб” деб имзо қўйилиб, унда уч йил аввалги кун ҳам қайд қилинган эди.

Акромжон ака ҳам хатни ўқиб алланечук бўлиб кетди.

— Нега бу киши ҳақида менга аввалроқ айтмадингиз-а?

— Ҳа, бу жуда қизиқ, — деди Исоқ Исломович ҳам хат билан танишар экан.

Шундан сўнг зиёратгоҳ қоровулидан табиб ҳақида суриштиришди. Қоровул табибнинг ҳар уч ойда бу ерга келиб туришини, беморлар ёки бирор маслаҳат олмоқчи бўлганлар уни умид билан ҳафталаб кутишларини, лекин табиб одамларни ҳеч қачон хафа қилмагани, пул ҳам олмаслиги, балки айтилган пайтда келиб, ташхис қўйган беморлар учун атайин гиёҳ-дори тайёрлаб келишини, ҳар бир беморга нима дегани ёдида туриши ва буюрган муолажааларининг натижасини сўраб-суриштиришни, одамлар ундан яхши шифо топаётганини сўзлаб берди.

— Ҳар вақт кетаётганида сизни сўрайди, — деди у Сабоҳатга. — Ёки сиз ҳақингизда бирор гап эшитган-эшитмаганимга қизиқади. Илоҳим бор бўлинг. У киши

айтганларича бор экансиз: жуда чиройли, бахтли аёл экансиз. Кўз тегмасин.

— Раҳмат. Ҳозир устозим қаерда бўлиши мумкин, айтолмайсизми?

— Бир хафта бурун у Хадарконга кетган эди. Ундан кейин Чимёнга ўтади. У ерда “Бешпанжа” деган сўлим булоқ бор. Ўша ерда уч кун бўлади-да, сўнгра Водилда икки кун бўлиб, Шохимардонга сафар қилади. “Ёрдон азиз”ни яхши кўради. У ерда бир хафта-ўн кун қолади. Ундан кейин Абшир ота, Новқат зиёратгоҳларига қараб кетади. У ёғини билмайман. Менимча Ўш, Жалолобод, Ола Буқа, бу ёғи Чотқол, Ашт, Исфара қилиб яна уч ойда шу ерда бўладилар.

— Кимни суриштиряпсизлар? Уйга кетмайсизларми? — деб қолди шу пайт Нусрат.

— Атайин келибсизлар, қозонга озгина жаз ташлаб, бир чўқим ош дамлаб, яхши ниятлар қилиб кетмасангизлар бўлмас. Бу ер азиз авлиёлар ўтган жой, — деди қоровул.

— Ҳай майли, юринглар чўнғаранинг девзирасида дўппидай ош дамлаймиз. Қахрамонимизнинг изини топдик. Энди ўзини топишни режалаштирамиз. Уйимизга шу бугун етиб олсак бўлганида, — деди Исоқ Исломович.

Қоровул уларни булоқ бўйидаги сўлим сўрилардан бирига бошлади.

— Сабоҳат Акбаровна, мен устозингизни, худо хоҳласа, эртагаёқ топаман, — деди милиция бошлиғи сўрига жойлашаркан.

— Йўғ-е. У кишини кўрқитиб юборманг тағин, — деди Сабоҳат кулиб.

— Мана кўрасиз, бутун вилоятнинг шахсий таркибини оёққа турғазаман. Агар у бизнинг республика худудида бўлсаёқ топилади.

Масаллиқлари тайёр экан, кўп ўтмай ошни сузиб келишди. Сўнгра ўтганлар руҳига, қолганлар бахт-саодати йўлида Куръон тиловат қилиб, зиёратгоҳга яхши ният билан эҳсонлар бериб, улар уйлари томон жўнаб кетишди.

Ақромжон ака бу ишни ортга суришни истамади. Эртаси Сабоҳат, Нусрат билан Чимён қишлоғи сари йўл олишди. Табибни сўраб-суриштиришди. Булоқ чойхона-чиси уни бугун эрталаб Водил томон оқ хақирини миниб кетганини айтди.

Улар зудлик билан табиб изидан равона бўлишди. Халмиён қишлоғига етар-етмас йўл четида хақир минган кишининг кетиб бораётганини кўришди. “Тўхтатинг!” — дея қичқирди Сабоҳат хаяжон билан. Машина йўловчини ўзиб ўтиб, тўхтади. Бироқ Сабоҳатнинг кўз ўнгида бутунлай бошқа киши пайдо бўлди. Унинг деярли оқ аралашмаган соч-соқоллари чиройли қиртишланган, эгнига чиройли чакмон ва уйғурча қалпоқ кийиб олган, хақирининг айилига янги гиламча ташланган бўлиб, эшакнинг пешонасида попуқлари ҳам бор эди. Ақромжон ака тавозе ила йўловчига салом берди.

— Воалайкум... — деди у машина эгасига синчков назар ташларкан тўхтамоқ пайида бўлди.

— Тоғажон, кечирасиз, — деди Сабоҳат хайрон бўлиб,  
— Биз бир табибни қидираётгандик...

— Қайси табибни?

— Маржон табибни.

— У кишида нима ишларингиз бор? — деди мўйсафид жиддий.

— У киши мени устозим бўладилар.

Йўловчи хақирнинг юганини тортиб тўхтади ва оппоқ тишларини кўрсатиб чиройли табассум қилди.

— Сабоҳат! Сенмисан, қизим — деди у тўсатдан.

Сабоҳат нима деярини билмай анграйиб қолди. Унинг рўпарасида соч-соқоллари тўзғиган, пўстакдан уст-бош кийган, тишлари сарғайиб, тўкилиб кетган устози Сафарёр эмас, балки ёш жиҳатидан эридан қолишмайдиган, юз-кўзидан нур ёғилиб турадиган, мовий кўзли, истарали бир бегона киши турарди.

— Сиз кимсиз? Танимадим, — деди Сабоҳат.

Номаълум киши бошидан қалпоқни ечди. Шу он чаккасидан тасбех ўтказилган икки жуфт кокиллари “лоп”

этиб осилиб тушди. Ўзи эса хачирдан чаққонлик билан тушиб келди.

— Устоз! Наҳотки, бу сиз? Кўзларимга ишонмайман, — деди аёл хаяжон билан.

— Ҳа, бу ман. “Ёшлик эликсирим” иш берди. Сен туфайли ҳаётга қайтдим. Энди одамларга керак эканлигимни ҳис қилиб, завқланиб яшаяпман. Фақат бир хавотирлигим сен эдинг. Худога шукур соғ-омон экансан! Ҳамон ўша келинчакдек гузалсан.

Бу гапларни эшитаётган Ақромжон аканинг кўнглини яна гашлик қоплади. “Саксон бешга кирган мўйсафид эмиш. Ахир жуда ёш экан-ку...” Наҳотки хотиним шу одам билан горда уч йил бирга яшаган бўлса...

— У киши ким, отангми? — деб сўради Сафарёр рулдаги Ақромжонакани кўрсатиб.

— Йўғ-е, хўжайиним. Юринг таништирай, хой дадаси! Нусратжон, тушинглар устозимни топдим.

Ақромжон ака мўйсафид билан истамайроқ саломлашди.

— Юрагингиз тез ураяпти, асабингиз яхши эмас — деди табиб унинг қўлини қўйиб юбормай, маҳкам сиқиб.

— Тўғри топдингиз, — деди Ақромжон ака ноилож табассум қилиб.

Лекин у Нусрат билан ҳам қўл олиб сурашар экан, бир оз жим қолди. Унинг кўзларини очиб кўрди.

— Бу киши бизнинг ўғлимиз, Нусратжон.

— Яхши. Нусратжонда озгина дард бор экан. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади.

Ақромжон аканинг юраги “шувв” этиб кетди. Наҳотки сезган бўлса, лекин кучли табибга ўхшайди. “Мен бўлсам ундан хотинимни рашк қилиб ўтирибман” деган Ҳайлар кечди унинг хаёлидан.

— Уйга борайлик, меҳмон бўлинг. Сабоҳат сиз тўғрингизда гапиравериб эси кетди. — деди унинг ниҳоят чеҳраси ёришиб.

— Ҳа-ха, бизникига юра қолинг — деди Сабоҳат ҳам севиниб.

– Йўқ, раҳмат. Мижозларим кутиб қолишади. Лекин менинг сизларга бошқа таклифим бор.

– Вой, майли...

– Майлими, биз эринг билан бир оғиз... – деди табиб Ақромжон акани бир четга тортиб.

– Вой, бемалол.

Нусрат ҳам тавозе билан машинага бориб ўтирди.

– Ўғлингизнинг бир оз дарди бор экан, – деди табиб “Ҳаммаси тушунарли” дегандек.

– Шунинг учун маслаҳатингизга муштоқ эдик-да.

– Даволаш мумкин. Фақат бир шарт билан.

– Қанақа шарт?

– Ўғлингизни камида бир йилга менга шогирдликка берасиз.

Ақромжонака кутилмаган бу таклифдан танг қолди.

– Уни фақат вақт даволайди. Табиат қўйнида, тоғутошда, менинг назоратим остидагина даволанади. Ўйлаб кўринглар. Лекин бундай таклифни шу маҳалгача ҳеч қайси беморга қилмаганман. Сизлар эса мен учун бегона эмассизлар.

Ақромжон аканинг кўзларига ёш келди ва табибни беихтиёр қучиб олди.

– Раҳмат, сизга. Сабоҳат айтганича бор экан. Энди мени ҳам ўз уқангиз деб билинг.

– Укам эмас, куёвим – деди Сафарёр кулиб.

Улар кулишиб олишди.

– Бўлмаса бундай. Мен келаси ҳафта сизларни Ёрдонда кутаман. Бирга дам оламиз, гурунг қурамиз. Мабодо таклифимга рози бўлсангизлар, Нусратжон, сафар халтаси билан келаверсин. Унгаям бирор эшак топилиб қолар.

Улар самимий хайрлашдилар. Маржон табиб хачирининг жиловини тортида, яна йўлида давом этди. У шундай мамнун эдики, бехтиёр қандайдир қўшиқни хиргойи қилар, эшак тўёқларининг “тақ-туқи” эса, унинг завқига ва қўшиғига монанд оҳанг бахш этарди. Дилкаш нигоҳига олам янада гўзалроқ, янада мунавварроқ кўринмоқда эди.

## II ҚИСМ ТУГАДИ

*Фаргона-Тошкент,  
2007-2008 йиллар.*



## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА ЎРНИДА.....	3
<b>I ҚИСМ. ОРЗУДАГИ ЖАННАТҒОР</b>	
ЎЗИНИ ЁҚҚАН АЁЛ.....	5
ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИДА.....	13
ТУНЛАРДАН БИР ТУН ЭДИ.....	18
ФОНАТНИНГ ТУҚИЛИШИ.....	20
ОҚЛИҚ БЕРИЛАДИГАН КУН.....	40
КИМГА АЗА, КИМГА ТЎЙ?.....	54
СЕПСИЗ КЕЛИН.....	60
ОРЗУДАГИ ЖАННАТҒОР САРИ.....	67
КЕЛИНЧАКНИНГ ЎҒИРЛАНИШИ.....	90
ИЖРО ЭТИЛГАН РОЛ.....	93
ИШКАЛЛИ ЙЎЛ.....	101
ЖАННАТДАГИ УЧРАШУВ.....	116
<b>II ҚИСМ. МАРЖОН ТАБИБ</b>	
ЗАНЖИРБАНД “МАЛИКА”.....	134
ТЕМИР ПАНЖАРАДАГИ “ШАҲЗОДА”.....	143
ЁВВОЙИ ТАБИБА.....	148
ЯНГИ РЕЖАЛАР САРИ.....	154
ЯШАШГА ИШТИЁҚ.....	167
ТОҒЛАРДА БАҲОР.....	176
ВАТАНГА ҚАЙТИШ.....	190
МАРЖОН ТАБИБ.....	197
КУТИЛАЁТГАН “ХАВФ”.....	218
ФАРЗАНДЛАР “ИСЕНИ”.....	237
ТУРИНГ, СУД КЕЛАЯПТИ.....	249
ЎРГИМЧАК УЯСИДА.....	262
ЯНА ЁША МАРЖОН ТАБИБ.....	290

**НАБИЖОН ҲОШИМОВ**

## **ЁВВОЙИ КЕЛИН**

(Детектив саргузашт роман)  
Адабий-бадий оммабоп нашр

Муҳаррир: **П.М.Султонов**  
Бадий муҳаррир: **М.Султонов**  
Мусахҳиҳ: **И.Кузиев**  
Тех.муҳаррир: **Ш.Бердиев**  
Дизайнер: **А.Курамшин**  
Оператор: **А.Адильов**

Босишга рухсат этилди 02.05.2008 йил. Ҳажми 18,5  
б.т. Қоғоз бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ . Times Uz гарнитураси. Кегель  
11. Адади 2000 нусха. Буюртма №55. Баҳоси келишилган  
нархда.

«Lider-Press» нашриёти, 100052,  
Тошкент, Оққўрғон кўчаси, 2-уй.

*Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти тасарруфидоги*  
*«Дизайн-принт» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида*  
*офсет усулида чоп этилди.*  
*100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси 22-уй.*  
*E-mail: [dizayn\\_printpro@mail.ru](mailto:dizayn_printpro@mail.ru)*  
*Тел/факс 8 (371) 255-34-28*